




# ХУҚУҚШУНОСЛИК



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**З.Исломов, М.Мирҳамидов**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК**

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта  
кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш бўйича Республика  
мувофиқлаштириш комиссияси томонидан бакалаврлар учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

Абдулла Қодирий номидаги  
халқ мероси нашриёти.

Тошкент – 2002

*З.Исломов, М.Мирхамидов.*

**Хуқуқшунослик.** Ўқув қўлланма. Т. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. "ЎАЖБНТ" маркази, 2002. - 239 бет.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, сиёсий, ҳукуқий, маданий-маънавий, таълим-тарбиявий ислоҳотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш, барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мавжуд бўлган қатор долзарб ҳукуқий муаммоларнинг ҳал этилишини ўрганиш, билиш ва унга риоя қилиш ҳозирги талабаларни, ўкувчиларни, тингловчиларни Ватан олдидаги бурчи билан бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ўқув қўлланмадан кўзланган асосий мақсад ёшларимизни ҳукуқий билимларини тўлдириш, уларни ҳукуқий давлатда, ҳуқуқ устуворлиги шароитида фаол ҳаёт кечиришга ўргатишидир. Кўлланма ҳозирги кун давлат-ҳукуқий маданияти талабларини инобатга олган ҳолда тайёрланди. Давлат ва ҳуқуқ назариясини талқин этишда янги ғоялар нуқтаи назари қамраб олинган. Ўзбекистонда шаклланаётган демократик давлатчилик ва ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ифодасини топган.

Ўқув қўлланма ноюридик ўқув юртлари талабаларига, мутахассисларига, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тизими билан қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

О.Т.Ҳусанов – юридик фанлари доктори, профессор

**Тақризчи:**

М.М.Файзиев – юридик фанлари доктори, профессор

© Абдулло Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти

Мазкур китобнинг оригинал-макети «ЎАЖБНТ» Марказининг мулки бу тиб. Марказнинг розилигисиз уни ҳар қандай йўл билан қайта нашр этиш тақиқланади

## КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, ўзбек қонунчилиги соҳасида, ҳуқуқ, давлат атамаларини тушуниш, унинг моҳияти ва мазмунини англашда янгича ёндашувлар пайдо бўлди. Умуман, жамият ҳаётини ўрганиш, билиш ва уларни такомиллаштиришда ҳуқуқшунослик фани бекиёс катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар мустаҳкам ҳуқуқий заминга таянган ва қатъий равишда давлат томонидан таъминлаш механизмига эга бўлган тақдирдагина самарали бўлиши талаб этмайдиган аксиомадир. «Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, - дейди И.А.Каримов, - ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ўзбек ҳуқуқшунослиги меъсрлари мазмунини белгилаб берувчи ҳуқуқий тартибга солишининг муҳим тамойиллари билан таништириш, тақдим этилаётган қўлланманинг асосини ташкил этади. Унинг асосий мақсади — ҳуқуқий кўрсатма (йўл-йўрик)ларнинг умумий ижтимоий йўналтирилганлиги ҳақида тушунча бериш, ўқувчиларга қонунчилик тизимини тўғри англаб стиш, уларнинг юридик мазмунини ижтимоий ҳаётдаги реал ҳодиса-воқеалар билан таққослай олиш қобилиятини сингдиришдан иборат. Маълумки, бундай қобилиятга эга бўлмай туриб, ҳуқуқий тафаккурнинг энг оддий кўникмаларини ҳам ҳосил қилиш мумкин эмас.

Меъёрий манбалар — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидағи кодекс, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси ва

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 192-бет.

бошқалар устида иш олиб бориш — қўйилган мақсадга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Кўлланмага киритилган материаллар талабаларни муайян ҳукуқий муаммоларни ўрганишда янгича ёндашувларни эгаллашга йўналтирилади. Унинг бўлимларини тайёрлашда Ўзбекистонда ва умуман дунёда ижтимоий-ҳукуқий тараққиётнинг ҳозирги замон тенденциялари ҳисобга олинди.

Ўқув кўлланмадан кўзланган асосий мақсад И. Каримов айтганларидек: «Эндиғи энг долзарб вазифамиз — бу жараёнларнинг иммий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият Курилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат»<sup>1</sup>. Айниқса ҳуқуқшунослик фанини бундан кейин мустақил равишда чуқурроқ ўрганиш учун йўналишлар беришдир.

---

<sup>1</sup> «Фидокор» газетаси, 2000 йил июн.

## I БЎЛИМ

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

## ДАВЛАТ НАЗАРИЯСИ

1. *Давлатнинг келиб чиқиши назариялари.*
2. *Давлатнинг моҳияти, ушинг белгилари ва вазифалари.*
3. *Ўзбекистон давлат механизми, ушинг таркибий тузилиши.*
4. *Давлат шакллари.*

### 1. ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ НАЗАРИЯЛАРИ

**Давлатнинг келиб чиқиши назариялари** давлат моҳиятини англашга бўлган турли қараашларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Чунончи, «Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир»<sup>1</sup>.

Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида ижтимоий (ҳам ички, ҳам ташқи) муносабатларни бошқариш йўлига ўтганидан бўён одамларнинг шу тарзда ташкил топган уюшмасининг мазмун-моҳияти ҳақицаги муаммо юзага келган. Давлат ва унинг моҳиятига, мазмунига бўлган қараашлар ҳар бир тарихий даврда жамият манфатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Куйида ана шу назариялар хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. **Теологик назария.** Бу назария давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишини илк бор тушунтириб берган назариялардан бири бўлиб, уни худонинг иродаси билан боғларди. Яъни у бутун ҳокимият Худо томонидан берилган дёб ҳисобларди. Бундай ҳолат давлат ҳокимиятига мажбурийлик ҳамда муқаддаслик бахш этарди.

Чунончи, шунингдек, «Авесто»нинг «Вендиод» китобида Олий тангрини Ахурамаздан яратган 16 та давлат тўғрисида муҳим маълумотлар берилган<sup>2</sup>. Давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисидаги қадимий Хитой афсоналарига кўра, ердаги ҳокимият — айнан олий ҳукмлор (яъни Хитой императори) шахси — энг юксак самовий қудрат эгаси билан алоқа қилишнинг ягона нуқтаси бўлиб, қолган мансабдор шахслар, давлат ва давлат маҳкамаси олий ҳокимиятнинг воситачиларидир, холос.

<sup>1</sup> Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2001., 9-бет.

<sup>2</sup> Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. «Авесто»да сиёсий-ҳуқуқий қараашлар. «Давлат ва ҳуқуқ» журнали, 2000., 2-сон, 45-46-бетлар.

Миср, Бобил, Ҳиндистонда бошқа ривоят мавжуд. Ҳукмдор ҳо-  
кимиятнинг манбайи бўлган худолар номидан дунёвий ва бошқа  
ишлар тақдирини ўзлари ҳал этардилар.

Мисрликларда Маат (Ма-ат) худоси қонунлар, адлия, адолат  
тимсолидир. Судялар унинг тасвирини олиб юришар ва унинг ко-  
ҳинлари ҳисобланшишарди. Фиръавнлар, коҳинлар ва амалдорлар  
ҳокимиятининг, шунингдек, расмий маъкулланган одоб қонсалари,  
шу жумладан, ўша давр ҳукуқи (урф-одатлари, қонунлари, суд  
ҳукмлари) асосий манбаларининг илоҳий хусусияти, яъни уларнинг  
ҳаммаси маатга — адолатнинг табиий-илоҳий тартиботига мос бўлар-  
ди ёки мос бўлиши кераклигини билдиради. Булар Ригвед (ҳинд  
орийларининг муқаддас мадҳиялари)да, дао (қадимги хитой афсона-  
лари)да, дик (қадимги юнонлар)да ўз ифодасини топган. Ҳамма жой-  
да гап ҳукуқни англашнинг кейинги табиий-ҳукуқий концепцияла-  
рида **табиий** (ёки табиий-илоҳий) ҳукуқ деб ном олган адолат-  
ҳақиқат хусусида борарди.

**2. Патриархал назария.** Афлотун ва Арасту урдининг асосчи-  
лари ҳисобланади. Афлотун ўзининг «Давлат» деб аталган маш-  
ҳур асарида оила негизида униб чиқувчи баркамол адолатли дав-  
латни тасвирлайди. Унда подшо ҳокимияти ўз оила аъзолари ус-  
тидан ота ҳокимиятига қиёс қилинади.

Адолат ғоясига кўра, дейди Афлотун, адолатли одам адолатли  
давлатдан ҳеч нимаси билан фарқ қilmайди. Инсон руҳининг уч  
илдизи (ақл, жаҳолат ва хирс) га маслаҳат (кенгаш) берувчи,  
ҳимояловчи ва ишловчи давлат мос келади. Давлат фаолияти-  
нинг уч асосига эса, аҳолининг уч табақаси — ҳукмдорлар, ас-  
карлар ва ишлаб чиқарувчилар (хунармандлар ва деҳқонлар) та-  
бақалари тўғри келади.

Патриархал назария ғоялари XVII асрда инглиз олими Фил-  
мернинг «Патриарх» асарида ўз ривожини топди. Мазкур асарда  
у ҳокимиятнинг Худодан олиниши, кейин унинг тўнгич ўғил —  
патриархга топширилиши, шундан сўнг эса ўз авлодлари — под-  
шоларга ўтиб боришини изоҳлайди.

Патриархал назариянинг теологик назариядан фарқи шундаки,  
у подшо ҳокимияти манбаларини илоҳий келиб чиқишдан кўра  
кўпроқ оила бошлиги, патриархнинг чекланмаган ҳокимияти ҳукм  
сурган оила шаклиаридан кўтарди.

Патриархал назария қанчалик ўзига ром этмасин, барибир, дав-  
латнинг шундай йўл билан вужудга келганлигини тасдиқловчи  
бирон-бир далил йўқ. Оила ролини ошириб юбориши, унга уни-  
версал хусусият бағишлиаш патриархал назариянинг асосий кам-  
чиликлари эди.

**3. Шартномавий назария (ёки ижтимоий шартнома назарияси)** анча кейинги даврға — XVII-XVIII асрларға оид назариядир. У Г.Гроций, Ж.Локк, Т.Гоббс, Ж.Ж.Руссо, А.Н. Радищев ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топған.

Ушбу назарияга кўра, давлат пайдо бўлгунига қадар одамлар «табиий ҳолат»да бўлишган. Бу ҳолат турли муаллифлар томонидан турлича (чекланмаган шахс эркинлиги, барчанинг барчага қарши уруши, ялпи роҳат-фароғат — «олтин аср» сифатида) тушунилган.

Ушбу йўналишдаги концепцияларнинг кўпчилигигида «табиий ҳукуқ» гояси, яъни инсонда дунёга келиш чоригида худодан инъом этилган табиий ҳукуқнинг мавжудлиги гояси кўзга ташланади. Бироқ, вақт ўтиши билан бир хил одамларнинг ҳукуқлари бошқа кишиларнинг ҳукуқларига зид келиб қолади, натижада тартиб бузилиб, зўравонлик вужудга келади. Росмана ҳаёт кечириш мақсадида одамлар давлат тузиш учун ўзаро шартнома тузадилар ва унга ихтиёрий равишда ўз ҳукуқларининг бир қисмини топширадилар. Кейинчалик уларнинг муайян шахсга бўйсунишлари тўғрисида такрорий шартнома тузилади. Бу шахсга улар устидан ҳукмдорлик топширилади ва у ўз ҳокимиятини халқ манфаатлари йўлида амалга оширади. Акс ҳолда халқ қўзғолон кўтариш ҳуқуқига эга бўлади (Ж.Ж. Руссо, А.Н. Радищев).

Т. Гоббс бунинг аксини, яъни модомики, ҳокимият подшога берилган экан, у чекланмаган ваколатларга эга бўлишини исботлашга уринган.

Ж. Локк конституциявий монархия (подшолик) гоясини асосламоқчи бўлган. Унинг фикрича, ижтимоий шартнома подшо ва фуқаролар ўргасидаги муроса битими, подшо ва халқ эркинликларининг муайян чекланишидир.

Муайян даражада феодал имтиёзли давлатта, бу жамиятда ҳукм сурған зўравонлик, қонун олдидаги тенгизлилкка қарши турган ижтимоий шартнома кўпчилик қоидаларининг прогрессив аҳамиятта эга эканлигини қайд этиш билан бирга, барibir, унда ушбу назария қоидаларини амалда татбиқ этиш мумкин бўлган ишончли илмий маълумотлар учрамаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

**4. Зўравонлик назарияси.** Ушбу назария XIX асрда дунёга келган. Унинг асосий намоёндалари Л.Гумплович, К.Каутский, Е.Дюоринг ва бошқалардир. Улар давлатнинг вужудга келишини фақат ҳарбий-сиёсий омиллар — бир қабила (қабилалар иттифоқи) томонидан бошқасининг босиб олиниши билан боғларди-

лар. Улар сиёсий ҳокимнинг келиб чиқиши сабаблари асосларини иқтисодий муносабатларда эмас, балки бир хил қабилаларнинг бошқаларини босиб олиши, зўравонлиги, асротга солишида кўргандилар. Илоҳий асослар ҳам, ижтимоий шартнома ёки озодлик гоялари ҳам эмас, балки душман қабилаларнинг ўзаро тўқнашувлари, куч-кудратнинг қўпол равишдаги устунлиги, уруш, кураш, вайронгарчилик, бир сўз билан айтганда, зўравонлик — «давлатнинг ота-онаси ва доя кампири ана шулар», - деганди Л.Гумплович.

Ушбу назария таҳлил этиларкан, қуйидагиларни таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз. Давлатнинг пайдо бўлиши учун жамиятнинг шу давлат маҳкамасини боқиши имконини берадиган тараққиёт даражаси талаб этилади. Агар бу даражага эришилмас экан, ҳеч қандай истилолар давлатнинг ўз-ўзидан пайдо бўлишига олиб кела олмайди.

**5. Психологик назария.** Ушбу назария намоёндалари давлатнинг келиб чиқиш сабабларини инсон психикаси хусусиятлари, биопсихик инстинкт сингарилар билан изоҳлашади. Таникли рус олими Л.И.Петражицкий ўз қарашларида гўё инсон психикасига хос бўлган «атоқли шахслар»га итоат этиш, бўйсунишга мойилликдан келиб чиққанди.

Социологияда психоаналитик йўналиш асосчиси З.Фрейд давлатни яратиш заруратини инсон психикаси (руҳияти)дан келтириб чиқарганди. У буни: алоҳида хирсий ва биопсихик инстинктлар туфайли исён кўтарган ўз ўғиллари томонидан бошлиги ўлдирилган дастлаб мавжуд бўлган ибтидоий тўдадан инсонларнинг ёвуз интилишларини бостириш мақсадида кейинчалик давлат пайдо бўлади, деб изоҳлайди.

Э.Дюркгейм, аксинча, инсонни биопсихологик мавжудот деб эмас, балки ижтимоий мавжудот деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, жамият ижтимоий бирдамлик гояси шаклланадиган инсонлар жамоа онги ҳосиласи. Ана шу бирдамликни таъминлаш учун ҳам тегишли давлат-хукуқий тузилмалар шакллантирилади.

Ушбу назарияларни қандай баҳолаш мумкин? Албатта, ижтимоий қонуниятлар инсоннинг юриш-туриши, фаолияти орқали амалга оширилади. Бинобарин, инсон руҳияти бу қонуниятларнинг амалга оширилишига муайян таъсир кўрсатади. Бирорқ, бу таъсир ҳал қўйувчи кучга эга эмас. Боз устига психиканинг ўзи тегишли иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ташқи шартшароитлар таъсирида шаклланади. Айнан шуларнинг ўзи биринчи навбатда назарда тутилиши лозим.

**6. Марксистик (тариҳий-материалистик) назария.** Унчалик түгри бўлмаса-да, ушбу назариянинг дунёга келишини К.Маркс ва Ф.Энгельсларнинг номи билан боғлашади. Худди шунинг учун ҳам тариҳий-материалистик концепция икки ёндашувни ўз ичига олади. Совет фани алоҳида муҳаббат билан қараган **биринчи ёндашув синфларнинг** вужудга келиши, улар ўртасидаги келиштириб бўлмайдиган зиддиятлар, синфий курашнинг муро-сасизлигига катта аҳамият беради.

Бундай ёндашувга кўра, давлат ана шу қарама-қаршиликнинг ҳосиласи сифатида, хукмрон синфнинг бошқа синфларни бостириш куроли сифатида вужудга келади.

**Иккинчи ёндашув** иқтисодий тараққиёт натижасида жамият-нинг мураккаблашиши унинг ишлаб чиқариш ва тақсимот тармоқлари умумий ишлари мураккаблашиб кетишига асосланади. Бу ҳолат бошқаришни такомиллаштиришни талаб қиласи ҳамда давлатнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бироқ, кўпинча, умумий ишларни ҳал этиш, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, мазкур бошқарув меҳнат тақсимотининг бир шакли сифатида ихтисослашиши зарурати давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

**7. Ирригация назарияси.** Давлат келиб чиқишининг бу назарияси XIX асрда пайдо бўлган. Немис социологи К.А. Витгофель унинг муаллифи эди. У ўзининг «Шарқ деспотизми» асарида давлатнинг келиб чиқишини шарқий десҳончилик вилоятлари (Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой ва ҳ. к.)да қудратли сурориш шахобчалари қуриш ва сақлаш зарурати негизида асослаб берганди. Албатта, улкан миқёслардаги ер ишлари қатъий марказлашган бошқарувни, режалаштиришни, ҳисобга олиш ва марказга бўйсундиришни зарур қилиб қўйған. Бу ишлар фақат давлат мавжудлиги шароитидагина амалга оширилиши мумкин эди. Лекин унинг заиф томонларини инобатга олмаган тақдирда ҳам мазкур назария энг курсоғчил худудлар учунгина давлатнинг пайдо бўлишига сабаб сифатида изоҳланиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик сиёсатшунослар бу назарияни ҳисобга олмай, унинг ўрнига давлат келиб чиқишининг экологик омиллари ҳақида гапирадилар.

Хозирги замон сиёсатшунослари ва социологлари демографик омилни алоҳида фарқлаб кўрсатадилар. Унга кўра давлатнинг вужудга келиш жараёни аниқ бир худуддаги аҳолининг сони ва зичлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, давлатнинг келиб чиқиш назарияларининг кўплиги оқибатида ҳанузгача давлатнинг туб моҳиятини бирдек тушунишга эришилгани йўқ.

«Биз барпо этаётган давлат, — дейди мамлакатимиз Президенти, — энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса кўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоваддин Нақшбаҳод, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим».<sup>1</sup>

## 2. ДАВЛАТНИНГ МОҲИЯТИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Жамият нима учун давлатсиз яшай олмаслиги ва тараққий эт-маслигини аниқлаш — унинг моҳиятини очиб бериш демакдир. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги давлат — ҳокимиятнинг сиёсий ташкилоти, деб ҳисоблади. Ёввойилик ва ваҳшнийлик босқичидаги ибтидоий жамоада маҳсус сиёсий ҳокимият маҳкамаси ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш зарурати йўқ эди. Сиёсатнинг ўзи ҳам йўқ эди (зоро, сиёсат — синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ фаолият доираси эди). Лекин амалда ҳокимият мавжуд эди. Бу ҳокимият қабила бошлигининг обрўси ҳокимияти эди. Бундан ташқари ижтимоий тузумнинг кўпгина масалалари ушбу қабилада қабул қилинган урф одатлар, анъаналар, маросимлар асосида ҳал этиларди. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётни ўз-ўзидан бошқаришнинг табиий тизими мавжуд эди.

Лекин кейинчалик қабилалар, уруғларнинг бирлашиш, қабилалар иттифоқининг ташкил топиш жараёнлари рўй бера бошлади. Бу эса, маросим ва урф-одатларнинг аралашиб кетишига олиб

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 7-8-бетлар.

келди. Шахслараро муносабатлар тизими барбод бўла бошлади. Бир жамиятга бирлашган, лекин турли хил манфаатлар ва устуворликларга эга бўлган одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқиши зарурати юзага келди. Энди фақат обрўга асосланган ҳокимиятга таяниб бўлмасди. Зўравонлик ҳокимияти муқаррар равишда ва қатъиятлик билан аста-секин обрў ҳокимияти ўрнини эгаллаб борди. Зеро, инсоният жамияти омон қолишининг бошқа муқобилий йўқ эди.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, давлат — ўта маҳсус вазифаларни ҳал этишни, шунингдек, жамият табиатидан келиб чиқадиган умумий ишларни бажаришни таъминловчи, тарихан таркиб топган жамият уюшишининг мумкин бўлган ягона умумий, универсал шаклидир.

«Мумкин бўлган ягона» деганимиз, ҳали ҳеч ким цивилизациялашган жамият мавжудлигиниң давлатдан бошқа шаклини топмаган, деган маънони англатади. «Умумий»лик — давлат деб аталган ҳокимиятнинг сиёсий ташкилоти яшаётган ҳудудидан қатъи назар, барча ҳалқларга хос демакдир. «Универсал» деганимизнинг маъноси шундаки, турли тарихий даврларда давлатлар қанча яшамасин, уларнинг биронтаси ҳеч қачон бошқасининг хусусиятларини тўла такрорламаган. Давлатларнинг характеристи, улар тарихий ривожининг ҳамда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланарди.

Хозирги вақтда давлатнинг умум эътироф этилган қуйидаги белгилари бор:

1. Аҳолининг ҳудудий уюшиши ва расмий ҳокимиятнинг ҳудуд доирасида амалга оширилиши. Давлат пайдо бўлмасдан олдинги жамиядда бирон шахснинг қайси қабилага мансублиги жигарчилик ёки таҳминий қариндошлиқ билан белгиланарди. Айни пайтда қабила қатъий белгиланган ўз ҳудудига эга бўлмай, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради. Давлатга уюшган жамиядда аҳолининг қон-қариндошлиқ асосида уюшиш тамоили ўз аҳамиятини йўқотди. Унинг ўрнига ҳудудий уюшиш тамоили жой олди. Давлат ўзининг мустақил ҳокимияти амал қиласидиган қатъий чекланган ҳудудга эга бўлиб, шу ҳудудда яшайдиган аҳоли эса, мазкур давлатнинг фуқароларига айланади. Шу тарзда давлатнинг маконий сарҳадлари пайдо бўлиб, улар ичida янги ҳукуқий тузилма — фуқаролик юзага келади.

Аҳолининг ҳудудий уюшиши билан нафақат давлатнинг пайдо бўлиши, балки алоҳида мамлакатларнинг ташкил топа бошлаши ҳам

богланиб кетади. Бинобарин, шу жиҳатдан «давлат» ва «мамлакат» тушунчалари кўп томондан бир-бирига анча мос келади.

Нодавлат ташкилотлар (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар сингарилар)дан лавлат ўз мамлакати аҳолисини мужас-самлаштириши, шу аҳоли устидан ўз ҳокимиятини амалга ошириши билан фарқ қиласди.

**2. Расмий (оммавий) давлат ҳокимияти.** Бу ҳокимият жамият билан бир-бирига мос келмаса-да, унинг номидан, бутун ҳалқ номидан иш кўргани учун расмий ҳокимият деб аталади.

Давлат пайдо бўлгунгача жамиятда ҳам ҳокимият мавжуд эди. Лекин бу бевосита жамоат ҳокимияти бўлиб, бутун қабила аҳли ҳокимияти бўлиб, шу қабила томонидан ўзини-ўзи бошқариш мақсадида фойдаланиларди. У амалдорларга ҳам, бирон-бир маҳкамага ҳам муҳтоҷ эмасди. Расмий (давлат) ҳокимиятининг асосий хусусияти шундаки, у айнаи амалдорларда ўз ифодасини топади. Шу амалдорлардан бошқарув ва мажбуров (давлат маҳкамаси) органлари тузилади. Бу тарздаги жисмоний ифодасини топмаган давлат ҳокимияти фақат соя, қуруқ хаёл, мавхум бўшлиқдан иборат бўлиб қолади.

**3. Давлат суверенитети.** «Давлат суверенитети» тушунчаси ўрга аср охирларида — давлат ҳокимиятини черковдан ажратиш ва унга мутлақ монопол аҳамият бериш зарурати туғилган пайтда пайдо бўлганди. Эндиликда суверенитет давлатнинг доимий белгиси ҳисобланади. Унга эга бўлмаган мамлакат — мустамлака ёки доминиондир.

Давлат ҳокимиятининг хусусияти (атрибути) сифатида суверенитет шу ҳокимиятнинг устунлиги, эркинлиги ва мустақиллигидан иборат бўлади.

Мамлакат ичкарисида давлат ҳокимиятининг устунлиги:

а) унинг ҳокимият кучи универсаллиги, яъни ушбу мамлакатнинг барча аҳолиси, барча партиялар ва жамоат ташкилотлари учун амал қилиниши;

в) унда бошқа ҳеч қандай ижтимоий ҳокимият эга бўлмаган таъсир кўрсатиш воситалари (армия, полиция ёки милиция, қамоқхоналар ва ҳ.к.)ларнинг мавжудлигини англатади.

Давлат ҳокимиятининг мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги ҳар қандай бошқа ҳокимиятдан эркинлиги ва мустақиллиги ўзининг барча ишларини мутлақо ва танҳо мустақил ҳал этиш хукуқида ифодаланади.

Собиқ иттифоқда ҳамда собиқ социалистик мамлакатларда давлат ҳокимияти на олий, на эркин ва на мустақил эмасди. Чунки ундан юқорида партия ҳокимияти турарди. Давлат партия

директиваларини ҳаётга татбиқ этар, ҳукмрон партияниң ижроия қороли бўлиб хизмат қиларди. Буларниң ҳаммаси давлат ҳокимиятини заифлаштиради ҳамда жамият ва давлатдаги чукур инқизорзининг сабабларидан бирига айланганди.

**4. Давлат ва ҳуқуқнинг мустаҳкам алоқаси.** Давлат ҳуқуқсиз мавжуд бўла олмайди. Ҳуқуқ давлат ва давлат ҳокимиятини юридик жиҳатдан расмийлаштиради ва шу билан уларни легитим, яъни қонуний ҳолга келтиради. Давлат ўз вазифаларини ҳуқуқий шаклларда амалга оширади. Ҳуқуқ давлат ва давлат ҳокимиятининг ишлашини қонунийлик доирасига киритади, уларни аниқ ҳуқуқий тартибга бўйсундиради. Давлатнинг ҳуқуққа бундай бўйсундирилиши асосида эса, давлатнинг демократик ҳуқуқий давлат шакли шаклланади.

**5. Давлат функцияларининг бажарилишини таъминловчи маҳсус бошқарув аппаратининг мавжудлиги.**

**6. Ягона пул тизими,** ягона иқтисодий ва ҳуқуқий макон.

**7. Ташқи аломатлар** (атрибуслар) — мадҳия, байроқ, герб, пойтахтнинг мавжудлиги.

Давлатнинг биргаликда олинган юқоридаги белгилари унинг жамият сиёсий тизимидаги алоҳида ўрни ва етакчи мавқеини изоҳлайди. Албатта, бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, турли тарихий даврларда, турлича ижтимоий-иқтисодий шаротларда давлатнинг кўрсатиб ўтилган белгилари аниқ ички мазмун-моҳияти билан ҳам, шунингдек, ўзининг ташқи ифодаси билан ҳам фарқ қиласди.

Хозирги замон шароитида демократия ва эркинликларни қарор топтиришда, барқарорлик ва фуқаролик тотувлиги, республика халқларининг ҳамжиҳат ва ҳамкорлигини қарор топтиришда ислоҳотларни белгилаш ва амалга оширишда, цивилизациялашган жамиятга ўтишда Ўзбекистон давлати етакчи рол ўйнайди.

Шунинг учун ҳам ижтимоий зиддиятлар кескинлиги таъсирини йўқотиш, ўтиш даври муқаррар қийинчилликларни ҳамда одамларнинг янги ҳаётий шароитларга кўника боришини юмшатиш демократик давлатнинг шу даврдаги энг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Ижтимоий яқдилликни қандай таъминлаш, ижтимоий, шу жумладан, миллатлараро тотувликка қандай эришиш каби мураккаб саволларга жавоб топа оладиган давлат демократик ва иқтисодий тараққиётнинг барқарор ривожланишига умид боғлаши мумкин.

Ушбу мақсадларни муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этиш давлатни мустаҳкамлаб бориш, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти

барча тузилмалари таъсиричанлигини таъминлаш вазифаларининг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлатнинг функциялари — давлатнинг мақсад ва вазифаларни амалга ошириш имконини берадиган унинг фаолиятининг асосий йўналишларидан иборат. Ҳукуқий адабиётларда давлат функциялари таснифлаштириладиган турли хил асослар (мезонлар) мавжуд. Улар:

- а) фаолият доираси бўйича;
- б) амал қилишининг давомийлиги бўйича;
- в) ижтимоий аҳамияти бўйича;
- г) амалга оширишнинг ҳукуқий шакллари бўйича бўлган мезонлардан иборат дейиш мумкин.

Ўз навбатида биринчи грух (фаолият доираси) ички функциялар ва ташқи функцияларга бўлинади.

Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичкарисидаги вазифаларни амалга ошириши билан, ташқи функциялар давлатлараро миқёсдаги вазифаларни бажариш билан боғлиқ. Ташқи функцияларни бажаришда давлат халқаро ҳукуқий муносабатлар субъекти бўлиб майдонга чиқади.

Иқтисодий, ижтимоий тузилмалар, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва таркиб топган жамоат тартиби каби жамият ҳаётининг энг нуфузли тармоқлари давлат функцияларининг таъсир объектлари ҳисобланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий, ғоявий, сиёсий, муҳофаза функциялари бўлиши мумкин.

Функция амал қилишининг давомийлиги бўйича улар доимий ва меваққат (вақтингча) функцияларга бўлинади. Ҳамиша давлатга хос бўлган (масалан, иқтисодий) функциялар доимийга киради, иккинчиси эса, муайян мақсадларни амалга ошириш учун давлат ўз олдига қўйган вазифаларга боғлиқ ҳолда қисқа вақт амал қиласди.

Ижтимоий аҳамияти бўйича давлат функциялари асосий ва асосий бўлмаган (айрим) функцияларга бўлинади.

Энди ўз функцияларини амалга ошириш бўйича давлат фаолияти, албатта, ҳукуқ-ижодкорлик, бошқарув, суд ҳукуқий шаклларида намоён бўлишига эътиборни қаратамиз. Бундай бўлиниш асосида ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ётади.

Тараққиётнинг бирон-бир босқичида турган ҳар қандай давлат бир хилдаги (масалан, иқтисодий) функцияларга эга бўлади. Лекин улар мазмуни ва амалга ошириш усуслари бўйича бир-биридан фарқланади. Яна бир хато фикрдан сақланиш жоиз деб ўйлаймиз: ҳар бир босқичга қатъий белгиланган функциялар мос

келади, шунинг учун янги босқичга ўтар экан, давлат уларни мутглақо янгилариға алмаштириб, эскиларидан бутунлай воз кечади деб ўйлаш мүмкін эмас. Албатта вақт ўтиши билан янги функциялар пайдо бўлади, бироқ эскилари изсиз йўқолиб кетмайди. Фақат улар ўз кўрининшини ўзгартиради, янги мазмун билан бойиди. Бу ҳолатни тараққиёт босқичларида кузатиш мүмкін. Ўзбекистон Республикаси давлатининг асосий функцияларини кўриб чиқиши чоғида биз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласми.

Ўзбекистон Республикаси давлатининг қўйидаги асосий функциялари мавжуд, жумладан, ички функциялар:

**1) Иқтисодий функция.** Ўзбекистон Республикасининг бевосита иқтисодий функциясига ўтишдан оддин давлатимиз ривожланишининг асосий мақсадини таърифлаб беришни зарур деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда Президент Ислом Каримовнинг қўйидаги сўзларини келтирамиз. «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатта эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатди»<sup>1</sup>.

Дастлаб қўйидаги иқтисодий функцияларни кўрсатиб ўтамиш:

- а) мамлакат иқтисодий тараққиётининг умумий дастурларини белгилаш;
- б) иқтисодиётнинг энг устувор тармоқларини рабbatлантириш;
- в) тадбиркорликни ривожлантариш учун қулай шароитларни яратиш;
- г) бандлик бўйича янги сиёсатни шакллантириш.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, муҳими фақат функцияларни аниқлаб олишдангина иборат эмас. Уларга оғишмай риоя қилиш ҳамда шу вазифаларни бажара бориш янада аҳамиятлироқдир. Шу муносабат билан Президентимизнинг Олий Мажлиснинг I чакириқ VI сессиясидаги нутқига мурожаат қиласми. Мазкур сессияда мустақиллик шароитида республикамизни ривожлантаришнинг беш йиллик натижалари якунланган эли. Жумладан, Президентимиз «мустақиллик йиллари мобайнида иқтисодиёт соҳасида теран ўзгаришлар рўй берди», деб ҳисоблайши.

Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим якунларидан бири, Президентимиз таъкидлашпича, аксарият юргдошларимизда мулкка эгалик, мулкдорлик туйғусининг уйғониши ва ривожланиши жараёни, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона эгаларининг, мулкнинг, ер участ-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир З-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 177-бет.

каларининг, акцияларнинг, бошқа қимматли қоғозларнинг, хуллас, даромад келтирадиган мулкнинг шаклланишидир.

### **Ижтимоий функциялар:**

- а) жамиятнинг ёрдамга муҳтоҷ аъзоларига ижтимоий кўмак бериш;
- б) соғлиқни сақлашга, маорифга, маданий муассасалар қурилишига зарур маблағларни ажратиши;
- в) ялпи ижтимоий ҳимоя тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар тизимиға изчил ўтиб боришни амалга ошириш;
- г) адолат ҳукмронлиги гоясига оғишмай риоя этиш.

Янги ижтимоий сиёсатни шакллантириш зарурати ҳақида гапиранканмиз, айтиш керакки, ислоҳотлар давомида кишилар ўз меҳнат ва ақлий имкониятларини амалга оширишлари, қилган меҳнатларига муносиб ҳақ олишлари учун Конституцияда кўзда тутилган тенг ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш зарур. Ташаббускорлик ва омилкорлик бутун чоралар билан рағбатлантирилиши лозим. Ҳақиқатан ёрдамга муҳтоҷ аҳолини аниқлаб, шунга қараб уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтиш жараёнини кучайтириш зарур. Бунда айрим кишиларнинг тайёрга айёрик кайфиятидан тезроқ ҳалос бўлишларида ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида мамлакатимизда ижтимоий адолат тамойиллари қарор топаётганлиги, аҳолининг ёрдамга энг муҳтоҷ қатламларини адресли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Шунинг учун, дея қайд этади Ислом Каримов, «...биз кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймадик, ижтимоий барқарорлик ҳамда аҳолининг ислоҳотларга ишончини; жамиятда умуммиллий тотувликни сақлаб қолдик»<sup>1</sup>.

**Молиявий назорат функцияси.** Мазкур функция бевосита ва биринчи навбатда солиқ сиёсати билан боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганидек, ўз навбатида «солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-т. Т., «Ўзбекистон», 1997., 114-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. 3-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 322-бет.

Хулоса тариқасида молиявий назорат функциясини, бир қисми ижтимоий ҳамда умумдавлат эхтиёжларини қоидириш учун давлат ва маҳаллий бюджетта жўнатиладиган ишлаб чиқарувчиларинг даромадларини аниқлаш ва ҳисобга олишдан иборат, деб таърифлашимиз мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқаришни жонлантириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг зарур шарти сифатида солиқ тизимини янада такомиллаштириб бориш керак.

**Жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш функцияси**<sup>1</sup>. Мустақилликнинг дастлабки йиллари натижаларини сарҳисоб қиларкан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қуидаги хулосага келганди: «Кўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўргасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганилиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошланғич босқичида кўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди»<sup>2</sup>. Давлатимизнинг мазкур функциясини барқарорлик, тинчлик ва ўзаро тотувликни таъминлаш — давлатчилигимиз биноси барпо этиладиган бу муҳим пойдеворни бунёд этишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган доимий ва изчил фаолият сифатида таърифлай оламиз.

**Хуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш функцияси.** Бир қанча ушбу йўналишдаги давлат фаолиятининг асосий мақсади фақат ҳозирги замон шароитларига мос қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдангина эмас, балки уларга оғишмай риоя этилишини таъминлашдан ҳам иборат эканлигини қайд этиб ўтишини истардик. «Қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса асло йўл қўйиб бўлмайдиган хуқуқий ҳаёт тартибини, хуқуқий маданият даражасини ишлаб чиқиш зарур эди»<sup>3</sup>.

Давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги хукукни муҳофаза этиш функциясини энг умумий тарзда қуидаги таърифлашимиз мумкин: у ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари тамонидан қонунларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишини таъминлаш бир мақсадга йўналтирилган давомли фаолиятдир.

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Т., «Ўзбекистон», 2001 52-53-бетлар.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 294-бет.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-т., Т. «Ўзбекистон». 1996., 201-202-бетлар.

**Табиатни муҳофаза этиш (экологик) функцияси.** Ҳозирги босқичда давлатимизнинг табиатни муҳофаза этиш функцияси куйидагилардан иборат:

а) табиий заҳиралардан ваҳшийларча фойдаланиш, атроф-муҳитга зарар етказиш ва республикада экологик аҳволнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

б) бошқа давлатлар иштирокида Оролни қутқариш, Оролбўйида экологик шароитларни соғломлаштириш бўйича таъсирчан чоратадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларидаги ҳалокатли оқибатларни барҳам топтириш.

### **Ўзбекистон республикасининг ташқи функциялари.**

Бошқа мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик янги ташқи сиёсатни барпо этиш функцияси сифатида шаклланди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни иқтисодистимизга кенг жалб этиш учун қулагай шароитларни яратишга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, давлатимизнинг ташқи иқтисодий функцияларини куйидагича таърифлаш мумкин:

а) ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш;

б) республика иқтисодиётiga капитал маблағларни тўғридан-тўғри кенг жалб этишини таъминловчи хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада тақомиллаштириш;

в) республикамизга жаҳон андозалари даражасидаги технологияларни етказиб берувчи, ҳалқ хўжалигининг замонавий таркибини яратишга кўмаклашувчи хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчил олиб бориш;

г) суверен Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон билан дўстлик, қардошлиқ алоқаларини мустаҳкамлаш, улар билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чукурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий айирбошлашни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидир;

д) Оролбўйидаги экологик ҳалокат оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чоратадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳалқаро ҳамкорлик доирасидаги фаолият йўналиши устувор бўлиб қолаверади;

е) мусулмон давлатлари билан ўзаро муносабатларни, шу жумладан, кўптомонлама асосдаги алоқаларни янада чукурлаштириш;

ж) жануби-шарқий Осиёнинг янги саноат мамлакатлари билан тенг хуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш;

3) иқтисодий тараққий этган мамлакатлар — АҚШ, Германия, Франция, Италия, Испания ва бошқалар билан ўзаро манфаатли мустаҳкам алоқалар ўрнатиши;

и) бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишини янада ислоҳ қилиб бориш.

Ушбу функцияларни ҳаётга жорий эта бориш Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда уйғуналаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий-хукуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

**Мамлакат мудофааси функцияси.** Мазкур функция давлат фаолиятининг муҳим йўналишини ташкил этади. Мамлакат мудофааси функциялари иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар билан амалга оширилади.

Ҳозирги замон давлатларининг аксарияти **мудофаа доктринаси**га эга. Бундай доктринанинг аҳамияти бошқа давлат ёки бир гурӯҳ давлатлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган агрессиянинг олдини олиш учун энг мақбул даражада етарли куч ва воситаларни вужудга келтиришда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида: «Ўзбекистон Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини ва хукуқий яхлиглигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади», деб ёзилган.

Давлатнинг мудофаа функцияси унинг ҳарбий доктринасига асосланган бўлиб, беш асосий йўналишдан ташкил топади:

1. Мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш.
2. Куролли Кучларни доимий такомиллаштириб бориш.
3. Давлат чегарасини муҳофаза этиш.
4. Куролли Кучларнинг ҳарбий таълими.
5. Фуқаролар мудофаасини ташкил этиш.

Мудофаа функцияларининг ўзи алоҳида мавжуд бўлмаслигини таъкидлаш жоиз. Улар иқтисодий, ижтимоий, жамоат тартибини сақлаш, экологик функциялар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

### **3. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ, УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ**

Давлат шаклида уюшган ҳар қандай жамиятда унинг бир маромдаги ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва сақлаш, жамият ва давлат олдига қўйилган вазифаларни улдалаш, кўзланган мақсадларга эришиш учун турли хил давлат ташкилотлари фаолият юритиши керак.

Давлат механизми давлат ташкилотлари тизимидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида давлат ҳокимияти амалга оширилади, жамиятга давлат раҳбарлиги таъминланади.

Маълумки, давлат механизмининг тузилиши ва унинг фаолияти муайян объектив тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу эса, жамиятни давлат йўли билан бошқаришнинг энг юксак объективлигини таъминлайди.

Энг муҳим тамойиллардан бири, шубҳасиз, ҳокимиятнинг бўлинеш тамойилларидир. Зеро, давлат ҳокимияти тузилмалари айнан унинг асосида шакллантирилади.

Мазкур тамойил узоқ тарихга эга. Айтиб ўтиш керакки, қатор Farb ва рус олимлари ҳамда уларни ўқиб ўрганган айрим ўзбек ҳуқуқшунослари ҳокимиятнинг уч тармоқقا бўлинеш тамойилининг «асосчиси», «ибтидоси», дея Шарл Луи Монтескьесни айтишади. Ҳолбуки, унинг илдизлари жуда қадимийдир. Ҳокимиятнинг учга бўлинishi заруратини, масалан, минг йил аввал бобокалонимиз Ином Фаззолий айтиб ўтганлар. Унинг таъкидлашича, «...одам ҳамма ҳожатини ўзи тамом қилолмас. Гайрига ҳожати тушган сабабдин ҳукумат пайдо бўлур. Ва ҳар киши ўз ҳаққига ризо бўлмай бири-бирига қасд қилурлар. Бу важҳдин яна уч сифатга ҳожат тушар. Бири салтанат ва сиёсат, яна бири қозилик ва ҳукумат, яна бири сифат фиқҳ. ... мунинг бирла сиёсат ва салтанат қонунини халқقا жор қилғай»<sup>1</sup>.

Монтескьенинг фикрича, «...қонунчилик ва ижроия кучлари айнан бир одам қўлида ёки бирдан-бир органда жамланадиган бўлса, эркинликнинг бўлиши мумкин эмас. Зеро, ўша монарх (подшо) ёки сенат зулмкор қонунларни жорий этиши, уларни золимлик билан кўллаши мумкин.

Суд ҳокимияти қонунчилик ва ижроия органларидан ажратиб бўлинмаган тақдирда ҳам эркинликнинг бўлиши мумкин бўлмай қолади. Мабодо, у қонунчилик ҳокимияти билан бирлашган бўлса, у ҳолда субъект ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик назорати остида бўлади, унда судя қонун чиқарувчига айланиб қолади. У ижроия ҳокимияти билан қўшилиб кетган тақдирда эса, судя шафқатсизликнинг бугун кучини ишга солувчи золим сифатида ҳаракат қиласи<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Батагиси қаранг: Карим Баҳриев. Демократия ва инсон ҳукуқлари. Т., 1997., 72-73-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Монтескье Ш. Избранные произведения. М., 1955, 294-бет.

Мана шу таърифнинг ўзиданоқ аён бўлдики, ҳокимиятнинг бўлиниши давлат органлари ва уларда ишлаётганларнинг оддий бўлинишига қарагандা анча кўпроқ аҳамиятга молик.

Бундай бўлинишнинг асл моҳияти бошқа нарсада — ҳукмронликни ижтимоий-сиёсий кучлар ўргасида ҳокимиятни сустеъмол қилиб бўлмайдиган тарзда тақсимлашда. Бунда ҳокимиятлар бир-бирларини тийиб, чеклаб турадиган бўлишлари керак.

Ҳокимиятлар бўлинишисиз ҳукуқий давлатнинг бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти бизнинг республикамида ижтимоий-сиёсий соҳалардаги муҳим муваффақият сифатида «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тизими — яъни ҳокимият тармоқларининг бўлиниши қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди». Уларнинг ҳар бирида қонуний асосда авторитаризм ва тоталитаризм зўравонликларини истисно этувчи ҳақиқий демократик меъёр ва тартиблар жорий этилди»<sup>1</sup>, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Эндилика, ҳокимият сингари муҳим ижтимоий ҳодисани батафсил кўриб чиққанимиздан сўнг, тўла зосс билан давлат механизмини «давлат ҳокимияти» ёки «расмий ҳокимият» деб даъво қилишимиз мумкин. Ва бу давлат маҳкамасининг конкрет таркибида айниқса сезиларли кўзга ташланади.

Давлат маҳкамаси (аппарати) давлат механизмининг бир қисми бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун ҳукмронлик ваколатларига эга бўлган давлат органлари мажмуддан иборат.

Давлат механизми давлат маҳкамасидан ташқари давлат муасасалари ва давлат корхоналарини ҳам ўз ичига олади.

Давлат маҳкамаси таркиби энг умумий шаклда органларнинг қуидаги кўринишлари («блоклари») тарзида намоён бўлиши мумкин:

- қонун чиқарувчи ҳокимият органлари;
- ижроия ҳокимияти органлари (давлат бошқарувчи органлари);
- суд ҳокимияти органлари.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-т., Т., «Ўзбекистон», 1997., 107-108-бетлар.

Давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органлари қонун чиқарувчи муассасалар ва маҳаллий ҳокимият органлари давлат вакиллик органлари жумласига киради. Улар аҳоли томонидан сайлаш йўли билан шакллантирилади ҳамда унинг номидан иш кўради ва унинг олдида масъулдир.

Қонун чиқарувчи ҳокимият функциясини давлат олий вакиллик органлари бажаради. Қонун яратувчи орган давлат механизмида етакчи мавқега эга. Зеро, ҳокимиятларнинг бўлининши тамойилига кўра қонун чиқарувчи ҳокимият энг муҳим ҳокимият ҳисобланади. У ижроия ҳокимияти ҳаётга татбиқ этиши керак бўлган ҳамда суд ҳокимияти фаолияти учун қонуний асос бўлиб хизмат қиласидан умуммажбурий қонун-коидаларни белгилаб беради.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллик характеристига эга бўлиб, тегишли маъмурий худудлар доирасида амал қиласидар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими давлат ҳокимиятини ташкил этишга бағишиланган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деб номланган XVIII бобнинг 76-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади».

Истиқлолдан кейинги илк ўзбек парламентига сайловлар хорижда фоят ижобий баҳо олди. ГФР Президенти Р.Герцогнинг шу хусусдаги фикрига назар ташланг-а: «Ўзбекистонда парламент эркин сайланган. Унга сайловлар мустақил ва обрўли кузатувчилар, шу жумладан, немис кузатувчилари назорати остида ўтди».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси давлат ҳокимияти олий органининг ваколатларига бағишиланган. У Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари рўйхатини ўз ичига олган (мазкур модда 24 банддан иборат).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенг ҳуқуқларга эга бўлиб, унинг зимиасига жиддий мажбуриятлар юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби жойлардаги давлат ҳокимияти асосларига бағишиланган. Шу муносабат билан 99-моддада бундай ёзилган: «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига киравчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиласидан халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини қўзлаб ўз ваколатларига таалтуқли масалаларни ҳал этадилар».

Барча депутатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Айнан шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллик ҳокимияти ҳисобланади. Айнан сайловлар асосида халқ ўз вакилларига ҳокимиятни топширади ва вакиллик органлари давлат ҳокимиятини амалга ошириш ваколатини беради. Бу давлат ҳокимияти механизмида вакиллик органлари бирламчи роль йўнаши, уларнинг устуворлиги ва юқори туриши ҳақида фикр юритиш ҳуқуқини беради.

Бундан ташқари, аввал қайд этиб ўтганимиздек, қонун чиқарувчи ҳокимият коллегиал ҳокимиятдир. Чунки бу ҳокимият бир кишининг қўлига эмас, балки жамоага топширилади.

Яна бир гап. Ушбу ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимият деб аталиши вакиллик органлари бошқа ҳеч қандай иш билан шуғулланмайди, деган маънони билдирамайди. Ўзбекистон мисолида Олий Мажлис учун ва ҳатто, давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳаллий органлари учун ҳар йили давлат бюджетини тасдиқлаш ҳуқуқи орқали амалга ошириладиган молиявий фаолият ҳамда шу бюджетнинг бажарилишини назорат қилиш, соликлар ва бошқа тўловларни белгилаш ҳам жиддий функциялар эканлигини кўриш мумкин. Олий Мажлиснинг яна бошқа олий ижроия ва суд органларини шакллантириш билан боғлиқ муҳим функцияси ҳам бор ва ҳ.к.

Шу тариқа бизнинг парламентимиз — Олий Мажлис қонун чиқарувчилик соҳасида жуда катта ваколатларга эга. У соликларни белгилаш, давлат бюджетини қабул қилиш, ташқи сиёсий жараёнларда қатнашиш, мудофаа масалаларини ҳал этиш, суд ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этиш ва ҳоказаларга ҳақлидир.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг икки — парламент ва президентлик тизими мавжуд. Парламент тизимида қонун чиқарувчи органда кўпчиликни ташкил этган партия (ёки партия коалицияси) бош вазир етакчилигидаги ҳукуматни шакллантиради. Буюк Британияда дунёга келган парламентар бошқарувнинг бу тизими ҳозир Европанинг катта қисмида, Кариб ороларида, Канадада, Ҳиндистонда ҳамда Африка ва Осиёнинг кўргина мамлакатлари (аксарият Британиянинг собиқ мустамлакалари) да кенг амал қиласиди.

Қонун чиқарувчи органдан мустақил Президентни тўғридан-тўғри сайлашга асосланган президентлик тизими бугунги кунда Ло-

тин Америкасининг катта қисмидаги, Филиппинда, Францияда, Польшада ва Америка Кўшма Штатларида амал қилиб келмоқда.

Айнан АҚШ бир шахс тимсолида ҳам давлат бошлиги, ҳам ҳукумат бошлигини бирлаштирган президент лавозими пайдо бўлган жаҳондаги биринчи мамлакат бўлди. Бундан ташқари, айнан АҚШда сиёсий тизимнинг энг муҳим институтларидан бири сифатида президентлик тузилмаси дунёга келди. Бугунги кунда президентлик Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг кўпчилик мамлакатлари сиёсий тизими-нинг ажралмас қисмига айланган. Айни пайтда ҳар бир мамлакат ўзининг сиёсий ҳаётида президент қандай рол ўйнаши керакли-гини ўзи белгилайди.

Президент ваколатлари, у ёки бу мамлакат сиёсий ҳаётида унинг роли ва мақоми энг аввало тегишли конституциявий меъёрлар билан белгиланади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбе-кистон Республикаси давлати ва ижроия ҳокимиятининг бош-ливидир. Ўзбекистон Президенти бир вактнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятини Ҳукумат - давлат ҳокимиятининг олий ижроия ва фармойиш берувчи органи амалга оширади. Ўзбекистонда у **Вазирлар Маҳкамаси** деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти томонидан тузилади ва Республика Олий Мажлиси уни тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиги ўз ла-возимига кўра Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маъна-вий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари иж-росини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекис-тон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муас-сасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар то-монидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойиш-лар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласиди.

Ўзбекистон Республикасининг суд органлари тизими. Суд — давлат органи бўлиб, у шу давлатнинг қонунларида белгиланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик ва маъмурий ишларни ҳал этиш шаклида одил судловни амалга оширади.

Суд ҳокимияти — давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи. У давлат ҳокимияти механизмида алоҳида мақомга эга. Фақат суд ҳокимиятигина (қонун чиқарувчи ёки ижроия ҳокимияти эмас) одил судловни амалга оширади. Суд мустақиллиги кафолати ҳам, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, умуман, давлатчилик кафолатлари ҳам айнан шундадир. Боз устига, суд адолат таъмйилини амалга оширибина қолмай, айни пайтда муайян даражада қонун ижодкорлиги жараёнида ҳакам (арбитр) сифатида ҳам майдонга чиқиши керак. Бинобарин, суд ҳокимиятнинг бир йўла икки тармоғига нисбатан «тийиб туриш ва мувозанат» воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимиятнинг бу тармоғига «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб номланган XXII боб бағишлиланган. Ушбу бобдаги 106-моддада: «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади»<sup>1</sup>, деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпогистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпогистон Республикаси Хўжалик суди ҳамда шу муддатга тайинланадиган вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар судлари, хўжалик ва фуқаролик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари хужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни қараб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишлари соҳаларида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпогистон Республикаси Олий суди, вилоят, туман, шаҳар судлари фаолияти устидан суд назоратини олиб бориш ҳуқуқига эга.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Адолат», 1998.

Иқтисодий соҳада ва ули бошқариш жараёнида турли хил шаклдаги мулкка асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўргасида юзага келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва ўз ваколатлари доирасида қуий хўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

Умуман, бутун суд ҳокимиятининг фаолияти фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминлаш, жиноий ишлардá эса, айбиз одам маҳкум этилмаслиги, жиноят содир этган киши эса,adolatli жазога тортилишига йўналтирилиши даркор.

Бошқа вазифаларни бажаришдан ташқари суд фаолияти ижтимоийadolatni, фуқароларнинг тинч-тотувлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Судлар фуқароларимизни ҳимоя ҳуқуқи ва айбизлилар. Судлар фуқароларимизни ҳимоя ҳуқуқи ва айбизлилар.

Давлат механизми маҳкамасини ташкил этувчи барча органлар ягона уйғунлашган механизм сифатида ишлаши керак. Айнан шунинг учун ҳам президентлик тузилмаси жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи ҳисобланади. У (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX бобига мувофиқ) давлат ҳокимияти органларининг мувофиқластирилган ҳолда ва ҳамкорликда ишлашини таъминлайди.

Давлат механизмидан давлатнинг ишлаш механизмини фарқлай билиш керак. Давлатнинг ишлаш механизми дейилгандан — давлат маҳкамаси таркибий қисмлари (яъни унинг барча органлари)нинг бир-бирларига бўйсунган ҳолда фаолият юритишларини таъминлаш тушунилади. Давлатнинг ишлаш механизмини ўрганиш — нималар давлат механизмини ҳаракатга келтириши, нималар давлат органларини боғлаб туриши, ўёки бу давлат органининг ўз функцияларини бажаришга қайси омиллар ёрдам бериши ёки, аксинча, халақит беришини аниқлаш имконини беради.

#### 4. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ

Давлат шакли деганда, унинг уч таркибий қисми (ёки томони) — бошқарув шакллари, давлат (сиёсий) тузилиши ҳамда давлат (сиёсий) режими биргаликда олинган давлатдаги давлат ҳокимиятини ташкил этиш тушунилиши керак.

Бошқарув шакли — конкрет давлатдаги давлат ҳокимиятини ташкил этиши усуллари мажмуидир. Бунда олий ҳокимиятни, боз

устига унинг олий ва марказий органларини ташкил этиш, ушбу органлар таркиби, ваколати, уларни тузиш тартиби, шунингдек, бундаги халқ иштироки даражаси, мазкур органлар ваколати муддатлари назарда тутилади.

**Монархия ва республика бошқарувнинг асосий шакллари ҳисобланади.**

«Монархия» атамаси «монос» — бир, «архе» — «ҳокимият» — юонча сўз бўлиб, «якка ҳокимлик», “ягона ҳукмдор” маъноларини билдиради.

Бошқарув шакли сифатида монархия ўзининг аниқ ҳукуқий белгиларига эга. Монарх давлатнинг жонли тимсоли бўлиб, ташқи ва ички сиёsat бобида давлат бошлиғи сифатида, халқ вакили, миллат «отаси» сифатида, фуқароларни жипслаштирувчи, уларни давлат теварагига бирлаштирувчи шахс сифатида майдонга чиқади.

Монарх танҳо ҳукмдорлик қиласиди. Энг муҳим, принципиал давлат ишлари бўйича монархнинг ўзи ҳукм чиқаришига тўғри келади. У бутун ҳокимиятнинг тўла соҳиби ҳисобланарди. Монарх ҳокимияти олий бош ҳокимият бўлиб, ўзига мустақилларди. У — давлатдаги олий ҳукмдор.

Одатда унинг ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинар, дин шуylасига ўралган эди. Қоида тарзида монарх ҳокимияти ворислик асосида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Ҳокимиятнинг бир шахсдан иккинчи шахс қўлига ўтишига халқнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Монарх чекланмаган муддатга умрбод ҳокимият этасидир. Лекин бундан фақат табиий ўлимгина монархни ҳокимиятдан маҳрум этади, деган маъно келиб чиқмайди. Монархлар афдариб ташлангани, ўлдирилгани, бошқа кишиларга алмаштирилгани ҳақида тарихда сон-саноқсиз куллар мавжуд.

Монархиянинг энг гуллаб-яшнаган даври — Янги давр арафаси бўлиб, бу вақтда бошқарувнинг республика шаклидан унинг фарқлари равshan кўринаётган, мутлақ (чекланмаган) ва чекланган монархия кўринишлари бир-биридан аниқ фарқлаётганди.

Мутлақ монархия шаклидаги бошқарувнинг асосий белгиси — монархнинг тўла ҳокимиятини чеклайдиган бирон-бир давлат оғанининг йўқлигидир. Мутлақ монархиянинг ҳукуқий ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- ҳокимиятдан муддатсиз, яъни умрбод фойдаланиш;

- таҳтни мерос сифатида ёки қариндошлиқ ҳуқуқи бўйича эгаллаш;
- ташқи алоқаларда кафолат (мандат) асосида эмас, ўз шахсий ҳуқуқи бўйича вакилликни амалга ошириш;
- давлат бошлиғи жавобгарлигининг йўқлиги (фақат Худо олдида жавоб бериш).

Бундай шароитда (зарурат йўқлиги туфайли) табақавий, вакиллик муассасалари йўқолиб кетади ёки таназзулга юз тулади, халқнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқсизлиги одатий ҳолга айланади.

**Чекланган монархия** турли тарихий даврда турли кўринишга эга бўлади. Қизиги шундаки, **психологик асослардан** келиб чиқиб, монархияларни «тўғри» бошқарув шаклига эга бўлган монархия ҳамда мабодо монарх барчанинг манбаатлари ўрнига ўзининг гаразли, шахсий манбаатларини кўзлаб, бошқаришда зулмни кўллайдиган бўлса, — «нотўғри» (золимлик, мустабидлик) шаклга эга монархияларни ажратиб кўрсатганди. Ҳозирги замон олимлари ҳуқуқий асосларнингина ҳисобга олишади. Уларга кўра (феодализм даврида) чекланган монархия табақавий-вакиллик ҳамда конституциявий монархияга бўлинади. Конституциявий монархия ўз навбатида (капитализм даврида) дуалистик ва парламент кўринишларига эга.

Конституциявий монархия шундай бошқарув шаклидан иборатки, бунда монарх ҳокимияти вакиллик органи томонидан чекланган бўлади. Бундай чеклаш, одатда, парламент тасдиқлайдиган конституцияда мустаҳкамланади. Уни ўзгартиришга монархнинг ҳаққи йўқ. Шу тарзда ҳақиқий ва юридик ҳокимият сифатида майдонга чиқадиган парламент ўртасида бўлинади. Мамлакатни бошқариш монарх ихтиёрида бўлиб, вазирлар унга ҳисоб беришади. Ҳукумат парламентнинг партиявий таркибига ёқламалиги) шундан иборатки, мисол учун, монарх феодаллар манбаатларини, парламент эса, буржуазия ва бошқа табақалар манбаатларини ифодалайди.

Бундай бошқарувга (ўтмишда) Пруссия, Италия, Руминия давлатлари мисол бўла олади. Ҳозирги вақтда бошқарувнинг мазкур шакли амалда ўз умрини тугатган.

**Парламентлик монархия** мамлакатлари (ҳозирги Англия, Бельгия, Норвегия, Швеция)да қирол подшолик қылса-да, мамлакатни идора эта олмайди. Зоро:

1.Хукумат парламент томонидан сайловларда күп овоз олган муайян партиялар вакилларидан иборат қилиб шакллантирилади.

2.Энг күп депутатлик мандатларига эга бўлган партия раҳбари хукумат бошлиғи бўлади.

3.Қонунчилик хужжатлари парламент томонидан қабул қилиниб, фақат расмият учунгина монарх уларни имзолайди.

4.Хукумат монарх олдида эмас, парламент олдида ҳисоб беради.

5.Хукумат мажлисларида монарх қатнаша олмайди.

6.Монарх давлатчилик рамзи бўлиб, асосан маросимий рол ўйнайди.

7.Таҳтнинг мерос бўлиб ўтиши парламентлик монархия доирасида ҳақиқий монархиядан сақланиб қолган ягона хусусиятдир.

Шундай қилиб, қонунчилик, ижроия ва суд соҳаларида монарх ҳокимияти рамзий маънога эга бўлиб қолади. Лекин, барibir, юқорида айтилганлардан монарх фақат рамзий шахсга айланниб қолади, деган маънони англатмайди.

Шўро даврида монархия умри тугаб бўлган бир нарса сифатида рўйхатдан бутунлай чиқариб юборилганди. Мабодо бу фикрга қўшиладиган бўлсак, бир неча юз йиллаб яшаб келган бошқарувнинг бу шакли ҳанузгача баъзиларнинг эътиборини тортиб келаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Жумладан, 1975 йилнинг нояброда Испания халқи плебисцит (референдум)да монархияни ўрнатишга овоз берди.

**Республика** (лотинча «Respublica» — халқ, жамоат иши) давлат ҳокимияти аҳоли томонидан муайян муддатта сайлаб қўялдиган органлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув шаклидир. Республика ҳам монархия сингари муайян тарихий хусусиятга эга. Бошқарув республика шаклининг бир қанча асосий турлари тарихдан маълум. Улар Қулдорлик даврларида ёқ дунёга кела бошлаганди.

Республикалар парламентлик (Австрия, Италия, Германия), аралаш турдаги (Франция), президентлик республикаларига (АҚШ, Аргентина, Гватемала ва Лотин Америкасининг бошқа мамлакатлари) бўлинади.

**Капитализм замонлари парламентар (парламент) республикаси ҳамда президентлик республикасини вужудга келтирди.**

## **Парламент республикаси белгилари қуйидаги:**

1. Ҳукумат сайловларида ғалаба қозонган партия аъзолари бўлган депутатлар орасидан шакллантирилади.
2. Ҳукумат парламентга бўйсунади ва унинг олдида ўз фаолияти учун жамоавий масъулиятни зиммасига олади.
3. Давлат бошлиги (президент) парламент ёки парламент коллегияси томонидан сайланади.
4. Парламентдаги кўпчилик қўллаб турган давр мобайнида ҳукумат ҳокимият тепасида қолаверади.

## **Президентлик республикасининг белгилари:**

1. Ҳукумат президент томонидан тайинланади ва парламент томонидан тасдиқланади.
2. Ҳукумат парламентга эмас, президентга ҳисоб беради.
3. Президент мамлакат аҳолиси томонидан тўғридан-тўғри сайловлар йўли билан ёки сайлашга вакил қилинганлар коллегияси орқали билвосита йўл билан сайланади.
4. Президент айни вақтда ҳукумат бошлиги (масалан, Ўзбекистон, АҚШдагидек) бўлиши мумкин.

5. Президент қарорлари кечиктирувчи вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлади, шунингдек, парламентни тарқатиб юбориш ҳамда янги сайловларни эълон қилишга ҳақлиdir.

## **Аралаш турдаги республика белгилари:**

1. Президент мамлакат аҳолиси томонидан сайланади ва ҳукуматни тайинлайди (президент республикаси белгиси).
2. Ҳукумат парламент олдида масъул бўлиб, парламент ҳукуматга ишончсизлик билдириб, уни истеъфога чиқариши мумкин (парламент республикаси белгиси).

**Монархиядан республикага ўтиш шакллари. Сайлаб қўйиладиган монархия.** Масалан, Малайзияда тўққиз штат султонлари ўз ораларидан давлат бошлигини беш йил муддатга сайлашади. Бироқ ҳар ким ҳам эмас, фақат штатнинг валиаҳд султонигина сайланиши мумкин. Бирлашган амирликларда ҳам сайловлар шунга ўхшашиб тарзда ўтади. Олий ҳокимиятни амирлар кенгаши амалга оширади. Бу кенгаш амалда парламент ва ҳукумат вазифаларини бажаради. Амирлар ўз ораларидан давлат бошлигини беш йил муддатга сайлашади. Олатда БАА етти штатининг энг йириги — Абу-Даби амирлиги амири давлат бошлиги этиб сайланади.

**Монократик республика.** Бир томондан бу — республика, чункик аввал президент халқ томонидан сайланади. Иккинчи томондан оса, унда монархиянинг рўй-рост аломатлари кўринниб ту-

ради. Зсро, президент сайланиб олгач, қоғозга битилмаган ҳо-  
кимиятни ворислик асосида топшириш ҳуқуқи билан ўзини умр-  
бод президент деб эълон қиласди. Тунис, Марказий Африка Рес-  
публикаси, Гвинея, КХДР ана шундай республикалардир.

Ўз аломатларига кўра монократик республика суперпрези-  
дентлик республикасига яқин туради, сайлаб қўйиладиган мо-  
нархия эса моҳият-эътибори билан мутлақ монархияга яқин. Зе-  
ро, бундай давлатларда парламент йўқ, конституция эса, мо-  
нархнинг ўзи ҳалқа тортик қилган қомусий хужжат бўлиб, унда  
бутун ҳокимият (ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимия-  
ти) монархга тегишли эканлиги ёзib қўйилган. Шунинг учун  
ҳам давлат бошқарувининг ўтиш шакллари гибрид шакллар деб  
аталиши бежиз эмас.

Давлат тузилиши шакли шу давлатнинг маъмурий-худудий  
жихатлардан ташкил этилишини, ҳокимият марказий ва ма-  
ҳаллий органлари таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлик ха-  
рактерини белгилайди. Давлат тузилишининг уч асосий шакли —  
унитар давлат, федерация ва конфедерация тилга олинади.

Унитар давлат (унитар ягона, лотинча «унус» — «бир» сўзи-  
дан олинган) оддий яхлит давлат бўлиб, тўла сиёсий бирдамли-  
ги билан ажralиб туради. Унитар давлатларнинг кўпчилиги  
маълум маъмурий-худудий бўлинишга (туманлар, вилоят, кан-  
тон ва ҳоказолар)га эга. Лекин мазкур мустақил қисмлар давлат  
суверенитети белгиларига эга эмас. Бундай давлатда олий орган-  
ларнинг ягона тизими ҳамда ягона қонунчилик мавжуд бўлади.  
Унитар давлатнинг яхши томони шундаки, у содда тузилишга  
эга бўлиб, олий ҳокимият тўлалигича унинг тасарруфида бўлади.

#### Унитар давлат белгилари:

1. Мамлакат бутун ҳудуди учун ягона олий давлат ҳокимияти  
органлари, давлат бошқаруви органлари ва суд органлари фао-  
лият юритади.

2. Бутун ҳудудда битта Конституция, ягона қонунчилик тизи-  
ми, бир фуқаролик, ягона пул тизими, умумий солиқ ва кредит  
сиёсати ҳукм суради.

3. Унитар давлат давлатчилик аломатлари (атрибути) га эга  
бўлмаган вилоятлар, ўлкалар, округлар, туманлардан иборат бў-  
лиши мумкин. Ҳокимият маҳаллий органларининг марказий ор-  
ганларга тобелик даражасига қараб унитар давлатлар марказлаш-  
ган ва марказлашмаган давлатларга бўлинади.

4. Унитар давлатлар доирасида мухториятлар (автономиялар) бўлишига йўл қўйилади (масалан, Буюк Британия тузилмасида Шотландия ва Шимолий Ирландия каби).

5. Фақат марказий органларгина давлатлараро алоқаларни амалга оширади.

**Федератив давлат** («федус») — иттифоқ, шартнома сўзидан олинган) - мураккаб давлат. Давлатларнинг шартномавий ва қонуний тартибга солинган бирлашувини таъсис этишга асосланган иттифоқ федерация деб аталади. Демак, ўзаро бирлашишга интилувчи бир қанча мустақил давлатлар мавжуд бўлган жойдагина федерация ташкил этилиши мумкин.

### **Федератив давлат белгилари:**

1. Федерация ўзининг маъмурий чегаралари, ҳокимият органларига эга бўлган федерация субъектлари (штатлари, ерлар, вилоятлар, республикалар ва ҳ. к.)дан иборат бўлади. Мазкур субъектлар ҳатто ўз конституцияси ва қонунчилигига фақат ягона хукукий макон доирасидагина эга бўлишлари мумкин.

2. Федератив давлат ваколатлари федерациянинг барча субъектларига ёйиладиган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларига эга бўлади. Федерация субъектлари давлатлараро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда тўғридан-тўғри вакиллик хукуқига эга эмаслар.

3. Федерация субъектининг давлат таркибидан бир томонлама чиқиши конституциявий қонунчиликда кўзда тутилмаган (масалан, АҚШ, Германия ва Бразилия конституцияларида шунга ухшашиб хатти-ҳаракатлар ҳатто ман этилади).

4. Федератив давлат ягона қуролли кучларга эга бўлиб, уларга раҳбарлик марказий федерал органлар томонидан амалга оширилади. Давлат бошлиғи (президент) ушбу қуролли қучларнинг бош қўмондони ҳисобланади.

**Конфедерация** қатъий белгиланган (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий) мақсадлар учун шартнома ёки битим асосида ташкил этиладиган давлатлар иттифоқидан иборат. Конфедерация кейинчалик ўсиб (АҚШ, Швейцариядаги каби) федерацияга айланади ёхуд (Австро-Венгрия сингари) тарқалиб кетади.

### **Конфедерация белгилари:**

1. Бу — умумий манфаатларни таъминлаш мақсадида ташкил этилган суверен давлатларнинг муваққат иттифоқидир. Конфедерация субъектлари тегишли шартнома асосида бирлашади

ҳамда конфедерация таркибидан эркин чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўладилар.

2. Одатда давлат чегараларини кесиб ўтиш (виза ва декларацияларсиз) соддалаштирилган бўлса-да, ягона фуқаролик бўлмайди.

3. Конфедерация субъектлари ўз ҳарбий кучларига эга бўладилар. Фақат ҳарбий иттифоқ доирасидагина бирлашиш мумкин.

4. Парламент конфедерация субъектлари вакиллик органлари томонидан шакллантирилди ҳамда улар розилигисиз парламент қарорлари кучга эга бўлмайди.

5. Конфедерация миқёсида умумий суд органлари йўқ ва ҳокимиятнинг ижроия органлари ғоят чеклаб қўйилган.

6. Ягона пул тизими, ягона солиқлар тизими ва ягона давлат бюджетлари бўлмайди.

7. Конфедератив давлатлар узоқ яшамайди. Улар унитар давлатларга тарқалиб кетади ёки федерацияга айланади. Ҳозирги вақтда дунёда конфедерациялар йўқ.

Давлат ҳокимияти тузилишининг шакллари биз юқорида кўриб ўтганларимиздангина иборат деб тушуниш хато бўларди. Давлатлараро бирлашиш ва расмий ҳуқуқий иттифоқларнинг жуда кўплаб шакллари (шахсий ва амалдаги уния, вассаллик, сюзеренитет, миллатлар ва давлатлар ҳамдўстлиги, давлатлар ҳамжамияти) тарихдан маълум. Шунингдек, динонионлар ва метрополиялар муносабатлари, савдо иттифоқлари, ҳарбий блоклар ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Бироқ, улар энди давлатлараро бирлашмаларга киради.

**Сиёсий (давлат) режими, тушунчаси ва турлари.** Давлат сиёсий режими шакли давлат ҳокимияти органларининг аҳоли билан ўзаро алоқалари усул ва методлари мажмууни белгилайди. «Сиёсий режим» тушунчаси нисбатан яқинда — 1940 йили сиёсигашунос Леви томонидан киритилган. Лекин кейинги вақтларда аниқ бир маънодаги «давлат режими» атамасидан кўпроқ фойдаланишади. Муайян давлат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақиқатда қай даражада реал амалга оширилаётгани кўрсаткичи давлат режимларини таснифлашда бош мезон бўлиб хизмат қиласади. Юқоридагиларни назарда тутиб, давлат режимининг икки шакли — демократик ва антидемократик режимлар фарқланади.

**Демократик режимининг асосий хусусиятлари:**

1. Демократик давлатда ҳалқ ўз вакилларини сайлаб қўядиган Жамоавий қонунчилик органининг бўлишини тақозо этади.

2. Сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан қатын назар, барча фуқаролар учун умумий сайловлар йўли билан ва референдумда ўз иродаларини эркин ифодалаш имконияти мавжуд.

3. Фуқаролар сўз, матбуот, йиғилишлар, ахборотлар олиш эркинлигидан, партия ва жамоат ташкилотларидан фойдаланиш асосида давлат маҳкамасига таъсир ўтказишнинг амалий усулларига эга бўладилар.

4. Иқтисодий соҳага ва фуқароларнинг шахсий ҳаётларига аралашувнинг энг кам даражада бўлиши кузатилади.

5. Давлатнинг демократик табиати иқтисодиёт тараққиётининг юксак даражасини, муносиб ҳаёт даражасини, аҳолининг зулм ва қонунсизликдан ҳимояланганлигини тақозо этади.

**Демократик режим доирасида шартли равнишда қуийдагилар ажратиб кўрсатилади:**

Демократик режимнинг энг замонавий шакли либерал-демократик режим ҳисобланади. У кўпчилик мамлакатларда амал қиласди. Уништаги аҳамияти ва мафтункор қудрати шунчалик буюкли, кўпгина олимлар уни ҳокимиётни амалга ошириш режими эмас, балки жамият тараққиётининг муайян босқичида цивилизациянинг яшаш шарти, сал бўлмаса жамият сиёсий ташкилоти эволюциясининг оқибат натижаси деб ҳисоблашмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, давлат ва ҳукуқ назариясида ҳокимиётни амалга оширишининг энг демократик ва инсонпарварлик тамоилиларига асосланган сиёсий усул ва методларини ҳам либерал, деб аташмоқда.

Бундай жамиятда давлат ҳокимиёти сайловлар йўли билан шакллантирилади. Давлатни бошқариш ҳокимиётлар бўлиниши тамоили асосида амалга оширилади.

Давлатни бошқаришда марказдан қочириш тамоилидан фойдаланилариди, яъни марказ фақат маҳаллий органлар ҳал эта олмайдиган муаммоларни ечишни ўз зиммасига олади. Либерал-демократик режим давлат (сиёсий) режими деб қабул қилинган жамиятни фуқаролик жамиёти деб аташади.

**Демократик режим.** «Демократия» сўзи, албаттаги, кўпчиликка маълум, лекин бу сўз орқали ифодаланадиган маъно ҳамиша ҳам бирдек тушунилавермайди.

Лугатларда демократия, «бошқаришнинг ҳалқчил шакли сифатида таърифланади. Унда ҳалқ олий ҳокимиёттага эга бўлиб, уни ё ўзи бевосита амалга оширади, ёҳуд эркин сайлов тизими асосида ўзи танлаган вакиллари орқали амалга оширади», деся

таърифланади. Авраам Линкольн (АҚШ XVI президенти) нинг гапларига қараганда, «демократия — халқнинг шу халқ учун амалга оширадиган давлат бошқарувидир».

Демократия иккى асосий туркум — бевосита (тўғридан-тўғри) ва вакиллик демократиясига бўлинади. Бевосита демократия шаронтида фуқаролар сайдаб ёки тайинлаб қўйиладиган расмий шахслар воситачилигисиз ижтимоий қарорларни қабул қилишда қатнаша оладилар. Шундай тизим нисбатан кам сонли одамлар иштирокидаги жамоа ва қабила кенгашиларида, касаба уюшмалари маҳаллий органлари йиғилишларида ҳамма аъзолар масалаларни муҳокама этиш консенсус ёки кўпчилик овоз бериш йўли билан қарор қабул қилиш учун бир бинога жойлаша оладиган ҳолдагина мазмун-мөхиятга эга бўлиши мумкин. Қадимги Афина — жаҳондаги илк демократия 5-6 минг киши қатнаша оладиган мажлислар ёрдамида бевосита демократияни амалга оширишни уddyалагани кишини лол қолдиради. (Афтидан, бу бевосита демократияни ҳаётга татбиқ этиш учун одамларни жисмонан бир жойга тўплаш мумкин бўлган энг катта микдор бўлган бўлса ажабмас).

Хозирги замон жамияти ўзининг мураккаблиги, аъзоларининг кўпсонлилиги билан бевосита демократияни амалга ошириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун бугунги кунда унинг энг кўп қўлланиладиган шакли **вакиллик демократиясидир**. Бунда фуқаролар сиёсий қарорларни қабул қилиш, қонунларни таърифлаб бериш ҳамда ижтимоий фаровонлик йўлидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида расмий шахсларни, яъни федерал ва маҳаллий органлар депутатларини сайлайдилар.

#### **Антидемократик режим турлари:**

1. Антидемократик режимлар уч хил кўринишга — тоталитар, фашистик ва автократик кўринишга эга.

2. Автократик режим жамоа автократияси ҳамда яккахон автократиясини ўз ичига олади.

Жамоа автократияси ўз навбатида **аристократия ва олигархия** деб ном олган бошқарув шаклларига бўлинади.

Яккахон автократия деспотия, мустабидлик, шахсий ҳокимиёт режими шаклларига эга.

Энди мазкур режимларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

**Деспотик режим** (юнонча — «чекланмаган ҳокимият»). Ушбу режим ҳокимият истисносиз фақат бир шахс томонидан амалга ошириладиган мутлақ монархия (подшолик)га хосдир. Деспотик режимлар қадим замонларда пайдо бўлган ва у ҳокимиятни

бошқаришдаги ўта ўзбошимчалик, фуқароларининг тўла ҳуқуқ-сизилиги, бошқаришда ҳеч қандай ҳуқуқий ва ахлоқий асосларнинг бўлмаслиги билан ажралиб туради. Деспотия шароитида мустақиллик, норозиликлар, ғазаб-нафратини намоён этиш мумкин эмас, улар дарҳол бостирилади. Шундай бостиришлар чоги қўлланиладиган жазо чоралари ўта шафқатсиэлиги билан ажралиб туради ва боз устига жазо «жиноят»нинг ўзидан анча даҳшатлироқ бўлади.

Деспотик режим асосан Ўрта Ер денгизи мамлакатларида, Яқин Шарқда, Осиё, Африка, Жанубий Америка мамлакатларида, яъни Осиё ишлаб чиқариш усули (Осиё тараққиёт йўли) қарор топган мамлакатларда учрайди. У инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларига хосдир. Бироқ, бу режим ҳозирги босқичда ҳам, ҳозирги замон давлатларида ҳам бу давлатлар ривожининг тарихан ўзига хослиги, улар бошлиқларининг шахсий фазилатлари билан боғлиқ равишда пайдо бўлган ва бўлиши ҳам мумкин.

**Мустабидлик режими яккахон ҳукмронликка асосланган.** Мустабид ҳокимияти, одатда, зўравонлик, босиб олиш, баъзан эса, қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш натижасида ўрнатилиши билан деспотиядан фарқланади. Унда ҳам ҳуқуқий ва ахлоқий асослар бўлмайди, у зўравонлик, баъзан эса, террор ва геноцид (қириб ташлаш) асосига қурилган бўлади. Мустабид ҳокимияти шафқатсиздир. У ҳам одамларни қўрқитиш, даҳшатга асосланган бўлади. Мустабид ҳар қандай қаршиликни туғилишидаёқ бўғиб ташлашга ҳаракат қиласи, шунинг учун ҳам кўпинча фақат итоатсилик учунгина эмас, ҳатто қасд қилганлик учун ҳам қатл этиладилар. Бошқа мамлакат ҳудуди ва аҳолисини босиб олиш нафақат жисмоний ва ахлоқий зўравонликка, балки асоратга солинган ҳалқ анъаналари ва урф-одатларини таҳқирлашга ҳам олиб келади. Мустабид режимлар Қадимги Юнонистонда, айрим ўрта аср шаҳар-давлатларида мавжуд бўлган.

Таъкидлаб ўтганимиздек, деспотия сингари мустабидлик ҳам зўравонликка асосланади, бироқ деспотия шароитларида қаҳр-ғазаб қамчиси энг аввало олий мансабдорлар бошида синса, мустабидлик тузумида унинг зарбига ҳар бир одам учрайди. Қонунлар мутглақо ишламайди ва уларнинг ўзи умуман жуда кам бўлади. Зеро, мустабидлик ҳокимияти уларни яратишга интилмайди ҳам.

**Тоталитар режим.** Буни энди XX аср маҳсали дейиш мумкин. Тўла асос билан унга фашистик ҳамла «шахсга сифиниш» даври социалистик лавлатларини киритиш мумкин. Тоталитар режим авторитар режимнинг энг ашаддий шаклидир. Тоталитар давлати ҳамма ёқни тўла қамраб оловчи, ҳамма ёқни назорат қилувчи ва ҳамма ёққа чуқур кириб борувчи ҳокимиятдир.

Тоталитар режим — фуқаролар ҳаётига ўз аралашувини чексиз-чегарасиз кенгайтириб, ўз бошқаруви ва мажбурий мувофиқлаштириш кўламига уларнинг бутун фаолиятини киритиб олган сиёсий тузум демакдир. «Тотус» сўзи лотинчада «жами, бутун», деган маънони англатади. Бинобарин, тоталитар давлат ҳамма ва жами нарсаларни қамраб, ўз домига тортувчи давлатдир. У фуқаролар ташаббуси нокерак ва заарли, фуқаролар эркинлиги эса хавфли ва чидаб бўлмайдиган нарса, деган ақидага амал қиласди.

Тоталитар режим шароитида сиёсий раҳбар, ҳалқ доҳийси бошчилигидаги ҳукмрон сиёсий партия, ҳукмрон элита томонидан яратиладиган ягона расмий мағкура мавжуд бўлади.

«Шунинг учун ҳам тоталитар режим, — деб ёзади И.Ильин,— ҳуқуқий ҳам, давлат режими ҳам эмас. Материалистлар яратган бу режим тўлалигича «тан билан рух»нинг ҳайвоний ва қуллик омилларига, назоратчи-қулларнинг таҳдидли буйруқ-амрларига, уларнинг юқоридан ўзларига сингдирилган ўзбошимча фармо-йишларига асосланади. Бу — фуқаролари, қонунлари ва ҳукумати мавжуд бўлган давлат эмас, балки ижтимоий гипноз машинасидир; бу — даҳшатли ва тарихла мисли кўрилмаган биологик ҳодиса — на ҳуқуқ, на эркинлик, на ақл-идрок, на фуқаролик, на давлат орқали эмас, кўркув, нодонлик ва ёвузлик асосида жипслаштирилган жамиятдир»<sup>1</sup>.

**Фашистик режим.** Бу тоталитаризмнинг энг учига чиққан шаклларидан бири бўлиб, миллатчилик мағкураси, бир миллатнинг бошқаларидан афзаллиги тўғрисидаги тушунчалари, ўта тажовузкорлиги билан ажralиб туради.

Фашистик режим — барча ҳалқларни, шу жумладан, ўз ҳалқини ҳам азоб-уқубатларга етакловчи инсониятга қарши қаратилган тажовузкор режимдир.

Мана, фашизмни тавсифловчи хусусиятлар:

- динсизлик. Умуман динга душманларча муносабат;
- доимий ва гўё «идеал» тузум сифатида ҳуқуқий тоталитаризмни барпо этиш;

<sup>1</sup> Қаранг: И.Ильин. О грядущей России. М., Телекс, 1993., 51-бет.

- партия ҳукмронлиги ва ундан ўсиб чиқувчи коррупция ва ахлоқий бузилишларнинг қарор топиши;

- миллатчилик ва жанговар шовинизмга муккасидан кетиши.

**Авторитар режим.** У ҳуқуқий, ахлоқий негизларга асосланиши мумкин. Бироқ, бундай режимли давлат халқни бошқарувда қатнашишига жалб этмайди. Вакиллик органларининг мавжудлиги аҳволини ўзгартиролмайди. Улар амалда давлат ҳаётида арзирли рол ўйнамайди. Парламент доҳий ёки бир гурӯҳ шахслар (хунта, олигархия) бошчилигидаги ҳукмрон элита таклиф этган ҳар қандай қарорларни сўзсиз тасдиқлаб бераверади. Раҳбарликни амалга оширувчи элита ва олий мансабдор шахслар учун катта енгилликлар, имтиёзлар мавжуд бўлади. Давлатда раҳбарлик ҳарбий ёки давлат тўнтариши ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олганлар қўлига ўтадиган бўлса, авторитар режим ёки хунта номини олади. Ҳукмрон тўда ичидан бошлиқ алоҳида ажралиб туради. У ёки бу масалани муҳокама этиш чоғида ўз «команда»сига мурожаат қилиши, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутишига қарамай, бошлиқнинг таъсир-эътибор доираси чексиз-чесгарасиздир.

Авторитаризм шароитида муҳолифатга йўл қўйилмайди. Бундай режимда шахс ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. Чунки ҳокимият унга нисбатан бемалол мажбуров чораларини ҳам кўриши мумкин. Давлат манфаатларининг шахс манфаатларидан тўла устуворлиги ёзълон қилинади.

Ҳарбий режим авторитар режим кўринишларидан биридир. Бундай режимда давлат ҳокимияти иқтисодиёт, маданият, ижтимоий соҳаларни бошқарувчи ҳарбийлар қўлида жамланади. Сиёсий ҳаёт (фаолият) ё ман этилади, ё бутунлай чеклаб қўйилади.

Теократик режим ҳам авторитаризм кўринишларидан бирига киради. Бундай давлатда олий давлат ва диний ҳокимият бир шахс қўлида жамланади. Мазкур режим ўрта асрларда кенг ёйилганди. Ҳозир Ватикан, Эрон, Парагвайдга шундай режим учрайди.

Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Мустақиллик қўлга киритилиши биланоқ республикада дарҳол демократик ҳуқуқий давлат асослари вужулга келтирила бошлади. Шу мақсадда олдинги тоталитар тузум иллатларини таг-томири билан қўпориб ташлашга кескин киришилди. Кўп-партиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги билан муроса ҳаётий воқеликка айланди. Бир мафкура ҳукмронлигига барҳам берилди. Умуминсоний қадриятларни, жаҳон эътироф этган чи-

инакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳукуқлари нормаларини қарор топтириш вазифаси кўйилди.

Республикада сўзда эмас, амалда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти органларига бўлинниш тамойили ишлаб турибди. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбаига айланди ва бу ҳокимиятни ҳам бевосита, ўз ваколатли вакиллари — депутатлар корпуси орқали амалга ошироқоқда.

Буларнинг ҳаммаси қонун чиқарувчилик ишини фаол йўлга қўйишни тақозо этди. Республика парламенти — Олий Мажлис бу ишни муваффақиятли олиб бормоқда. Олий Мажлиснинг бутун салоҳияти бугунги кунда ёш мустақил давлатимизни ҳар томонлама ҳукуқий таъминлашга йўналтирилган. Давлат бошқарувининг янги, янада замонавий, шароитга тез мослашувчи тизимини шакллантириш бўйича ишлар зудлик билан бошлаб юборилди. Бошқарувнинг президентлик шакли бу тизимнинг негизи бўлиб қолди.

Жойларда бошқарув тизимини қайта ташкил этиш вазифаси кўйилиб, муваффақиятли уddyланди — вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик тузилмалари жорий этилди. Қонунлар устуворлиги, улар олдида мамлакат барча фуқароларининг тенглигини таъминловчи суд ҳокимиятини қайта ташкил этиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Цивилизациялашган фуқаролик жамиятининг ушбу таркибий қисмлари қонунчилик ва ҳукуктартиботнинг, қатъий интизом ва масъулиятилийкнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Республика олдида ўз тараққиёт йўлини танлашдек жиддий вазифа кўндаланг бўлди. Уни бажаришнинг ғоят зарурлиги Президентимизнинг куйидаги гапларида яққол ифодаланган: «Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишига интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақозо этади!».

Демакки, инсонлар, халқлар ва жамиятлар ҳаётида танланган ғоявий йўналиш, миллий мафкура муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I-т. Т. «Ўзбекистон», 1996., 40-бет.

Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Ҳар қандай мафкура қўйидаги асосий мақсадларни кўзда тутади:

- муайян ғояга ишонтириш;
- уюштириш;
- сафарбар этиш;
- маънавий руҳий рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин<sup>1</sup>.

Давлатимиз бошлиғи, яна, жаҳонда ижтимоий тараққиётнинг турк, швед, жанубий корейс ва бошқа турли хил кўринишлари мавжудлигини ҳам таъкидлади. Бир қатор мусулмон давлатлари ва саноати ривожланган янги мамлакатлар тажрибаси, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқ ҳўжалигини тиклаш бўйича Европа мамлакатлари ва Япония амалиёти намуналари мавжуд.

Бироқ, дея таъкидлайди: Президент, «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қиласа бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади»<sup>2</sup>.

Бунда гап, албатта, у ёки бу жозибадор ва ижобий самараси юксак андозадан оддий нусха кўчириш устида бораётгани йўқ.

Президентимизнинг қўйидаги фикрларида ушбу масалага бўлган қатъий нуқтаи-назар ўз ифодасини топган: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт ийлимизни танлаб олиши республиканинг қатъий позициясидир. Бу ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усуllibарига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу - таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу - Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётига муносиб турмуш шароитига интилишдир»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2001., 20-21-бетлар.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. Т. «Ўзбекистон», 1996., 40-бет.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т., Т., «Ўзбекистон», 1996., 40-бет.

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистонда шонли воқеа содир бўлди - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. У республикамиз мустақил ва эркин тараққиётининг ҳукуқий асосларини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши шакли Конституциямизнинг «Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши» деб номланган тўртинчи бўлимининг XVI-XVII бобларида ўз ифодасини топган. Жумладан, 68-моддада шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат». 70-модда эса Қорақалпоғистон Республикасининг мақомига бағишланган. Унда: «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига кирди», деб таъкидланади.

## ХУҚУҚ – ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИБ ТУРУВЧИ АСОСИЙ ВОСИТА

1. *Хуқуқининг моҳияти, унинг белгилари ва функциялари.*
2. *Хуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро нисбати.*
3. *Хуқуқ тамошлари.*

### 1. ХУҚУҚНИНГ МОҲИЯТИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Хуқуқ — тенглик, адолат ва эркинлик ғояларига асосланиб, кўп жиҳатдан қонунчиликда ва бошқа хуқуқий манбаларда ўз ифодасини топувчи ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи ҳамма учун мажбурий хуқуқий нормалар йигинидисидир.

Хуқуқ масалалари билан инсоният жуда қадимдан ва жиддий шуғулланиб келади. Лекин тадқиқотчиларнинг ҳар бири унга ўз қарашларини сингдириб келган. Таъкидлаб ўтилганидек, вақт ўтиши билан хуқуқ ҳақидаги тушунчалар ўзгариб борган, лекин унинг моҳиятини тушунишга ҳеч ким яқинлашмаган. Шунинг учун ҳам юристлар хуқуқ таърифини юз йиллаб излашади, деб нолиган И. Кантни изоҳлар экан, рус хуқуқ назариётчиси Н.Н. Алексеев: «Худди табиатшунослар умуман табиатнинг ўзи нима, деган саволга жавоб топа олмаганларидек, юристлар ҳам хуқуқ таърифини ҳеч қаҷон тополмайдилар», деганди.

Америкалик хуқуқшунос Лауренс Фридманнинг айтишича, хуқуқ тушунчаси шишадек нозик, совун кўпигидан ҳосил бўладиган пуфаклардай омонат, вақтдек тутқич бермас кўпдан-кўп маъноларга эга<sup>1</sup>.

Ҳозирги замон хуқуқшунослари ушбу муаммо билан шуғулланишга озмунча куч-гайрат сарфлашгани йўқ. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шўролар даврида бу ишлар «таптақир»лиқдан бошланганди. Чунки мазкур масала бўйича инқиlobгача ёки хорижда тўпланган тажрибага мутлақо инкор нуқтаи-назаридан қараларди. Шунга қарамай, ушбу йўналишда ўн йиллаб олиб борилган ишлар муайян натижаларни берди. Хуқуқ тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш бўйича уч асосий ёндашув:

а) хуқуққа истисносиз фақат юридик нормалар тизими деб қаровчи ёки хуқуқни «тор маънода» тшуниш деб аталувчи меъёрий ёндашув;

<sup>1</sup> Қаранг: Фридман Л. Введение в американское право. М., 1992., 8-бет.

б) ҳуқуқни унинг томонидан бошқариладиган ижтимоий муносабатлар билан бир хил, тенглаштирувчи социологик ёндашув;

в) ҳуқуқни озодлик ва адолат мезонлари билан борловчи фалсафий ёндашув кашф этилди.

Сўнгги икки ёндашув ҳуқуқни кенг маънода тушунишга олиб келди. Зеро, бу тушунчага ҳуқуқ нормалари ҳам, ҳуқуқий онг ҳам, ҳуқуқий муносабатлар ҳам киритиларди. Бунинг устига уларнинг ҳар бири ягона тўғри ёндашув деб ўз қарашларини ёқларди. Бироқ, ҳақиқат, маълумки, ҳамиша ўртада холис туради. Кейинги изланишилар айнан шундай нуқтаи назар билан ажраби туради.

Ўртага шундай саволни ташлайлик: шунчалик кўп ҳуқуқшунослар бу муаммога нега шу қадар кўп вақтларини бағишлишган? У шунга арзийдими? Ҳа, арзийди. Ҳуқуқ моҳиятини тўғри тушуниш фақат ҳуқуқшунослик фанининг муваффакиятли ривожланишига хизмат қилибгина қолмай, амалиётчи юрист учун ҳам зарур бўлиб, ҳуқуқни қўлланиш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш бўйича фаолиятида уни ишонч ва омил билан қуроллантириди. Ҳуқуқнинг нима эканлигини яхши билмай туриб, унинг тўғри қўлланиши, қонунийлик, ҳуқуқий масъулият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шу мақсадда ҳуқуқшунослик фанидаги эски, яхши ишлаб чиқилган ғоя — ҳуқуқнинг табиий ва ижобий (позитив) ҳуқуққа бўлинишига қайтамиз.

Табиий ҳуқуқ (*ius naturale*) инсон табиати, унинг жамиятда яшаш шарт-шароитларини тақозо этадиган ҳуқуқлар ва эркинликлар йиғиндисидан иборат. Мазкур назария намоёндалари бундай ҳуқуқларга инсоннинг эркка, ўзига ўҳшаганлар билан алоқада бўлиш, зуррӣёт қолдириш, яшаш ва одамнинг ростмана яшави учун зарур шарт-шароитларга, мулкка, жамият ва давлат томонидан ўз ҳаёти ва саломатлигининг муҳофаза этилишига бўлган ҳуқуқларини киритадилар.

Бошқа кишиларга, жамиятга, давлатга зарар келтирмаслик, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқаларга ҳалақит бермаслик мажбуриятлари ҳам шундан келиб чиқади. Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ — ҳуқуқ тўғрисидаги бенуқсон, чукур ахлоқий ва юксак даражада адолатли тасаввурлар йиғиндисидан иборат.

Табиий назарияга жавоб тарпиқасида ҳуқуқнинг тарихий мактаби юзага келди. Немис ҳуқуқшунослари Густав Гуго ва Карл Савини унинг намоёндалари эди. Ҳуқуқни ҳалқ миллий ҳаётининг маҳсулни

деб ҳисобловчи ҳуқуқнинг тарихий мактаби табиий ҳуқуқ назариясига жиддий зарба берди. Лекин у жуда яшовчан бўлиб чиқди ва ҳозир ҳам ўз тарафдорлари ва издошларига эга.

Бошқа ҳуқуқ мактаблари ҳам бор. Уларга **рационалистик** ҳуқуқий назарияни мисол қилиб келтириш мумкин. Унга кўра, хулқатвор қоидалари одамлар томонидан улар ўз олдиларига қандай мақсад қўйишлари билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Кўпинча куч-қудрат ва ҳокимият кимда кўпроқ бўлса, ўша одам хулқатвор қоидаларини ўз мақсад ва манфаатларига мослаб тўгрилайди. Мазкур назария асосчиси Рудолф Йеринг инсоният тарихидан шу назарияни тасдиқловчи кўплаб мисолларни келтиради.

**Ҳуқуқни психологик** кўрсатмалардан, кишиларнинг муайян қоидалар асосида яшаш, бошқа шахс иродасига бўйсунниш ёки бошқаларни ўз иродасига бўйсундириш эҳтиёжларидан келтириб чиқарувчи психологик ҳуқуқий назарияни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Марксча-ленинчага** ҳуқуқ назарияси ҳам яхши маълум. Унга мувофиқ ҳуқуқ - ҳукмрон синф иродасини ифодаловчи хулқатвор қоидалари йиғиндисидан иборат. Бу фоят хато назария бўлиб, собиқ иттифоққа ва социалистик лагерга кирувчи давлатларга катта зарар келтирган. Ислом Каримов бу ҳақда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (1995 йил) жуда яхши айтганди: «Биз яқин ўтмишимизда қурол сифатида давлат ҳақидаги марксчағояни шиор қилиб олиб, бу назарияни дормага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий қураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, ҳалқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади».<sup>1</sup>

Ижобий (позитив) ҳуқуқ — давлат қабул қилган нормаларда, яъни қонун ҳужжатларида, шунингдек, бошқа ҳуқуқий манбаларда ифодаланган ҳуқуқлар. Қонун ҳужжатларидан ташқарида, ҳуқуқий урф-одатлардан, прецедентдан, мсъёрий шартномалардан ҳоли

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқалласлир. З-т Т., «Ўзбекистон», 1996., 19-20-бетлар.

ижобий ҳукуқ бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам қонунчилик билан ҳукуқни нотўри тенглаштиришади.

**1. Ҳукуқ меъёрий қоидалардан, яъни нормалардан иборат.** Кишилар билими ва фаолиятини муайян қоидаларда, яъни нормаларда жамлар экан, инсоният шу тариқа эришган билим ва тажрибаларини мустаҳкамлайди, аста-секин уларни тўплай бориб, ижтимоий ҳётни нормал рамкага солади.

**2. Ҳукуқ, тенглик, адолат ва эркинлик ғояларини ифодалайди.** Тенглик, адолат ва озодлик инсониятнинг азалий орзусидир. Одатда инсон фаровонлигига хизмат қиласидиган, бошқа одамлар манфаатини оёқости қиласидиган, умуман жамиятга зарар етказмайдиган нарсалар адолатли ҳисобланади. Ушбу мезонлар ва шунга тегишли баҳолар аввал кишилар онгида таркиб топади, сўнгра қонун ҳужжатларда мустаҳкамланади. Адолат мезонлари асосида шу адолат ва эркинлик ғоялари моҳиятини ифодаловчи умуминсоний қонун-қоидалар ётиши керак. Улар юқорида айтиб ўтганимиздек, табиий ҳукуқ назариясида етарли даражада аниқ таърифлаб берилган. Шундай бўлиши табиий. Инсоннинг табиий ҳукуқларга муносабати, давлат томонидан уларнинг ҳимояланиши жамиятдаги адолатнинг аҳволидан, ҳокимият ва давлатнинг моҳият-мазмунидан дарак беради.

Инсоннинг табиий ҳукуқий ва унга тегишли юридик мажбуриятлар давлатларнинг конституцияларида, энг муҳим қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасини ибратли деса бўлади. Унда шундай дейилган: «Яшаш ҳукуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳукуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир». Бизнинг Конституциямизда табиий ҳукуқ тамойилларига асосланган кўплаб моддалар акс этган.

**3. Ҳукуқ ўзи акс этадиган предметига эга.** Бу — ҳокимият, давлат, жамиятдаги тартибdir. Айнан шу ижтимоий тузилмалар тенглик, адолат ва эркинлик ғояларини амалий мазмун билан тўлдиради, айнан шулар инсоннинг тенг, эркин ва адолатда яшашини, унинг ростмана ҳастий фаолиятини таъминлашга қодирдир. Гарчи адолат ва эркинлик ғоялари онгнинг бошқа шаклларида ҳам акс этса-да, аммо фақат ҳукуқдагина улар инсон, давлат, жамият эркинлклари, ҳукуқлари, мажбуриятларида шу инсон, давлат, жамият ўртасидаги ўзаро масъулият кўламлари, кўринишлари ва шаклларига мос равишда юзага чиқади.

Ўз акси ифодаланадиган предмети билан ҳуқуқ онгнинг ва ижтимоий ҳаёт бошқа соҳаларининг шакллари — дин, ахлоқ иқтисодиёт кабилардан фарқланади.

**4. Ҳуқуқ инсон хулқ-атворини тўғриликка йўналтиради, унинг тафаккури ва ҳисснётларига таъсир этади.** Ижтимоий етук ҳар бир одам адолат ва эркинликка интилади ва бошқалар ҳам ўзларини шундай тутишларини хоҳлайди, давлатга эса, адолат ва эркинлик кафолати сифатида қарайди. Одам ҳуқуқ талаблари га ихтиёрий равишда, ички эътиқоди бўйича бўйсунади. Бироқ, ҳуқуқнинг ташқи мажбурийлиги инсонга нисбатан ташқи (жисмоний ва руҳий) мажбуровни қўлланишда ҳам ифодаланади ҳамда ички мажбурийликдагидай онгга эмас, балки фақат хулқ-атворгагина тааллуқли бўлади. Шу тариқа ички ва ташқи мажбурийликка эга бўлган ҳуқуқ инсонга фаол таъсир ўтказиш ва шу йўл билан жамиятда зарур тартибни мустаҳкамлашга қодирдир.

**5. Махсус ифода шакли — қонунчилик.** Табиий ҳуқуқ моҳиятини ифодаловчи адолат ва озодлик foялари турли шаклда — ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тушунчалар ва бошқа ҳуқуқий ҳодисалар кўринишида мавжуд бўлади. Уларнинг катта қисми қонуний шаклга кириб, ижобий (позитив) ҳуқуққа айланади. Шундай қилиб, қонунчилик — ҳуқуқнинг катта қисмини ифодалаш шаклидир. Унинг қолган қисми бошқа шаклларда мавжуд бўлади. Айнан шунинг учун ҳам ҳуқуқ ҳеч қачон қонунчиликка мос тушмайди. У ҳажм жиҳатидан қонунчиликдан кенгроқ бўлиб, у билан шакл ва мазмун сифатида муносабатда бўлади.

Бизнинг назаримизда, яна бир жиҳатга эътиборни қаратиш даркор. Гап шундаки, ҳуқуқнинг қонунчиликда ифода этиладиган қисми, яъни ижобий ҳуқуқ кўпинча умуман ҳуқуқ сифатида қабул қилинади. Ижобий ҳуқуқнинг давлат билан боғлиқлиги бунга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ижобий ҳуқуқнинг қўйидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш жоиз:

**А. Ҳуқуқ — қонун даражасига кўтарилган иродадир.** Ирода инсоннинг бир мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатида ифодаланувчи онгли шартланган руҳий-физиологик ҳолатидир.

Иродани қонун даражасига кўтариш жараёни муайян тарзда уни расмийлаштириш, сиртдан мажбурий меъёрий кўрсатмаларнинг қонунчилик органлари томонидан чоп этилишидан иборат. Мазкур ҳолларда ҳуқуқнинг ёритилишига давлат ғамхўрлик қиласи. Шу туфайли гўё ҳуқуқ давлат томонидан чиқарилаётгандай тасаввур тугдириши мумкин. Аслида давлат ўзига боғлиқ

ҳолда мавжуд адолат ва озодлик ғояларини, яъни табиий ҳуқуқ ғояларини ўз қонунчилик органлари воситасида «қонун даражасига кўтарилиши».

**Б. Қонуннинг расмий аниқлиги.** Қонунчиликда мустаҳкамланган месъерий қоидалар алоҳида хусусият — расмий аниқлик касб этади. У қонунчилик кўрсатмаларининг равонлиги, биргина маънени англатиши, лўндалигида ўз аксини топади. Бунга ҳуқуқий тушунчалар, уларнинг таърифлари, асрлар мобайнида шаклланган юридик техника қоидалари ёрдамида эришилади.

**В. Ҳуқуқнинг тизимлилиги.** Қонунчиликда ўз ифодасини топган ҳуқуқ нормалари албатта, муайян тизимга эга бўлиб, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига мувофиқлаштирилган бўлади. Ҳуқуқда тартиблилик қонун билан таъминланади. Қонун чиқарувчи янги юридик нормаларни кўрсатмалар орқали мустаҳкамланар экан, албатта уларни олдинги мавжудлари билан мувофиқлаштиради. Акс ҳолда ҳуқуқ ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлолмайди.

**Г. Ҳуқуқнинг жўшқинлиги (динамизми).** Бу ҳам жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига хос ҳодиса бўлиб, у қонунчилик қоидаларининг тез ўзгариши имкониятида намоён бўлади. Маълумки, ҳозир бизда эскирган месъерий ҳужжатлар жадал ўзгартириляпти ва бекор қилингапти, янгилари эса ишлаб чиқиляпти ва қабул қилингапти. Масалан, мустақиллик йиллари мобайнида республикамида янги Конституция, 14 та кодекс, 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

**Д. Ҳуқуқ — хилма-хил одамларга нисбатан тенг миқёсли нормадир, яъни чорадир.** Ҳуқуқ қонунчилик воситасида гўё хулқ-атвор кўламини «ўлчаб», унинг миқёсларини аниқлайди. Бир хилдаги бу ўлчовлар ўз қобилиятлари, жисмоний аҳволлари, оиласиб ва бошқа ҳолатлари бўйича турли хил одамларга нисбатан қўлланилади.

Бироқ, хилма-хил одамлар учун тенг муносабатни билдириши билан ҳуқуқ уларнинг амалдаги тенглигини таъминлай олмайди ва бунинг кераги ҳам йўқ. Акс ҳолда бу ижодий ва меҳнат омилларига зарар стказиб, жамиятни тургунликка олиб келган бўларди. Биз «текисчилик»нинг нима эканлигини ҳамда бу нималарга олиб келишини сабиқ советлар давридан яхши биламиз.

Албатта, ҳуқуқнинг бундай ҳолатини юмшатиш мумкин ва лозим. Масалан, фуқароларнинг моддий аҳволига қараб турли нафақалар тўлаш имконини берувчи солиқларни табақалаштирилган ҳолда ундириши йўли билан бунга эришиш мумкин. Би-

роқ, бунда фақат давлатгагина кўз тикиб ўтирувчи боқиманда, ишёқмас, бефарқ одамларни кўпайтириб юбормасликни назарда тутиш шарт. Шубҳасиз, давлат ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилиши керак, лекин шу билан бирга Президент Ислом Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқалласдир» асари (387-бет)да таъкидлаганидек, барча одамларга ўз қобилиятларини кўрсатиш ва ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятлар яратиб бериш кафолатини ишончли равишда ўз зиммасига оладиган давлат-хуқуқий механизмини яратиш бизнинг вазифамиздир. Ҳалол ишлайдиган ҳар бир одам ўз оиласини боқиш имкониятига, маълумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий таъминланишда тенг хуқуқларга эга бўлиши даркор. Айни маҳалда бундан бўён ҳар бир кишининг жамиятдаги аҳволи унинг хоҳиш-истаги ва меҳнат қила олиш маҳоратига кўра белгиланиши керак.

**Е. Хуқуқнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши.** Аслида хуқуқ талаблари ихтиёрий бажарилади ёки риоя қилинади. Аммо, маълумки, ижтимоий хуқуқнинг барча нормалари ҳам қонун субъектларининг ички эътиқоди кучи билан ихтиёрий амал қилиниб, бажарилавермайди. Аҳолининг айрим қисми хуқуқ ортида давлат турганлиги учунгина унинг талабларига бўйсунади.

**Хуқуқ функциялари** умуман олганда давлат функцияларига мос келади-ю, лескин ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Кўпинча икки функция — **тартибга солиш ҳамда муҳофаза** функцияларини ажратиб кўрсатишади. Ҳудди шуларнинг ўзи хуқуқни ўзига хос, сифати жиҳатидан мустақил тузилма қабилида тавсифлайди. Айтиш мумкинки, ижтимоий ҳодиса сифатида хуқуқнинг мавжуд бўлиши ушбу функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ.

**Тартибга солиш функцияси** ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, функциячаларга бўлинади:

1. Мулкни қайта тақсимлаш, хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ **иқтисодий** муносабатларни тартибга солиш.

2. Давлат ва жамоат фаолияти соҳаларида **сиёсий** муносабатларни тартибга солиш, партиялар, жамоат бирлашмаларини аддия рўйхатидан ўтказиш, сайлов кампаниялари, референдумларни қонуний регламентлаш ва ҳ. к. Ҳуқуқнинг сиёсат билан боғликлиги ҳақида гапириларкан, хуқуқнинг ўзи давлатда мавжуд бўлган сиёсий ҳокимиятнинг юридик асоси эканлигини таъкидлаш жоиз. Ҳеч қандай ҳокимият юридик асоссиз яшай олмайди. У **ноқонуний** аҳволга тушиб қолади.

3. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жамиятда одамлар хулқ-авторини бошқарувчи давлат тизимидағи күрсатмалардан қоидалардан иборат.

4. Шахснинг дүнёқарашига оид тушунчаларни тартибга солиш субъектив ҳуқуқ доирасига киради.

Ҳуқуқнинг муҳофаза функцияси ҳуқуққа қарши ҳаракатларни олдини олиш, тұхтатиб қолищдан иборат.

Ушбу функцияning амал қилиши:

- тақиқтарни белгилашда;
- әхтимол тутилған ғайриқонунің ҳаракатлар учун юридик жазо чораларини ўрнатышда;
- ғайриқонунің кирдикорлар учун юридик жазоларни құлла-нишда ифодаланади.

Күпинча ҳуқуқнинг учинчи — **тарбиявий (огохлантирувчи)** функциясини ҳам ажратиб күрсатышади. Унинг амалга оширилиши ҳуқуқий нормалар бузилғанда юзага қелиши мүмкін бўлган нохуш оқибатлар ҳақида аҳолини хабардор қилиш билан боғлиқ.

## 2. ҲУҚУҚ ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро нисбати қандай? Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзи нималарни англатади, алоҳида хулқ-автор нормалари сифатида уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Ҳуқуқ нормаси дейилганды, давлат томонидан ўрнатылган ва таъминланған расмий равишда белгиланған умуммажбурий хулқ-автор қоидалари тушунилишини эслайлик.

Ахлоқ, одоб, адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, мақтovга сазовар ва шармандалик, жамият алқайдиган ёки қоралайдиган ор-номус, виждонийлик, бурч, қадр-қиммат ва шу каби категориялар күринишида ижтимоий шарт-шароитларнинг кишилар онгидаги бевосита инъекси сифатида юзага келадиган қарашлар, тасаввурлар ва қоидалардир.

Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги нисбатлар етарли даражада мураккаб. У бирлик, тафовут, ҳамкорлик ва қарама-қаршиликдан иборат тұрт таркибий қисмни ўз ичига олишини эслаб қолинг. Уларни батағсилроқ күриб чиқамиз.

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг бирлиги қуйидагилардан иборат:

- бириңчидан, улар биргаликда норматив тартибга солиш тизимини ташкил этувчи ижтимоий нормалардир;
- иккинчидан, ҳуқуқ ва ахлоқ фалсафий нұқтаи назардан иқтисодий, маданий ва бошқа омиллар ҳамда сабаблар билан

ўзаро бирдек боғланган катгориялар бўлиб, бу ҳолат уларни ижтимоий жиҳатдан бир хил қилиб қўяди;

• **учиғчидан**, бутун халқ манфаатларини ифодаловчи чинакам халқ ҳокимияти, демократизм, давлат, давлатчилик — уларнинг ягона сиёсий пойдеворидир;

• **тўртингчидан**, ҳуқуқ ва ахлоқ мавжуд ижтимоий муносабатлардан иборат биргина бошқариш объектига эга бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи бир хил одамлар ва жамоаларга мўлжалланган;

• **бешингчидан**, меъёрий ҳодиса сифатида ҳуқуқ ва ахлоқ одамларнинг муқаррар ва эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатларини аниқлайди, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлаштириш воситаси бўлиб хизмат қиласи;

• **олтингчидан**, инсон фаолиятининг бошқарувчилари бўлиб қолар экан, улар шахс иродасининг эркинлиги, унинг томонидан хулқ-автор турларини танлаш имкониятига асосланади;

• **еттингчидан**, ҳуқуқ ва ахлоқ оқибат натижада фақат бир мақсадни — ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва такомиллаштириш, унга ташкилотчилик асосларини киритиш, шахсни камол топтириш, адолат, инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш мақсадини кўзлади;

• **саккизингчидан**, ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам улқан тарихий қадрият, жамият тараққиётининг ижтимоий ва маданий кўрсаткичлари сифатида майдонга чиқади. «Ҳуқуқнинг мақсади — кишиларнинг биргаликдаги ҳаётини тўқнашувлар, ўзаро курашлар, шафқатсизлик, низолар ва ҳоказоларга маънавий куч-кудратни имкон қадар энг кам сарфлайдиган тарзда ўрнатишдан иборат»<sup>1</sup>.

Биз юқорида кўриб ўтгаи умумий хусусиятларига қарамай, ҳуқуқ ва ахлоқ бир-биридан жиддий фарқланади ҳам. Боз устига, сўнгги омил ҳуқуқшунослик фани учун каттароқ аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун ҳам ахлоқ ва ҳуқуқ белгилари пухта таҳлилга лойикдир.

Бинобарин, биз ахлоқ ва ҳуқуқнинг фарқланувчи хусусиятларини кўриб чиқишимиз зарур.

1. Ҳуқуқ ва ахлоқ, энг аввало, ўзларининг қарор топиши ва манбалари бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Ҳуқуқий нормалар фақат давлат томонидан ёхуд унинг розилиги билан айрим жамоат ташкилотлари томонидан яратилади ёки тасдиқланади. Давлат томонидан улар бекор қилинади, тўлдирилади ва ўзгартирилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ильин И. А. Порядок или беспредел. М., 1917., 24-бет.

Шу маънода давлат ҳукуқнинг сиёсий ижолкори бўлиб, ҳукуқни яратиш беистисно унинг ҳақ-ҳукуқидир. Шунинг учун ҳукуқ фақат халқ иродасинигина эмас, балки унинг давлати иродасини ҳам ифода этади ва ижтимоий муносабатларнинг оддий тартибга солувчиси бўлиб эмас, балки махсус давлат бошқарувчиси бўлиб майдонга чиқади.

Ахлоқ бошқача таркиб топади. Унинг нормалари бевосита давлат томонидан эмас, бутун жамият томонидан яратилади. Кишиларнинг амалий фаолияти, уларнинг ўзаро алоқалари жараёнида доимий равищда пайдо бўлиб, ривож топиб боради.

Ахлоқ нормаси яшаш ҳукуқини қўлга киритиши учун расмий ҳокимият розилигининг ҳожати йўқ. Унга амал қилишга жазм этганлар — жамият, синф, ижтимоий гурӯҳ, жамоа томонидан ётироф этилишининг ўзи кифоя. Ахлоқий ўгитлар ижобий қонунчилик қуроли бўла олмайди. Бу ҳолат давлат ахлоқнинг шаклланишига ҳеч қандай таъсир ўтказмас экан, деган маънони билдирилмайди. Ҳукуқ, сиёсат, мағкура, матбуот, бутун муносабатлар тизими орқали шундай таъсир ўтказилади. Лекин давлат тўғридан-тўғри ахлоқий нормаларни ўзгартирмайди.

Яна бир хусусият ҳақида тўхталишга тўғри келади. Ҳар қандай давлатда унинг ўзи дунёга келтирган фақат битта ҳукуқ амал қиласди. Айни пайтда, ҳатто бир давлатнинг ичидаги ҳам ахлоқ ягона ва бир хил бўла олмайди. У синфий, миллий, диний, касбий ва инсон турмушининг яна бошқа жиҳатларига боғлиқдир. Бу ҳукуқнинг давлат билан ирсий алоқасини ҳамда ахлоқда бундай алоқадорликнинг йўқлигини яна бир бор исботлайди.

**2. Ҳукуқ ва ахлоқ уларни таъминлаш усуслари бўйича бирбиридан фарқланади.** Ҳукуқнинг ортида ҳукуқий нормаларга риоя этилишини кузатиб, уни бузувчиларни жазоловчи мажбурлов маҳкамаси туради. Зеро, ҳукуқ илтимос ҳам, маслаҳат ҳам, майл-ҳоҳиш ҳам эмас, балки бутун жамиятга қаратилган ҳамда айнан уларнинг манфаатлари йўлида мажбурлов имконияти билан мустаҳкамланган ҳокимият талаби, амри, кўрсатмасидир.

Шундай қилиб, ҳукуқда мажбурлов нуқтаси мавжуддир. Бусиз кишилар ҳаёти-фаолиятининг таъсирчан бошқарувчиси, ҳокимият қуроли бўла олмасди. Бу — албаттага, ҳукуқ «жазо шамшири» бўлиши керак, деган маънони англатмайди. Мажбурлов таҳди迪 — қонун билан зиддиятга борилганда қўллаш учун мўлжалланган воситадир.

Фақат жамоатчилик қудратига таянадиган ахлоқ бутунлај бошқача тарзда амал қиласи. Ахлоқ нормаларни бузиш расмий ҳокимият аралашувини, юридик жазоларнинг қўлланишини талаб қилмайди. Ахлоқий жиҳатдан одам ҳақиқий тубан (аблаҳ) бўлиши мумкин-у бироқ, ҳеч қандай хукуқقا қарши хатти-ҳаракатларни со- дир этмаган бўлса, у суд (юридик) жавобгарлигига тортилмайди. Бу- нақангি ҳодисаларда шундай одамларга нисбатан қандай иш тувиш- ни жамиятнинг ўзи ҳал қиласи. Шуни ҳам қайд этиш керакки, бун- дай таъсир чораси бальзан хукуқий чоралардан ҳам шафқатсизроқ ва таъсирчанроқ бўлиши мумкин.

**3. Хукуқ ва ахлоқ ифода, қайд этиш шаклига кўра фарқланади.** Агар хукуқий нормалар давлат ёхуд жамоат ташкилотининг маҳ- сус юридик хужжатлари (қонунлар, фармонлар, қарорлар)да мус- таҳкамланиб, гуруҳларга ажратилиб, тартибга солиниб, умуман қенг қамровли ва кенг тармоқли қонунчиликни ташкил этувчи тегишли кодекслар, тўпламлар, низомларда жамланса, ахлоқ нормалари бундай аниқ ифодаларга эга бўлмайди, қайд этилмайди ва тайёрланмайди. Бунинг ўрнига улар ижтимоий ҳаёт ишти- рокчилари бўлган одамлар онгига пайдо бўлади ва яшайди.

Лекин ахлоқ нормалари фақат битилмаган ўғитлару талаблар- нинг ўзи эмас. Уларнинг кўпчилиги турли жамоат ташкилотлари- нинг хилма-хил дастурий хужжатлари ва низомларида, адабиёт ва диний ёдгорликларда, тарихий йилномаларда ўз ифодасини топ- ган. Бунинг устига қонунлар ва бошқа хукуқий хужжатлар модда- лари ва бандларига кирган кўплаб ахлоқий нормалар ҳам мавжуд.

**4. Хукуқ ва ахлоқ одамлар онгига таъсир этиш хусусияти ва усуllibарига қараб фарқланади.** Агар хукуқ субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уларнинг юридик хукуқлари ва мажбурият- лари, (тўғри-нотўғри, қонунийлик-ноқонунийлик, жазоланиш ва жазоланмаслик) нуқтаи назаридан тартибга солинган бўлса, ах- лоқ инсон қилмишларига яхшилик ва ёмонлик, мақтovлилик ва шармсизлик, ҳалоллик ва нопоклик, олижаноблик ва пасткаш- лик, яъни виждон, ор-номус, бурч нуқтаи назаридан ёндашади..

Бошқача қилиб айтганда, уларда турлича баҳо категориялари, ижтимоий мезонлар мавжуд. Шу билан боғлиқ ҳолда хукуқ нормалари рухсат этиладиган ҳаракатларнинг тақиқланган ва рухсат этиладиган хатти-ҳаракатларнинг анча тўлиқ ва аниқ тасвирини баён қиласи, мазкур қоидани бузганлик учун жазо чораларини белгиларкан, хулқ-атворнинг зарур турини аниқ кўрсатиб беради.

Ахлоқ нормалари эса, одамлар құлмишін учун олдиндан ҳеч қандай масъулиятни белгиламайди ҳам, күзда тутмайди ҳам.

5. Ҳуқуқ ва ахлоқ уларни бузғанлық учун жавобгарлик мазмұнны ғана тартиби бүйіча фарқланади. Ҳуқуқбұзарлық ҳаракатлари оддий жавобгарликни келтириб чиқариғина қолмай, мағиссияттік масъулиятни ҳам юзага келтиради. Айни пайтда жазони юклаш тартиби қонун билан қатый чегаралаб қўйилған. Одам давлат номидан жазоланади.

Ахлоқ қоидаларини бузиш бутуылай бошқа оқибатларга олиб келади. Бу срда аниқ жазо тадбири ўтказилмайди. Бериладиган жазо қоидабузарни ахлоқий қоралаш, унга танбөх беріш, жамоат таъсири чораларини қўллашда ифодаланади. Масалан, хайфсан, танбөх, ташкилотдан чиқариб юбориш, алоқани бутунлай узиш каби чоралар қўлланилиши мумкин.

Давлат олдида эмас, балки жамият, жамоа, оила, қўйингки, бошқа бир одам олдида масъулият юзага келади.

6. Ҳуқуқ ва ахлоқ инсон хулқ-атворига қўйиладиган талаб дараҷаси билан фарқланади. Гарчи юридик қонун баъзи кирдикорлар учун жуда жиғдий жазони күзда тутишини билсак-да, шахс олдига анчагина кўп талабларни қўювчи ахлоқнинг таъсир даражаси, албата, хийла юқори туради, Масалан, ахлоқ нопоклик, ёлғончилик, туҳмат, алдовнинг ҳар қандай кўринишларини кескин қоралайди. Ваҳоланки, ҳуқуқ уларнинг энг хавфли кўринишларинигина олдини олади, жазолайди. Ахлоқ нималарда ифодаланишидан қатъи назар, жамиятга қарши ҳар қандай кирдикорга тоқат қилолмайди. Айни пайтда ҳуқуқ бу кирдикорларнинг энг ёвуз кўринишларинигина жазога мустаҳих этади.

Ахлоқийлик одамлар құлмишларини виждон категорияси билан қиёслайды, фақат қонун кўрсатмаларига амал қилишга даъват этибина қолмай, бурч амрига ҳам қулоқ тутишга чақиради. Ҳуқуқ ҳамиша ҳам одамларни ҳамма нарсада охиригача ҳалол, пок, инсофли, ҳақиқатгўй, адолатли, жонкуяр, олижаноб бўлишга, қаҳрамонлик кўрсатишга мажбур қилолмайди. Қонун йўли билан кўрсатма берib, бунга эришиш мумкин эмас. Ахлоқ эса — шунга даъват этади. У одамларни ўртамиёналикка эмас, балки юксакликка йўналтиради.

7. Ҳуқуқ ва ахлоқ амал қилиш соҳалари бүйіча фарқланади. Ахлоқий макон ҳуқуқий макондан анча кенглиги маълум. Ҳуқуқ, маълумки, ижтимоий ҳаётнинг кўпгина қирраларини четда қолдириб, унинг энг муҳим соҳаларинигина бошқаради. Бунда

одамлар ўзаро алоқаларининг муҳаббат, дўстлик, ўзаро ёрдам, дид-фаросат, мода, раҳм-шафқат қаби жиҳатлари ҳуқуқ доирасида қамраб олинмайди.

Инсон муносабатларининг бу соҳаларига ҳуқуқнинг кириб келиши, биринчидан, уларни ташқаридан назорат қилиб бўлмаслиги, иккинчидан, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан бундай қилишнинг бехудалиги, учинчидан эса, ҳеч бўлмагандан — демократияга қарши ва инсонпарварликка зид бўлгани учун ҳам мустасно этилади. Бу ерда ахлоқ, одоб ва бошқа ижтимоий нормалар ҳамда анъаналар амал қиласди.

Ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, ахлоқ инсоният жамиятининг барча кавакчаларию уячаларигача кириб боради, унинг фикрлари инсон муносабатларининг барча шакллари учун муҳим ва зарурдир.

Лекин айни пайтда шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ҳуқуқ ва ахлоқ фақат қисмангина бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Асосан эса, улар бир-бирларини тўлдиради. Бу эса, қарийб барча ижтимоий муносабатлар ҳам ҳуқуқнинг, ҳам ахлоқнинг бошқарув предметини ташкил этади, деган ғапдир. Бу ерда биз шундай нисбатни кўрамиз: ҳуқуқ томонидан бошқариладиган ҳамма нарса ахлоқ томонидан ҳам бошқарилади, бироқ ахлоқ томонидан бошқариладиган ҳамма нарса ҳам ҳуқуқ томонидан бошқарилавермайди.

**8. Фалсафий жиҳатдан ҳуқуқ билан ахлоқнинг фарқи шундаки, ахлоқ (сиёсат, мафкура, фан, санъат ва ҳ. к. лар билан бир қаторда) ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида майдонга чиқади. Ваҳоланки, ҳуқуқ ҳақида бундай деб бўлмайди. Ижтимоий онг сифатида ҳуқуқ эмас, балки ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқقا бўлган қарашлар намоён бўлади. Гарчи қонунлар билан қарашлар чамбарчас чатишиб кетган бўлса-да, қонунчиликка одатда, ғоялар, тасаввурлар сифатида эмас, давлатнинг унинг тузилмаларидан бири сифатида, қуроли сифатида қаралади. Негаки, жамиятдаги ҳукмрон ҳуқуқий қарашлар айнан шу қонунларда мужассамлашади.**

**9. Ниҳоят, ҳуқуқ ва ахлоқнинг тарихий тақдирлари турличадир. Ахлоқ «ёш жиҳатидан улугроқ», қалимийроқ бўлиб, инсоният жамиятида у ҳамиша мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ижобий ҳуқуқ эса, ижтимоий эволюциянинг муайян босқичида юзага келган ҳамда келажакда уларнинг тақдирлари, эҳтимол, бутунлай айрича кечар. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг умумий ва бир-биридан фарқланувчи хусусиятлари шулардан иборат. Бунда**

шунни ҳам назарда тутиш керакки, ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги чегара бир бор берилганича (шаклланганича) ҳамиша ўзгаришсиз қолиб кетмайди. Ижтимоий тараққиёт, рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда у ёки бу томонга қараб ўзгариб бориши мумкин. Ҳозир ҳуқуқ томонидан бошқарилаётган нарсалар бошқа бир вақтга келиб, фақат ахлоқий таъсир объектига айланаб қолиши ёки бунинг акси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, ҳатто, бир типдаги жамиятнинг ўзида ҳам, лекин фақат турли даврда содир бўлади. Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги нисбат ҳам ўзгариб боради.

**Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро алоқаси.** Уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ўзаро мустаҳкам ижтимоий ва амалий ҳамкорлигини тақозо этади. Улар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ишида, шахс шахсга ижобий таъсир кўрсатишда, фуқароларда тегишли юридик ва ахлоқий маданиятни, ҳуқуқий онгни шакллантиришда бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Уларнинг талаблари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади: ҳуқуқ рағбатлантирадиган субъект хатти-ҳаракатлари ахлоқ томонидан ҳам рағбатлантирилади.

Чунончи, ахлоқ ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишини ва айниқса жиноятларни кескин қоралайди. Бу каби ҳодисаларни баҳолашда ҳуқуқ ва ахлоқ бир фикрдадир. Цивилизациялашган жамиятда ҳуқуққа қарши ҳар қандай ҳаракат ахлоқсизлик ҳисобланади. Ҳуқуқ қонунларга риоя этишни талаб қиласди, ахлоқ ҳам шуни талаб этади. Конституциямизнинг қўпгина моддаларида, айниқса унинг Муқаддимасида, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясида ахлоқ ва ҳуқуқнинг қарашлари кўшилиб кетади.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қилган маъруза бунга мисол бўла олади. Унда жамиятимизни янгилаш ишида ахлоқий ва маънавий асосларнинг муҳим аҳамияти куйидагича таъкидланганди: «Шарқда демократия тушунчasi ҳамжиҳатлик foяси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равищда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор!».

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждогоҳ каби муқаддасдир. З-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 9-10-бетлар.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Зеро, ҳукуқнинг асосида ахлоқ ётади. Шунинг учун ҳам кўпинча унинг «юридик расмийлаштирилган ахлоқ-одоб» сифатида тавсифланиши тасодиф эмас. Кўриб турибмизки, ҳукуқ ва ахлоқнинг чамбарчас алоқаси инсонга йўналтирилган бир хил талабларда, унда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашда ўз ифодасини топади. Республика-мизда тарбия масалаларига катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқларида буни ҳамиша таъкидлаб келади. Шу муносабат билан юртбошимиз мана бундай деганди: «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан куроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватнпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ — маънавият ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсан, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак<sup>1</sup>.

Марказий Осиёда ва айниқса, Ўзбекистонда ижтимоий ўзини-ўзи ташкил этишнинг маҳалла деб аталган ноёб шакли жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, ҳозирги кунгача яшаб келмоқда. Ўзбеклар учун оддий жамоа ёки турар-жой тушунчаларидан кўра маҳалла анча қадрлидир. Республикамиз Президентининг таъкидлашича, «маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар хурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидлари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидағи мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган»<sup>2</sup>.

Маҳалла мисолида унга хос бўлган усуллардан фойдаланиб, ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида ахлоқ ва ҳукуқ ҳар иккави ўз мақсадига бир-бирига қандай ёрдам бераётганини кўриш мумкин. Инсон қирдикори уни ўраб турган одамлар кўз ўнгидага ҳам ҳукуқий, ҳам ахлоқий баҳосини олади, бу ҳақда қонун нуқтаи назаридан ҳам, номус ва виждан нуқтаи назаридан ҳам мулоҳаза юрити-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-т., Т., 1996., 39-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-т.Т., 1996., 271-бет.

лади. Бу ҳолат турли хил ғайриижтимоий ҳодисаларга қарши самарали кураш олиб бориш имконини беради.

Хуқуқ ва ахлоқ одил судловни амалга ошириш соҳасида, хуқуқ-тартибот, адлия органлари фаолиятида самарали ҳамкорлик қиласи. Чунончи, аниқ ишларни ҳал этиш, ҳар қандай ҳаёттй вазиятлар, ғайриижтимоий ҳаракатларни таҳлил этишда, шунингдек, хукуқбузар шахсини баҳолашда ҳам юридик, ҳам ахлоқий мезонлардан фойдаланилади. Буларсиз баъзан безорилик, тухматбўхтон, ҳақорат, инсон қадри ва шаънини ерга уриш каби кирди-корларга тўғри баҳо беришнинг иложи бўлмай қолади.

«Одил судлов, — деб ёзганди атоқли хуқуқшунос А.Ф.Кони, — адолатдан воз кечиши мумкин эмас, адолат эса асло жазо чораларини фақат тўғри кўлланишдангина иборат эмас. Ўзининг ақл-заковатини, ўзининг меҳнати ва ҳокимият кучини одамлар кирдикорларини баҳолашга сарфлар экан, суд арбоби шу одамларга нисбатан бутун хатти-ҳаракатлари тарзи билан ахлоқий қонунни амалга оширишга интилмоғи даркор»<sup>1</sup>.

Ахлоқ қоидаларини бузмай туриб, давлат қонунини бузиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ишни ҳал этиш чоғида суд столи устида хуқуқий кодексдан ташқари кўзга кўринмас «ахлоқ кодекси» ҳам ётади. Улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирини тақозо этади.

Хуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги зиддият. Хуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги улар ўртасидаги жиддий зиддиятлар, тўқнашувлар ва тафовутларни истисно этмайди. Таниқли рус олими Иван Ильин таъкидлаганидек, «хуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги нисбат ҳам тўғри, ҳам нотўғри бўлиши мумкин»<sup>2</sup>.

Хуқуқий ва ахлоқий омилларни энг мақбул даражада қўшиб олиб бориш барча хуқуқий тизимларда ҳам ҳамиша счилиши қийин мураккаб муаммо бўлиб келган. Тажриба ва вақтнинг кўрсатишича, бу ерда олий уйғунликка эришиб бўлмайди, зеро, зиддиятлар сақланиб қолаверади, бу ҳам етмагандай, янгилари пайдо бўлади. Албатта, уларни юмшатиш, текислаш, камайтириш мумкин, лекин бутунлай йўқотиб бўлмайди.

Ўз табиатига кўра хуқуқ кўпроқ консерватив бўлиб, одатда ҳаёт оқимидан ортда қолади, унинг ўзининг ичидаги ҳэм зиддиятлар оз эмас. Ҳатто энг мукаммал қонуулар ҳам камчилик ва нуқсонлардан ҳоли бўлмайди. Ахлоқ эса жўшқинроқ бўлиб, рўй

<sup>1</sup> Қаранг: Кони А. Ф. Собрание сочинений. М., 1967., 51-бет.

<sup>2</sup> Ильин И.А. Порядок или беспредел. М. . 1917., 37-бет.

бераётган воқеа-ҳодисаларга фаолроқ муносабат билдиради. Ҳуқук ва ахлоқ нотекис ривожланади. Ахлоқда ўз-ўзидан ривожланишнинг содир бўлиш ҳолати устувор бўлади. Шунинг учун ҳар қандай жамиятда турлича ҳуқуқий ва ахлоқий ҳолатни кузатиш мумкин. Бундай аҳвол ҳуқуқ ва ахлоқ бир хил далилларни турлича баҳолаши туфайли рўй беради. Бироқ, улар ўртасида ғоят нозик пардалар ҳамда ўзаро бир-бирига сингиб кетиш ҳоллари мавжуд. Ахлоқ одамдан тўгри хатти-ҳаракатни кўпроқ талаб қиласади, қаттиқроқ ҳукм чиқаради, деб ҳисоблашади. Оддий турмуш воқеалари мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, ўз гўдакларини туғуруқхоналарда ташлаб кетиб, «фарзанддан воз кечиш» мактубларида асрраб олувчиларга эътиrozлари бўлмаслигини ёзиб кетадиган «оналар» ҳали ҳам учрайди. Қонунда бу ман этилмаган, шунинг учун қонун сукут сақлайди, ахлоқий туйгулар эса, бундай бағритошликтан жунбушга келади.

Мисол учун, худди шунингдек, эр-хотинларнинг бир-бирига хиёнати, ёшларнинг ота-оналарининг уй-жойларига даъволари ва шу кабилар ҳам ҳуқуқ ва ахлоқ томонидан турлича баҳоланади.

Онда-сонда бўлса ҳам ахлоқсиз, инсонпарварликка зид қонунлар ҳам учраб туради. Мисол учун, собиқ иттифоқ қонунчилигигида, Жиноят кодексида амалда чақимчиликни рағбатлантирувчи, яқин қариндошларга қарши ғувоҳлик кўрсатмалари беришни талаб қилувчи моддалар бўлган. Шундай қилиб, қонун бирон нарсага рухсат берса, ахлоқ уни тақиқлайдиган ва аксинча, қонун «тақиқлаб», ахлоқ рухсат этадиган вазиятлар юзага келади. Бундай ҳолатларда улар ўртасида муроса ҳам бўлмайди. Шунда тегишли меъёрларга тузатишлар киритиш талаб этилади.

### 3. ҲУҚУҚ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳуқуқнинг мазмуни, унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифасини таърифлаб берувчи асосий ғоялар ҳуқуқ тамойиллариdir. Бир томондан улар ҳуқуқ қонуниятларини ифодалайди, иккинчи томондан эса, бутун ҳуқуқий бошқарув соҳасида амал қиласадиган ва барча субъектларга нисбатан қўлланадиган энг умумий нормалардан иборат. Бу нормалар ё қонунда тўғридан-тўгри таърифлаб берилган ёки қонуларнинг умумий маъносидан келтириб чиқарилади.

Ҳуқуқ тамойиллари қонун чиқарувчи учун йўл-йўриқ кўрсатувчи ғоялар сифатида майдонга чиқаркан, ҳуқуқий нормаларни такомишлиштириш йўлларини белгилаб беради.

Чунончи, С.С.Алексеев қонунийлик, адолат, юридик тенглик, ижтимоий эркинлик, фуқаролик бурчи, объектив ҳақиқат, содир этилган айб учун жавобгарлик<sup>1</sup> тамойилларини алоҳида ажратиб кўрсатади.

В.К.Бабаев хукуқдаги адолат ва озодлик бош тамойилларини кўради, бу тамойиллар хукуқнинг бошқа, яъни хукуқни шакллантириш ва уни амалга оширишдаги демократизм, қонунийлик, миллий тенглик, инсонпарварлик, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро масъулият<sup>2</sup> тамойилларида ўз ривожини топади, деб ҳисоблади.

Хукуқ тамойилларининг яна бир рўйхати О.И.Цибульская томонидан таклиф этилган. Булар — ижтимоий адолат, инсонпарварлик, фуқаролар тенгхукуқлилиги, хукуқ ва мажбуриятлар бирлиги, хукуқда ишонтириш ва мажбурловнинг қўшилиши тамойиллариdir.<sup>3</sup>

Юқорида келтирилган фикрларнинг ўзи турли муаллифларнинг қарашларида жилдий тафовутлар борлигига ишонч ҳосил қилиш учун кифоядир.

Ҳар қалай, фикрини эътиборга олиш керак бўлган яна бир муаллиф бор. У ҳам бўлса — қонун чиқарувчи. Хукуқий тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ, бу ерда икки жиҳатга эътибор қилиш керак бўлади: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таърифланган барча тамойиллар (масалан, ҳокимиётларнинг бўлиниш тамойили) ҳам хукуқий тамойилларга киравермайди; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бошқа меъёрий хужжатларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши ёки қонунлар умумий маъносидан келиб чиқиши мумкин бўлган умумхукуқий тамойилларнинг тўлиқ рўйхатини бера олмайди.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг мазмунидан куйидаги хукуқий тамойиллар — демократизм, инсон хукуқлари ва эркинликларини хурматлаш, ҳалқаро хукуқнинг умум ёзътироф этган тамойиллари ва нормаларининг бевосита амал қилиши, Конституция ва қонунлар устуворлиги, тенгхукуқлилик, мулк барча шаклларининг тенглиги, одил судлов тамойилларини уқиб олиш мумкин.

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Проблемы теории и права. 1-т. Свердловск, 1972., 108-109-бетлар.

<sup>2</sup> Общая теория государства и права. (под ред. В. К. Бабаева,) Нижн. Новгород, 1993., 128-132-бетлар.

<sup>3</sup> Теория государства и права. Курс лекций (Под ред. Н. Т. Разгильдяева, А. В. Малько) Саратов., 1995., 122-126-бетлар.

Қонунда тўғридан-тўғри таърифлаб берилмаган тамойиллар қаторига содир этилган айб учун жавобгарлик, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг узвий боғлиқлиги тамойиллари киради.

Энди баъзи умумхуқуқий тамойилларни батафсилроқ қараб чиқамиз.

Адолат тамойили алоҳида аҳамиятга молик. У ҳуқуқнинг умумижтимоий моҳиятини, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасида, шахс билан жамият, фуқаро ва давлат ўртасида муроса йўлларини излашга интилишни энг кўп даражада ифодалайди. Адолат амалий фаолият билан унинг ижтимоий оқибатлари ўртасида мутаносибликни тақозо этади. Меҳнат ва унга тўланадиган ҳақ, келтирилган зарар ва товон ҳақи, жиноят ва жазо ўзаро мутаносиб бўлиши керак. Қонунлар адолат тамойилига жавоб бера олган тақдирдагина ана шу мутаносибликни ифодалайди.

**Ҳуқуқни шакллантириш ва уни амалга оширишда демократизм тамойили.** Бу тамойил ҳуқуқий ижодкорликда халқ депутатлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва қонунчиликни такомиллаштиришдаги кенг иштирокларида намоён бўлади.

Ҳуқуқий нормаларни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, энг аввало, одил судлов органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг иш юритиш тартиби, уларнинг фуқаролар учун очиқлик даражаси, аҳолига юридик ёрдам бериш савияси ҳуқуқини қўллашдаги демократизм кўрсаткичларидир. Олий Мажлиснинг IV сессиясида сўзга чиқаркан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қуидагиларни таъкидлагани бежиз эмас: «Суд ва суд хизматчилари обрўсини кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёrlарига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёrlарига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир»<sup>1</sup>.

Айнан шу мақсадда ва шу йўналишда яқин вақтлар ичida республикада суд ислоҳотини амалга оширилганлиги, адвокатлар хизматини жиддий кенгайтирганлиги ҳамда давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва ҳ.к. кўзда тутилганлиги шу тариқа ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топади, деб ўйлаймиз.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Бунёдкорлик ўюлидан. 4-т. Т., «Ўзбекистон», 1996., 185-бет.

Хуқуқнинг барча субъектлари томонидаи хуқуқий нормалари кўрсатмаларни қатъиий ва тўлиқ амалга оширилишини талаб этувчи қонунийлик тамойили. Давлат бошқарувининг барча органлари ўз фаолиятларини қонун асосида ва қонунни бажариш асосига қуришлари керак.

**Миллий тенгхуқуқлилик тамойили.** У кўпмиллатли таркибга эга бўлган давлатлар учун фавқулодда аҳамиятга молик. Юздан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қиласётган бизнинг республикамиз ҳам шундай давлатлар қаторига киради. Унинг моҳияти шундан иборатки, кўпмиллатли давлатнинг барча фуқаролари, қайси миллатга мансубликларидан қатъи назар, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенгдирлар. Бу тамойил қонунчиликада тўла ва изчил ўз ифодасини топиб, худди шундай ҳаётга изчил татбиқ этилганда гина ҳақиқий бўлади. Мазкур тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Унинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдурлар» дейилади.

**Инсонпарварлик тамойили.** Хуқуқнинг инсонпарварлиги шундан иборатки, қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган иқтисодий ва ижтимоий тузум одамларни эзиш, шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишларга мутлақо йўл қўй-маслиги керак. Давлат кафолатлари тизими ноқонуний тажовузлардан фуқароларни ҳимоя қилишга мажбурдир.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари фақат ҳуқуқий давлатдагина тўлиқ амалга оширилиши мумкин. Ўзбек ҳуқуқнинг инсонпарварлиги ҳозирги вақтда ўз ривожини топмоқда. Давлатнинг оиласағи ғамхўрлиги (XIV боб, 63-66-моддалар), шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги ғамхўрлик (VII боб, 24-31-моддалар) Конституциямизда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган. Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, энг кам иш ҳақларини ошириш тўғрисидаги кейинги йилларда қабул қилинган қонунларни инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси, деб ҳисоблаш мумкин.

Инсонпарварлик ҳуқуқнинг жазоловчи тармоқларида, энг аввали, жиноий ҳуқуқ соҳасида энг кўп намоён бўлмоқда. Жиноий ҳуқуқ жиноят ва жазони ўзининг асосий тузилмалари деб билади.

Жазо чоралари ахлоқий ва жисмоний алам етказиш йўли билан ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун бу ерда нафақат ад-

латлилик, балки инсонпарварлик ҳам фавқулодда муҳимдир. XVIII аср таниқли италян юристи Ч.Беккария шундай леб ёзганди: «Фақат шундай жазони қўллаш керакки, у... одамлар руҳига энг кучли таъсир ўтказиб, жиноятчи танига энг кам азоб берадиган бўлсин».

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сабиқ иттифоқ ва унинг фояйи асоси — марксизм барҳам топганидан сўнг барча «изм»ларга, шу жумладан, инсонпарварлик (гуманизм) га ҳам менсимай қараш шаклланиб қолди. Ваҳоланки, инсонпарварлик фанда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам жиддий ва ҳатто амалий аҳамиятга моликдир. У, шунингдек, хуқуқ учун ҳам, хуқуқ фани учун ҳам муҳимдир. Шукрлар бўлсинки, бу ҳолат хуқуқшунос олимлар эътиборидан четда қолиб кетмайди. Улар ҳозирги замон цивилизацияси учун инсонпарварлик фояларининг катта аҳамиятини исботлашга ҳаракат қилдилар. Улар орасида С.С.Алексеев ҳам бўлиб, у инсон ҳаётидаги уч давр, уч тарихий паллани — «ҳокимият даври, мулкчилик даври, инсонпарварлик фоялари даври» ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бунда у келажакда фоялар, шу билан бирга инсонпарварлик фоялари ижтимоий ҳаётнинг асоси бўлиб қолиши мумкин...» дейди.

«Ҳозирги замон фуқаролик жамияти — инсоният жамиятиянинг энг ҳаётбахш истиқболларидандир, — деб ёзади у. — Тараққиётнинг бу босқичи инсоният ҳаётида эндиғина бошланмоқда. У мўътадил ҳокимиятнинг ҳам, капитализмнинг ҳам ижобий томонларини ўзига сингдирмоқда. Буларнинг ҳаммаси инсоният жамиятиянинг туб моҳиятини, табиатини, унинг озодлик сари ҳаракатини ифодаловчи инсонпарварлик фоялари асосида рўй бермоқда. Ўтмиш даврларнинг ўта бир ёқлама зиддиятларини барҳам топтириб, инсонни туфма хуқуқлари билан бирга ижтимоий ҳаёт марказига олиб чиқувчи тараққиётнинг бундай палласига илғор, иқтисодий ва ижтимоий ривожланган мамлакатлар кириб бормоқда»<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили. Барча фуқаролар, миллий, жинсий, диний ва бошқа мансубликларидан, мансаб ёки бошқача мавқеларидан қатъи назар, тенг умумфуқаролик хуқуқлари ва мажбуриятларига эгаликлари, қонун олдида бир хилда масъул эканликларида у ўз ифодасини топади.

<sup>1</sup> Қаранг: Алексеев С. С. Теория права. М., Издательство Бек., 1995., 27-бет.

Қонун олдида тенглик ҳуқуқи ҳар қандай адолатли ва демократик жамиятнинг негизини ташкил этади. Бадавлат ёки камбағаллиги, этник кўпчиликка ёки диний озчиликка мансублиги, ҳукуматнинг сиёсий иттифоқчисими ёки унинг рақибими, бундан қатъи назар ҳар қандай одам қонун олдида баравар муҳофаза этилиш ҳуқуқига эга.

Демократик давлат ҳамма одамларга бир хил ҳаёт шароитини яратиб беришни кафолатлай олмайди ва ўз зиммасига бундай мажбуриятни ололмайди ҳам. Бироқ, деб ёзади конституциявий ҳуқуқ бўйича мутахассис Жон П.Френк, «ҳар қандай шароитда ҳам давлат одамларга қўшимча тенгсизликни юкламаслиги керак; барча одамларга бир хилда ва тенг муносабатда бўлиш ундан талаб қилинади».

Ҳеч ким қонундан устун туролмайди. Унинг ўзи ҳалқ бўйнига мажбуран ортилган олийроқ зот ҳам эмас, балки, оқибат натижада шу ҳалқнинг ўз ижодий маҳсулидир. Демократик тузумда фуқаролар қонунга бўйсунадилар. Зоро, улар билосита бўлса-да, ўзлари ҳам шу қонуннинг яратувчилари эканликларини тушунадилар. Ҳалқ томонидан ўрнатилиб, кейин унинг ўзи бўйсунадиган қонун ҳам шу қонун фойдасига, ҳам демократия манфаатларига хизмат қиласди.

Шундай қилиб, мазкур тамойил, биринчидан, давлат барча фуқароларнинг аввал бошданоқ тенг мавқега эга бўлганликларида намоён бўлади. Иккинчидан, у тенг умумфуқаролик ҳуқуқларида ўз ифодасини топади. Республикамизда бу ҳуқуқлар Асосий қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида кафолатланган ҳамда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш, соғлигини муҳофаза қилиш, маълумот олиш, хусусий мулкка эгалик ва бошқа ҳуқуқларни қамраб олади. Учинчидан, бу қонун ушбу тамойил қонун олдидағи баравар жавобгарликда ифодаланади. Бу эса, мансаб ва хизмат мавқеларидан қатъи назар, истисносиз барча фуқаролар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавоб беришлари керак, демакдир.

**Давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти тамойили.** Давлат ва шахс ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган бўлишлари керак. Ҳар икки томондан ўз мажбуриятларининг бузилиши юридик жавобгарликка олиб келиши даркор. Бундай ҳолатда ўз фуқароларига нисбатан йўл қўйилган ҳар қандай зўравонлик кўринишлари учун давлат ўз мансабдор шахслари тимсолида ёки умуман жавоб беради. Бу тамойил батафсилроқ шарҳни талаб қиласди.

Шундай қилиб, демократиялар ҳукумат халққа хизмат қилиш учун мавжуд бўлади, лекин зинҳор халқ ҳукуматга хизмат қилиш учун яшамайди, деган тамойилга асосланади. Бошқача қилиб айтганда, улар демократик давлат фуқаролари бўлиб, унинг тобелари эмас. Бирсек, модомики давлат ўз фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қиласр экан, фуқаролар ҳам бунига жавобан давлатга нисбатан ўз садоқатларини намоён этадилар. Даъвомизнинг қуруқ бўлмаслиги учун жамиятдан айрича ажратиб олинган организмдан иборат бўлиб, одамлардан садоқатни ва хизмат қилишина талаб этиб, бунинг эвазига ўз харажатлари учун уларнинг розилигини олишни эп кўрмайдиган авторитар давлатни қиёсан қараб чиқамиз.

Демократик жамиятда фуқаролар сайловларда иштирок этаркан, ўзларининг номидан мамлакатни ким бошқаришини ҳал этиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширадилар. Авторитар давлатда эса, аксинча, овоз бериш режим томонидан танланган нарсага қонуний тус бериш учунгина хизмат қиласди.

Ҳарбий хизмат — демократик ва ҳодемократик жамиятда ҳуқуқ билан мажбуриятлар қарама-қаршилигининг бошқа яна бир ёрқин мисоли бўла олади. Ҳар бир давлат муайян ёшдаги ўз йигитларидан тинч даврларда ҳарбий хизматни ўташни талаб қилиши мумкин. Лекин авторитар давлатда мазкур мажбурият бир томонлама юкланди. Демократик давлатда ҳарбий хизматнинг бу даври йигитларнинг бурчи ҳисобланади. Ушбу бурчни фуқаролар ўзлари сайлаб қўйган ҳукумат қабул қилган қонунлар воситасида ўз зиммаларига оладилар. Албатта, ҳар бир жамиятда ҳам тинч даврларда ҳарбий хизматни ўташ одамлар учун унча ёқимли бўлмаслиги мумкин. Бироқ, ўз давлатининг фуқароси бўлган аскар демократик мамлакатда жамият томонидан ихтиёрий қабул қилинган мажбуриятни бажараётганини онгли ҳис этган ҳолда хизмат қиласди. Бундан ташқари, демократик жамият аъзолари жамоавий ҳаракат қилиб, бу мажбуриятларни ўзгартиришлари: мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилиб, АҚШ ва бошқа мамлакатлардагидек ихтиёрий армияни ташкил қилишилари, яқинда Германияда юз берганидек, ҳарбий хизмат муддатини ўзгартиришлари мумкин ва ҳ.к.

Шундай қилиб, инсоннинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши ўзининг ва бошқаларнинг манфаатлари йўлида шу ҳуқуқларни ҳимоялаш ва мустаҳкамлаш мажбуриятини ҳам кўзда тутиди. Лекин, ҳатто, юксак ривожланган демократик мамлакат-

ларда ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглигини нотүғри ту-шунишади ва күпинча мажбуриятларини инкор этган ҳолда ҳуқуқларидан фойдаланишиади.

Ҳолбуки, ҳуқуқ ҳам шахслар сингари алоҳида ажралган ҳолда амал қилмайди. Ҳуқуқ шахсларнинг хусусий мулки бўлмай, жамиятнинг бошқа фуқаролари томонидан эътироф этилган тақдирдагина мавжуд бўлади. Америкалик файласуф Сидней Хук қайд этиб ўтганидек, сайловчиларнинг «ўзлари ўз эркларининг соқчилариидирлар». Шу нуқтаи назардан ҳам фуқаролар томонидан сайланган ва уларга ҳисоб берувчи ҳуқумат шахс ҳуқуқларининг душмани эмас, балки уларни ҳимоя қиласди. Демократик жамиятда фуқаролар айнан ўз ҳуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадида зиммаларига мажбуриятлар оладилар ва улар бўйича вазифаларини адо этадилар.

## ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ХҮҚУҚНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

1. *Хуқуқ нормалари, уларнинг таркиби, турлари ва ифода услублари.*
2. *Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, уларнинг турлари ва улар олдига қўйиладиган талаблар.*
3. *Меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг вақтда, ҳудудда ва шахслараро ҳаракати.*

### 1. ХУҚУҚ НОРМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАРКИБИ, ТУРЛАРИ ВА ИФОДА УСЛУБЛАРИ

Хуқуқий муносабатларнинг муайян соҳаларига аниқ таъсир ўтказаётган шароитдагина, шу муносабатларни бошқариш услуги сифатида хуқуқ тўғрисида сўз юритиш мумкин. Хуқуқ ишлаб турганда ва унинг бу ишлаши самара бергандагина уни хуқуқ дейиш мумкин. Шундай қилиб, хуқуқнинг ижтимоий муносабатлар тизимидағи самарали ишлаши унинг яшаш услуги бўлади. Айни пайтда у инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Лекин хуқуқ онг томонидан ўзлаштирилиши учун у моддий шаклланган бўлиши керак. Яъни давлат органларидан юбориладиган ҳамда хуқуқ нормалари акс этган ёзма равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар хуқуқнинг мавжудлик (ифода) шакли бўлади.

Шундай қилиб, хуқуқ шакллари хуқуқнинг давлат билан алоқасини белгилайди. Зоро, айнан давлат иродасини ифода этган хуқуқ билан объектив мавжуд ижтимоий муносабатлар ўртасидаги алоқа воситачисидир.

Хуқуқ нормаси — ижтимоий муносабатларни бошқаришга йўналтирилган давлатнинг амр-фармон қўрсатмаси, умуммажбурий қоидадир. Норма — хуқуқнинг асоси, унинг мутлақо зарур заррачесидир. Хуқуқий нормаларнинг шаклланиш жараёни уч босқичдан иборат:

1. **Хуқуқий ғоянинг пайдо бўлиши.** Масалан, ибтидоий жамоа тузуми пайтларидаёқ шахс дахлсизлиги ғояси пишиб етилганди. Хуқуқий ғояларнинг туғилиши механизми ва шарт-шароитларини хуқуқ назарияси фани ўрганади.

2. **Хуқуқий нормани таърифлаш (ифодалаш).** Мазкур босқичда ижтимоий онгдаги мавжуд хуқуқий ғояларни текшириш ва умумлаштириш жараёни давом этади, уларни расмийлаштириш воситаларини излаш, хуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш тарти-

би ва тамойилларини ўрганиш, уларни қабул қилиш тадбирларини белгилаш ва ҳоказолар давом этади.

**3. Ҳуқуқий нормани амалиётга киритиш** деганда, реал ижтимоий муносабатларда шу муносабатларни бошқариш мақсадида уларнинг фаол қўлланиши тушунилади.

**Ҳуқуқ нормасининг таркиби** — унинг таркибий қисмлари демакдир. Ҳар қандай ҳуқуқий норма таркиби уни ташкил этувчи қисмларнинг бирлигини тақозо этади. Бироқ, ушбу қисмлар табиати ҳуқуқий нормалар турига боғлиқ. Шу муносабат билан юридик бошланғич (таъсис, таянч) нормалар ҳамда хулқ-атвор қоидаларини ўрнатган нормаларни ажратиб кўрсатиш керак.

Асос бўлган юридик нормалар таркиби. Мазкур нормалар моддий ёки процедура (тадбир) тавсифидаги бирон-бир ҳуқуқий қоидаларни қонуний ўрнатилиши. Бу иш шу қоидаларни сўзлар орқали ифодалаш ёки унинг мухим белгиларини таъкидлаш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси бунга мисол бўла олади. Унда, жумладан, барча мулкий бойликлар ва уларга эгалик ҳуқуқи (биринчи белги), шунингдек, интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи (иккинчи белги), фойда олиш мақсадида хорижий инвесторлар томонидан тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари обьектларига кўядиган маблағлари хорижий инвестициялардир, дейлади. Кўрсатиб ўтилган белгилар йиғиндиси айнан шу юридик норма таркибини ташкил этади. Шунинг учун ушбу нормалардан фараз, диспозиция ёки санкция (жазо чораси)ни излаш беҳудадир.

**Хулқ-атвор қоидалари бўлган нормалар таркиби.** Хулқ-атвор қоидалари бўлган нормалар таркиби масаласи кўпдан ҳуқуқшunoslar эътиборини тортиб келади. Ҳуқуқшunoсликда С.А. Голунский ҳамда М.С. Строговиchlарнинг юридик норманинг уч қисмлик тузилиши тўғрисидаги фикрлари кенг эътироф этилган: бу қисмлар ФАРАЗ, ДИСПОЗИЦИЯ, САНКЦИЯдан иборат. Ҳуқуқий нормада энг аввало, шу норма қўлланилиши лозим бўлган шарт-шароитларга ишора, сўнг хулқ-атвор қоидасининг баёни, ниҳоят, ушбу қоидани бажармаслик оқибатларига ишора ўз ифодасини топади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Голунский С. А., Строговиchl М. С. Теория государства и права. М., 1940. 251-бет

Юридик норманинг уч қисмли тузилиши унинг мантиқий юридик таркиби ҳисобланади. У фикрлаш йўли билан тикланади ва «Агар... унда... акс ҳолда эса...» тарзидаги шартли ифодадан иборат бўлади. Мантиқий юридик таркибни тиклаш учун мантиқ қоидалари ва талабларидан ташқари қонунчилик, юридик техника, ҳукуқий боғланишларни билиш керак бўлади.

У ёки бу вазиятда муайян хулқ-атвор анлозасини юзага келтирувчи ҳукуқ нормалари хулқ-атвор қоидалари бўлиб, ўз мантиқий-юридик таркибида фараз, диспозиция ва санкцияга эга бўлади.

**Юридик норма фарази — юридик норманинг бир қисми бўлиб, у норма (диспозиция) амалга ошириладиган ҳаётий шарт-шароитларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини кўрсатиб беради.**

Фараз ёрдамида хатти-ҳаракатнинг мавхум варианти ҳаётдаги аниқ ҳодисага, маълум бир кишига, вақтга, жойга «боғланади». Фаразда мустаҳкамланган ҳар бир вазият хулқ-атвор қоидасига «жон бағишлайди», уни алоҳида ҳодиса даражасига олиб келади.

Масалан, оила ва никоҳ тўғрисидаги қонун (Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси)га мувофиқ рўйхатдан ўтиш учун никоҳдан ўтувчи шахсларнинг ўзаро розилиги ҳамда уларнинг никоҳ ёшига етган бўлишлари талаб этилади. Фақат ушбу ҳолатлар мавжуд бўлганда гина (ижобий фараз) норма амал қилади.

Агар фаразда норманинг амал қилиши мавжудлиги ёки йўқлиги билан боғлиқ битта ҳолатга ишора қилинса, бу оддий фараз деб аталади. Агар фараз ҳукуқ нормасининг амал қилишини бир вақтнинг ўзида мавжудлиги ёки йўқлиги билан боғлиқ икки ёки ундан ортиқ ҳолатларни кўрсатадиган бўлса, бунда у мураккаб фараз дейилади. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунида айнан шундай фараз баён этилган: «Хорижий инвесторлар ва чет эл инвесторларига эга бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ман этилмаган (бир ҳолат - З.И.) ҳамда бундай корхоналар низомларида кўзда тутилган мақсадларга жавоб берадиган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга оширишлари мумкин» (иккинчи ҳолат - юқоридаги қонуннинг 8-моддаси).

Агар фараз юридик норманинг амал қилишини бир ёки бир неча қонунда санаб ўтилган бир ёки бир неча ҳолатлар билан боғлиқ қилиб қўядиган бўлса, буни муқобил фараз дейилади. Кўрсатиб ўтилган қонуннинг «Хорижий инвестицияларни амалга ошириш шакллари» деб номланган З-моддасида хорижий ин-

вестицияни амалга ошириш учун ҳар бирн асос бўладиган тўртта ҳолат санаб ўтилади.

**Юридик норма диспозицияси — норманинг ҳукуқий муносабатлар иштирокчилари риоя этишлари керак бўлган хулқ-атвор қоидаларини ифодаловчи қисми.**

Диспозиция — юридик норманинг юраги, унинг ўзагидир. Лекин юридик норма фақат биргина диспозицийнинг ўзидан иборат бўла олмайди. Унинг атрофида жамланадиган фараз ва санкция билан бирга қўшилгандан кейингина диспозиция жонланади, ўзининг тартибга солувчи қобилиятини намоён этади. Диспозиция — ҳукуқий хулқ-атвор, хатти-ҳаракат моделидир. Хулқ-атвор қоидалари қандай баён этилишига қараб, диспозициянинг қўйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- оддий диспозиция хатти-ҳаракат вариантини кўрсатиб беради-ю, лекин унинг моҳиятини очиб, тушунтириб бермайди. Масалан, Хорижий инвесторлар тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида хорижий инвесторларга ўз фойдалари ва бошқа маблағларини чет элга хорижий валютада ўтказишлари кафолатла-ниши белгилаб беради;

- тасвирловчи диспозиция хатти-ҳаракатларни барча жиддий аломатларини тасвирлаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз вазифасини ба-жаришга киришиши маросими жуда батафсил ёритилган;

- ишора диспозицияси хатти-ҳаракатлар қоидасини баён этмай, у билан танишиш учун қонуннинг бошқа нормасига йўллайди. Бошқа манбаларга йўллашнинг кўринишларидан бири бланкет диспозициясидир. У танишиш учун қонун нормаларига эмас, балки йўриқномалар, қоидалар, техник йўриқномаларга йўллайди.

**Ҳукуқий норма санкцияси (жазо чораси) — юридик норманинг ҳукуқий норма диспозициясини бузганлик натижасида юзага кела-диган салбий оқибатларни кўрсатиб берувчи қисми.**

Санкция — юридик норманинг мантиқий якунловчи тарки-бий қисмидир. Унда жамият, давлат, шахснинг ҳукуқий нормаларини бузувчиларга нисбатан салбий муносабати ифодаланади. Ҳукуқ нормалари эътиқоди кучи билан ихтиёрий равишда ба-жарилмас экан, ҳукуқбузарликлар мавжуд экан, санкция юри-дик нормаларга риоя қилиш ва уларни бажаришнинг таъсирчан воситаси — қонунийлик ва ҳукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб қолаверади.

Хуқуқ нормалари турлари шу нормаларда ифодаланған хулқ-атвор қоидалари табиатига қараб аниқланады. Жумладан, ҳуқуқтің тартибі солиши үслуби бүйінчә унинг шундай турларини күрсатыш мүмкін:

- императив;
- диспозитив;
- рағбатлантирувчи;
- тавсия берувчи нормалар.

Субъектлар хулқ-атворига таъсир этишнинг асосан түрт усули ҳуқуқтің бошқариш методларини ташкил этады. Булар — субъектларнинг давлат томонидан фармойиш қилинған қатый мажбурий хатти-харакатларига йұналтирилған буйруқ оқанғидаги үндөв (**императив**) усул; субъектларнинг ўз хоҳиши-иродаларини эркін изохлаш учун кенг имконияттар қолдирувчи **автоном** (**диспозитив**) усул; давлат ва жамият учун матлуб қонуний ва ижтимоий фаол хатти-харакатларга қизиқтирувчи **рағбатлантирувчи** усул; хулқ-атворнинг давлат нұқтаи назаридан энг күп мақбул турини тақлиф этувчи **тавсия берувчи** усул.

Юридик нормалар худди шу усуулар асосида тасніф қилинады. Уларнинг ҳар бир тури ўз навбатида тегишли усульнинг меъерий асосини ташкил этады, унинг ўзига хослигини олдиндан белгілайды, унинг мундарижавий тавсифининг салмоқлы қисмидир.

**Императив нормалар** — күрсатмалардан четтаға чиқиши ёки уларни бошқача талқын этишга йўл қўймайдиган узил-кесил мажбурий нормалардир. Ҳуқуқ нормаларининг турли тармоқларига тааллукли кўтчилик нормалар императив хусусиятга эга бўлиб, асос бўлувчи юридик нормалар эса, ҳамиша шулар жумласига киради.

Диспозитив нормалар хатти-харакатлар турини күрсатиб беради, лекин айни пайтда қонуний воситалар асосида ўзаро муносабатларни ўз хоҳишиларича тартибга солиши учун субъектларга имконият ҳам қолдиради. Бу ҳолат диспозитив нормани баён этишнинг ўзига хос хусусиятини тақозо этади. Одатда, тегишли хулқ-атвор қоидасини таърифлаш чоғида унинг матнида: «бошқаси қонун ёки шартномада кўзда тутилган (белгиланған) бўлмаса» ибораси кўшилған бўлади.

Ҳуқуқ субъектларининг мустақиллиги уларга бериб қўйиладиган ўз хоҳиши бўйича иш тутиш имкониятида намоён бўлади.

Ҳуқуқшунослигимизнинг кўпгина соҳаларда диспозитив нормалар мавжуд. Лекин диспозитив нормалар энг кўп даражада фуқаролик ҳуқуқига хосдир. Зоро, мазкур тармоқни ҳуқуқтің тартиби-

га солининг ўзига хос услуги субъектларнинг автоном (мустақил) ҳолатига асосланади.

**Рағбатлантирувчи нормалар.** Булар субъектларнинг давлат ва жамият томонидан маъқуллашадиган, улар уғун фойдали хатти-ҳаракатлар турини тегишли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган рағбатлантиришнинг муайян чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойишлардир. У ўз юридик, ижтимоий мажбуриятларини вижданан бажаришдан ёки одатий таъаблардан устун турадиган натижаларга эришишдан иборат (орденлар, медаллар, мукофотлар ва ҳ.клар ҳақидаги меъёрий кўрсатмалар).

**Тавсия берувчи нормалар** ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг давлат учун энг матлуб турини аниқлаб беради.

Тавсия берувчи нормалар кўпроқ давлат корхоналари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига йўлланади. Бозор муносабатларининг ўса бориши билан бир хил тавсия берувчи нормалар ўз моҳиятини йўқотиб, бекор қилинади. Чунки давлат майдада-чуйдаларга ҳам аралашаверишдан корхона ва бирлашмаларни озод қилиши керак бўлади.

Бироқ, императив нормалар ўrniga келувчи тавсия берувчи нормалар ривож топиб бораверади.

Ифодалаш шаклига кўра:

- ҳуқуқ берувчи;
- зиммага юкловчи;
- тақиқловчи нормалар мавжуд.

**Ҳуқуқ берувчи (ҳуқуқни белгиловчи) нормалар** субъектларга шу нормаларда кўзда тутилган ижобий хатти-ҳаракатлар учун ҳуқуқ беради ва ўз матнида «ҳақли», «ҳуқуқига эга», «мумкин» деган сўзларни ифодалайди, акс эттиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида шундай дейилган: «ҳар ким эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига эга».

Мажбурият юкловчи нормалар муайян ижобий ҳаракатларни содир этиш вазифасини юклайди. Мазкур нормалар учун «мажбур», «керак» сўзлари тавсифлидир. Мисол учун, Конституциянинг 48-моддасида тўғридан-тўғри шундай дейилган: «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишган, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдирлар».

**Тақиқловчи меъёрлар** уларда келтирилган ва қонун томонидан ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилган хатти-ҳаракатларни тақиқлайди. Тақиқлар давлатнинг қатъий ваколатли буйруғи бўлиб, уларнинг асосий мақсади шахс ва жамият учун эҳтимол тутилган

номатлуб хатти-ҳаракатларнинг олдини олишдан иборат. Бунда тақиқланган ҳаракатлар тури «тақиқланади» («ман этилади»), «ҳаққи йўқ», «бўлиши мумкин эмас», «йўл қўйилмайди» ибораларини ўз ичига олади. Масалан, «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси).

**Хукуқий нормаларни баён этиш усуслари қўйидагича:**

1. Баён этишнинг тўғридан-тўғри усули. Унинг моҳияти шундан иборатки, норма мазмунининг ўзида хулқ-автор қоидаларининг батафсил тавсифи берилади, у ёки бу ҳаракатларни содир этиш мумкин бўлган барча ҳолатлар кўрсатилади, шунингдек, ушбу нормани бажармаганлик учун кўриладиган таъсир чоралирининг тўла рўйхати келтирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Туҳмат» деб номланган 139-моддасини олинг.

2. Баён этишнинг ишора усули шундан иборатки, модда мазмуни тўла очиб берилмайди, балки унинг талаблари аниқлаб бериладиган бошқа моддаларга ишора қилинади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 117-моддаси қўйидагича таърифланган: «Мазкур Кодекснинг 29-модда 2-қисмида кўзда тутилган битимлардан ташқари ўн тўрт ёшга етмаган шахс томонидан тузилган битимлар арзимасдир».

3. Баён этишнинг бланкет усули. Бунда изоҳланадиган модда гўё тўлдирилмаган бланкадан иборат бўлиб, бошқа меъёрий ҳужжатларга мурожаат қилинганда «тўлдириладиган» чала бланкага ўхшайди. Модда аниқ нормаларга ишора қilmайди ҳамда меъёрий ҳужжатни кўрсатиб бермайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 127-моддасини олайлик: «Мехнат тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларда иш куни (сменаси) давомидаги бошқа танаффуслар ҳам кўзда тутилиши мумкин».

4. Хукуқ нормаларининг мазмуни моддаларда ифодаланади. Муайян тамойиллар бўйича жамланган моддаларнинг йиғиндиси алоҳида **меъёрий-хукуқий ҳужжат** ҳисобланади. «Ҳужжат» атамаси хукуқшуносликда икки хил маънода қўлланилади: 1) давлат ҳокимияти органларининг хукуқий ижодкорлик фаолияти сифатида; 2) у ёки бу тарздаги ҳаракатлар натижаларини мустаҳкамловчи (белгиловчи) ёхуд у ёки бу ҳаракатларни содир этиш бўйича кўрсатма берувчи, мажбур этувчи ёки уни тақиқловчи расмий ҳужжат сифатида.

## **2. МЕЬЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР ОЛДИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

«Меъёрий» атамаси мазкур расмий ҳужжат ҳуқуқ нормасини акс эттиради, деган маъниони билдиради. «Хуқуқий» атамаси «юридик» атамасининг синонимидир. Шунинг учун ҳам баъзан ҳуқуқий ҳужжатни меъёрий юридик ҳужжат деб ҳам аташади.

Меъёрий-хуқуқий ҳужжат — юридик нормаларни ифодаловчи расмий ҳужжат бўлиб, у давлатнинг ҳуқуқий ижодкорлиги фаолияти ёки умумхалқ референдуми (иродаси) натижасида яратиладиган расмий ҳужжат. Меъёрий-хуқуқий ҳужжат ҳуқуқнинг асосий шакли (манбаи) ҳисобланади. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан ташқари ҳуқуқий урф-одат, ҳуқуқий прецедент ва меъёрий шартнома ҳуқуқнинг шакли (манбаи)га киради.

Ҳуқуқий урф-одатлар тарихан давлатнинг пайдо бўлиш даврларида ижтимоий муносабатларни тартибга солган ҳуқуқнинг ilk манбаларидан бири бўлган. Умуман, урф-одат деганда, мазкур фактик муносабатларнинг доимий ва бир хилда такрорланиши асосида таркиб топган хулқ-автор қондадари тушунилади. Бироқ расмий давлат томонидан расмий маъқуллангандан кейингина урф-одат айнан ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Ўтмишнинг бизгача етиб келган йирик қонунчилик ёдгорликлари (Ману қонунлари, Рус ҳақиқати) ҳуқуқий урф-одатлар тўйламларидан бошқа нарса эмас.

Шундай қилиб, одат ҳуқуқ нормалари давлат ҳокимиятидан ташқарида яратилса-да, давлат ҳокимияти иродаси билан юридик мажбурийлик мақомига эга бўлади. Шунинг учун одат ҳуқуққа йўл қўйилиши ва унинг чегаралари қонунчиликнинг ўзи томонидан белгиланади.

Бинобарин, ҳуқуқий урф-одатлар — давлат санкцияси билан кўлланилиши таъминланадиган урф-одатлардир.

Ҳуқуқ шакллари роли суд амалиётига тааллуқли бўлган воқеалар тарихдан маълум. Ҳозирги вақтда суд прецеденти Буюк Британия учун худди шундай аҳамиятга моликдир. Ҳозирги замон Европа қонунчилиги суд амалиётини ҳуқуқнинг шакли сифатида умуман тан олмайди. Лекин бу масала ақидапарастлик жиҳатидан ҳам, қонунчилик сиёсати нуқтаи назаридан ҳам мунозарали ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент. Умуман, ҳокимиятнинг ҳеч бўлмаганда бир марта содир этган, лекин унинг кейинги фаолияти учун намуна сифатида хизмат қиласидиган хатти-ҳаракати прецедент ҳисобланади. Ҳуқуқий прецедент — суд ёки

маъмурий органнинг келажакда шунга ўхшаш барча кейинги ишларни кўриб чиқишида андоза, намуна (хулқ-атвор қондаси) бўлиб қоладиган ёзма ёки оғзаки қароридир.

Ўзбекистон Республикасида суд прецеденти хукуқнинг шакли деб ҳисобланмайди.

**Меъёрий ҳужжат** — бу ё халқаро шартнома ёхуд федерация субъектлари ўртасида бошқариш соҳаларини чегаралаш тўғрисидаги шартномалардир.

**Халқаро шартнома** — давлатлар ва халқаро хукуқнинг бошқа субъектлари ўртасида улар учун умумий аҳамиятга молик бўлган ҳамда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни яратиш йўли билан уларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб боришга даъват этилган очиқ ифодаланган битимдир.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена шартномасининг 2-моддаси мазкур манбанинг меъёрий таърифини шундай ифодалайди:

«Давлатлар ўртасида ёзма равишда тузилган ҳамда бундай битим бир ҳужжатда, икки ёки бир қанча ҳужжатларда акс этганидан қатъи назар, шунингдек, унинг аниқ қандай номланишидан қатъи назар, халқаро ҳуқуқ билан мувофиқлаштириладиган халқаро битим шартномани билдиради»<sup>1</sup>.

1990 йилнинг 12 сентябрида Германияга нисбатан муносабатни узил-кесил ҳал этиш тўғрисидаги шартнома халқаро-ҳуқуқий шартномага мисол бўла олаци. Унга мувофиқ «Бирлашган Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси ва бутун Берлин ҳудудини ўз ичига олади».

Ҳуқуқ шартномавий шаклининг истиқболи порлоқ. Чунки, агар ҳуқуқ манбаларини ижтимоий ҳамжиҳатлик кўринишида тасаввур этиладиган бўлса, унда бу ҳамжиҳатлик энг аввало, расмий-мажбурий эмас, балки ихтиёрий-келишилган ҳамкорлик бўлиши керак. Шуни назарда тутиш керакки, бозорнинг ривожланиши, жамиятимизнинг демократик янгилашиш шароитларида давлат (яқин ўтмишда бўлганидек) ундаги тартибни таъминлаш учун етакчи, боз устига ягона ташкилот бўлиб қололмайди. Янги шароитларда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, банк тармоқларидағи фирмалар, корпорациялар, трестлар, концернларнинг роли жиддий равишда ортиб боради. Улар жамиятдаги амалий муносабатларни асосан шартномавий йўл би-

<sup>1</sup> Қаранг: Ведомости Верховного Совета СССР. 1986., 37-сон, 772-бет.

лан тартибга солади. Бу йўл эса мувофиқлаштиришнинг энг тезкор, оддий ва қулай воситасидир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги — халқаро ҳукуқ субъектлари ўртасидаги шартномалар (битимлар) алоҳида ўрин тутади (масалан, Мустақил Далватлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Битим, МДҲ иштирокчилари бўлган стратегик кучлар мақоми тўғрисидаги Битим ва ҳ.к.).

Халқаро ҳукуқий шартномалар, битимлар, пактлар, конвенциялар, декларациялар халқаро ҳукуқнинг муҳим манбалари сифатида нафақат давлатларнинг ўзаро муносабатларидағи хилмасхил сиёсий (дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳужум қиласлик, қуролсизланиш тўғрисида) ва иқтисодий (савдо, иқтисодий ёрдам тўғрисида, қарзлар, кредитлар ҳақида ва ҳ. к.) масалаларни мувофиқлаштирибина қолмай, балки у ёки бу соҳада қонунчиликни ривожлантиришнинг умумий мақсадларини белгилайди, мувофиқлаштириш тамойилларини таърифлайди, ҳукуқий андозаларни киритади, тавсиялар беради. Барча цивилизациялашган мамлакатларда халқаро ҳукуқ устуворлиги эътироф этилиши бежиз эмас.

**Меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни индивидуал ҳукуқий ҳамда ҳукуқ нормаларини кўлланиш ҳужжатларидан фарқлай билиш керак.**

Индивидуал ҳукуқий ҳужжатларнинг учта тавсифли белгиси бор:

- 1) уларда хулқ-атвор қоидалари (нормалари) ифодаланади;
- 2) улар бир карра ва вақтинча амал қилувчи ҳужжатлардир;
- 3) қатъий жонлантирилган характерга эга бўлади, яъни аниқ шахсларга қаратилган бўлади.

Индивидуал-ҳукуқий ҳужжатларнинг вазифалари:

а) бир карралик тадбирларни ўтказиш тартибини ажаклаш (масалан, шаҳар ҳокимининг Шаҳар куни байрамини ўтказиш тўғрисидаги қарори);

б) юридик ҳужжатлар (мисол учун, нотариал фаолият соҳасига тааллуқли ҳужжатлар)ни рўйхатдан ўтказиш;

в) юзага келадиган низолар (масалан, меъёрий тавсифга эга бўлиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қарорларидан ташқари суд органларининг ҳукмлари ва қарорлари) ечимини тақдим этиш.

Юридик адабиётларда баъзан лўнда ва аниқлик учун индивидуал-ҳукуқий ҳужжатни ҳукуқий, меъёрий-ҳукуқий ҳужжатни меъёрий ҳужжат деб атасади.

**Хуқуқни қўлланиш ҳужжати** — ваколатли органнинг индивидуал давлат ҳукмдор кўрсатмаси ифодаланган расмий ҳуқуқий ҳужжат. У аниқ ҳолатлар ёки маҳсус белгиланган шахсларга нисбатан ҳуқуқий нормалар асосида шакллантирилади (масалан, парламент, давлат бошлиғи, ижроия ҳокимияти органлари ҳужжатлари, суд ҳукмлари, прокурорлик назорати ҳужжатлари ва бошқалар).

**Ҳуқуқ нормаларини қўлланиш ҳужжатлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан қўйидагилар билан фарқланади:**

- ҳуқуқ нормаларини қўлланиш ҳужжатлари бенстисно буйруқ характеристига эга. Уларда ифодаланган нормалар қатъийлиги (узил-кесиллиги) билан фарқ қиласди. Булар ё буйруқ оҳангидаги ёки тақиқловчи ҳуқуқ нормаларидир. Ўзига нисбатан қўлланилаётган шахс учун танлаш имкониятини бермайди. Масалан, аниқ бир иш юзасидан кучга кирган суд ҳукми барча томонлар учун бажарилиши мажбурийдир;

- ҳуқуқ нормаларининг қўлланиши ҳужжатларида акс этган талабларнинг бажарилиши зарур ҳолларда мажбурий тарзда таъминланади;

- ҳуқуқ нормаларини қўлланиш ҳужжатлари фақат белгиланган шаклда нашр этилади. Бундай шакллар қўйидагиларда ўз ифодасини топади: 1) уларда ушбу ҳужжатни берган органнинг кўрсатувчи тўла ва аниқ номи ҳамда ушбу ҳужжатдаги талаблар йўлланган аниқ манзил кўрсатилган бўлиши керак; 2) ҳуқуқ нормаларини қўлланиш ҳужжати мазмунида ишнинг ҳақиқий сабаблари баён этилган, шу иш юзасидан чиқарилган ҳукм асосланган қонунларнинг барча моддалари кўрсатилган бўлиши лозим, судлов органларининг ҳукмлари ва қарорлари шундай ҳужжатлар жумласига киради. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди хulosалари улар бошқаруви доирасида меъёрий-ҳуқуқий моҳиятга эга бўлиши мумкин.

**Ҳуқуқ нормаларини қўлланиш ҳужжатлари фарқларига нисбатан умумий хусусиятлари кўпроқ бўлишига қарамай, индивидуал-ҳуқуқий ҳужжатлардан ажralиб туради:**

- улар ёзма равишдаги расмий ҳуқуқий ҳужжатлардир;

- бир карра қўлланиладиган ҳужжатлардир;

- улар умуммажбурий моҳиятга эга бўлмайди, чунки уларнинг таъсир доираси фақат тор доирадаги шахсларга ёки ҳатто, фақат бир шахсга нисбатан қўлланилади.

Фарқи шундаки, ҳуқуқ нормаларини қўлланиш ҳужжати ҳуқуқ нормаларини ифодалайди ва бу ҳолат уни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга яқинлаштиради.

### Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар турлари:

Қонун — маҳсус тартиб асосида қонунчилик ҳокимияти органдари томонидан қабул қилинадиган, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда олий юридик кучга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

**Қонуни турлари.** Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган қонунларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Аҳамият ва юридик кучи бўйича — конституциявий ва жорий, оддий қонунлар. Конституциявий қонунлар давлат ва жамият тузилишининг туб асосларини, шахс ва ташкилотларнинг ҳуқуқий мавқенини белгилаб беради. Булар, шунингдек, амалдаги Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритувчи қонунлардир. Конституциявий қонунлар асосида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бугун тизими таркиб топади ва аниқлаштирилади. Конституция бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга.

2. Барча бошқа қонунлар — жорий, оддий қонунлардир. Улар, депутатларнинг қўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунлар яна тартибга солиш кўлами ва обьекти бўйича ҳам фарқланади. Умумий қонунлар (масалан, кодекслар) ижтимоий муносабатларнинг бутун бир соҳага бағишлиланган. Маҳсус қонунлар (масалан, Банклар ва банк тизими тўғрисидаги қонун) ижтимоий муносабатларнинг анча тор доирасини бошқаришга хизмат қиласди.

**Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи.** Бу — муайян органлар, нодавлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг қонунлар чиқариш масаласини қўйиш уларнинг лойиҳасини қараб чиқиш учун қонунчилик органига киритиш ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қонун чиқарувчи органнинг муайян муддатда қонун чиқариш ёки унинг муҳокамаси учун қонун лойиҳасини киритиш тўғрисидаги таклифини қараб чиқиши мажбуриятини кўзда тутади.

Қонун лойиҳаларини хилма-хил ташкилотлар ва ҳатто алоҳида шахслар тайёрлашади. Қонун ижодкорлиги амалиётида кўпинча тармоқ, идоравий тамойил қўлланади. Унга мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари ўз йўналишларига мос келадиган орғанлар томонидан тайёрланади. Жумладан, республика прокуратураси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг лойиҳасини, Ички ишлар вазирлиги «Милиция тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишиган. Албатта, қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг бундай тартиби нуқсонлардан ҳоли эмас. Зеро, бу ерда умумхалқ манфаати заарига идоравий манфаат мавжуд бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам илк бор демократик асосларда сайланган ва республикамизнинг биринчи професионал парламенти бўлган Олий Мажлис олдида қонун лойиҳаларини ўзининг қўмиталари ва комиссияларида, боз устига кўпинча муқобил асосда тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига биноан «Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қонун ижодкорлиги механизмини янада такомиллаштиришнинг муҳимлигини Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлади. Жумладан, ўшандаги Президент қуйидагиларни қайд этганди: «Шуни эътироф этиш керакки, қонун лойиҳалари одатда идоравий маҳдудлик хусусиятига эга бўлади. Сабаби шуки, улар моҳият-эътибори билан олганда, шу қонунларни ижро этиши лозим бўлган кишиларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади. Натижада айрим вазирликлар, идораларнинг манфаатлари кўпинча инсон ва умуман олганда жамият манфаатларига зид ҳолда биринчи ўринга чиқиб қолади.

Айрим қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, борларининг ҳам тоғдо хотўғри, қонунга хилоф тарзда талқин қилиниши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 1998., 28-бет.

баъзи қонунларнинг самара бермаётганига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликнинг мавжуд тартиботидаги жиддий камчиликни ана шунда деб биламан»<sup>1</sup>.

Президент бунинг сабабини шундай изоҳлайди: «Қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тизими йўқ.

... Қабул қилинаётган қонунлар баъзан экспертизадан ўтказилмаяпти.

... Қабул қилинаётган қонунларни экспертизадан ўтказиш тартиби йўлга қўйилмаган. Қонунларни, Олий Мажлис ва хукумат қарорларини республика аҳолиси, ижрочилар эътиборига ўз вақтида етказишининг самарали тизими вужудга келтирилмаган. Қабул қилинган қонунларни рўёбга чиқариш механизмилари яхши ишламаяпти».

Шунинг учун ҳам Олий Мажлис бу йўналишда ҳали кўп иш қилиши керак бўлади.

**Қонунга қўшимча меъёрий хужжатлар. Қонунга қўшимча меъёрий-хукуқий хужжат — қонунга мувофиқ чиқарилган ва унга зид келмайдиган хужжатadir.**

Қонунга қўшимча меъёрий хужжат — бу умумлашма тушунчадир. У вакиллик органлари, Президент, хукумат хужжатларидан тортиб то ҳокимият ва бошқарув маҳаллий органлари (ҳокимликлар) фармойишларигача — энг хилма-хил хукуқий кўрсатмаларни қамраб олади.

**Президент хужжатлари.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун худудида мажбурий кучга ёнга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

Президент учун қонунга қўшимча меъёрий хужжат бўлган Президент фармонлари устида гап кетганда, ўтган асрнинг охирларидаёқ давлат бошлигининг одатий фармонлари билан фавқулодда фармонлари ўртасидаги фарқни билишни таклиф этган таниқли рус олими Н.М. Коркуновни эслаш ўринилди. Фавқулодда фармонлар қонун йўли билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ёхуд қонунни бескор қилиш бўйича чиқарилади. «Фавқулодда фармонни чиқариш аслида зарурат тақозоси билангина оқланиши мумкин бўлган ҳукуқбузарлиқdir. Ушбу фармон билан

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т., 1997., 5-т., 126-бет.

ўрнатиладиган чора-тадбирлар ҳукуқ бўйича фақат қонунчилик хужжати билан белгиланиши мумкин. Камдан-кам учрайдиган мурдайян шароитларда бу талабга риоя этишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли қонун фавқулодда фармонга алмаштирилади. Бироқ, бундай фармонлар муваққат тавсифга эга бўлиб, фавқулодда фармон билан белгиланган чоралар қонунчилик органига қараб чиқиш учун тақдим этилиши керак<sup>1</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси — давлат бошқаруви ва ижроия ҳокимиятининг олий органи бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг меъёрий ҳужжатларини қабул қиласди.

Ўз функциясини амалга ошира бориб, Вазирлар Маҳкамаси республиканинг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди ва фармойишлар чиқаради. Меъёрий тавсифга ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган унинг қарорлари қарор шаклида нашр этилади. Тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлар фармойишлар шаклида чиқарилади.

**Вазирликлар ва идоралар ҳужжатлари.** Ҳозирги вақтда республика ҳудудида ижроия ҳокимиятининг қуйидаги марказий органлари фаолият юритмоқда: вазирлик, давлат қўмитаси, хизмат, агентлик, инспекция. Вазирликлардан ташқари мазкур барча органларни идоралар деб аташга одатланилган. Бошқарув ёки фаолият доирасининг у ёки бу тармоғига раҳбарликни амалга ошириш, маҳсус ижро, назорат, ижозат функцияларини бажариш учун вазирликлар ва идоралар ҳам меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни чиқарадилар. Булар — буйруқлар, йўриқномалар, қоидалар, тавсиялар, низомлар ва бошқалардир. Ушбу ҳужжатлар тизимида буйруқлар ва йўриқномалар етакчи рол ўйнайди. Бунда йўриқномалар ҳамиша меъёрий бўлиши, буйруқлар эса номеъёрий, яъни индивидуал моҳиятга эга бўлиши мумкин (масалан, ходимни бошқа ишга ўтказиш бўйича вазирнинг буйруғи).

Вазирликлар ва идораларнинг ҳужжатлари ҳукумат ҳужжатларига бўйсундирилган ва кўпинча тармоқ тавсиифга эга бўлади. Бироқ уларнинг айримлари ташқи таъсир доирасига эгадир. Бунда улар давлат рўйхатидан ўтказилиб, матбуотда эълон қилиниши керак. Давлат рўйхатидан ўтмаган, шунингдек, рўйхатдан ўтказилса ҳам белгиланган тартибда эълон, қилинмаган ҳужжатлар кучга кирмаган деб топилиб, ҳукуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ҳамда тегишли муносабатларни тартибга

<sup>1</sup> Қаранг: И. М. Жоркунов. Указ и закон. СП., 1894., 272-бст.

солиш учун қонуний асос бўла олмайди. Умуман, давлатимиз хукуқий асослари мустаҳкамланиб, ривожланиб борган сари идоравий бошқарув қисқариб бориши керак. Бу хукуқий бошқаришда идоравий тазиикдан халос бўлиш имконини беради.

**Жойлардаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари хужжатлари.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига кўра, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига: «...норматив хужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонуларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш» киради. Ушбу хужжатлар амал қилишнинг маҳаллий тавсифига эга бўлиб, улар тегишли ҳокимликлар ҳудудигагина ёйлади.

**Давлат ва нодавлат ташкилотлари хужжатлари.** Ушбу ташкилотлар ўз функцияларини бажара бориб, буйруқлар, низомлар, қоидалар сингари меъёрий-хукуқий хужжатлар турларини ишлаб чиқадилар, қабул қиладилар ҳамда улар (иштирокчилар томонидан умумий мажлисда тасдиқланадиган корхона, ёпиқ ва очик турдаги акциядорлик жамияти низоми) асосида иш юритадилар. Қонунга қўшимча хужжатлар тизимининг охирида турувчи мазкур хужжатлар аниқ бир ташкилот доирасида амал қилиб, фақат унинг аъзолари учунгина мажбурийдир.

**Меъёрий-хукуқий хужжатлар олдига қўйидаги талаблар қўйилади:**

**1. Қонунийлик.** Давлат ҳокимиятнинг хукуқ ижодкорлик органларининг ягона мақсад сари йўналтирилганлиги тушунилади. Мазкур йўналтирилганлик энг матлуб, жамият манфаатларига жавоб берадиган хукуқий нормаларни қабул қилиш мақсадида амалдаги қонун доирасида амалга оширилиши даркор.

**2. Малакалилик.** Меъёрий-хукуқий хужжат ўзлари ишлаб чиқаётган хукуқий хужжат тартибига солиши лозим бўлган масалалардан яхши хабардор малакали мутахассислар томонидан тузилиши керак.

**3. Баён этишининг аниқлиги ва тескари маънони англатмаслиги.** Мазкур талаб меъёрий-хукуқий хужжатнинг биронта қоидаси икки хил маънода тушунилиши керак эмаслиги ҳамда ҳар бир одамнинг тушуниши учун осон бўлиши ва турлича қабул қилишни истисно этиши даркорлигини англатади.

Бу бажарилиши қийин бўлган талаб бўлиб, шунинг учун меъёрий-хукуқий хужжатлар моҳиятини кўпинча қонунга қўшимча хужжатлар (йўриқномалар, изоҳлар ва ҳ.к.) тушунтиради.

**4. Меъёрий-хукуқий хужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши.** Меъёрий-хукуқий хужжатларга ижтимоий тараққиёт жараёнларини янада самарали бошқариш имконини берадиган та-

лаб (масалан, шу талабга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун жорий йилнинг охиридан кечиктирмай қабул қилиниши керак).

5. Меъёрий-хукуқий ҳужжатлар мазмунини ижрочиларга етказишининг тезкорлиги, меъёрий ҳужжат қабул қилинган сана билан уни ҳалқа етказиш (эълон қилиш) санаси ўргасида энг қисқа муддат кўйиш кераклигини билдиради.

### 3. МЕЬЁРИЙ-ХУКУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ВАҚТДА, ҲУДУДДА ВА ШАХСЛАРАРО ҲАРАКАТИ

Барча меъёрий-хукуқий ҳужжатлар йўналтирилган ҳаракат ҳужжатлариdir, яъни вақт чегаралари доирасида ҳамда муайян ҳудудда амал қиласи. Меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг амал қилиши — ундан кўзда тутилган юридик оқибатлар натижасидир. Меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг амал қилиши, яъни унинг «умри» уч мезон билан — вақт, макон ва шахслар доираси билан белгиланади.

A. **Меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг вақтда амал қилиши.** У меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг кучга кирган вақтидан то унинг ўз кучини йўқотиш пайитгача давом этади.

**Меъёрий-хукуқий ҳужжат кучга киришининг (амалга киритилишининг) куйидаги тартиби мавжуд:**

- ҳужжатнинг кучга кириш вақти кўпинча унга тегишли ҳужжатда — кучга киритиш ҳақидаги қарорда кўрсатилади;

- меъёрий-хукуқий ҳужжат у эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради;

- меъёрий-хукуқий ҳужжат босқичма-босқич кучга киритилади. Бунда мазкур босқичлар ё муддатлар билан ёхуд муайян шароитларнинг юзага келиши билан боғланади;

- меъёрий-хукуқий ҳужжат қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилиши мумкин, бу ҳақда шу ҳужжатнинг ўзида, шунингдек, уни кучга киритиш тўғрисидаги қарорда айтилган бўлиши мумкин;

- меъёрий-хукуқий ҳужжат имзоланган пайтидан бошлаб кучга кириши мумкин, бу ҳақда шу ҳужжатнинг ўзида айтилган бўлади. Мазкур тартиб Президент, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари учун тавсифлидир. Масалан, Республикализ Президентининг кўпчилик фармонлари: «Ушбу Фармон имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради», деган банд билан якунланади.

**Меъёрий-хукуқий ҳужжатлар куйидагicha ўз кучини йўқотади:**

- ҳаракат муддати тугаши билан;

- кўзда тутилган шарт-шароитларнинг ўзгариши билан (мисол учун, 1992 йили янги Конституциянинг қабул қилиниши билан 1978 йилги собиқ ЎзССР Конституцияси ўз кучини йўқотганди);

- ушбу ҳужжат бошқа бир ҳужжат билан бекор қилингандা.

**Б. Меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг маконда амал қилиши.** Давлат суверенитетига мувофиқ меъёрий-хукуқий ҳужжатлар бизнинг республикамиизда ҳаво бўшлигини ҳам қўшиб бутун ҳудудда амал қилади. Умуман, дengiz, дарё, ҳаво ва космик кемалар (станциялар) давлат ҳудудига тенгластирилади.

**В. Меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг шахслар бўйича (шахслар доирасида) амал қилиши.** Ўзбекистон Республикасининг умумий характердаги меъёрий-хукуқий ҳужжатлари унинг ҳудудида истиқомат қилувчи барча шахслар — давлатимиз фуқаролари, муҳожирлар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга дахлдор.

Максус меъёрий-хукуқий ҳужжатлар фақат муайян фуқароларга нисбатангина амал қилади. Масалан, ҳарбий қонунлар фақат ҳарбийларгагина тааллуқлидир.

Айни пайтда давлатимиз меъёрий-хукуқий ҳужжатларига чет элларда истиқомат қилаётган фуқароларимиз ҳам амал қиладилар. Чунончи, чет элда жиноят содир этган Ўзбекистон фуқароси бизнинг қонунларимиз бўйича жавоб беради. Бу унинг ўзи ҳозир яшаётган мамлакат қонунлари олдидағи масъулиятини истисно этмайди, албатта.

Дипломатик дахлизлик ҳукуқига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси меъёрий-хукуқий ҳужжатлари ҳал қилиш доирасига кирмайдилар (ва шу билан юридик жавобгарликка тортилмайдилар). Булар — ваколатхоналар бошликлари ҳамда ваколатхона жамоаси аъзолари, халқаро музокаралар, учрашувлар ва конференциялардаги делегациялар бошликлари ва аъзолариидир.

Бундай шахсларнинг ҳукуқий мавқеи халқаро ҳукуқ нормалари билан белгиланади.

Маълумки, ҳукуқ ижтимоий муносабатлар бутун мажмуини камраб ололмайди. Масалан, дўстлик, муҳаббат муносабатлари, диний муносабатлар, оиласининг айрим ички муносабатлари ҳукуқнинг амал қилиш доирасидан четда қолади. Ўзи қанақанги муносабатлар тартиба солиниши, бошқарилиши керагу, уларнинг чегараларини ким белгилаб беради, деган асосли савол туғилиши мумкин. Юридик амалиётда юзага келган тажрибага кўра, ҳукуқий бошқариш чегараларини белгилаш давлат томонидан амалга оширилади.

Ҳукуқий бошқариш доираси **бошқариш мумкин бўлган соҳа ва қонуний бошқариш соҳасига бўлинади.**

Бошқариш мумкин бўлган соҳа ижтимоий муносабатларнинг давлат ўз таъсирини ўтказа оладиган, лекин (давлат нуқтаи-назаридан) уларни бошқаришга зарурат йўқ бўлган қисмидан иборат. Бунда давлат ушбу муносабатларга ўзининг аралашиш эҳтимолини истисно этмайди. Давлат ўз таъсирини ўтказишга қодир ижтимоий муносабатлар доирасини қандай аниқлаш мумкин? Давлат фақат меъёрий тавсифга эга бўлган ҳамда қуидаги белгилари билан ажралиб турувчи ижтимоий муносабатларгагина таъсир ўтказишга қодирдир:

- **типиклик** — муайян вазиятларда доимий такрорланиб турувчи муносабатлар;

- **оммавийлик** — бир вақтнинг ўзида одамларнинг катта гуруҳлари қатнашадиган муносабатлар;

- **назорат қилиш мумкинлиги** — давлат томонидан назорат қилиш мумкин бўлган муносабатлар;

- **расмийлаштирилганлик** — расмийлаштирилиши мумкин бўлган, яъни аниқ андозалар шаклларида (тарифлар, шакллар, моддалар ва х.к.) ёзма равища мустаҳкамланадиган (қайд этиладиган) муносабатлар.

Давлат қанчалик истамасин аралаша олмайдиган ижтимоий муносабатлар бошқариш мумкин бўлган доирадан ташқарида қолади.

**Қонуний бошқариш соҳаси** давлат бошқаришга қодир ҳамда ўзининг ижтимоий аҳамиятига кўра бошқарилиши керак бўлган ёки ҳукуқ нормалари билан аллақачон бошқариллаётган ижтимоий муносабатлар доирасидан иборат.

Шундай қилиб, бошқарилиши мумкин бўлган муносабатлар соҳасига бошқариш мумкин бўлган, аммо бошқарилиши керак бўлмаган ва бошқарилмаётган ижтимоий муносабатлар киради. Қонуний бошқариш соҳасига эса, шартли равища уч гуруҳга бўлиш мумкин бўлган қуидаги ижтимоий муносабатлар киради:

1) бошқарилиши мумкин, бошқарилиши керак ва аллақачон бошқариллаётган муносабатлар;

2) бошқарилиши мумкин, бошқарилиши керак, аммо ҳозирча бошқарилмаётган муносабатлар;

3) бошқарилиши мумкин, аммо бошқарилмаслиги лозим, бироқ шунга қарамай бошқариллаётган муносабатлар.

Энг матлуб ҳолатларда юқорида санаб ўтилганлардан фақат биринчи гуруҳга киравчи муносабатлар қонуний бошқариш соҳасида мавжуд бўлиши керак. Чунки, ижтимоий муносабатларнинг иккинчи гуруҳи қонунчиликда «бўшлиқлар» борлигидан дарак берса, ижтимоий муносабатларнинг учинчи гуруҳи эса, давлатнинг ноҳукуқий (нодемократик) моҳиятини кўрсатади.

Давлат ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан қўйидаги ижтимоий муносабатлар албатта, бошқарилиши зарур:

- 1) давлат тузилиши ва бошқаруви соҳаларидағи муносабатлар;
- 2) фуқаролар, корхоналар ва ташкилотларнинг мулкий муносабатлари, зеро, мазкур муносабатлар иқтисодиётнинг асосини ташкил этади;
- 3) ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлар, зеро, бу муносабатларни бошқариш жамоат хавфсизлигини тъминлаш ҳамда давлатнинг ҳароб бўлиш хавфи нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Давлат томонидан албатта, бошқарилиши керак бўлган ижтимоий муносабатларнинг тўла рўйхатини бериш мумкин эмас. Чунки, жамият ўз тараққиёти давомида янги-янги ижтимоий алоқаларни дунёга келтиради. Мазкур рўйхатни шакллантириш ҳуқуқига эгалик қилиш давлатнинг қонун чиқарувчи органларига тааллуқлидир. Шунинг учун қонуний бошқариш соҳаси билан бошқариш мумкин бўлган соҳа ўртасидаги чегара керагича ўзгара оладиган ва очиқдир. Ҳуқуқий бошқариш соҳаси билан қолган барча ижтимоий муносабатлар ўртасидаги чегара ҳам худди шундай шартлиликка эга. Бироқ, агар қонуний бошқариш соҳаси бошқарилиши мумкин бўлган соҳанинг бутун ҳаммасини қамраб оладиган бўлса, бу — давлат режимининг тоталитар шаклидан далолат беради.

# ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР МАЗМУНИ

1. *Хуқуқий муносабат тушунчаси, унинг асослари ва таркиби.*
2. *Хуқуқ тизими ва уни тизимлаш шакллари.*
3. *Хуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик.*

## 1. ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ТУШГУНЧАСИ, УНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТАРКИБИ

Хуқуқ тамойиллари ва нормалари ҳаётга татбиқ этилган, ижтимоий алоқа субъектлари фаолиятида амалга ошган пайтдагина у олий ижтимоий қадрият сифатида майдонга чиқади. Шунинг учун у ёки бу ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилған мөйөрий-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилишининг ўзи, ушбу муносабатлар чинакам ҳуқуқий таъсирга учради, деган маънони билдирамайди. Чунки, ҳуқуқ нормалари уларни амалга ошириш учун яратилади.

Хуқуқ нормаларини амалга ошириш — унда ифодаланган кўрсатмаларнинг одамлар хатти-ҳаракатларига татбиқ этилишидир. Хуқуқий нормани амалга ошириш йўли инсонлар онги орқали ўтади, бу ерда норма ҳаётда ўз татбифини топади. Инсон дунё-қарашининг бир қисмига айлангандан кейингина ҳуқуқ нормаси унинг хатти-ҳаракатлари нормасига айланиши мумкин. Энг матлуб кўринишда ҳуқуқ нормаси шу нормаларнинг ўз-ўзидан амалга ошиши жараёнидан иборат. Биз норма ўзига йўналтирилган ҳар бир шахс ундаги фармойиш этилган ёки тақиқланган ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик бўйича ўз ҳуқуқларини қўшимча чора-тадбирларсиз амалга ошириши ва мажбуриятларини бажаришини биламиз. Ҳуқуқ нормаларининг ўз-ўзидан амалга ошиш жараёни бевосита амалга ошиш деб аталади. Ҳуқуқнинг амалга ошиши қонунийлик билан таъминланади.

Қонунийлик — ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан қонунларнинг қатъий ва аниқ бажарилишидир. Бизнинг республикамизда қонунийликка катта эътибор бераб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганидек, «Оилада, мактабдá, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори — ҳамма-ҳаммаси одамларимизда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор

қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим»<sup>1</sup>. Ҳуқуқтартибот қонунийлик натижасидир.

Ҳуқуқтартибот — ҳуқуқ ва қонунийликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг тартиблилил ҳолати. Бу - ҳуқуқий талаблар ва кўрсатмаларнинг амалга оширилиши натижаси оқибат ҳуқуқий нормалар, яъни қонунийликка риоя этиш, уларни бажариш натижасидир.

Афсуски, реал ҳаёт амалиёти шуни кўрсатадики, ҳуқуқнинг ҳамма нормалари ҳам бевосита амалга ошириш йўли билан одамлар хулқ-авторида ўз ифодасини топаётгани йўқ. Қатор ҳолатларда ҳуқуқ нормаларини қўллаш деб аталган алоҳида тадбирга зарурат туғилиши кузатилади.

**Ҳуқуқ нормаларининг қўлланиши** — давлат ваколатли органларининг ҳуқуқий нормаларни аниқ ҳаётий вазиятлар ва индивидуал белгиланган шахсларга нисбатан амалга ошириш бўйича ҳуқуқли (ҳақли) фаолиятидир. Одатда суд, маъмуриятлар, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ҳуқуқни қўллаш бўйича фаолият органлари ҳисобланади.

Ҳуқуқий нормалар таъсири йўналтирилган ҳамда ушбу нормалар ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш ва қўллаш йўли билан аниқ ифодаланадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар дейилади. Ижтимоий муносабатлар мазкур соҳасининг чегаралари қонуний бошқариш соҳаси чегараларига мос келади.

**Ҳуқуқий муносабат** — ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари билан бошқариладиган юридик алоқадир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабат объектив ҳуқуқни (яъни ҳуқуқий нормалар йигиндисини) ижтимоий муносабатлар иштирокчиларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларига (чоғчи шахсий кўрсатмалар томонига) ўтказиш воситасидан иборат.

Шахс дунёқарashi йўналишларини бошқариш ҳуқуқ функцияларидан бири эканлиги яхши маълум. Бу ерда гал инсон ҳуқуқий онгини шакллантирадиган воқеликни идрок этишининг маҳсус шакли ҳақида кетяпти.

**Ҳуқуқий онг** — ижтимоий ва индивидуал онгнинг маҳсус шакли бўлиб, у ижтимоий ҳаётдаги ҳуқуқий ҳодисаларга одамлар муносабатини ифодаловчи ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, анъаналар, кечинмалар йигиндисидан иборат. Ижтимоий онга

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997., 97-бет.

нисбатан ҳуқуқий онг ҳуқуқий ғоя сифатида, индивидуал онга нисбатан эса, ҳуқуқий психология кўринишида гавдаланади. Субъектив жиҳатдан ҳуқуқий онг ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш инсоннинг ички эҳтиёжига айланадиган шахснинг психофизик ҳолатини тавсифлайди. Ҳуқуқ нормаси бунда унинг ҳаётий тамойиллари ва интилишлари билан қўшилиб кетади, дунёқарашнинг бир қисмига айланади. Шунинг учун ҳам унинг бажарилиши ҳеч қандай таҳдид солувчи ташқи омиллар (мисол учун, жазолаш, ҳукм қилиш ва бошқа санкциялар билан) рағбатлантирилмайди.

**Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг асослари.** Ҳуқуқий муносабат — одатда ҳуқуқ нормаларининг одамлар хатти-ҳаракатларига таъсир этиши оқибатида пайдо бўладиган ҳамда унинг иштироқчиларида субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги билан тавсифланадиган, давлат томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатdir.

Ҳуқуқий муносабатлар шахснинг аниқ вазиятларда фаоллашиб кетиши мумкин бўлган салоҳият хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. **Ҳуқуқдорлик** (ҳуқуқий қобилиятлилик) ва юридик салоҳиятлилик шундай хусусиятларга киради.

**Ҳуқуқдорлилик** — субъектнинг қонунда мустаҳкамланган юридик ҳуқуққа эга бўлиш ва юридик мажбуриятни адо этиш қобилиятидир. У инсон туғилган пайтдан бошланиб, унинг вафоти билан тўхтайди. Шунга қарамай, ҳуқуқдорлилик инсоннинг табиий хусусиятига кирмайди, балки объектив ҳуқуқ оқибатидир. Унда субъект эга бўлиши мумкин бўлган ўша юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар мужассамланган. Бирор ҳали у ҳақиқатан ҳам буларга эга деган гап эмас. Ҳуқуқий муносабатларнинг ҳақиқий иштироқчиси бўлиш учун ҳуқуқдор субъект юридик салоҳиятли бўлиши керак.

Субъектнинг субъектив ҳуқуқ нормалари билан эътироф этилган юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил равишда, ўзининг онгли фаолияти билан амалга ошириш қобилияти юридик салоҳиятлилик дейилади.

**Юридик салоҳият умумий ва маҳсус юридик салоҳиятлиликка ажралади.** Чунончи, умумий салоҳиятлилик истисносиз барча юридик битимларга тааллуклидир. Маҳсус салоҳиятлилик эса, шундай битимларнинг фақат қатъий белгиланган турига тааллуклидир. Деликт қобилият юридик салоҳиятга нисбатан анча торроқ тушунча ҳисобланади.

**Деликт қобилият** — шахснинг ўзи содир этган ҳаракатлар учун жавоб бериш қобилияти, шунингдек, ҳукуқбузарлик кирдикорлари учун қонунда белигланган тартибда жавобгарликка тортилиш қобилиятидир. Ҳукуқ субъектлилиги тушунчаси ҳукуқдорлик ва юридик салоҳиятлилик учун умумий тушунча ҳисобланади.

Ҳукуқдорлилик ва юридик салоҳиятлилик ҳукуқий муносабатларнинг муҳим, аммо шу билан бирга, унинг яккаю ягона асоси эмас. Улар билан бир қаторда юридик фактлар ҳам ҳукуқий муносабатларга асос бўлиб хизмат қиласди.

**Юридик фактлар** — бу ҳукуқ нормалари ҳукуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тугаши билан боғлайдиган аниқ ҳаётий ҳолатлардир. Юридик фактлар юридик норма фарзида номланади. Фаразда кўрсатилган юридик фактларнинг мавжудлиги (йўқлиги)да юридик норманинг диспозицияси ёки санкция «иш беради».

**Юридик фактлар ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлинади.**

**Ҳодисалар** — ҳукуқий муносабатлар иштирокчилари иродасига боғлиқ бўлмаган фактлар содир бўлишидан иборат. Айни пайтда бу ерда ҳодисалар шундай оддий одамлар иродаси билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги, лекин мазкур аниқ ҳукуқий муносабат иштирокчилари иродаси билан эса; яъни юридик факт келиб чиқишига асос бўладиган муносабат билан эса боғлиқ эмаслигини тушуниб олиш муҳимдир. **Нисбий ва мутлақ ҳодисалар** бир-биридан фарқланади.

**Нисбий ҳодисалар** — бу шундай фактларки, уларнинг келиб чиқиши юзага келган бу муайян ҳукуқий муносабатга одамларнинг алоқаси бўлмаса-да, шу одамлар иродаси билан боғлиқ бўлади. Мисол учун, ўткинчи томонидан бинога тасодифан ўтқўйиб юбориш натижасида келиб чиқадиган ёнгин бунга исбот бўла олади. Агар мулк сугурта қилинган бўлса, жабрланувчи мулк эгасида сугурта органи билан ҳукуқий ўзаро муносабат пайдо бўлади. Ёнгин факти мазкур ҳолатда нисбий ҳодиса бўлади, чунки, у ҳукуқий муносабат иштирокчилари иродаси билан боғлиқ эмас.

**Мутлақ ҳодисалар** — булар келиб чиқиши, умуман инсон иродаси билан боғлиқ бўлмаган фактлардир (сув тошқини, зилзила ва ҳоказолар).

**Ҳаракатлар** — ҳукуқий муносабатлар иштирокчилари иродаси билан боғлиқ фактлардир. Улар қонуний (ҳукуққа мувофиқ кела-

диган) ва ноқонуний (хуқуққа зил), яъни хуқуқбузарлукдан иборат бўлиши мумкин.

**Қонуний юридик фактлар** ўз навбатида юридик ҳодисалар ва юридик ҳаракатларга ажралади.

**Юридик ҳодиса** — юридик оқибатларни келтириб чиқариш мақсадида содир этиладиган қонуний фаолият. Юридик фактларнинг мутлақ кўпчилиги юридик ҳодисалардир, яъни улар олдиндан атайлаб хуқуқий муносабатларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга йўналтирилган. Булар - давлат битимлари (ҳадя қилиш, олди-сотди ва бошқалар) ҳамда давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг ва шу кабиларнинг буйруғи бўлиши мумкин.

**Юридик ҳодисалар орасида, шундай қилиб, маъмурӣ ҳодисалар ва фуқаролик-хуқуқий ҳодисалар** ажратилади.

**Маъмурӣ ҳодисалар** — давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш органларининг ҳаракатлариидир.

**Фуқаролик-хуқуқий ҳодисалар** — фуқаролар ва ташкилотларнинг мулкий ва у билан боғлиқ номулкий муносабатлар соҳасидаги шартномалар, контрактлар, битимлар тузишга йўналтирилган қонуний ҳаракатлариидир.

**Юридик ҳаракат** — юридик оқибатлар келтириб чиқариш мақсадини қўймаган ҳолда содир этиладиган, лекин бундай оқибатлар қонун кўрсатмалари асосида юзага келадиган қонуний ҳаракатdir. Юридик оқибатлар қонун томонидан аҳамиятга молик деб эътироф этиладиган ҳаракатнинг ўзидан келиб чиқади. Ноширни қизиқтириб қўйган ва эълон қилинган юксак бадиий қимматга эга бўлган асарни яратиш юридик ҳаракатга мисол бўла олади. Муаллиф ўз асарини яратар экан, унинг эълон қилиниши, шу ҳолатда юзага келадиган хуқуқий муносабат ва қалам ҳақи тўланишини назарда тутмаган бўлиши мумкин, лекин мазкур ҳолда қонун кўрсатмаси асосида рўй берган.

Қалбаки никоҳдан ўтиш, агар бунда болалар туғилган бўлса, юридик ҳаракатга мисол бўлади. Ҳақиқий оилани вужудга келтиришни кўзламай (турар-жойга эга бўлиш мақсадида) тузилган никоҳ, болалар туғилиши туфайли уларни боқишиш ва тарбиялаш билан боғлиқ барча юридик мажбуриятларни келтириб чиқаради.

**Ноҳуқуқий (хуқуққа тескари) ҳаракатларга** зарар келтириш, жиноят, шартномавий мажбуриятларни бажармаслик, ноқонуний асосларда мулкни сотиб олиш кабилар киради.

**Фактик (юридик) таркиб.** Кўп ҳолларда хуқуқий нормаларда кўзда тутилган юридик оқибатларнинг юзага келиши учун бир-

гина юридик факт эмас, балки уларнинг йигиндиси зарур бўлади. Нормада кўзда тутилган ҳуқуқий оқибатларнинг вужудга келиши (хуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки туғаши) учун зарур бўлган юридик фактлар мажмуй фактик (юридик) таркиб деб аталади. Жумладан, пенсия билан боғлиқ ҳуқуқий муносабат уч ҳодисанинг мавжуд бўлиши — қонунда кўзда тутилган ёшга етиш, меҳнат стажининг мавжудлиги ҳамда ижтимоий таъминот органининг пенсия тайинлаш ҳақидаги қарори билан пайдо бўлади.

Шу тариқа барча асослар мавжуд бўлганда, яъни ҳуқуқ нормалари, шахсларнинг ҳуқуқдорлиги ва юридик салоҳиятлиги, шунингдек, юридик ҳодисалар мавжуд бўлгандагина ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлиши ва ишлаши мумкин. Ҳуқуқий муносабатлар таркиби тўрт қисмдан — ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, ҳуқуқий муносабатлар обьектлари, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларидан ташкил топади.

Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари — булар ҳуқуқий нормаларга мувофиқ субъектив юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси бўлган алоҳида индивидлар ва ташкилотлардир. Умумий аҳвол шундай. Амалий ҳаётда барча индивидлар ва ташкилотлар ҳам ҳуқуқий муносабатлар субъекти бўлавермайди. Бу хилма-хил обьектив омиллар — физиологик, психологик, иқтисодий омиллар билан изоҳланади. Ёш гўдаклар, руҳий хасталар, ўз фаолиятини тўхтатган ташкилотлар амалда ҳуқуқий муносабатларда иштирок эта олмайдилар. Зоро, агар ҳуқуқ субъекти бўлмаса, унда мажбурият субъекти ҳам йўқ, мажбуриятнинг ўзи ҳам бўлмайди (хеч кимга нисбатан мажбуриятли бўлиш мумкин эмас).

Объектив ҳуқуқ доирасида бўлган субъектлар ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари деб ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатда улар мутлақо кўпчиликни ташкил этади.

**Ҳуқуқий муносабатлар обьектлари.** Ҳуқуқий муносабатга таъсир ўтказувчи нарса ҳуқуқий муносабат обьекти ҳисобланади. Ҳуқуқий муносабатлар эса, индивидуал субъектларга нисбатан кўзда тутилган умумий ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқлаштиради. Бинобарин, ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчиларининг амалдаги ҳаракатлари ҳуқуқий муносабат обьекти бўлди. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мазмунига мувофиқ равишда ҳуқуқий муносабат қатнашчилари ўз фюслиятларини йўлга қўядилар.

Хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳаракатлари ҳамиша ижтимоий аҳамиятга молик бўлзади. У жамият, давлат, шахснинг хилма-хил қонуний манфаатларини қондириш максадида амалга оширилади.

Хуқуқий муносабатга киришар экан, субъектлар муайян моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондирадилар (масалан, буюмлар сотиб олишади, муаллифлик хуқуқидан, ихтирочи хуқуқларидан ва ҳоказолардан фойдаланишади).

Кишиларнинг мазмунан хилма-хил бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлари хуқуқий муносабатлар обьекти бўлиб майдонга чиқади. Мулкий хуқуқий муносабатларда муайян ҳаётий қулайликларни яратишга йўналтирилган ҳаракатлар шу хуқуқий муносабатлар обьекти ҳисобланади. Чунончи, хуқуқий муносабатларнинг **буюмни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ иштирокчиларнинг ҳаракатлари** хуқуқий муносабат обьекти бўлади. Иккита шашкилот ўртасида маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартнома асосида вужудга келадиган хуқуқий муносабатлар обьекти деб шу ташкилотларнинг бири иккинчисига маҳсулот етказиб беришида ифодаланадиган фаолиятига айтилади.

Ҳамма хуқуқий муносабатлар ҳам мулкий моҳиятга эга бўлавермайди — субъектив юридик хуқуқ ва мажбуриятлар ҳамиша ҳам мулк муносабати билан шайло бўлмайди. Мулкий бўлмаган хуқуқий муносабатларда унинг иштирокчилари амалдаги ҳаракатларининг ўзи обьект бўлади. Хуқуқ нормаларида кўзда тутилган у ёки бу ҳаракатларни содир этаркан, хуқуқий муносабат иштирокчилари шу билан ўз эҳтиёжларини қондирадилар. Бошқача қилиб айтганда, номулкий хуқуқий муносабатлар иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этиб, юридик хуқуқ ва мажбуриятлар хуқуқий бошқариш мақсадларига эришади. Чунончи, корхона, муассаса маъмурининг ишчи ва хизматчиларини ишга қабул қилиш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича фаолияти меҳнат муносабатлари обьекти ҳисобланади. Маъмурининг кўрсатиб ўтилган ҳаракатлари ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиш ва ишилаб топган ҳақига бўлган хуқуқини қондиришга қаратилган. Адолатли ва қонуний ҳукм чиқариш мақсадида жиноний ишларни дастлабки ва судда кўриб чиқиш бўйича жараён иштирокчиларнинг ҳаракатлари жиноний-процессуал муносабатлар обьекти бўлиб майдонга чиқади. Хилма-хил аниқ ҳаракатлар воситасида давлат-хуқуқий ва давлат маъмурий-хуқуқий муносабатлар иштирокчилари манфаатлари қондириллади.

**Субъектив ҳуқуқ.** Ҳақиқий ижтимоий муносабат шаклі: сифатида ҳуқуқий муносабатлар субъектларнинг ўзаро боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташкил топади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият аниқ ижтимоий муносабатга алоҳида сифат баҳш этувчи ҳуқуқий муносабатнинг тизимли қисмларидир. Ҳуқуқий муносабат субъектларни ижтимоий фаолиятнинг давлат ҳокимияти томонидан бошқариладиган маҳсус соҳасига кўшади. Ҳуқуқий муносабат ҳар бир иштирокчisinинг эркинлик мезони, унинг манфаатларини қондириш даражаси ҳуқуқий норма кўрсатмалари билан белгиланади. **Юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар** — мазмуни бир хил эмаслигига қарамай, ҳуқуқий муносабатнинг тенг қимматли қисмларидир. Шу контекстдан келиб чиқсан ҳолда ҳуқуқларсиз мажбуриятлар бўлмаганидек, мажбуриятларсиз ҳуқуқларнинг ҳам бўлмаслигини яна бир бор тарорлаш жоиздир.

Субъектив ҳуқуқ — ҳуқуқий муносабат субъектига, яъни ҳуқуқли шахсга таалуқли ҳуқуқдир. Субъектив ҳуқуқда ҳамиша қандайдир — моддий, оиласвий, сиёсий манфаат мавжуд бўлади. Шундай қилиб, субъектив ҳуқуқ — мумкин бўлган ҳаракатдир, яъни унинг амалга оширилиши тўлалигича ҳуқуқли шахс ихтиёри, иродаси ва хоҳишига боғлиқ. Бироқ, мумкин бўлган ҳаракат доираси ва бинобарин, рўёбга чиқариладиган манфаат доираси ҳам объектив ҳуқуқ доираси билан аниқ чизиб қўйилган. Айнан шунинг учун ҳам субъектив ҳуқуқни тавсифлаш учун «мезон» сўзи кўлланади — мумкин бўлган ҳаракат мезони. Ҳар қандай субъектив ҳуқуқ бу ҳолатни тасдиқлаши мумкин: фуқаро қатъий белгиланган миқдорда иш ҳақи олади, муддатининг узунлиги аниқ белгилаб қўйилган меҳнат таътилига эга. Бир вақтнинг йизда рўйхатдан ўтказилган биргина никоҳда бўлиши мумкин ва ҳосоз.

Субъектив ҳуқуқни жуда ҳам тўғри равишда эркинлик билан боғлашади. Бу — эркинлик мезони. Мабодо бу мезон нолга (тўла эрксизликка) тенг бўлиб қолса, унда муносабат ўзининг ҳуқуқийлик моҳиятини йўқотади.

Кўпинча субъектив ҳуқуқ таркибиға бир эмас, бир нечта субъектив ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида қонуний ҳуқуқдорлилик деб аталади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунида (1996 й.) белгиланганидек, нуқсони бўлган буюм сотилгани учун истеъмолчи ўз ихтиёри бўйича қуидагиларни талаб қилиши мумкин: буюм нуқсонини бепул йўқотиш ёки шу нуқсонни тузатиш учун сарфланган харажатни қоплаш; мутано-

себ равишида харид баҳосини тушириш; айнан ўзига ўхшаш хилдаги буюмга алмаштириш; харид нархини тегишли равишида қайта ҳисоблаб, буюмни бошқа хилдаги буюмга алмаштириб бериш, шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин, дейилган. Шу тариқа истеъмолчининг субъектив ҳуқуқи бешта қонуний ҳуқуқлиликдан иборат бўлади.

Агар субъектив ҳуқуқ бошқа шахс ёки ташкилот томонидан бузиладиган бўлса, у ҳолда қонуний ҳуқуққа эга бўлган шахсда ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилиш имконияти пайдо бўлади, яъни давлатнинг муҳофаза механизмини ҳаракатга келтириш имкони юзага чиқади. **Мазкур имконият даъво деб аталади.** Субъектив ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида даъво давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органдари тизими орқали таъминланади. Субъектив ҳуқуқни бузиш – умуман ҳуқуқни (ҳам табиий, ҳам ижобий ҳуқуқни) бузиш демак. Шунинг учун ҳам, «Ким ўз ҳуқуқини ҳимоя қилса, у тор доирада умуман ҳуқуқни муҳофаза этади», деб айтган Р.Иеринг гапига қўшилмасликнинг иложи йўқ.

**Юридик мажбурият.** Субъектив ҳуқуққа обьектив ҳуқуқ томонидан белгиланган мажбурият мантиқан мос келади. Қаердаки субъектив ҳуқуқ бор экан, ўша ерда албатта, юридик мажбурият мавжуд бўлади. Тегишли юридик мажбуриятсиз субъектив ҳуқуқ ҳеч нимага, ёлғон нарсага айланди. Юридик мажбурият – энг аввало лозим бўлган ҳаракат, зарур хатти-ҳаракатdir. У субъектив ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, юридик мажбуриятни бажаришдан бош тортиси мумкин эмас. Юридик мажбуриятни бажаришдан бош тортиси юридик жавобгарлик учун асос бўлади. Мабодо субъект мажбуриятларини бажаришга вижданан ёндашмаган, ҳуқуқий норма талабларига қарши ҳаракат қилган тақдирда ҳам юридик жавобгарлик юзага келади.

Айнан субъектив ҳуқуқ сингари юридик мажбурият ҳам худдий муносабат субъекти хатти-ҳаракатининг мезони ҳисобланади. Мезон – мажбуриятни бажаришнинг ҳуқуқий нормада кўзда тутилган чегаралариdir. Бу чегаралардан ташқарига чиқиб кетиш ё мажбуриятни бажаришга вижданан ёндашмаслик ёки ҳуқуқий муносабат бошқа иштирокчисининг субъектив ҳуқуқини сунистеъмол қилиш, унга қасд қилиш, деган маънони билдиради. Бироқ, яна бир нарсани назарда тутиш жоиз, яъни мажбуриятларни шу мезондан ошириб бажаришни талаб қилиш ҳам қонунчиликнинг бузилиши, зўравонликка киради.

Ижтимоий зарурат юридик мажбуриятнинг асосини ташкил этади. Одамларнинг муайян хатти-ҳаракатларидағи ижтимоий зарурат таркиб топган ижтимоий муносабатлар тизими орқали дунёга келади. Масалан, иқтисодий, бозор муносабатлари соҳасида фуқаролар ва мансабдор шахсларга мажбуриятлар юклаш заруратини тақозо этувчи кўплаб хилма-хил асослар мавжуд. Товар ишлаб чиқариш ва хизматлар қўрсатишни шахслар томонидан турли-туман функцияларни бажаришсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Булар, энг аввало, ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат функциялари, тадбиркорлар ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг функцияларидири. Улар товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат қўрсатувчилар билан истеъмолчилар ўртасида тузиладиган меҳнат контрактлари, шартномалар, фуқаролик-ҳуқуқий битимлар натижаси сифатида пайдо бўлади.

Юридик мажбуриятлар ҳам хусусий, ҳам расмий ҳуқуқ томонидан юзага келтирилиши мумкин. Фуқароларнинг ҳарбий мажбуриятлари, солиқ тўлаш мажбуриятлари ва ҳоказолар шу фуқароларнинг расмий мажбуриятларига мисол бўла олади. Ҳар қандай мансабдор шахс расмий манфаат асос қилиб қўйилган мажбуриятларини бажаради. Давлат, унинг барча органлари ва мансабдор шахслар ижтимоий манфаатларни таъминлаш функциясини бажарадилар. Шунинг учун давлат, унинг органлари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бирига мос келади. Ваколат атамаси уларни бирлаштиради.

Ҳуқуқий норма диспозициясида хатти-ҳаракатнинг қайси тури кўзда тутилганга боғлиқ ҳолда юридик мажбуриятлар ё фаол ёки пассив бўлади.Faol мажбуриятлар ҳаракат заруратини мустаҳкамлайди, пассивлари эса, ҳуқуқ нормалари билан тақиғи анган ҳаракатлардан тийилиш заруратини мустаҳкамлайди.

## 2. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА УНИ ТИЗИМЛАШ ШАКЛЛАРИ

Ҳуқуқий нормалар қонун чиқарувчиларнинг фақат субъектив иhtiёrlари билан яратилиши мумкин эмас. Ижтимоий муносабатларнинг реал мавжуд тизими ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ва уларни қабул қилиш заруратини шарт қилиб қўяди. Мазкур тизимнинг бир қисми бўлган ҳуқуқий онг унинг таркиби ва ўзига хос хусусиятини акс эттиради ҳамда қайта тиклайди. Шунинг учун ҳуқуқ, шунингдек, муайян тизимдан иборат.

Ҳуқуқ тизими — меъёрий материалнинг муайян тартибда кетма-кет бирлашиши ва жойлашишида ифодаланадиган ҳамда иж-

**тимоний муносабатлар тизими объектив тақозо этадиган ҳуқуқнинг ички тузилишидир.**

**Ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ институти ва ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқ тизи-мининг асосий қисмлариидир.**

**Ҳуқуқ тармоғи — ижтимоий муносабатларнинг сифат жиҳатидан бир хил гуруҳини тартибга солувчи алоҳида ажралиб турувчи юридик нормалар йиғиндишидир.**

Одатда, ҳуқуқ тармоғига ҳаммаси биргаликда муайян юридик яхлитликни ифодаловчи ҳуқуқий нормалар киради, яъни ҳуқуқий нормаларнинг бу гуруҳи яхлит бир бутунлик сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий нормаларнинг ушбу гуруҳи ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан ягона тизим қисмлари сифатида ҳамкорлик қила олиши ҳуқуқ тармоғини бошқалардан фарқловчи белгидир.

Мисол учун, жиноий ва жиноий-процессуал ҳуқуқ ўртасидаги ҳамкорлик моҳияти шундан иборат. Бунда процессуал нормалар жиноий ҳуқуқ жараёнларига хизмат қиласкан, моддий ҳуқуқ яшашининг маҳсус шакли бўлиб майдонга чиқади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳуқуқ тармоғининг яхлит бир бутунлиги ҳамда унинг ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан ўзаро ҳамкорликка киришиш қобилияти ҳали бир тармоқни иккинчисидан фарқлаш имконини берувчи асосий ўлчовлар эмас. **Ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи асосий ўлчов сифатида ёки ҳуқуқ тизими тузилиши ва ҳуқуқ тармоқларини бирбиридан чегаралаш тамойиллари сифатида майдонга чиқади.**

**Ҳуқуқий тартибга солиш предмети дейилганда, ҳуқуқий нормалар ёрдамида муайян ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришга айтилади.**

Чунончи, давлат бошқаруви органларининг ижро-фармойиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида таркиб топадиган ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқни бошқаришининг ўзига хос предмети сифатида майдонга чиқади. Шу тарзда ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғи ўзининг маҳсус ҳуқуқий тартибга солиш предметига эга.

**Ҳуқуқнинг айрим тармоқлари ўз навбатида ҳуқуқий институтлар деб аталувчи яна ҳам майдароқ бўлимларга бўлинади. Ҳуқуқий институт — сифат жиҳатидан бир хил муносабатларни тартибга солувчи юридик нормаларнинг ёлғиз ажралиб чиқсан гуруҳидир.** Фуқаролик ҳуқуқининг мулк эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи бир гуруҳ нормалари ёки муаллифлик ҳуқуқи институти, мерос ҳуқуқи институти, давлат ҳуқуқи соҳасидаги сайлов ҳуқуқи институти ҳуқуқий бошқаришга мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими аниқ таркибий тузилишга эга бўлиб, ўз иерархияси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг тармоқлари ҳақидаги маълумотлар билан кейинги маҳсус бўлимларда таниширилади.

**Кодификациялаш** — бу давлат ҳуқуқий ижодкорлик органларининг янги, йиғма, тизимлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш бўйича фаолияти. Бу фаолият амалдаги қонун ҳужжатларини чуқур ва ҳар тарафлама ишлаб чиқиш ҳамда унга янги жиддий ўзгартиринилар киритиш йўли билан рўёбга чиқарилади. Кодификациялаш ҳужжатлари ўз мазмун ва номига кўра уч асосий турга бўлинади:

1. **Қонунчилик асослари** — бу ҳуқуқнинг муайян соҳаси ёхуд бошқаруви муайян доирасининг муҳим қоидаларини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатdir. Кодификациялаштиришнинг бундай шакли Федератив ёки Иттифоқ давлатларида қўлланилади. Собиқ ССР иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунчилиги асосларини эсланг.

2. **Кодекс** — ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларида амал қилувчи ҳамда ҳуқуқий тизимнинг тартиблилигини талаб этувчи кодификация қилинган ҳужжатларнинг энг кенг тарқалган туридир (Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Жиноий-процессуал кодекс ва ҳ.к.).

3. **Низом, қоидалар** — булар нафақат қонунчилик, балки бошқа ҳуқуқий ижодкорлик органлари томонидан ҳам (масалан, ҳукумат томонидан) чиқариладиган маҳсус амал қилувчи кодификация қилинган ҳужжатлардир. Умумҳарбий низомлар, темир йўллар низоми ҳам кодификация қилинган ҳужжатлар қаторига киради.

4. **Инкорпорация** — ҳаракатдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда муайян тартибда тўпламларга ёки мажмуаларга жамлашни билдиради.

Инкорпорациянинг икки тури фарқланади: хронологик, бунда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш улар эълон қилинган ёки қонуний кучга кирган вақти бўйича бир тизимга бирлаштирилади. Уларнинг асосида предметлилик тамойили ётади, яъни бунда тизимлаштириш ҳуқуқ соҳалари бўйича, уларнинг тузилмалари (давлат фаолияти соҳалари давлат курилиши, молия, ҳалқ таълими ва ҳ. к.) бўйича бажарилади. Предметли инкорпорациядан фойдаланган ҳолда тезкорлик ва ҳозиржавоблик билан қизиқтирган ҳуқуқ нормаларини ишлатиш мумкин. Тизимлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти катта. У

меъёрий кўрсатмалар шаклиниң улар мазмунига энг кўп дара жада тўла ва аниқ мос келишини таъминлайди.

Инкорпорация расмий ва иорасмий бўлиши мумкин. Иорасмий инкорпорация — корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишловчи мутахассисларнинг алоҳида тоифалари учун маълумотномалар, тўпламлар яратиш мақсадида қонунни сиртдан ишлаб чиқиш демакдир. Ҳукуқий ижодкорлик ва ҳукуқни қўлланиш жараёнида ушбу тўпламларга ишора қилиш мумкин эмас.

Баъзан қонунчиликни тизимлаштиришнинг яна бир шакли — консолидация ажратиб кўрсатилади. Бу — ижтимоий муносабатларнинг бирдан-бир соҳасида амал қилувчи бир қанча меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни мазмунини ўзгартирган ҳолда ягона йиғма меъёрий-ҳукуқий ҳужжатга бирлаштиришдир. Шаклига кўра, консолидация тизимли инкорпорацияга яқин туради. Зоро, консолидациялаштирилган ҳужжат — йиғма меъёрий ҳужжат демакдир. Одатда кодификациялаштириш зарурати ёки имконияти йўқ жойда қонунчиликни консолидациялашдан фойдаланилади.

Ҳукуқнинг ҳар бир тармоғи ўз қонунчилик тизимиға, яъни ҳукуқ манбалари тизимиға эга. Қонунчилик тизими, шунингдек, қонунчилик тармоқларига бўлинади. Одатда қонунчиликнинг уч тармоғи фарқланади:

1. **Тармоқ қонунчилиги** — у ҳукуқнинг фақат бир тармоғи нормаларидан иборат бўлади. Масалан, меҳнат қонуни фақат меҳнат ҳукуқи нормаларини акс эттиради.

2. **Тармоқ ички қонунчилиги** — ҳукуқ тармоғининг фақат музайян қисми меъёрларини ифодалайди. Чунончи, фуқаролик ҳукуқи таркибида тармоқ ички қонунлари бўлмиш муаллифлик қонуни, тадбиркорлик тўғрисидаги қонуни кўрсатиш мумкин. Зоро, улар фуқаролик-ҳукуқий муносабатларининг айrim соҳаларини тартибга солади.

3. **Мажмуий қонунчилик** — у анча кам учрайди ҳамда бир қатор тармоқларга тегишли, лекин ҳукуқнинг алоҳида мустақил тармоғига кирувчи нормаларни акс эттиради. Масалан, ҳарбий қонунчилик қисман маъмурӣ ҳукуқ нормаларини ва ҳукуқнинг қатор тармоқлари нормаларини ифодалайди.

Шундай қилиб, қонунчилик тармоғи шакл жиҳатидан ҳукуқ тармоғига мос келиши мумкин, лекин мазмун жиҳатидан қонунчилик тармоғи ҳукуқ тармоғидан торроқдир.

### 3. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

Мәдениет, ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий бошқарышынан бевосита якуни ҳамда ҳуқуқ ҳаракатыннан оқибат-натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибот барча фуқароларның қонунларга қатыый ва түла риоя этишларига, уларның хатти-ҳаракатларыннан қонунийлигига асосланади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тартибот қонунийликнан күзгуси ҳисобланади. Қонуний хатти-ҳаракатнан зид томони ҳуқуқбузарлықтар.

Ҳуқуқбузарлык жамият учун муайян хавф туғдирувчи ҳуқуққа зид ҳаракат (фаолият ёки фаолиятсизлик)дан иборат.

Ҳуқуқбузарлыкнан белгилари:

1. **Ижтимоий хавфлилік.** У нағақат бошқа одамға ёки бошқа шахсларга зарар келтиришда, балки ана шу зарар келтириш мүмкінлігіннан күзіда ифодаланади.

2. **Ҳуқуққа зидлік.** Қонун томонидан тақиқланған ҳаракат ёки қонунда күзде тутилған муайян ҳаракатларни содир этиш керак бўлгани ҳолда шахс уни содир этмаган тақдирда, фаолиятсизлик ҳуқуққа зид деб ҳисобланади.

3. **Айбдорлик.** Ноқонуний ҳаракатни содир этаётганини англаб, ўз қилимишларини бошқара оладиган аниқ бир шахс айби билан содир этилған кирдикор ҳуқуқбузарлык деб эътироф этилади (айб тушунчаси ва шакллари жинойи ҳуқуқ бўйича лекцияда алоҳида кўриб чиқилади). Мазкур белги ҳуқуқбузарлык тушунчасини фақат ҳуқуқий салоҳиятли кишиларга нисбатан қўлланиши мүмкінлігини кўрсатади.

4. **Жазога мустаҳқиқлик.** Бу — ҳуқуқбузарлык ноқонуний ҳаракатни содир этган кишиларга нисбатан давлат таъсир чоралари кўрилишига олиб келишини англатади.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарлык — шахсга, мулкка, даъватта ёки умуман жамиятга зарар етказувчи ижтимоий хавфли, айбли, ҳуқуққа зид ҳаракатдир.

**Ҳуқуқбузарлык турлари.** Ижтимоий хавфлиларни даражасига қараб ҳуқуқбузарлыклар иккى турга: **айбли ишлар ва жиноятларга бўлинади.**

Айбли ишлар ижтимоий хавфлиларни паст даражаси билан тавсифланади. Уларга маъмурий ва интизомий айбли ишлар киради.

Маъмурий айбли ишлар — ижро-фармойиш фаолияти соҳасида қонун билан белгиланған тартибга, шунингдек, жамоат

тартиби ва фуқаролар осойишталигига раҳна солувчи хуқуқбузарликлардан иборат.

**Интизомий айбли ишлар** — хизмат муносабатлари соҳасида содир этилган хуқуқбузарликлардир. Одатда булар одамларнинг муайян гуруҳлари: ишчилар, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар ва ҳоказолар фаолиятининг белгиланган тартибларига қасд қилувчи кирдикорлардир.

**Фуқаролик хуқуқбузарликлар** — бирорга зарар келтириш, шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик, муаллифлик хуқуқларини бузиш сингариларда ўз аксини топадиган ҳамда мулкчилик соҳасида ёки у билан боғлиқ номулкий муносабатлар соҳасида содир этиладиган хуқуқбузарликлардан иборат.

**Жиноятлар** - ижтимоий хавфининг каттароқ даражаси билан фарқланувчи, жиноий жазо чораларини кўришга олиб келувчи хуқуқбузарликлардир. Шунинг учун жиноят тушунчаси жиноий хуқуқ ваколатига киради.

Процессуал хуқуқбузарликлар хуқуқбузарликларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Улар фуқаролар ёки давлат органлари томонидан хуқуқбузар муносабатда бўлган томонлардан бири-нинг одил суд манфаатлари ёки процессуал хуқуқларини бузиш билан боғлиқ.

**Халқаро хуқуқбузарликларни** ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу халқаро хуқуқ субъектларининг халқаро хуқуқ нормаларига зарар келтирувчи ёки бошқа айнан ўзига ўхшашиб субъект хуқуқларини бузувчи халқаро хуқуқ нормаларига зид кирдикорларидан иборат. Халқаро хуқуқбузарликлар **халқаро деликтлар** (масалан, халқаро савдо мажбуриятларини бузиш) ва **халқаро жиноятлар** (халқаро терроризм, геноцид, ҳарбий агрессия кабилар)га бўлинади. Суверен давлат ва халқаро хуқуқ субъекти сифатида Ўзбекистон терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни кучайтириш бўйича актив фаолият олиб бормоқда.

**Хуқуқбузарликларни баҳолаш** қўйидаги тўрт саволга жавоб беришни тақозо этувчи тадбир доирасидир:

1. Ноқонуний кирдикор ижтимоий муносабатларнинг соҳасига йўналтирилганми?

2. Ҳуқуққа қарши кирдикор билан ундан қелиб чиқсан зарарли оқибатлар ўргасида сабабий алоқа борми?

3. Ноқонуний кирдикорни содир этган шахс деликт қобилиятлими (хуқуқий салоҳиятлими)?

**4. Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс айборми, агар айбдор бўлса, унинг айби даражаси ва шакли қандай?**

Ушбу саволларга жавоб бериб, ҳуқуқбузарликнинг асосий ўлчамини аниқлаш мумкин, у ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби деб аталади. Ҳуқуқбузарлик объекти, объектив томон, ҳуқуқбузарлик субъекти, субъектив томон — ҳуқуқбузарликни таркиби қисмларидир. Ҳуқуқбузарлик таркиби қисмларини аниқлаш жиноятларни баҳолашда энг кўп аҳамият касб этади. (Шунинг учун кўрсатиб ўтилган қисмлар таҳлили жиноят ҳуқуқи ҳақидаги маҳсус бўлимда тақдим этилади).

**Юридик жавобгарлик.** У ёки бу шахс томонидан ҳуқуқбузарлик белгиси акс этган ҳуқуқقا зид айбли кирдикорнинг содир этилиши уни юридик жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Юридик жавобгарлик ҳуқуқни бошқариш доирасида одамларнинг ҳуқуқка зид кирдикорларининг олдини олувчи ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали ҳаракатларини рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Кенг маънода юридик жавобгарлик деганда, шахснинг жамиятга, давлатга ва бошқа шахсларга улар олдидағи ўз бурчини онгли равишда бажариш нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши тушунилади. Юқоридагидан торроқ, маҳсус маънода юридик жавобгарлик давлатнинг содир этилган ҳуқуқбузарликка жавоб ҳаракати сифатида тушунилади. Юридик жавобгарликни амалиётда амалга ошириш ҳуқуқий нормалар санкцияларида акс этган давлат таъсири чораларини ҳуқуқбузарга нисбатан кўлланишни билдиради.

#### **Юридик жавобгарлик белгилари:**

**1. Давлат мажбурлови юридик жавобгарлик мазмунини ташкил этади.** Унда давлат ўзининг ваколатли органлари тимсолида қонуний ҳуқуқقا эга томон сифатида, ҳуқуқбузар эса, мажбур томон сифатида майдонга чиқадилар.

**2. Юридик жавобгарлик айбдор чидашга мажбур бўлган муайян маҳрумликлар билан тавсифланади.** Ҳуқуқбузарни муайян қулийликлардан маҳрум этиш жавобгарликнинг объектив хусусиятидир. Бошқача қилиб айтганда, юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун ҳуқуқни бузишдан олдин унинг учун йўқ бўлган юридик мажбуриятни ифодалайди (масалан, жарима тўлаш, келтирилган зарарни қоплаш мажбурияти ва ҳ.к.).

**3. Юридик жавобгарлик фақат содир этилган ҳуқуқбузарликдан кейин бошланади.** Бу, ҳуқуқбузарликни содир этиш нияти-

ни ошкор қилиб, лекин уни содир этмаган шахс юридик жавобгарликка тортилмайди демакдир. Ҳудди шу тарзда охирига этмаган ҳуқуқбузарлик учун, агар у зарап келтиришга сабаб бўлмаган бўлса, юридик жавобгарлик қўлланилмайди. Қандай ҳуқуқбузарликни содир этиб бўлинган, деб ҳисоблаш кераклити ҳақида ҳуқуқшунослик фанида мунозаралар бўлиб туради. Зарур ҳолларда ушбу факт судлов тартибида аниқланиши мумкин.

**4. Юридик жавобгарлик чораларини фақат процессуал ҳуқуқ нормалари** (фуқаролик-процессуал ҳуқуқи, жиноий-процессуал ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчиликда акс этган процессуал нормалар)га риоя қилинган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

Юридик жавобгарлик давлат мажбурлови кўринишларидан бири, холос. Юридик жавобгарлик билан бир қаторда давлат мажбурлов чораларига:

- мажбурий таъминлаш чоралари (тинтув, олиб қўйиш, мулкни хатлаш);
- ҳимоя чоралари (алиментни мажбурий ундириш, фуқаролик-ҳуқуқий битимни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, ишдан ноқонуний бўшатилган ходимни ўз ишига тиклаш бўйича суд ҳукмини бажаришнинг мажбурийлиги ва бошқалар) киради.

Юридик жавобгарлик турлари ҳуқуқ тармоқлари номларига мос келади. Уларда нормаларни, яъни қоидаларни бузганлик учун тегишли жазо чоралари кўзда тутилган. Одатда юридик жавобгарликнинг қўйидаги турлари тилга олинади:

**1. Маъмурий жавобгарлик** ҳуқуқбузарларга нисбатан (огоҳлантиришдан тортиб маъмурий қамоққача) маъмурий таъсир чораларини қўлланишда ўз ифодасини топади.

**2. Интизомий жавобгарлик** интизомни бузиш оқибатида бошланади (мехнат, ҳарбий, ўқув ва шу кабилар). Жарима, олиб қўйиш, ишдан бўшатиш, доимий ўзлаштира олмаганлик ёки олий ўқув юрти билан алоқани узганлик учун институтнинг ўқув юртидан студентни ҳайдаши, хизмат бўйича навбатсиз наряд тайиғлаш асосий интизомий чоралар ҳисобланади.

**3. Моддий жавобгарлик** шахснинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чогида йўл қўйган ноқонуний ҳаракатлари натижасида келтирилган зарарни қоплашдан иборат. Моддий жавобгарлик ҳам, интизомий жавобгарлик ҳам асосан меҳнат ҳуқуқида қўлланилади.

**4. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик** фуқаролар ва ташкилотларнинг мулкий ва айрим шахсий номулкий хуқуқларини бузишдан бошланади. Жавобгарликнинг бу тури қонун ёки шартномада белгиланган ва хуқуқбузар учун мулкий моҳиятга эга бўлган ёқимсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи (масалан, зарарни қоплаш ва бошқалар) таъсир чоралари орқали амалга оширилади. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг мақсади — бузилган мулкий хуқуқни тиклашдан иборат.

**5. Жиноий жавобгарлик** жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Интизомий ва моддий жавобгарлик асосан суддан ташқари тартибида қўлланилади. Маъмурий жавобгарлик суд хукми билан ҳам қўлланилиши мумкин. Фуқаролик-хуқуқий ва жиноий жавобгарлик факат судлов тартибида қўлланилади.

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

1. *Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, унинг предмети, маңбалари, субъектлари ва тамойиллари. Маъмурий ҳуқуқ тизими.*
2. *Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тавсифи. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.*
3. *Маъмурий жавобгарлиш тушунчаси ва маъмурий жазо турлари.*

### 1. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҢБАЛАРИ, СУБЬЕКТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ

Маъмурий (административнос) сўзи лотинча «*administratio*» сўзидан олинган бўлиб, «бошқарув» деган маънони англатади. Маъмурий ҳуқуқ эса ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йигиндисидан иборат. Маъмурий ҳуқуқ фанини, унинг предметини, мақсад ва вазифаларини англаб олишдан олдин давлат бошқаруви ва умуман бошқарув тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим.

Ҳар қандай бошқарув жамиятда юзага келадиган турли муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади. Жамиятда мавжуд бўлган бошқарув ижтимоий бошқарув ҳисобланиб, давлат бошқаруви унинг асосий турларидан бири саналади. Демак, жамиятда давлат бошқарувидан ташқари бўлган бошқарув (масалан, жамоа бошқаруви) ҳам мавжуд. Лекин маъмурий ҳуқуқ фақат давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади.

Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг алоҳида бир тури бўлиб, бевосита давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан келиб чиқадиган бўлсақ, давлат бошқаруви органларига Ўзбекистон Республикасининг Президенти бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, республика миқёсидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмуриятларини киритиш мумкин.

Давлат бошқарувининг асосий хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат бошқаруви халқ депутатлари кенгашларининг раҳбарлиги ва назорати остида ташкил этилади;

- давлат бошқаруви ижтимоий турмушнинг барча тармоқларида, яъни иқтисодиётда, ижтимоий-маданий соҳаларда, маъмурӣ-сиёсий соҳаларда ва соҳалараро амалга оширилади;

- давлат бошқаруви ҳамма вақт қонунга асосланган бўлади ва қонун кучига тенг характерга эга. | Қонун кучига тенг характер деганда - давлат бошқарувининг қонунларини ижро этиш мақсадида амалга оширилишини тушунамиз. Давлат бошқаруви органлари (мансабдор шахслари) ижро этиш фаолиятини амалга оширишда фармойиш бериш ҳукуқига эга бўлади. Шу сабабли ҳам давлат бошқарувини — ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти дейиш мумкин.

| **Давлат бошқаруви органларининг функциялари қўйидагича:**

- истиқболни белгилаш;
- режалаштириш;
- ташкил этиш;
- тартибга солиш;
- умумий раҳбарлик;
- тезкор (оператив) фармойиш бериш;
- мувофиқлаштириш;
- кузатувлар ва назоратни амалга ошириш.

| **Маъмурӣ ҳукуқнинг предметини** — давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу муносабатларни қўйидаги гурӯҳларга бўлишимиз мумкин:

- ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат органлари ўртасидаги муносабатлар, масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан вазирликлар ўртасидаги ёки вазирлик билан унинг қуи бошқарма ва бўлимлари ўртасидаги муносабатлар;

- бир-бирига бўйсунмайдиган давлат органлари ўртасидаги муносабатлар, масалан, икки вазирлик ўртасидаги муносабатлар;

- давлат органлари билан корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

- давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

| **Маъмурӣ ҳукуқ манбалари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Маъмурӣ-ҳукуқий нормаларни ўзида акс эттирган қонунлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъмурий бошқариш предметига тааллуқли фармонлари.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг давлат бошқаруви масалаларига доир қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуалари, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түррисидаги кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси.

6. Вазирликлар ва идораларнинг буйруқ ва қарорлари.

7. Маҳаллий бошқарув органлари (яъни, шаҳар ва туман ҳоқимликлари)нинг фармойиш ва қарорлари.

**/Маъмурий ҳуқуқ фанида субъектлар уч гуруҳга бўлинади:**

8. Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг бошқарув ҳужжатлари (буйруқ, оғзаки ёки ёзма шаклдаги фармойишлари ва ҳоказолар).

**1) Маъмурий ҳуқуқ субъекти.** Бу субъект субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Маъмурий ҳуқуқ субъектига:

- давлат бошқарув органлари;
- давлат хизматчилари;
- жамоат бирлашмалари;
- фуқаролар киради.

**2) Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти.** Бу конкрет муносабатнинг конкрет иштирокчиси ҳисобланади.

**3) Бошқарув субъекти. Маъмурий ҳуқуқнинг асосий тамойиллари:**

- 1) қонунийлик, адолат;
- 2) давлат бошқарувида фуқароларнинг иштироки;
- 3) фуқароларнинг тенглиги, эркинлиги;
- 4) давлат бошқарувида соҳавийлик ва худудийликни ҳисобга олиш;

5) ваколат доирасида жавобгарлик;

6) давлат бошқарувида жамоавийлик ва ҳоказолардир.

Республикамизда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги нутқи бунинг ёрқин далили бўла олади. Унда, жумладан: «мамлакатимизда демократик тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдор, ҳатто энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳинш-истагига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қилиадиган, ўз моҳиятига кўра жамиятимизнинг олға сийжилишига ҳалақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф

этишга қурби етадиган самараши тизимни вужудга келтириш»<sup>1</sup> зарурати таъкидланади.

Маъмурий ҳукуқ тизими — маъмурий-ҳукуқий нормалар ва институтлардан ташкил топган. Маъмурий ҳукуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларига қараб икки қисмга бўлиш мумкин:

1) умумий қисм — бунда умумий тушунчалар, яъни давлат бошқаруви тушунчаси ва тамойиллари, маъмурий ҳукуқнинг предмети, тизими ва манбалари, унинг ҳукуқ соҳасида тұтган ўрни, маъмурий ҳукуқ субъектлари ва уларнинг ҳукуқий мақоми ўрнатиласиди;

2) маҳсус қисм — бунда ҳар бир соҳада татбиқ қилинадиган ҳукуқ нормалари ўрганилади. Маъмурий ҳукуқнинг маҳсус қисми түрт йўналиш бўйича ўрганилади. Булар:

- иқтисодиёт соҳаси;
- ижтимоий-маданий соҳа;
- маъмурий-сиёсий фаолият;
- тармоқлараро бошқарувлардир.

## 2. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАВСИФИ. МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ· ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маъмурий-ҳукуқий муносабатлар шундан иборатки, ижроия ҳокимияти органи (субъекти) мажбурий равишда ушбу муносабатларнинг бир томони сифатида майдонга чиқади ва у ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ ўзининг ҳукуқли ваколатларини амалга оширади. Томонлардан бирида ҳукуқли ваколатларнинг мавжудлиги (яъни ижро-фармойиш функцияларига эгалик) маъмурий муносабатлар юзага келишининг зарур шартидир.

Маъмурий-ҳукуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

1. Агар фуқаролардан бири иккинчисига нисбатан ҳукуқли ваколатга эга бўлмаса, улар ўртасида маъмурий муносабатлар вуждуга келиши мумкин эмас. Бунда бошқа томоннинг розилиги шарт эмас. Бу, ижроия ҳокимияти субъекти талабномаси йўналтирилган томон ўз хоҳиш-истагидан қатъи назар, ушбу талабни бажаришга мажбурлигини англатади. Шунинг учун ҳам маъмурий муносабатларни ҳокимият муносабатлари деб ҳам

<sup>1</sup> Қаранг: Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчii сессиясидаги маъруzasи. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 январ.

аташади. Бу хусусият давлат бошқарув фаолиятининг ташқи ус-туборликлари билан белгиланган ҳамда охир-оқибатда бутун маъмурий-давлат маҳкамаси фаолият юритишининг бош шарти ҳисобланади. Мабодо бошқарувнинг қандайдир босқичида «ҳокимият-бўйсуниш» тамойили иш бермай қолса, демак, у ҳолда бутун давлат бошқаруви тизими издан чиқади ва бу билан маъмурият занжирининг бўйсунмай қўйган ҳалқасини алмаштириш масаласи юзага келади.

2. *Томонлар тенгизлиги* бошқарув ҳамда биргаликдаги фаолият иштирокчилари иродасининг ягона бошқариш иродасига бўйсунишини тақозо этади. Ҳукуқли ваколатларга эга бўлган томон шундай ваколатлари бўлмаган ҳамда ўзига тобе бошқа томонга нисбатан устувор мавқега эга бўлади.

3. Маъмурий муносабатларнинг пайдо бўлиши учун *томонлардан бирининг иродаси* (аниқроғи бошқасига нисбатан ҳукуқли ваколатларга эга бўлган томон иродаси) *кифоя қиласиди*. Бу ҳолат маъмурий муносабатларнинг одатда томонларнинг ўзаро розилиги билан юзага келадиган бошқа барча ҳукуқий муносабатлардан тубдан фарқланишига олиб қелади.

4. Ўз моҳият-эътибори билан маъмурий муносабатлар *ташқилий* муносабатлардан иборат, яъни энг аввало ҳукуқни бажариш жараёнини ташкил этишга йўналтирилгандир. Вазифадорлик маъносида булар давлат бошқаруви соҳаси билан боғланган барча кишиларнинг ҳаракатларини бошқарувчи таъсирига ўтказиш демакдир.

5. Фуқаролик-ҳукуқий, меҳнат ёки оилавий-ҳукуқий муносабатлардан фарқли ўлароқ, маъмурий-ҳукуқий муносабатларда юзага келадиган *низолар*, *одатда*, *суддан ташқари тартибда* ҳал этилади. Гарчи сўнгги вактларда судда ечимини топадиган маъмурий-ҳукуқий низолар доирасининг кенгайиш тенденцияси кузатилаётган бўлса-да, фуқаролар ҳақ-ҳукуқлари поймол этган мансабдор шахс устидан шикоят қилишнинг маҳсус маъмурий тартиби мавжуд.

6. Агар томонлардан бири ҳукуқий муносабатлар бўйича иккинчи томонга заарар етказган ҳолда маъмурий норма талабларини бузадиган бўлса, у бошқа *томон олдида* эмас, балки бевосита давлат олдида жавоб беради.

Бинобарин, маъмурий-ҳукуқий муносабатлар дейилганда, томонлар ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлар соҳиби сифатида иштирок этадиган бошқарув муносабатлари тушунилади.

Маъмурӣ-хуқуқий муносабатлар таркиб топадиган давлат бошқаруви соҳаси охир-оқибатда кишиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган функцияларни амалга оширишдан иборат бўлиб қолади.

### ■ **Маъмурӣ-хуқуқий муносабатлар икки гуруҳга бўлинади:**

1) горизонтал муносабатлар, яъни бир-бирига бўйсунмайдиган субъектлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, масалан, икки вазирлик ўртасидаги муносабатлар;

2) вертикал муносабатлар, яъни ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган субъектлар ўртасида юзага келувчи муносабатлар, масалан, вазирлик билан унинг қуи органлари ўртасидаги муносабатлар.

Бошқарув муносабатларининг барча турларида ижроия ҳокимиятнинг уёки бу субъекти албатта, иштирок этади. Бусиз маъмурӣ муносабатда бошқарув муносабатлари пайдо бўлиши мумкин эмас. Зеро, фақат ижроия ҳокимияти субъектигина давлат иродаси ва манфаатларини юридик шаклда ифода этиш ваколатига эга. Яъни амалда унинг ўзи давлат ҳокимиятини ижро кўринишида амалга оширади.

**■ Маъмурӣ-хуқуқий нормалар.** Бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи қoidalардир. Маъмурӣ-хуқуқий нормалар маъмурӣ хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини (хуқуқ ва мажбуриятларини) тартибга солади. Бошқа хуқуқий нормалар сингари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

### ■ **Маъмурӣ-хуқуқий нормаларнинг турлари:**

1. Мақсадли вазифаси бўйича: бошқарувчи ва муҳофаза этувчи нормалар.

2. Таъсир кўрсатиш усули бўйича: мажбурловчи ва таъқиловчи нормалар.

3. Амал қилиш чегаралари бўйича: а) муайян ҳудудда амал қилувчи нормалар; б) фақат муайян шахслар доираси учун мажбурий нормалар; в) маҳкаманинг ички нормалари; г) умум мажбурий нормалар.

4. Юридик кучи бўйича: кўпроқ юридик кучга эга бўлган нормалар ҳамда камроқ кучга эга бўлган нормалар. Мазкур ҳолат ушбу нормаларни қабул қилувчи давлат ҳокимияти қонунчилик органига боғлиқ. Чунончи, вилоят органи томонидан қабул қилинган месъерий-хуқуқий хужжатлар Олий Мажлис қабул қилган қонунларга нисбатан камроқ юридик кучга эга бўлади.

5. Аҳамиятлилик даражаси бўйича: қонуний ва қонунга қўшимча нормалар. Агар улар қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш хуқуқига эга бўлган орган (Олий Мажлис)дан келиб чиқадиган бўлса, қонуний ҳисобланади. Мабодо, маъмурий нормалар ижроия ҳокимияти органлари меъёрий ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорларида акс этган бўлса, улар қонунга қўшимча нормалар ҳисобланади.

6. Умумлаштирилганлик даражаси бўйича: умумий ва маҳсус нормалар. Масалан, савдо қоидаларини бузиш — бу умумий норма, савдо қоидаларини ўқотар қурол савдоси билан бузиш эса — маҳсус нормадир. Умумий ва маҳсус нормалар бир-бирига мос келмай қолган тақдирда маҳсус норма қўлланади.

7. Хуқуқий режим тавсифи бўйича: моддий ва процесуал нормалар. Маъмурий хуқуқнинг кўпчилик нормалари моддий нормалар ҳисобланади. Чунки, улар маъмурий муносабатлар иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлар мажмунини юридик жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Процесуал нормалар маъмурий хуқуқ моддий нормалари белгилаб бсрған хуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

**Маъмурий хуқуқ нормалари таркиби** хуқуқнинг бошқа тармоқлари таркибига ўхшашдир (фараз, диспозиция, санкция). Бироқ, маъмурий хуқуқ нормалари ўзига хос хусусиятларга эга.

#### **Маъмурий хуқуқ нормаларининг ўзига хос хусусиятлари:**

1. Ушбу нормалар иккиёклама вазифага эга. Бир томондан улар ижро этиш ва амалда қўлланиш учун чоп этилади, иккинчи томондан эса, хуқуқий ижодкорлик жараёнининг ўзини бошқариш ва регламентлаш учун нашр этилади (чунончи, қонунларни ишлаб, чиқиши ва қабул қилиш тартибини, давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва мақомини, ҳоказоларни белгилаб берувчи нормалар).

2. Маъмурий хуқуқ нормалари, одатда, тўғридан-тўғри амал қўлмайди, яъни улар қатъий тавсифдаги хулқ-атвор умумий қоидаларидан иборат бўлади. Бу, улар маҳаллий тавсифга эга бўлган ҳамда ушбу нормалар қўлланиши керак бўлган бўлинмаларнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутувчи янада аникроқ қонунга қўшимча ҳужжатлар воситачилигига муҳтоҷ демакдир.

3. Маъмурий-хуқуқий нормалар энг аввало ижроия ҳокимияти субъектларига қаратилган хатти-ҳаракатлар қоидаларини ўзида акс этиради. Бу — мазкур нормалар соғ «маҳкамачилик» моҳиятига эга деган гапдир. Улар ҳам алоҳида фуқароларга, ҳам шунингдек,

жамоат ташкилотларига қаратилган бўлиши мумкин. Бироқ, айнан ижроия ҳокимияти мақсадларини рўёбга чиқаришга йўналтирилганлиги билан ҳам маъмурий ҳуқуқ нормалари фуқаролар, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади ҳамда зарур фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари бир қанча усувлар билан амалга оширилади:

1. **Ижро.** Унинг моҳияти ҳуқуқий нормаларда акс этган қоидаларни бажариш бўйича ҳуқуқ субъектларининг фаол ҳаракатларида ифодаланади (масалан, шаҳар транспортида йўлкира ҳақини тўлаш мажбурияти).

2. **Риоя этиш.** Риоя этишининг мақсади субъектни тақиқланган ҳаракатлардан тийиб туришдан иборат (мисол учун, қизил чироқда кўчани кесиб ўтишининг тақиқланганлиги).

3. **Фойдаланиши.** Фойдаланишда ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни субъектнинг ўзи ҳал қилади (масалан, мабодо фуқаро ов билан шугулланиши ҳуқуқига эга бўлса, у мазкур ҳуқуқдан фойдаланмаслиги мумкин, лекин у ўзининг овқилиш ҳуқуқини бошқа бирорга бериши мумкин эмас).

4. **Қўлланиш.** Бу усул ваколатли органлар (қонуний ҳуқуқли шахслар) томонидан амалдаги маъмурий нормалар асосида юридик ҳуқуқни қарорларнинг қабул қилинишидан иборат (чунончи, газ ускунасидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганлик учун шаҳар газ хўжалиги хизмати қоидабузарларга нисбатан жазо чорасини қўлланиш ҳуқуқига эга).

Маъмурий ҳуқуқ нормалари уларнинг таъсир кучи йўналтирилган барча шахслар учун мажбурийдир. Маъмурий ҳуқуқ нормаларига риоя этилмаган тақдирда маъмурний жавобгарлик юзага келади.

### 3. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗО ТУРЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик — Маъмурий жавобгарлик кодексида назарда тутилган. Бу шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ва жамоат тартибига, мулкка, атроф табиий муҳитга қарши қаратилган айбли (қасдан ёки эҳтиётсизликдан) содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик фуқароларга нисбатан 16 ёшга тўлгандан бошлаб кучга киради (Маъ-

мурий жавобгарлик тўгрисидаги кодекснинг 13-моддаси). 16 ёшгача бўлган шахслар учун ҳуқуқбузарнинг ота-онаси ёки васийси жавобгарликка тортилади. Ўн олти ўшдан ўн саikkiz ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссиялар тўгрисидаги низомда назарда тутилган чоралар кўлланилади<sup>1</sup>.

Ҳарбий хизматчилар ва ИИВ ходимлари қатор ҳолатларда маъмурий ножӯя иш учун маъмурий жавобгарликка тортилмай, интизомий жавобгарликка мустаҳиқ этиладилар. Лекин шу билан бирга, «мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқقا олиш чоралари кўлланилиши мумкин эмас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

Маъмурий ҳуқуқ айбсиз айбдор деб аталувчи тушунчани ҳам кўзда тутади. Мисол учун, агар автокорхона ҳайдовчиси йўл-транспорт ҳодисасини содир этишида айбдор деб эътироф этиладиган бўлса, шу корхона раҳбари маъмурий жавобгар бўлади.

Лекин, шунга қарамай, қуйидаги ҳолатларда маъмурий жавобгарлик кўлланилиши мумкин эмас:

- зарур муҳофаза чегараларига риоя этилганда;
- охирги заруратда (мазкур ҳолатда шахс маъмурий жавобгар бўлмайди, лекин учинчи шахслар олдидаги моддий жавобгарликдан озод этилмайди);
- ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда шахс ақли норасолик ҳолатида бўлганда;
- агар ҳуқуқбузарлик келтирган заарли оқибатлар арзимас бўлса ёки умуман заар келтирмаган бўлса (йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши бундан мустасно);
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўгрисидаги ишни қараб чиқиш учун жамоат ташкилотларига (мехнат жамоаларига, фуқаролар йигинига, маҳаллага ва ҳоказоларга) топширилганда.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий жавобгарликка умумий асосларда тортиладилар. «Иммунитетта эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу кодекснинг Ўзбе-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 1999., 10-бет.

кистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади»ган ҳолатлар бундан мустасно.

**Маъмурий жазо маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик мезони чораси ҳисобланади.**

**Маъмурий жазо турлари:**

**1. Жарима** — бу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат фойдасига ундириладиган пуллик жазо чораси. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликтан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса, ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса, ўн бараваридан ошмаслиги керак. Фақат қонунларда кўзда тутилган айрим ҳоллардаги у фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга нисбатан ўн беш бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши мумкин<sup>1</sup>.

**2. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш** - ҳуқуқбузарлик қуроли бўлган ашёни мажбурий равишда олиб қўйишдан иборат бўлган маъмурий жазо чораси. Олиб қўйилган ашё сотилиб, ўндан тушган пул сотиш учун кетган ҳаражатларни чегириб ташлаган ҳолда эгасига қайтарилади. Масалан, ов милтифи, агар уни сақлашга рухсатнома бўлмаса, шундай йўл билан олиб қўйилади. Бироқ, мазкур маъмурий жазо чораси овчилик асосий тирикчилик манбай бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

**3. Мусодара қилиш** — маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни мажбурий тарзда пулинни тўламай давлат мулкига айлантиришдан иборат. Ушбу жазо чораси туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан қўлланилади. Бунда фақат ҳуқуқбузарнинг мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 1999., 13-бет.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбани овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси).

Мусодара қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасининг «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин» деган қоидага мувофиқ амалга оширилиши керак.

**14. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш** (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади ва бу муддат 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, транспорт воситаларини алкогол ичимликлардан, гиёвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари, шунингдек, ўзлари иштирокчи бўлган йўлтранспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустасно.

Асосий тирикчилик манбани овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 28-моддаси).<sup>1</sup>

**15. Маъмурий қамоққа олиш** — жиноятларга яқин ҳуқуқбузарликларга ёки такрорий қўпол маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади. Энг кўп муддат — ўн беш суткагача, лекин фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача муддатга қўлланилади.

Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан тайинланади.

Маъмурий қамоққа олиш: а) ҳомиладор аёлларга; б) уч ёшгача боласи бўлган ёки боласини 14 ёшгача ёлғиз тарбиялаётган аёлларга; в) 18 ёшга тўлмаган шахсларга; г) I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 1999., 14-бет.

Қонун хужжатларида маъмурӣ ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун чёт эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурӣ тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин (МЖКнинг 23, 29-моддалари)<sup>1</sup>.

Маъмурӣ жазоларни маъмурӣ олдини олиш чораларидан фарқлай билиш керак. Улар маъмурӣ жазони қўлланишдан олдин қилинади ва ҳуқуқбузарликни тўхтатиб қолишга йўналтирилади.

Маъмурӣ ҳуқуқда, шунингдек, маъмурӣ тутиб туриш деб атаган тадбирий чора ҳам кўзда тутилади. Бу жазо чораси бўлмай, фақат иш юз берган ҳолатни аниқлаш ёки тутиб турилган киши шахсини аниқлаш мақсалида қўлланилади. Одатда жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахслар ёҳуд вазият тақозоси билан у ёки бу ғайри ҳуқуқий кирдикорларга аралашиб қолганлар маъмурӣ тутиб туришга мустаҳиқ этилади. Тутиб туриш билан биргаликда текширув ва камица икки кишидан иборат ҳолис гувоҳлар иштирокида албатта далолатнома тузган ҳолда тутиб турилган киши буюмлари текширувдан ўтказилади. Маъмурӣ жазони қўлланиш судланганликни келтириб чиқармайди ҳамда ишдан бўшатишга олиб келмайди. Маъмурӣ жазо қўлланилган шахс белгиланган муддат давомида жазо чораси бор шахс ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ва маҳаилий бошқарув органларининг мансабдор шахслари маъмурӣ жазони қўллашлари мумкин.

Маъмурӣ ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутади. Агар Конституциявий ҳуқуқ давлат механизми фаолиятининг асосий тамойилларини ўрнатадиган бўлса, маъмурӣ ҳуқуқ эса ушбу механизмни ҳаракатга келтиради, ижроия ҳокимияти органларининг мавжуд тизимини бевосист. мустаҳкамлайди, ички бошқарув соҳасида давлат фаолиятини ва ушбу фаолиятдан келиб чиқадиган ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги юридик муносабатларни тартибга солади. Маъмурӣ ҳуқуқ шахс ҳуқуқларини мустаҳкамлайди, фуқароларга мансабдор шахслар зўравонлигидан муҳофаза этиш кафолатларини беради, давлат органлари фаолияти устидан назорат ўрнатилади.

Бизнинг республикамиизда ушбу масалаларга жуда катта аҳамият бериб келинмоқда. Мазкур муаммолар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарийб барча сессиялари кун тартибида турганлиги, Президентимизнинг кўплаб асарлари

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 1999., 12-бет.

уларга бағишланғанлиги бунинг ёрқин далили бўла олади. Шунга қарамай, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин биринчи сессиясида «маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш» зарурати тўгрисидаги масала яна кўтарилиди. Президент Ислом Каримов, «буғунги кунда мамлакатимизда маъмурий бўлинниш ва ҳокимият тузилмалари бошқарувининг етарли даражада ихчам тизими ишлаб чиқилди. Уларнинг юқоридан қуйига ва ўзаро муносабатлари тартиби белгиланди, деб таъкидлаш, шу билан бирга, марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бўғини ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини яхши ва чуқур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган яхлит самарали механизм сифатида фаолият кўрсата олмаётганини ҳам тан олиш керак»<sup>1</sup>, — дея яна таъкидлади.

Албатта, бунинг сабаблари кўп. Улардан бири шундаки, «маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида суюги қотган ижро-чилар қарор қабул қилишда мустақил, масъулиятни зиммасига олган ҳолда фаолият ва ташаббус кўрсата олмаяпти. Улар ҳамон юқоридан кўрсатма кутиб ўтириш одатидан халос бўлолмаяпти».

Айни пайтда, давлат бошқаруви органлари тизимида, давлат маҳкамасининг бостириш ва мажбурлов органи сифатидаги функцияларини кучайтиришда ваколатларнинг ҳаддан ташқари бир жойда тўпланиб қолғанлиги ҳақида кетаяпти, деб ўйлаш хато бўларди. Аксинча, гап «демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш тадбиркорлик ва иқтисодий ташабbusлар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бориши»<sup>2</sup> ҳақида кетяпти.

Бу ғоят табиийдир. Жаҳондаги бирон-бир давлат самарали бошқарувга эга бўлмай яшай олмаслиги яхши маълум. Қонунларга оғишмай риоя этувчи, шу қонунларга итоаткор фуқаролар онгига ўз иродаларини етказар экан, давлат ҳокимияти қанчалик кучли бўлса, ижроия органлари қанчалик ишонч ва малака билан ҳаракат қилса, давлат шунчалик қудратли бўлишини ҳаётнинг ўзи

<sup>1</sup> Қаранг: Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин биринчи сессиясидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 3 январ.

<sup>2</sup> Қаранг: Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 январ.

күрсатиб турибди. Мана шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ўша сессияда қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтганди: «Биз давлат тузилмалари ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари-даги нохуш ҳолатлар — аҳоли кўз ўнгидан ҳокимиятни обрўсизлантираётган порахўрлик, таъмагирлик ва коррупция кўринишлари билан бундан буён асло муроса қила олмаймиз.

Биз бундай иснод келтирувчи ҳодисаларга қарши бутун жамият билан биргаликда кескин курашмоғимиз даркор»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 январ.

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

1. *Фуқаролик ҳуқуқининг предмети ва усуллари.*
2. *Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар түшүнчаси ва тасифи.*
3. *Юридик шахслар — фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари сифатида.*
4. *Фуқаролик ҳуқуқида битишмалар түшүнчаси, уларнинг турлари, шакллари ва ҳақиқиитлик шартлари.*
5. *Мулк ҳуқуқининг мазмуни, вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.*
6. *Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар турлари ва уларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари.*

### 1. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛЛАРИ

Фуқаролик ҳуқуқи — ҳуқуқининг асосий тармоқларидан бирі бўлиб, у ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасида тенглик, хоҳиши-ирода мухторийлиги (автоном) ва мулкий мустақиллик асосларида юзага келадиган мулкий муносабатлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ёхуд боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқи узоқ тарихга эга. Рим ҳуқуқи даврларида ноқ, ҳуқуқининг ушбу соҳаси у ёки бу ашё, мол-мулк хусусида фуқаролар ўртасидаги муносабатларни белгилаб берарди. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқини «ашёвий» ёхуд «цивил» ҳуқуқи деб ҳам аташади. Фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқ тизимида муҳим мавкега эга бўлиб, алоҳида роль ўйнайди. Масалан, меҳнат, оиласи, табиатни муҳофаза этиш ва мулк билан боғлиқ бошқа вужудга келган муносабатларнинг ушбу соҳаларини тўлиқ асосда тартибга сола олмаслик ҳолатлари вужудга келса, бундай ҳолларда Фуқаролик ҳуқуқи нормалари кўлланилади.

Ҳуқуқ субъектининг муайян бир мол-мулкка алоқаси моҳиятни аниқловчи, ашёнинг (мулкнинг) бир хил шахслардан бошқаларга ўтишини тартибга солувчи, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларини тузиш ва улар бўйича олинган мажбуриятларни бажариш қоидаларини белгиловчи, шунингдек, етказилган мулкий ва маънавий зарарни қоплаш тартибини кўрсатиб берувчи ижтимоий муносабатларнинг жуда кенг доираси фуқаролик ҳуқуқининг предмети бўлиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар қўйидагилардан иборат:

1. Мулкнинг муайян шахсларга тегишилиги ёки мулкнинг бир шахсдан бошқасига ўтиши ёхуд ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ҳаракатлар билан боғлиқ мулкий муносабатлар.

2. Номулкий характерга эга бўлган, мулк, қиймат, эквивалент билан боғлиқ бўлмаган, шахслардан бошқа шахсларга «ўтказиб ва бериб бўлмайдиган» шахсий ҳуқуқий муносабатлар.

Бу ҳуқуқий муносабатларга асосан шахснинг ор-номуси, виждони, шаъни, қадр-қиммати ва баҳоланиши ниҳоятда мураккаб бўлган, инсоннинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ бўлган бошқа ижтимоий муносабатлардир.

Юқоридаги ҳолатларга кўра мулкий муносабатлар ўзи ҳам иккни гуруҳга:

- мулкий муносабатлар (ашёвий ҳуқуқлар) га;
- мажбуриятли муносабатларга (шартномалар асосида) бўлинади.

**Мулкий муносабатлар** мулк эгаси томонидан бошқа шахслар иштирокисиз мустақил равишда амалга оширилади. У шахсларда муайян мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг мавжудлиги ёки мол-мулкнинг унинг эгалари бўлмаган шахслар қўлига қонунсиз равиша ўтиб қолишилиги ҳамда ундан виндиқацион даъво асосида ўзининг дастлабки эгасига қайтарилиши лозим эканлиги муносабати билан юзага келади. Биринчи ҳолатда мулкий муносабатлар мутлақ моҳиятга эга бўлади. Чунки, муайян мулк эгасига шу мулкнинг эгаси бўлмаган шахсларнинг чекланмаган доираси қарама-қарши туради. Бошқача қилиб айтганда, булар бошқа шахснинг мулкка эгалик ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва унинг амалга ошишига тўскинлик қиласлик мажбурияти зиммаларида бўлган бошқа барча субъектлардир.

**Мажбуриятли муносабатлар** камида икки шахс иштирок этган жойдагина юзага келади. Кўп ҳолларда улар мулкни қайта тақсимлаш ёки субъектлар фаолияти натижаларини алмашиш жараёни билан боғлиқ бўлади. Мулкнинг бир шахсдан бошқасига ўтиши билан боғлиқ мажбуриятли муносабатлар турли асосларга кўра юзага келиши мумкин. Мажбуриятли муносабатларнинг энг салмоқли гуруҳи фуқаролик-ҳуқуқий битимлари (мулкни топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар тўғрисидаги шартномалар) тузиш асосида вужудга келади.

Бир шахснинг бошқасига зарар етказиши оқибатида, шунингдек, асоссиз (яъни етарли даражада қонуний асосларга эга

бўлмай) мулкни сотиб олиш ёки тўплаш натижасида юзага кела-  
диган муносабатлар мажбуриятли муносабатларнинг аксарияти-  
ни ташкил этади. Мулкни меросга қолдириш билан боғлиқ му-  
носабатлар мажбуриятли муносабатларнинг маҳсус гурухини  
ташкил қиласи. Мулк бир шахсдан бошқасига мерос тартибида ё  
қонун асосида ёки васиятнома бўйича ва фақат мерос қол-  
дирувчининг вафотидан сўнггина ўтиши мумкин.

Шахсий номулкий муносабатлар гарчи иқтисодий мазмунини  
йўқотган бўлса-да, бироқ айни пайтда мулкий муносабатлар би-  
лан боғлиқдир. Шахсдан ажралмас номоддий неъматлар шахсий  
номулкий муносабатлар бўлиб майдонга чиқади.

Шахсий номулкий муносабатлар қўйидагиларга бўлинади:

а) бевосита мулкий муносабатлар билан боғлиқ шахсий номул-  
кий муносабатлар (масалан, муаллифнинг санъат асарига нисбатан  
мутлақ ҳукуқи ёки ихтирочининг ўзига моддий мукофот  
тўланишини талаб қилиш ҳукуқи билан боғлиқ муносабатлар);

б) мулкий муносабатлар билан бевосита боғланмаган, лекин  
барибир мулкий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўл-  
ган шахсий номулкий муносабатлар (чунончи, қадр-қиммати,  
шаънини ерга уриш, ишчанлик обрўсини тўкиш, маънавий за-  
рар етказиш ва ҳоказолар билан боғлиқ муносабатлар).

Шуни таъкидлаш жоизки, бевосита мулкий муносабатлар билан  
боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий муносабатларни фуқаролик  
ҳукуқи нафақат ҳимоя қиласи, балки тартибга ҳам солади.

**Фуқаролик ҳукукининг тартибга солиш усуслари — фуқаролик  
ҳукуқи тамойилларига асосланган ҳолда давлат томонидан белги-  
ланган мулкий ва у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар-  
га таъсир кўрсатиш воситалари йигинидисидан иборат!**

**Фуқаролик-ҳукуқий тартибга солиш усулиниң ўзига хос хусуси-  
ятлари:**

1. Фуқаролик муомаласининг барча иштирокчилари ҳукук-  
нинг эркин ва мустақил субъектлари деб эътироф этилади. Бу  
уларга қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатларни со-  
дир этиш имкониятини туғдиради. Фуқаролик ҳукуқий муно-  
сабатлар иштирокчиларининг эркинлиги уларнинг ҳаракатла-  
рига (агар улар ғайриқонуний бўлмаса) ҳеч ким (давлат ҳам,  
ўзаро шартнома тузган икки тарафнинг ҳар бири ҳам, учинчи  
томон ҳам) аралаша олмаслигига намоён бўлади.

2. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг сонидан қатъи  
назар, улар ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган икки то-

монга бўлинадилар. Турли томондан қатнашувчи фуқаролик-хуқуқий муносабатлар субъектлари бир хил ҳажмдаги ваколатларга эга бўлмасликлари мумкин (масалан, фуқаро давлат билан ёки бир қанча ташкилотлар билан фуқаролик-хуқуқий муносабатга киришиши мумкин). Бироқ, бунда *тарафларнинг юридик тенглиги таомайили амал қиласди*.

Бошқача айтганда, фуқаролик хуқуқий муносабатларига киришаётган пайтда ҳуқуқ субъекти сифатида мақом нуқтаи на заридан улар тенг бўлиб қатнашадилар, аммо мулкий муносабатлар бўйича улар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин.

3. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган муносарали низолар ўзаро келишиш асосида, агар бундай шартлашувга келиша олмаган тақдирда, фуқаролик-хуқуқий муносабатларини ҳал этувчи мустақил бўлган органлар (умумий юрисдикцияга эга бўлган судлар, хўжалик судлари ва ҳакамлар суди кабилар) томонидан ҳал этилиши мумкин.

4. Мулкий муносабатлар фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг салмоқли қисмини ташкил этганлиги учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарликда мулкий жавобгарлик асосий ўринни эгаллайди.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатларини тартибга солувчи бутун қонунчилик мажмуи фуқаролик ҳуқуқининг манбалари бўлиб майдонга чиқади. Ҳеч шубҳасиз, бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси етакчи рол ўйнайди. Чунончи, унинг 36-моддасида: «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли», дейилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 ва 27-моддалари инсон шаъни, қадр-қиммати, хусусий ҳаётининг шахсий дахлсизлиги, ёзишмалар сири каби маънавий қадриятлар орқали юзага келадиган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш асосларини белгилаб беради.

Икки қисм, 6 бўлим, 71 боб, 1199 моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик хуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади.

Кодефикация қилинган меъерий ҳужжатлардан ташқари, қонулар, Президент Фармонлари ва хукумат қарорлари, шунингдек, фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишига йўналтирилган нормаларни ўзида акс эттирган барча меъерий ҳужжатлар фуқаролик хуқуқи манбаларига киради.

Шундай қилиб, фуқаролик хуқуқининг барча меъерий манбалари биргаликда фуқаролик қонун ҳужжатларини ташкил этади. Фуқаролик қонун ҳужжатлари айнан шу маънода тушунилиши Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 3-молдасида ўз ифодасини

топган. Унда шундай кўрсатиб ўтилади: «Фуқаролик қонун хужжатлари ушбу Кодексдан, ушбу Кодекс 2-моддасининг биринчи, тўртинчи, бешинчи қисмларида кўрсатилган муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунлар ҳамда қонун хужжатларидан иборат»<sup>1</sup>.

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ўзига хос хусусиятлари:**

1. Бошқа қонунлар ва қонун хужжатларидағи фуқаролик-хукуқий нормалар Фуқаролик кодексига мос бўлиши керак (ФКнинг 3-моддаси).

2. Фуқаролик қонун хужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилгандан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Қонун, у амалга киритилгунга қадар, вужудга келган муносабатларга қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади (ФКнинг 4-моддаси).

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-моддаси қонунга ўхшашлиги бўйича фуқаролик қонун хужжатларини қўллашга ижозат беради. Қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда тарафларнинг хукуқ ва бурчлари фуқаролик қонун хужжатларининг умумий моҳияти ва мазмуни (хукуқ ўхшашлиги)га ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

4. Иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар (яъни, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун хужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси) фуқаролик қонун хужжатларига зид бўлмаган тақдирда қўлланилади (ФКнинг 6-моддаси).

5. Агар ҳалқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун хужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади (ФКнинг 7-моддаси).

**II Фуқаролик хукуқи хукуқнинг барча тармоқларига хос умумий тавсифдаги функцияларни бажаради.** Уларга, жумладан, қуйидагилар киради:

- жамиятдаги конкрет ҳаракатларни тартибга солиш;
- хукуқбузарликларнинг олдини олиш;

<sup>1</sup> Қиранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 1996., 5-6-бетлар.

- фуқаролар ва юридик шахсларнинг жамият учун ижобий хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш;

- ҳуқуқбузарларга нисбатан мажбуров мөҳиятига эга бўлган чораларни қўллаш ва бошқа функциялар./

/ Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқи яна қўйидаги маҳсус функцияларни ҳам бажаради:

- жамиятдаги цивилизациялашган иқтисодий муносабатларни тартибга солиш;

- мулкий ва номулкий ҳуқуқларни муҳофаза этиш;

- мулк шакллари хилма-хиллигини ҳуқуқий жиҳатдан тенглик асосида мустаҳкамлаб қўйиш ва уларни баравар юридик ҳимоя қилиш.

Фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқнинг бошқа тармоқларидан, шу жумладан, бўйсуниш ва ҳисоб бериб туриш тамойили асосига курилган маъмурӣ ҳуқуқдан асосий фарқи шундан иборатки, фуқаролик ҳуқуқи бирон-бир давлат мажбуровисиз фуқаролик муомаласи иштирокчиларига таъсир кўрсатишнинг юридик механизмига эга.

## 2. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФИ

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар — иштирокчилари субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиблари бўлган ҳамда фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Шундан келиб чиқсан ҳолда фуқаролик ҳуқуқий муносабатга мулкий ва айрим номулкий шахсий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли, мустақил субъектларининг юридик боғлиқлиги деб қарашиб керак бўлади. Бу боғлиқлик уларда субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлигига ҳамда шу ҳуқуқ ва мажбуриятларни бузувчиларга нисбатан мулкий характердаги давлат-ҳуқуқий мажбуров чораларини кўриш имконияти таъминланганида ўз ифодасини топади. Одатда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари уларда қатнашувчи шахслар хоҳиш-иродаси билан вужудга келади. Шартнома фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг пайдо бўлиши учун типик асосларидан бири ҳисобланади. Лекин, баъзан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар уларнинг иштирокчилари хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келиши воқеалари ҳам учраб туради. Масалан, бир шахснинг бошқасига зарар етказиш ҳолати.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг асосий хусусияти унинг иштирокчиларининг юридик тенглигидан иборат. Мабодо бундай

тенглик бўлмас экан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг ўзи ҳам бўлмайди ва фуқаролик муносабатидан у бошқа (маъмурий, меҳнат ва шу каби) ҳуқуқий муносабатларга айланиб кетади. Масалан, агар фуқаро маҳаллий ҳокимиятдан квартира сотиб оладиган бўлса, унда тарафлар юридик жиҳатдан тенгдирлар ва демак, мазкур ҳуқуқий муносабат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатига киради. Бироқ, агар фуқаро квартирани маҳаллий ҳокимиятдан хизмат туарар-жойи сифатида оладиган бўлса, энди бу маъмурий-ҳуқуқий муносабатга киради ҳамда у тарафларнинг юридик тенгсизлиги тамоилии асоси-га қурилади ва уларнинг бири бошқасига нисбатан ҳуқуқли ва-колатларга эга бўлади.

**Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат таркиби:** а) ҳуқуқий муносабат иштирокчилари субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларидан; б) ҳуқуқий муносабат обьектларидан; в) ҳуқуқий муносабат субъектла-ридан иборат.

Ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг мазмунини ташкил этади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда бир тараф қонуний ваколат эгаси бўлса, бошқаси — мажбур тараф бўлади, унинг зиммасига бурч юкл-тилган бўлади.

**Субъектив ҳуқуқлар** — фуқаролик-ҳуқуқий муносабати субъ-ектигининг ижозат берилган хатти-ҳаракати кўлами бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабати субъектлари унинг доирасида ўзла-рига бериб кўйилган ҳуқуқлар ҳажмидан фойдаланишнинг по-тенциал имкониятларига эга бўладилар. Фуқаролик-ҳуқуқий му-носабати субъекти эга бўлган ҳуқуқлар доираси қонуний ҳу-куқлилик дейилади.

Қонуний ҳуқуқлилик уч гуруҳга бўлинади:

1. Талаб қилиш қонуний ҳуқуқлилиги — мажбур, бурчли тарафдан ўзига юклантган мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш имконияти.

2. Ўз ҳаракатлари учун қонуний ҳуқуқлилик — у ёки бу юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни мустақил содир этиш имконияти.

3. Ўзини ҳимоя қилишга қонуний ҳуқуқлилик — суд органла-рига бузилган субъектив ҳуқуқини тиклаш мақсадида ва ҳуқуқ-бузарга нисбатан давлат-мажбурлов чорасини кўллашни талаб қилиб мурожаат этиш имконияти.

Албатта, ҳар уччала қонуний ҳуқуқлилик бирданига бир ҳу-куқий муносабатда мавжуд бўлиши мутлақо шарт эмас.

**Субъектив мажбуриятлар.** Бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъективининг тегишли хулқ-атворда бўлиш бурчиdir. Муайян хатти-ҳаракатларни содир этиш шартлиги ёки қандайдир хатти-

ҳаракатларни содир этишдан тийилиб туриш шартлиги субъектив мажбуриятнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Мажбуриятларнинг икки хили мавжуд:

1. **Пассив хилдаги мажбуриятлар** фуқаролик-хукуқий тақиқлардан вужудга келади ва қонуний хукуқли тараф ёки давлат манфаатларига зарар келтирувчи ҳаракатларни содир этишнинг юридик мумкин эмаслигини билдиради.

2. **Фаол хилдаги мажбуриятлар** ижтимоий фойдали хатти-ҳаракатларни содир этишга ундашдан иборат. Одатда уларда мулкни топшириш ёки муайян ишларни бажариш ва ҳоказоларни содир этиш талаби ўз ифодасини топади. Мажбур тараф учун улар қонуний хукуқли тараф манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш шартлигини англатади. Зеро, бу ҳаракатлар мажбурий чоралар ёки бажармаганлик учун жазо билан таъминланиши мумкин.

Фуқаролик-хукуқий муносабат мазмуни деб, субъектлар томонидан киришилаётган муносабат натижасида келиб чиқадиган хукуқ ва бурчларнинг йигиндисига айтилади. Юқорида кўрсатилганидек, хукуқий муносабат мазмуни икки қисмга, яъни умумий мазмун ва субъектив хукуқ ва бурчга бўлинади.

**Фуқаролик-хукуқий муносабатлар обьектлари.** Булар мазкур хукуқий муносабатлар вужудга келишига сабаб бўлган, ушбу хукуқий муносабатлар субъектларининг хукуқ ва мажбуриятлари йўналтирилган нарсаларdir ёки ҳаракат нимага қаратилган бўлса ҳамда нималар асосида вужудга келган бўлса, бу муносабатлар обьект деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасида фуқаролик хукуқи обьектларининг турлари қўйидагича санаб ўтилган: «... ашёлар, шу жумладан, пул ва қимматли қофозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан, мулкий хукуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиrolар, саноат намуналари, фан, маданият, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек, шахсий номулкий хукуқлар ва бошқа моддий бойликлар киради»<sup>1</sup>.

Фуқаролик-хукуқий муносабатлар обьектларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. **Номулкий обьектлар** — иходий фаолият натижалари, ахборотлар, шунингдек, шахсий номулкий неъматлар. Интеллектуал меҳнат натижалари, компьютерларни дастурий таъминлаш, ихтиро ва санъат асарларига муаллифлик хукуқи ва ҳоказолар иходий фаолият натижаларига киради. Шахсий неъматларга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 1996., 47-бет.

субъект шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига, етказилган маънавий зарарни қоплаш ва бошқалар киради.

**2. Мулкий объектлар** — конкрет ашёлар, пуллар, қимматли қоғозлар, ишлар, хизматлар, шунингдек, мулкий ҳукуқ ва мажбуриятлардир.

Шуни таъкидлаш жоизки, «мол-мулк» атамаси фуқаролик ҳукуқида икки хил маънода; биринчиси, конкрет ашёга нисбатан, иккинчиси, моддий неъматларнинг бутун мажмуига нисбатан қўлланилади (ашёлар, пуллар, қимматли қоғозлар ва шу кабиларга нисбатан, мисол учун Ўзбекистон Республикаси ФК-нинг 93-моддаси ҳайвонларни ҳам мол-мулклар сирасига кирилади). Бундан ташқари, айрим ҳукуқ ва мажбуриятлар мажмуи ҳам мол-мулк сирасига киради. Масалан, ворисга мулкни мерос қилиб қолдиришда марҳум берган қарзларни қайтариб олиш ҳукуқи ҳам айнан марҳум қарзларни тўлаш мажбурияти сингари ворисга ўтади. Моддий неъматларнинг ҳаммаси ва талаб қилиш ҳукуқларининг ҳаммаси мулк *фаоллигини* ташкил этади. Мулк таркибига кирувчи қарзлар мулк *пассиви* ҳисобланади.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳукуқида ашёни тор маънода (яъни конкрет ашё сифатида) тушунишдан ташқари бошқа, ашёнинг кенгайтирилган тушунчаси ҳам мавжуд. Кенгайтирилган маънода тушуниш мазкур тушунчага универсал юридик категория мақомини беради. «Бундай ҳолатда «ашё» деганда, фуқаролик-ҳукуқий муносабатларнинг вужудга келишига сабаб бўладиган моддий олам ашёларининг ҳаммаси тушунилади. Ашёларни сотиб олиш, фойдаланиш ёки уларни мусодара қилиш жараёнида қонун чиқарувчи субъектларнинг муайян ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Бу ашёларнинг ҳукуқий режими” деб аталади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (86-модда) га мувофиқ ашёларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

**1. Хусусий аломатлари ва ўзига хос турлари билан белгиланган ашёлар.** Алоҳида, фақат ўзигагина хос, уни бир хил ашёлар орасидан ажратиб турадиган ва шу тариқа хусусий аломатларга эга бўлган ашё хусусий аломатлари билан белгиланган ашё ҳисобланади. Бундай ашёлар сирасига ноёб, ўзига хос яккаю ягона, бир дона бўлган ашёлар, шунингдек, муайян усул (муҳр босиш, алоҳида белгилар тушириш, рақам бериш ва шу кабилар) билан ажратиб қўйилган ашёлар киради.

<sup>1</sup> Қаранг: Макаренко С.Н., Байлов А.В. Правоведение. М., 1999., 77-бет.

Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир.

Бир турдаги ҳамма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, оғирлиги, ўлчови ва шу кабилар билан белгиланадиган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ҳисобланади (ФКнинг 87-моддаси).

2. **Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар.** Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинадиган ашё ҳисобланади.

Бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашёнинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (ФКнинг 88-моддаси).

3. **Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар.** Бир бор фойдаланиш натижасида йўқ бўлиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказолар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланади.

Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳ. к.) истеъмол қилинмайдиган ашёлар деб эътироф этилади (ФКнинг 89-моддаси).

*Асосий ва мансуб ашёлар.* Фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (mansub ашё) га боғлиқ мустақил ашё *асосий ашё* ҳисобланади.

Асосий ашёга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боғлиқ ашё *mansub ашё* дейилади (ФКнинг 90-моддаси).

*Мураккаб ашёлар.* Яхлит бир бутунни ташкил этадиган турли хил ашёлардан иборат ашё умумий вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган бўлса, улар *мураккаб ашё* ҳисобланади (масалан, мебел гарнитури).

Фуқаролик-хукуқий муносабатлар обьектлари орасида қимматли қоғозлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасида қимматли қоғозлар турлари рўйхати келтирилади. Бунда мазкур рўйхат қимматбаҳо қоғозларнинг барчасини қамраб олмаганини унумаслик лозим. Чунки реал иқтисодиётда қимматли қоғозларнинг бир хил турлари йўқолиб, бошқалари пайдо бўлиб туриши мумкин. Вексель,

чек, акциялар, давлат облигациялари, депозит ва жамғарма сертификатлари қимматли қоғозларнинг энг кенг тарқалган турлари ҳисобланади.

«Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади.

Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади»<sup>1</sup>.

**Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари субъектлари** — ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслардир. Қуйидагилар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўлишлари мумкин:

- жисмоний шахслар;
- юридик шахслар;
- ўз органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тимсолида давлат.

Рўйхатнинг охиридан ўрин олган субъектлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари субъектлари сифатида майдонга чиқар экан, ўзига хос иккита хусусиятга: 1) улар ҳокимият ваколатлигига, яъни қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга; 2) ўzlари томонидан мулк ҳуқуқига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ташкил этилган юридик шахсларга мустаҳкамлаб бериб қўйилган мулкдан, шунингдек, фақат давлат ёки муниципал мулкчилигида туриши керак бўлган мулкдан ташқари мулкка эгалик ҳуқуқи асосида улар ўзларига тегишли мулк юзасидан ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадилар.

**Жисмоний шахсларга** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар киради (ФКнинг 16-моддаси).

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабати субъекти бўлиш учун ҳуқуқий субъектлилликка эга бўлиш керак. Унинг мазмуни ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати тушунчалари орқали очилади.

**Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати** — бу фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқатидир. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у тугилган пайтдан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди (ФКнинг 17-моддаси).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 1996., 51-бет.

Ўзбекистон Республикаси барча фуқароларининг ҳукуқ лаёқати тенг равишда эътироф этилади. Уни чеклашга фақат қонунда белгиланган тартибдагина йўл қўйилиши мумкин. Чунончи, жиноят қонуни жиноятнинг муайян турини содир этиб судланган кишиларга фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳукуқини тақиқлаш (чеклаш) ни назарда тутади.

**Фуқаролик муомала лаёқати** — бу фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳукуқларини эгаллаш ва амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларини яратиш ва уларни бажариш лаёқатидир. Муомала лаёқати балоғат ёшига тўлғандан кейин, яъни ўн саккиз ёшга тўлғандан кейин тўла ҳажмда вужудга келади (ФКнинг 22-моддаси). Мустақил равишда битим тузиш (битим лаёқати) мумкинлиги ҳамда етказилган зарар учун мустақил мулкий жавобгарликни зиммасига олиш имконияти фуқароларнинг муомала лаёқати мазмунининг энг муҳим қисмлари ҳисобланади. Фуқаронинг ўз муомала лаёқатини чеклаш имкониятини ҳам, унинг ўз иродаси билан ўзини муомалага лаёқатсиз деб эътироф этишини ҳам қонун кўзда тутмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси муомала лаёқатининг бир қанча турларини белгилайди:

- 1) тўла ҳажмдаги муоамала лаёқати (ФКнинг 22-моддаси);
- 2) балоғат ёшига етмаганлар муомала лаёқати (ФКнинг 27-моддаси);
- 3) кичик ёшдаги болалар лаёқати (ФКнинг 29-моддаси).

Тўла ҳажмдаги муомала лаёқати ҳеч қандай чеклашларсиз барча битимларни амалга оширишни кўзда тутади. Юқорида таъкидлаганимиздек, тўла муомала лаёқати ўн саккиз ёшдан бошланади. Бироқ, шу ёшга етмасдан олдин ҳам қонун тўла муомала лаёқатига эга деб эълон қилишга ҳам йўл қўяди. Буни **эмансипация** (ФКнинг 28-моддаси) деб аташади. Эмансипация 16 ёшга тўлған кундан бошланади, яъни балоғатга етмаган шахс меҳнат шартномаси асосида ишлаётган бўлса ёки ўзининг қонуний вакиллари розилиги билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, васийлик-ҳомийлик органи ёки суднинг қарори билан муомалага лаёқатлик деб топилади.

Фуқаролик тўла муомала лаёқати доимий ўзгармас ўлчамдир. Лекин қонун чиқарувчи, фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш мумкин бўлған ҳолатларни белгилаб қўйган. Бундай ҳолат ФКнинг 31-моддасида кўрсатилади ва спиртли ичимликларни ёки гиёжвандлик воситаларини сунстеъмол қилиш нати-

жасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўядиган фуқароларга тааллуқлидир. Шундай ҳолларда бундай фуқароларга ҳомийлик белгиланади. Шу моддага тўғри келадиган шахслар учун фақат майди битимларни тузиш ҳуқуқигина тан олинади. Бошқа битимларни тузиш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш ва уларни мустақил сарф этишини у фақат ҳомийнинг розилиги билангина амалга оширади.

Махсус ҳолларда фуқарони муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш мумкин. ФКнинг 30-моддасига биноан муомала лаёқатидан маҳрум этишга қуйидагича йўл қўйилади: руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Агар даволаниб чиққанидан кейин фуқаро ўз ҳаракатларини назорат қилишга лаёқатли бўлиб қолса, суд уни муомалага лаёқатли деб топиб, унга белгиланган васийликни бекор қиласди.

Васийлик ва ҳомийликнинг бир-биридан фарқланнишини кўрсатиб ўтиш жоиз. Васийлик кичик ёшдаги болалар устидан, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар устидан ўрнатилади. Ҳомийлик эса 14 дан 18 ёшгача балогат ёшига стмаганилар устидан, шунингдек муомала лаёқати чекланган фуқаролар устидан ўрнатилади. (ФКнинг 32-моддаси). Васийдан фарқли ўлароқ, ҳомий фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришмайди, балки фақат фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишига кўмаклашади.

### **3. ЮРИДИК ШАХСЛАР – ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ СУБЬЕКТЛАРИ СИФАТИДА**

1 Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектлари сифатида юридик шахслар алоҳида тузилемалар бўлиб, улар махсус тартибда юзага келадиган ва тугайдиган бир қатор алломатларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 39-моддасига кўра, «ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувда алоҳида молмулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу молмулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкский ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади».

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у ташкил топган пайтдан (мазкур кодексининг 44-моддаси тўртинчи қисми) бошланиб, юридик шахсни тугатиш тамомланган пайтдан тўхталади (Фуқаролик кодексининг 55-моддаси, ўнинчи қисми).

Юридик шахснинг маҳсус ҳуқуқ лаёқати унинг низоми ёки қонун билан белгиланади.

Юридик шахс қонун ҳужжати билан рўйхати белгиланадиган фаолиятининг айрим турлари билан фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шугулланиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолат ва тартибдагина юридик шахс ҳуқуқлари чекланиши мумкин (ФКнинг 41-моддаси).

Юридик шахснинг муомала лаёқати - юридик шахснинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини яратиш, эгаллаш ва бажариш лаёқатидир. Жисмоний шахслардан фарқли ўлароқ, юридик шахснинг муомала лаёқати унинг ҳуқуқ лаёқати билан бир вақтда бошланади ва тугайди.

**/1. Юридик шахс фаолияти — унинг муассислари ва иштирокчиларининг онгли иродали ҳаракатларидан иборат. Муассислар — юридик шахсни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар. Иштирокчилар — муассисларни ҳам кўшган ҳолда юридик шахс таркибига кирувчи барча шахслар ҳисобланади. /**

Юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларини эгаллаш унинг раҳбар органнинг вазифасидир. Ушбу орган яккабошчилик ёки коллегиалликка асосланиши мумкин. Юридик шахс мажбуриятларини бажариш унинг барча иштирокчиларининг мақсади бўлади. Иштирокчилар ҳаракатларига юридик шахснинг ўзининг ҳаракатлари сифатида қаралади. Хизмат ёки меҳнат мажбуриятлари доирасида иштирокчилар томонидан содир этиладиган ҳаракатлар учун масъулиятнинг юридик шахс зиммасига тушиши шундан келиб чиқади.

**/ Юридик шахслар турлари. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида барча юридик шахслар тижкорат ва нотижорат юридик шахсларга бўлинади. /**

**/Асосий мақсади фойда олишдан иборат бўлган ташкилотлар тижкоратчи юридик шахс ҳисобланади.//**

**Тижкоратчи юридик шахслар:**

1. Хўжалик ширкатлари — бир қанча (жисмоний ва (ёки) юридик) шахсларнинг умумий ном билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти юритиш бўйича шартномавий бирлашмаларидир. Хўжалик ширкатлари:

- тўлиқ ширкат;
- коммандит ширкатларга бўлинади.

**Тўлиқ ширкат** — иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкатдир (ФКнинг 60-моддаси).

Тўлиқ ширкат маблағларни тўплаш асосида ташкил этилади. Кўшилган маблағ улушига боғлиқ ҳолда (агар низомда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса) фойдани тақсимлаш амалга оширилади.

Тўлиқ ширкатни тузиш учун таъсис шартномасини тузишнинг ўзи кифоя. Конунда тўлиқ ширкат учун уставнинг бўлиши назарда тутилмаган. Тўлиқ ширкатнинг таъсис шартномаси қўйидагиларни ўзида акс эттириши керак: 1) барча иштирокчилар фамилияларини ёки бир иштирокчи фамилияси «ва компания» сўзлари қўшилган ҳолда бир иштирокчи фамилиясини (масалан, Иброҳимов ва компания тўлиқ ширкати); 2) тўпланма маблағга ҳар бир иштирокчи қўшган улуш; 3) ширкат иштирокчилари ўртасида кўрилган фойда ёки зарарни тақсимлаш шартлари; 4) ширкат фаолиятини амалга ошириш муддатини ифодалashi лозим.

Янги иштирокчининг киритилишига, худди ундан чиқиб кетиш каби ширкатнинг барча иштирокчилари розилиги билан йўл кўйилади. Тўлиқ ширкат умумий асосларда ёхуд ширкат бирон-бир иштирокчисининг чиқиб кетиши ёки вафоти муносабати билан тугатилади. Тўлиқ ширкат-иштирокчиларининг сони одатда кўп бўлмайди (икки кишидан беш кишигача). Якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари бўлишлари мумкин (ФКнинг 58-моддаси).

**Коммандит ширкат** — ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир нечта иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлган ширкатdir.

Коммандит ширкатни тузиш учун ҳеч бўлмаса бир тўлиқ шерик ва бир ҳисса қўшувчи (коммандит шерик) бўлиши кифоя.

Бироқ, маблаг қўювчи ширкат (коммандит ширкат) ишларини бошқаришда қатнашиш хуқуқидан маҳрумдир. Ташкил этишнинг бу шакли ўз мулкини жуда ҳам хавф остида қолдиришни истамайдиган анчагина шахсларни ширкат ишида қатнашишига жалб этиш имконини беради.

Коммандит ширкатда қатнашувчи тўлиқ шериклар хуқуқлари ҳамда ширкат мажбуриятлари бўйича уларнинг масъулиятлари ФК қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик шу ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас (ФКнинг 61-моддаси).

Коммандит ширкат ё ундан барча тўлиқ шериклар чиқиб кетиши билан, ёхуд ундан ҳамма ҳисса қўшувчилар чиқиб кетганида ўз фаолиятини тўхтатади. Иккинчи ҳолатда у тўлиқ ширкатга айлантирилиши мумкин. Коммандит ширкатни, жумладан, ночорлик ҳолати учун тугатилаётганда кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин ҳисса қўшувчилар ширкат мулкидан ўз улушларини олишда имтиёзли хукуқقا эга бўладилар.

**2. Хўжалик жамиятлари** — иштирокчилар маблағларини бирлаштириш асосида ташкил этиладиган тижоратчи ташкилотлардир.

Хўжалик жамиятлари қўйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин:

- масъулияти чекланган жамият;
- қўшимча масъулиятли жамият;
- акциядорлар жамияти.

Бизнинг давримизда энг кенг тарқалган хўжалик жамияти — масъулияти чекланган жамиятдир. Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, низом фонди таъсис хужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият — масъулияти чекланган жамият ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўzlари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар (ФКнинг 62-моддасида).

Масъулияти чекланган жамият учун низом маблағининг энг кам миқдори белгилаб қўйилган. Шунинг учун, агар у кўрган зарар низом маблағини шу миқдордан пасайтириб юборадиган бўлса, жамият тугатилади.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, низом фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири nochor (банкрот) бўлиб қолганда унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қўшимча мажбуриятли жамиятга ФКнинг масъулияти чекланган жамият тўғрисидаги қоидалари кўлланилади, агарда қонунда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса (ФКнинг 63-моддаси).

Акциядорлар жамияти (АЖ) — низом фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамиятдир. Ўз моҳиятига кўра, АЖ масъулияти чекланган жамиятга ўхшайди, ва ундан иштирокчиларининг сони билан фарқланади. АЖ иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ҳамда ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциядорлар жамияти очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Ёпиқ АЖ ўз акцияларини фақат ўз муассислари ўртасида ёки олдиндан белгиланган иштирокчилар доирасида тақсимлайди.

Очиқ АЖларда акцияларни тақсимлаш ва ўзгаларга бериш чекланмаган шахслар доирасида эркин амалга оширилади (ФКнинг 64, 65, 66-моддалари).

Очиқ акциядорлар жамияти иштирокчиларининг сони чекланмаган. Ёпиқ акциядорлик жамиятлари иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги керак.

Акциядорлар умумий йиғилиши очиқ акциядорлик жамиятининг олий организидир. Акциядорлар йиғилишида кўпчилик овоз билан жамиятнинг ижроия органи сайланади. Мазкур орган коллегиал (бошқарув, дирекция) ёки якка бошчилик (директор) шаклида бўлиши мумкин.

Хўжалик жамиятлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба ва қарам жамиятларга эга бўлишлари мумкин.

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига

эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузиленган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади (ФКнинг 67-моддаси).

Хўжалик жамиятига иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпрофига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади (ФКнинг 68-моддаси).

3. Ишлаб чиқариш кооперативлари — фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан кўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргалиқда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмасидир. Қонун ва ишлаб чиқариш кооперативи таъсис хужжатларида унинг фаолиятида аъзолик негизида шунингдек, юридик шахсларнинг қатнашиши ҳам назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 69-моддаси).

Низом ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис хужжати ҳисобланади. Кооператив акциялар чиқариш хукуқига эга эмас. Кооператив аъзоси шу кооператив рўйхатдан ўтиш пайтига пай бадалининг камидаги 10 фоизини, қолган қисмини эса, рўйхатдан ўтилган кундан кейин бир йил давомида тўлаши керак. Ишлаб чиқариш кооперативлари пай бадаллари асосида ташкил этилади. Лекин бу ерда аъзолар ўртасида фойдани тақсимлашда кооперативга топширилган мулк миқдори эмас, балки ҳар бир аъзонинг шахсий меҳнати билан иштироки муҳим аҳамиятга молик. Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар (кўшимча) жавобгар бўладилар.

Кооператив аъзоларининг умумий йигилиши унинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Қарорлар қабул қилиш чоғида кооперативнинг ҳар бир аъзоси пай миқдоридан қатъи назар, бир овозга эга бўлади. Умумий мажлис бошқарув ва унинг раисини сайдади.

Кооператив аъзоси истаган вақтида кооперативдан чиқиши, ўз пайи ёки унинг бир қисмини шу кооперативнинг бошқа аъзосига ёки (умумий мажлис розилиги билан) учинчи шахсга топшириши (сотиши) мумкин. Кооператив унинг аъзолари қарори асосида хўжалик ширкати ёки жамиятга айлантирилиши мумкин.

**4. Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона деб аталади.**

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхона — тижоратчи ташкилотнинг алоҳида бир турдир. Унитар корхона мулки давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи мулкида жойлашган бўлади. Мулк эгаси томонидан тайинланадиган раҳбар унитар корхона бошқарув органи ҳисобланади. Барча унитар корхоналар хўжалик юритиши ҳуқуқига асосланган корхоналар ҳамда оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган корхоналарга бўлинади.

**Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулк эгаси ёки унинг томонидан вакил қилинган орган томонидан ташкил этилади.** Бундай корхона давлат рўйхатидан ўтгунигача унинг устав фонди мулк эгаси томонидан тўлиқ тўланган бўлиши керак. Давлат органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тасдиқланган устав таъсис хужжати ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхона мулкининг эгаси шу корхона мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Корхона мулк эгасининг розилигисиз мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас. Мулкдор корхонанинг хўжалик ихтиёрида бўлган мулкдан фойдаланишдан тушган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхонанинг тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мулк эгасининг қарори билан рўй беради. Бироқ, корхонанинг соғ активлари қиймати қонун белгилаган миқдордан камайиб кетган ҳолатда у суд билан тугатилиши мумкин (ФКнинг 71-моддаси).

**Тезкор бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси.** Қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида тезкор бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг таъсис хужжати унинг низомидир.

Давлат корхонасининг унга бириктириб қўйилган мулкка бўлган ҳуқуқи ФКнинг 178-ва 179-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин (ФК-нинг 72-моддаси).

Тижоратчи бўлмаган юридик шахслар — фойда олишни асосий мақсад қилиб кўймайдиган ва ўз иштирокчилари ўртасида фойданни тақсимламайдиган, ижтимоий, хайрия, маданий-маърифий ва бошқа фаолият юритиш мақсадида тузилган ташкилотлардир. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар рўйхати келтирилган бўлиб, бундай ташкилотларга: матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фонdlар, муассасалар, юридик шахслар бирлашмалари (уюшма ва иштироқлари), Фуқароларнинг ўзини-үзи бошқариш органлари киритилган.

1. Матлубот кооперативи иштирокчиларнинг 43-моддай (муниципий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида Фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини кўшиш йўли билан амалга оширилади. Матлубот кооперативининг низомида ФК 43-модаoinинг тўртинчи ва бешинчий кисмида иштироқларидан ташқари: кооператив аъзолари кўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни кўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални кўшиш мажбуриятини бузганилик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бойшариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби; шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки овоздарнинг малакали кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги; кооператив кўрган заарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари кўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан кейин уч ой мобайнида кўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган кўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Матлубот кооперативи тижорат фаолиятига нисбатан

**ФКнинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қондапари кўлла-  
нилади (ФКнинг 73-моддаси).**

Агар жиддий муроҳаза юритадиган бўлсак, умуман матлубот кооперативи тижоратчи ва нотижорат ташкилотлари ўргасидаги оралиқ ўринни эгаллайди. Туарар-жой қурилиши, сарой (гараж), чорбоғлар ва шунга ўхшаш кооперативлар матлубот кооперативига мисол бўла олади.

**2. Жамоат бирлашмалари** — булар маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир.

Жамоат бирлашмалари ўз низомларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳукуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар ўзлари аъзо сифатида иштирок этажтган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса, ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат бирлашмалари ҳукуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФКнинг 74-моддаси).

**3. Ижтимоий фонdlар** — фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий-маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзоликка эга бўлмаган ташкилотdir.

Фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фондининг мулкидир. Муассислар ўзлари ташкил этган фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса, ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мулкдан ўз низомида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади. Фонд ўз низомида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Фонdlар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Фонд ҳар йили ўз мол-мулкидан қандай фойдалангани ҳисботини эълон қилиши шарт.

Ижтимоий фондни бошқариш ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг низомда билан белгиланади. Юқорида айтилганлардан ташқари уставда яна: фонднинг органлари тўғрисидаги, шу жумладан, фонднинг фаолиятини назорат қилиб борадиган ҳомийлик кенгаши ҳақидаги; фонднинг мансабдор шахсларини тайинлаш ва уларни озод қилиш тартиби; фонд туғатилганда унинг мол-мулкини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар акс этиши керак.

**4. Муассасалар** — булар нотижорат ташкилот бўлиб, мулк эгаси (давлат, юридик ва жисмоний шахс) томонидан бошқарув, ижтимоий-маданий ва бошқа вазифаларни амалга ошириш учун тузилади. Муассасалар мулк эгаси томонидан тўла ёки қисман молиявий таъминлаб турилади.

Муассасалар ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёларида пул маблаглари билан жавоб берадилар. Ушбу маблаглар етарли бўлмаган тақдирда тегишли мол-мулк эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Ўз моҳиятига кўра муассаса ўз мулкига эга бўлмаган давлат ташкилотидир. Ўзбекистон Республикасида муассасаларнинг аксарияти давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органига қарашлидир. Булар — давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари, хукуқни муҳофаза этиш органлари. Хусусий муассасаларни, масалан, музейлар, кутубхоналар ва шу кабиларни ташкил этишга йўл кўйилади. Муассасанинг низоми унинг таъсис хужжатидир.

Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар хукукий мақомининг хусусиятлари қонун хужжатлари билан белгиланади.

**5. Юридик шахслар бирлашмалари (уюшма ва иттифоқлари).** Юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириши, шунингдек, муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ФКда назарда туттилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун уюшмалар (иттифоқлар), башарти бу уларнинг низом мақсадларига зид келмаса, хўжалик жамиятлари тузиш ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Уюшмалар аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс хукуқларини сақлаб қоладилар.

Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Уюшма аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари хукуқий мақомининг хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Низом ва таъсис шартномаси юридик шахслар бирлашмаларининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади.

**6. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари юридик шахслар сифатида фуқаролик-хукуқий муносабатларнинг иштирокчилари**дир.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мулки унинг мулки ҳисобланади.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг хукуқий мақоми қонун ҳужжати билан белгиланади.

**Юридик шахсларни ташкил этиш турли усувлар билан амалга оширилиши мумкин.** Бу юридик шахснинг ташкилий-хукуқий шаклига боғлиқ.

Юридик шахсларни ташкил этиш усувлари:

**1. Фармойиш бериш усули** юридик шахсни ташкил этиш учун мулк эгасининг фармойиши (масалан, Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарори) етарли бўлган ҳолатларда қўлланади. Яқин вақтларда ҳам худди шу усул кенг тарқалганди. Унда шу йўл билан қўпчилик давлат корхоналари ва муассасалари ташкил этиларди.

**2. Рухсат этиш усули.** Бу усул юридик шахснинг у ёки бу ваколатли давлат органи, масалан, вазирлик ёки идора розилиги билан ташкил этилишини назарда тутади. Илгарилари жамоат ва кооператив ташкилотларнинг кўпчилиги шу йўл билан ташкил топарди. Ҳозирги вақтда рухсат этиш шакли фақат айрим юридик шахсларнинг айрим турлари учунгина сақланиб қолган. Чунончи, тижорат ташкилотлари бирлашмаларини тузиш учун олдиндан Монополияга қарши сиёsat бўйича давлат кўмитасининг розилигини олиш керак бўлади.

**3. Мурожаат қилиш усули.** Бу усульнинг моҳиятига асосан давлат органларининг юридик шахсларни вужудга келтиришда уларнинг рухсатини олиш талаб этилмайди. Шунинг учун бу усусли «мурожаат-етиш» усули демасдан, «меъсрий-рухсат этилиши талаб этилмайдиган усул» деб атаса мақсадга мувофиқдир.

Бу ҳозирги вақтла энг кенг тарқалған усул. Унинг моҳияти шундаки, бир ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахс юридик шахсни ташкил этиш бўйича шартнома тузишади, унинг низомини ишлаб чиқишида ва барча зарур таъсис хужжатлари билан рўйхатдан ўтказувчи органга боришади. У ерда хужжатлар юридик экспертизадан ўтказилади ва кейин у ёки бу юридик шахсни ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарилади.

Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтиши унинг хуқук лаёқати ва муомала лаёқати юзага келиши учун, шунингдек, унинг фаолиятининг молиявий ҳамда солиқ назоратини таъминлаш учун керак.

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш учун таъсис хужжатлари (низом ва (ёки) таъсис шартномаси)ни юридик шахсни ташкил этиш тўғрисидаги қабул қилинган қарор билан бирга таъсисчилар йиғилишининг далолатномаси, рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза, рўйхатдан ўтказиш учун бож тўланганлик ҳақидаги маълумот ва бошқа хужжатлар тақдим этилади.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси тузилади, низом эса таъсисчилар томонидан тасдиқланади.

ФКга мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг низоми ва бошқа таъсис хужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек, уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис хужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз молмулкларини бериш ҳамда фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномага фойда ва заарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш; юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиши шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис хужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса,

авлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар (ФКнинг 43-моддаси).

**Юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши уни қайта ташкил этиш ёки тугатиш натижасида рўй беради.** Бу ҳолат ихтиёрий равишда ҳам, шунингдек, мажбурий асосда ҳам, яъни суд қарори билан амалга оширилиши мумкин.

**Юридик шахсни қайта ташкил этиш қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:**

1. Икки ёки ундан ортиқ юридик шахснинг қўшилиши. Бунда битта юридик шахс пайдо бўлади. Топшириш ҳужжатига мувофиқ қўшилишгача мавжуд бўлган барча юридик шахсларнинг ҳамма мулкий ҳуқуқлари ва бурчлари янги вужудга келган юридик шахсга ўтади.

2. **Қўшиб олиш.** Бу ҳолатда юридик шахслардан бири қўшиб олинган юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларининг эгаси бўлиб қолади. Бу майда корхоналарни улардан йирик корхона томонидан ютиб юборищда ҳам юз бериши мумкин.

3. **Бўлиниш.** Бир юридик шахс асосида икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар вужудга келади. Қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

4. **Ажралиб чиқиши.** Юридик шахс таркибидан унинг айрим тузилмалари алоҳида ажралиб чиқади ва улар асосида бир ёки бир нечта юридик шахслар ташкил этилади. Қайта ташкил этиш бу шаклиниг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, олдинги юридик шахс яшаб қолаверади, лекин у кесик ҳолда бўлади, зеро, янги ташкил бўлган ҳар бир юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир кисми ўтади.

5. **Бир шаклдан иккинчи шаклга айлантириш** — юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш демакдир. Масалан, масъулияти чекланган жамият акциядорлар жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативига айланиш ҳуқуқига эга. Коммандит ширкати тўлиқ ширкатга айланиши мумкин ва ҳ. к. Янгидан

ташкил топган юридик шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятлар топшириш ҳужжатига асосан ўтади.

Кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади (ФКнинг 49-моддаси).

Юридик шахсни тугатиш — бу юридик шахс фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектларига ўтказмаган ҳолда тўхтатиши ҳаракатлариdir.

Тугатиш ихтиёрий ва мажбурий бўлиши мумкин. Юридик шахс ташкил этилган фаолият муддатининг ўтиб бўлиши, унинг фаолият мақсадига эришилгани, устав мақсадларига эришиб бўлмаслиги ихтиёрий тугатишга асос бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) фаолият юритиши, низом мақсадларига зид фаолият ёки фаолиятнинг таъқиқланган турлари билан шуғулланиш, шунингдек, қонунни кўпол равишда бузган ҳолда фаолият юритиш мажбурий тугатишга асос бўлади.

Ночорлик (банкротлик) тугатишнинг махсус ҳолатига киради. Бундай тугатиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ юридик шахс қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин: — унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан, юридик шахснинг амал қилиш муддати тугатиши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказиши ҳақиқий эмас деб топганида;

— фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан таъқиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилган тақдирда ёхуд 6 ой мобайнида (савдо ва савдо-восита-чилик корхоналари эса 3 ой мобайнида) банк ҳисобварақлари

бўйича пул операциялари ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширгмаган ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичидаги низом фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, шунингдек, ФКда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатилишига вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин (ФКнинг 53-моддаси).

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки уни тугатишга вакил қилинган орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар беришлари керак, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахс тугатиш жараённида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўяди.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини (тутгатувчини) тайинлайдилар ҳамда ФКнинг 55-моддасига мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайдилар. Мазкур модданинг асосий мазмунини қуидагилар ташкил этади:

а) тугатиш комиссияси матбуот органларида юридик шахсни тугатиш ҳақида, шунингдек, кредиторлар берадиган талабларнинг тартиби ва муддатлари ҳақидаги хабарни босиб чиқарадилар. Бу муддат хабар эълон қилинганидан кейин икки ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас;

б) кредиторлар ўз талабларини тақдим этадиган муддат тугагач, тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек, уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

в) агар мазкур юридик шахснинг маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси суд қарорларини бажариш учун белгиланган тартибда юридик шахс мол-мулкини ким ошди савдоси орқали сотади;

т) тугатилаётган юридик шахс кредиторларига пул суммаларини тўлаш ФКнинг 56-моддасига мувофиқ навбат тартибида амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан сўнг тугатиш комиссия тугатиш балансини тузади. Тугатилаётган давлат корхонасининг мол-мулки ёки тугатилаётган муассасанинг пул маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг қолган қисмини ушбу корхона ёки муассасанинг мулк эгаси ҳисобидан қондириш тўғрисида судга дъяво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Кредиторлар талабларини қондиргандан кейин қоладиган молмулк унинг муассисларига (иштирокчиларига) топширилади.

Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади (ФКнинг 55-моддаси).

Тугатиш тўғрисидаги масала билан боғлиқ равишда юридик шахснинг начорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиш керак бўлади. Фуқаролик кодексининг 57-моддасида банкротликнинг қуйидаги таърифи келтирилган: «Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек, матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у начор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин».

Юридик шахснинг банкрот деб эътироф этилиши уни тугатилишига олиб келади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек, матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс кредиторлар билан биргаликда ўзининг банкротлигини эълон қилиши мумкин.

Суднинг юридик шахсни банкрот деб эътироф этиши ёки юридик шахснинг ўз банкротлигини эълон қилиш асослари, шунингдек, бундай юридик шахсни тугатиш тартиби қонунда белгиланади.

#### **4. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ҲАҚИҚИЙЛИК ШАРТЛАРИ**

Маълумки, ҳуқуқ субъектлари ўз фаолиятларини юридик фактлар, омиллар асосига қурадилар. Ҳуқуқ назариясига кўра эга юридик фактлар (омиллар) ҳаракатлар ва ҳодисаларга бўлинади.

Ҳаракатлар қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин. Юридик ишлар қонуний ҳаракатларнинг турларидан бирига киради. Улар маъмурӣ ишлар ва фуқаролик-хукуқий битимларга бўлинади.

Фуқаролик-хукуқий битимлари фуқаролик хукуқий муносабатларини вужудга келтирувчи асослардан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда улар ўртасидаги муомаланинг асосий шаклидир. Ўзмоҳиятига кўра, битим фуқаролик хукуқий муносабатлар мавжудлигининг универсал шакли ҳисобланади. Зеро, улар бошқа ҳеч қандай шаклда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 101-моддасига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахсларнинг хукуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар битимлар деб тан олиниади (ФКнинг 101-моддаси). Ашёни сотиб олиш, сотиш, хизмат кўрсатиш, ашёни вақтинча фойдаланиш учун топшириш, ҳадя қилиш ва шу каби ҳаракатлар битимлар мезонини ташкил этади.

Битим хоҳиш-ирода билан боғлиқ ҳаракатдан иборат, чунки у хукуқ субъектининг муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаришга интилишини ифодалайди. Хукуқ субъектининг бундай мақсади ички ирода деб аталади. Ички ирода ташқарида намоён бўладиган усуллар хоҳиш-истак билдириш (хоҳиш-иродани изҳор этиш) дейилади..

#### **Фуқаролик-хукуқий битимларнинг турлари:**

*1. Бир тарафлама, икки тарафлама ва кўп тарафлама битимлар.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 102-моддасига биноан «битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади».

Шартнома тузиш учун икки тарафнинг келишилган хоҳиши зарур бўлса, бу — икки тарафлама битим бўлади. Уч ёки ундан ортиқ тарафлар хоҳиши талаб қилинса — у кўп тарафлама битим ҳисобланади. Бироқ, битимларнинг аксарияти икки тарафлама ёки кўп тарафлама битимлар бўлади.

*2. Ҳақ бараварига ва текин битимлар.* Ҳақ бараварига битимда тарафлардан бири тўлов ёки бошқа муқобил таклиф олиши керак. Битимларнинг кўпчилиги ҳақ эвазига бўлади (олди-сотди, алмашиш). Ҳадя қилиш текин битимга мисол бўлиши мумкин.

*3. Реал ва консенсуал битимлар.* Тарафлар қандайдир ўзаро биргаликдаги ҳаракатни амалга оширишга келишувга эришган пайтдан бошлаб консенсуал битим тузилган ҳисобланади. Масалан, ашёни сотиб олишини таклиф қилаётган сотувчи билан уни

сотиб олишни ихтиёр қилган харидор ўртасида келишувга эришиш пайти. Ашёни (пулни) қўлдан-қўлга топшириш пайтидан реал битим тузилган ҳисобланади. Чунончи, ҳадя қилиш, қарз бериш ёки олиш, ашёни сақлаш.

4. *Шартли ва шартсиз битимлар*. Аксарият битимлар шартсиз тавсифга эга. Бу эса ушбу битимлар бўйича тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари олдиндан ҳеч қандай қўшимча шартлар билан келишиб олинмаганини билдиради. Агар тарафлар ҳукуқ ва мажбуриятларининг юзага келиши ёки тўхтатилиши қачон юз берishi номаълум бўлган ҳолатларга боғлиқ бўлса, бундай битим шартли битим ҳисобланади. Шартли битимлар кечиктириш шарти билан тузилган ва бекор бўлиш шарти билан тузилган битимларга бўлинади.

Агар тарафлар ҳукуқ ва бурчларининг келиб чиқишини юз берishi ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечиктириш шарти билан тузилган ҳисобланади. Агар тарафлар ҳукуқ ва бурчларининг бекор бўлишини юз берishi ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шарти билан тузилган битим ҳисобланади (ФКнинг 104-моддаси).

5. *Муддатсиз ва муддатли битимлар*. Муддатсиз битимда унинг кучга кириш пайти ва тўхтатилиш муддати белгиланмайди. Муддатли битимларда эса юқорида таъкидланган ҳар икки ҳолат акс этган бўлади. Муддатли битимлар шартли битимларга ўхшаб кетади. Бироқ, муддатли битим субъектлар ҳукуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши ва тўхтатилиш пайтини белгилар экан, уларни албатта, юз бериш керак бўлган ҳолатларга боғлиқ қилиб қўйса, шартли битим эса, мана шу ҳар икки пайтни юз берishi ёки бермаслиги номаълум ҳолатларга боғлиқ қилиб қўяди.

Кўрсатиб ўтилган битимлардан ташқари баъзан адабиётларда биржа битимлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу ажратишнинг моҳияти бундай битимларни имзолашнинг алоҳида тартиби ва уни амалга оширишнинг маҳсус шакли белгиланишидан иборат.

Битимнинг шакли — бу субъектларнинг эрки ва ўз хоҳиш-иродаларини ифодалаш услубидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида битимларнинг уч шакли назарда тутилган: оғзаки битимлар, оддий ёзма шаклда тузилган ва нотариал тасдиқланган битимлар (ФКнинг 105-моддаси).

Оғзаки битимлар шахс хоҳиш-иродасини оғзаки ифодалаш йўли билан тузилади. Фуқаролик кодексининг 106-моддасига му-

вофиқ, қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг кслишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин.

Жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

Сукут сақлашга асосланган битимлар оғзаки битимларга тенглаштирилади. Сўзсиз ҳаракатлар, шахснинг битим тузишга хоҳиш-иродасини ифодаловчи сўзсиз ҳаракатлар, имо-ишоралар, мимика йўли билан тузиладиган шартномалар. Бундай битимлар конклюдент битимлар деб аталади.

Битимнинг ёзма шакли ёзма ҳужжат кўринишида тузилади ва агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак (ФКнинг 107-моддаси).

Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсмиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Баъзан хатлар, телеграммалар телетайпрограммалар, телефоннограммалар, факслар ёки субъектлар ва улар хоҳиш-иродаларини ифодалайдиган бошқа ҳужжатлар билан айирбошлиш ҳам ёзма шаклда битим тузишга тенглаштирилади. Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт. Битимларнинг оддий ёзма шакли юридик шахслар ўртасида, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган

барча битимларни назарда тутади. Фақат фуқаролар ўртасида тузиладиган битимларга келсак, қонун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага, қонунда кўзда тутилган ҳолатларда эса битим суммасидан қатъи назар, барча битимларни ёзма рационаллаштириш вазифасини юклайди.

Харидорга бериладиган чек ёзма шаклдаги битимнинг энг оддий мисоли бўла олади.

Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди. Лекин ўзаро низо туғилганда, бу битимнинг тузилгани, мазмуни ва бажарилишини гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳукуқидан тарафларни маҳрум этади.

Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қиласлик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади (ФКнинг 109-моддаси).

**Нотариал тасдиқланган битимлар** ФКнинг 107-моддасига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳукуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзига қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Куйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан исталган бирининг талаби бўйича (ФКнинг 110-моддаси).

Битим қонуний кучга эга бўлиши учун у ҳақиқий бўлиши керак.

Битимларнинг ҳақиқийлиги шартлари:

- 1) мазмуни қонулар ва бошқа мөъёрий ҳужжатларга зид бўлмаган битимлар ҳақиқий деб эътироф этилади;
- 2) фақат муомала лаёқатига ва ҳукуқ лаёқатига тўлиқ эга бўлган фуқаролар ёки қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахслар битимларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин;
- 3) битимда қатнашаётган шахсларнинг хоҳиш-иродаси уларнинг ички иродасига мос бўлиши керак;
- 4) хоҳиш-ирода икки хил маъноли ва ноаниқ тушунчалар орқали билдирилмаслиги лозим;
- 5) битимни тузган шахснинг хоҳиш-иродаси зўравонлик, қарамлик ва алдаш, кўрқитиши ёки мажбуrlаш кўринишидаги (руҳий ёки жисмоний) тазийк шаклларидан ҳоли бўлиши керак;

6) битим алдов таъсири остида, яъни бир тарафнинг бошқа тараф ёки шу битимни тузишдан манфаатдор шахс томонидан атайлаб адаштириш асосида тузилмаслиги даркор;

7) битим қонунда назарда тутилган шаклда тузилиши керак.

Кўрсатиб ўтилган шартларнинг бирортасига риоя этмаслик битимни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлади. Тан олиниши учун суд қарори керак бўладиган битимлар баҳсли (**низоли**) битим дейилади. Ҳақиқий эмаслиги суд орқали тасдиқлалиши талаб этилмайдиган битим **аҳамиятсиз** битим, бўлади. Фақат номигагина, тегишли хукуқий оқибатлар учун асос яратиш мақсадини кўзламай тузилган битимлар қалбаки битим деб аталади. Бошқа битимни яшириш мақсадида амалга оширилган битим кўзбўямачилик битими дейилади. Барча қалбаки битимлар **аҳамиятсиз** битимлар ҳисобланади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган балоғатга етмаган шахс билан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги низоли деб ҳисобланади, яъни унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари даъвоси билан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб тан олиниши керак (ФКнинг 118-моддаси). Муомала лаёқати суд томонидан чекланган фуқаро билан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳам худди шу йўл билан эътироф этилади (ФКнинг 120-моддаси). Бундай ҳолатда битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳомий даъвоси бўйича тан олинади.

**Фуқаролик қонунчилигида асоратга солувчи битим деб аталаған тушунча учрайди, яъни жуда оғир ҳолатлар оқибатида ўзи учун фоят ноқулай шартларга кўнишга мажбур бўлган шахс тузилган битим учраб туради. Агар бошқа тараф бундай вазиятдан ўз манфаатлари йўлида, яъни масалан, бойиб қолиш ёки муайян фойдага эга бўлиш мақсадида фойдаланган бўлса, бундай битим суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.**

Битимни ҳақиқий эмас, деб топиш пайтида тарафлар битим тузишдан олдинги ҳолатга қайтишлари керак. Бундай тадбир **реституция** деб аталади. У икки тарафлама (ҳар бир тараф битим натижасида сотиб олган мол-мулкини бошқасига қайтарадиган ёки унинг қийматини тўлайдиган ҳолат) ва бир тарафлама (агар суд битимнинг ҳақиқий эмаслигига бир тараф айбор деб топса) бўлиши мумкин. Бир тарафлама реституция натижасида жабрланган томонга мол-мулк қайтарилади, айбор томондан эса мол-мулк давлат фойдасига тортиб олинади. Агар ҳар икки тараф мол-мулки давлат фойдасига тортиб олинадиган бўлса, реституция қўлланилмайди.

Битим ҳақиқий эмас, деб չытироф, этилган пайтда жабрланған томон күрган заарларини үздиріб бериш-қоплашни талаб қылиши мүмкін. Битимни ҳақиқий эмаслыгини исботлашнинг бутун оғирлиги шу битимни ҳақиқий эмас, деб топишни талаб қылаётган томонга тушади.

## 5. МУЛК ҲУҚУҚИННИГ МАЗМУНИ, ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА БЕКОР БҮЛИШ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида шахснинг ашёга (мулкка) муносабатини тартибга солувчи меъёрларга алоҳида аҳамият берилади. Ушбу муносабатлар ҳамиша фаол ва тезкор характерга эга бўлади. У ашёга нисбатан юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг муайян ҳажмига эга бўлган, яъни қонуний ҳуқуқли субъектнинг ўз манфаатларини қондириш мақсадида ашёга бевосита таъсири билан боғлиқ. У ёки бу ашё шу субъектнинг хўжалик ҳукмронлиги доирасида бўлади. Қонуний ҳуқуқли субъектнинг (ўз эгалитида бўлган ёки шунингдек, унинг мулки бўлмаган) ашёга нисбатан айнан шундай фаол муносабати мулк ҳуқуқининг ва ашёвий ҳуқуқнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 165-моддаси мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларига хўжалик юритиш ҳуқуқи ва тезкор бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдириладиган ер участкаларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; бегона ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи — сервис тутлар ҳамда мулкдор бўлмаган шахсларнинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини киритади. Мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари қонунбузарлардан ФКнинг 232-моддасида кўзда тутилган тартибда ҳимоя қилинади<sup>1</sup>.

Мулк ҳуқуқи мулкдор бўлган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларига киради. Мулк — у ёки бу моддий неъматлар (ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки ўзлаштириш)нинг мансублиги бўйича кишилар ўргасида мулкий муносабатларни тавсифловчи иқтисодий категорияидир.

Мулк ҳуқуқи — ўз эгасига унга тегишли мулкка иисбати эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича ваколатлар беरувчи ашёвий ҳуқуқдир.

Мулк ҳуқуқи мазмуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида баён этилган. Шу модданинг ўзида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 1996., 103-бет.

мулк ҳуқуқининг муддатсиз эканлиги таъкиданади. Ушбу моддага мувофиқ мулк ҳуқуқи уч таркибий қисм: 1) мулкка эгалик қилиш; 2) ундан фойдаланиш; 3) мулкни тасарруф этиш ҳукуқидан иборат.

**Эгалик қилиш ҳуқуқи** — бу амалда ашёга эга бўлиш, унга бевосита таъсири ўтказиш имконияти (ушлаб кўриш, ҳис этиш, гараждаги сенинг автомобилинг, сен ўз квартирангда ўтирибсан, ҳис-туйғулари ва ҳ.к.). Бунинг устига эгалик ҳуқуқи мулкдорни ўз ашёси билан бевосита алоқада бўлишини талаб қилмайди. Масалан, дам олишга кетар экан мулкдор ўзи қолдириб кетаётган мулкнинг, қолдирилган квартиранинг эгаси бўлиб қолаверади. Мулкка эгалик қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар ёки тарафлар келишувига биноан вужудга келадиган эгалик қонуний эгалик ҳисобланади. Буюмга берилган чек, кафолат талони, олди-сотди бўйича ёзма шартнома ва бошқа ҳужжатлар ашёнинг қонуний сотиб олинганини тасдиқловчи асос бўлиши мумкин.

Етарли ҳуқуқий асосларсиз ашёни эгаллаш **ноқонуний эгалик ҳисобланади**. Ҳужжатларни тегишли равишда расмийлаштирилмасдан ашёни сотиб олиш, мулкни маҳфий ёки ошкора ўғирлаб олиш, уй ёки квартирага ўзбошимчалик билан кириб олиш (эгаллаш) ва ҳ. к. ноқонуний эгаликка киради. Ноқонуний эгаллаш инсофли (ҳалол) ва инсофсиз бўлиши мумкин.

**Мол-мулкни ўзига ноқонуний ўтказилганлигини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган шахс мулкнинг инсофли эгалловчиси дебтан олинади.**

Мол-мулкни ўзига ноқонуний ўтказилганлигини билган ёки билиши керак бўлган шахс мулкнинг инсофсиз эгалловчиси ҳисобланади. Эгалик ҳуқуқи мулкдордан мулкдор бўлмаган шахсга ўтиши мумкин (масалан, ашёларни сақлаш камерасига топшириш). Бунда мазкур ҳуқуқни топшираётган шахс ашёнинг мулкдори бўлиб қолаверади.

**Фойдаланиш ҳуқуқи** — бу ашёлар воситасида у ёки бу эҳтиёжларни қондириш, ашёдан унинг фойдали хусусиятларини ҳамда даромадини олиш ҳуқуқидир. Эгалик ҳуқуқи сингари фойдаланиш ҳуқуқи ҳам мулкдор бўлмаган шахс томонидан масалан, ижара шартномаси бўйича топширилиши мумкин (ФКнинг 535-моддаси).

Тасарруф этиш ҳуқуқи юридик ҳужжатлар асосида ашёнинг тақдирини тасарруф этиш йўлидаги қонуний ҳуқуқлиликдан

фойдаланиш бўлиб ифодаланади.] Тасарруф этиш хукуқини амалга ошиаркан, мулкдор ашёни ўзидан бегоналаштириши (сотиши, ҳадя қилиши, мерос бўйича топшириши ва ҳ. к.) ёки ижарага топшириши, хуллас, то ашёни йўқ қилиб ташлашгача, яъни юридик ҳолатини ўзгартиришгача бориши мумкин.

Учала қонуний хукуқлиликнинг моҳияти шундаки, мулкдор мутлақо ўз ихтиёри асосида мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, шунингдек, ўз мулкига нисбатан қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишга ҳақлидир.

Лекин, шунга қарамай, мулкдорнинг ўзига тегишли ашёга нисбатан ҳокимияти чексиз-чегарасиз эмас. Мулк хукуқини амалга ошириш бошқа кишиларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Мулкдор ўз хукуқини амалга оширишда фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олувчи чораларни кўришга мажбур (ФКнинг 172-моддаси).

||Ўзбекистон Республикаси қонулларига мувофиқ мамлакатимизда мулкнинг ҳар қандай шакллари ҳимоя қилинади. Фуқаролик кодексининг 167-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади. Бунда Фуқаролик кодексининг 213-моддасига баён қилинганидек, республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалардан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.||

Бошланоқ қайд этиш керакки, «мулк шакли» тушунчаси юридик эмас, балки иқтисодий категориядир. Бироқ, ҳар бир мулк шакли ўзига мос мулк хукуқининг пайдо бўлишига сабаб бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, муниципал тузилмалар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) оммавий (давлат) ва муниципал мулк субъектлари ҳисобланади. Фуқаролар ва нодавлат юридик шахслар хусусий мулк субъектларидир.

|| Мулк хукуқи асосида мулк бир эмас, икки ва ундан ортиқ шахсларга мансуб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мулкка нисбатан умумий мулк хукуқи вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216-моддасига мувофиқ «мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк хукуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин».||

Умумий мулк турли хил асосларда вужудга келади. Масалан, никоҳда турган шахсларга нисбатан юзага келиши мумкин. Бир-

галикдаги харид натижасида, мулкни мерос қилиб қолдириш ва бошқа асосларда ҳам умумий мулк пайдо бўлади।

Умумий улушли мулк ё қонун кучи билан ёки тарафлар келишишви бўйича белгиланади. Бу, умумий мулк мулкдорлар сонига мутганосиб равишда улушларга бўлинади, деган маънони билдиради. Улушлар ҳажми умумий мулкка ҳар бир мулкдор қўшган ҳиссасининг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда ёки қонун бўйича белгиланади. Агар қонун улушлар ҳажмини белгиламайдиган ва тарафлар ҳар бир мулкдор улуси ҳажмини олдиндан келишиб олган бўлмасалар, унда мулк баравар улушларда бўлинади. Бундай ҳолларда умумий мулк иштирокчилари сонининг ўзгаришига боғлиқ равишда улущ ҳажми ортиб ёки камайиб бориши мумкин (ФКнинг 217-моддаси).

ФКнинг 218-моддасига биноан, ҳар бир улушли мулк иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушкини сотишга, совға қилишга, васијат қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга, улушки ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ушбу Кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади. 224-моддада эса мулкдорлардан бири ўз улушкини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушкини у сотиладиган нархда ва бошқа шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳукуқига эгадирлар, ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно, дейилган.

Умумий мулкдаги улушкини сотувчи иштирокчи бу ҳақда умумий мулкнинг қолган иштирокчиларини ёзма равишда хабардор қилиб, улушнинг нархини ва уни.сотишнинг бошқа шартларини кўрсатишга мажбур. Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳукуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳукуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса, ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушкини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади (ФКнинг 224-моддаси). Агар умумий мулк улушкини сотиш чоғида сотувчи имтиёзли сотиб олиш қоидасини бузган бўлса, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида харидорнинг қилган ҳаракатидан норози бўлиб, унга ўтказилган ҳукуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

**Биргаликдаги мулк.** Бунда биргаликдаги мулк иштирокчилари мулкдорлари улушларини аниқламаган ҳолда биргаликда эгалик қиладилар ва фойдаланадилар. Эр-хотинлар мулки ва деҳқон,

фермер хўжалиги мулки шундай мулк ҳисобланади. Биргаликдаги мулк иштирокчилари ўзаро келишган ҳолда биргаликда эгалик қиласидар, фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар. Биргаликдаги мулкнинг ҳар бир иштирокчиси, агар иштирокчиларнинг келишувидан бошқача тартиб англашилмаса, умумий мол-мулкни тасарруф этиш хусусида битимлар тузишга ҳақли.

Бироқ, биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бири тузган умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим уни тузган иштирокчининг зарур ваколатлари йўқлиги сабабли, битимдаги иккинчи тараф буни билган ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган тақдирдагина қолган иштирокчиларнинг талабига мувофиқ ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин (ФКнинг 225-моддаси).|

Умумий мулк иштирокчисининг улушкини ажратишга фақат унинг иштирокчилар таркибидан чиқиш чоғида мулкни барча иштирокчилар ўртасида баравар улушларга бўлган ҳолда йўл кўйилади (ФКнинг 226-моддаси).

| Қонун мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва мулкни тасарруф этиш билан боғлайдиган қонуний ҳукуқлилик бошланниши билан боғлайдиган юридик фактлар мулк ҳукуқини эгаллаш учун асослар ҳисобланади.| Улар: меҳнат фаолияти, мол-мулқдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳукуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослардан иборат (ФКнинг 182-моддаси).

Адабиётларда мулк ҳукуқининг вужудга келиш асосларини бошлангич ва ҳосила асосларга бўлиш одати қабул қилинган.

| Мулк ҳукуқи вужудга келишининг бошлангич (дастлабки) усуллари олдинги мулкдор ҳукуqlарига боғлиқ бўлмайди. Мулк ҳукуқи ё илк бор ёки ашёнинг олдинги эгаси хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади. Ўзбекистон қонун ҳужжатлари мулк ҳукуқини эгаллашнинг шундай усуллари қаторига қўйидагиларни киритади: 1) мулкни яратиш ва кўпайтириш (ФКнинг 183-моддаси); 2) кўчар ва кўчмас мулкка очик (ошкора) узоқ ва узлуксиз эгалик қилиш (эгаллаш муддати) натижасида мулкни эгаллаш (ФКнинг 187-моддаси); 3) ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш (ФКнинг 189-моддаси); 4) эгасиз ашёлар, топилма, қаровсиз ҳайвонлар ва

хазинага мулк ҳуқуқини эгаллаш (ФКнинг 191, 192, 193, 194, 195, 196-моддалари).

Мулк ҳуқуқи вужудга келишининг ҳосила усуllibарни шу билан фарқ қиласиди, янги мулкдор ҳуқуқи олдинги мулкдор ҳуқуқига асосланади, яъни унинг хоҳиш-иродаси бўйича вужудга келади. Бундай ҳолларда мулк ҳуқуқи, одатда, шартнома асосида (олди-сотди, алмашиш, ҳадя қилиш ва ҳ. к. бўйича шартномалар бўйича) ва мулкни мерос қилиб қолдириш тартиби асосида вужудга келади. Бундан ташқари, Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг ҳосила усуllibарига куйидагилар киради:

1. Национализация, (миллийлаштириш) фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли национализация қилинаётган мол-мulkка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказишдан иборат.

Мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар (ФКнинг 202-моддаси).

Шуни таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқини қўлга киритишнинг бу усули (афтидан узоқ давом этган анъанага кўра) Фуқаролик кодексидаги мулк ҳуқуқини ҳосила усул билан қўлга киритилган мулк ҳуқуқи рўхатида биринчи ўринга қўйилган. Ваҳоланки, ҳозирги вақтдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар бу усулининг эндиликда камдан-кам учрашини тақозо этади. Умуман олгаҳда эса, мазкур қонун ҳужжатига мувофиқ национализация мулк ҳуқуқининг ҳақ тўлаш билан ўтишини назарда тутади. Бу национализация тадбирини мулкни сотиб олишiga жуда яқин қилиб қўяди.

2. Хусусийлаштириш — национализацияга қарама-қарши жараён, яъни давлат (республика ёки муниципал) мулкини фуқаролар ва юридик шахсларга маҳсус ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда топширишdir.

3. Реквизиция қуйидагиларни кўзда тутади: Табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкининг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин (реквизиция).

Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинганд мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 203-моддаси).

| Мусодара — бу маъмурий ҳукуқбузарлик ёки жиноят учун, шунингдек фуқаролик-ҳукуқий меъёрларига риоя этмаганлик учун суд қарорига биноан жазо сифатида ҳақ тўламай мулкни олиб қўйишdir (ФКнинг 201-моддаси).

**Мулк ҳукуқининг бекор бўлиши.** Мулк ҳукуқини вужудга келишининг барча бошланғич усуллари мулкни бир шахсдан бошқасига ўтказиш фактидан келиб чиқади. Бу — бир шахсда мулк ҳукуқининг вужудга келиши учун у бошқа шахсда бекор бўлиши кераклигини англатади. Худди шунинг учун ҳам мулк ҳукуқини эгаллашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган усуллари бир вақтнинг ўзида бошқа шахс томонидан ўз мулкининг ихтиёрий ёки мажбурий топширилиши натижасида унинг мулк ҳукуқининг бекор бўлишига асос бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 197-моддасида шундай баён қилинади: «Мулк ҳукуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек, мулк ҳукуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади».

**Мулк ҳукуқини муҳофаза этиш усуллари.** Фуқаролик ҳукуқи мулкдорни бошқа шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилади. Бундай ҳаракатлар ашё мулкдор ихтиёридан унинг иродасига хилоф равишда чиқиб кетаётган вазиятда ўз ифодасини топиши мумкин. Масалан, ўғирлаш, талон-торож қилиш, товламачилик йўли билан ашёни олиб қўйиш ҳолларида. Мазкур ҳолатда мулкдорнинг поймол этилган ҳукуқи суд тартибида виндикация (ҳимоя) даъвоси ёрдамида тикланади. Виндикация даъвоси — бу мулкдорнинг ўз мол-мулкини бошқа ҳар қандай шахснинг қонунсиз эгалигидан қайтаришни суд орқали талаб қилиб олиш ҳукуқи (ФКнинг 228-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 231-моддасига кўра, мулкдор ўз ҳукуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилиш ҳукуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).

Мазкур ҳар икки даъво ашёвий-хуқуқий моҳиятга эга бўлиб, бизнинг назаримизда, уларга батафсилроқ тўхталиш ўринли бўларди.

Виндикация даъвоси — бу ўз мулкидан маҳрум бўлган мулкдорнинг шу мулкка қонунсиз эгалик қилиб турган мулкдор бўлмаган шахсдан мол-мулкини асл ҳолида қайтаришни талаб қилиб олишидир. Ўз мулкидан маҳрум бўлган мулкдор ёки шу мулкка нисбатан ашёвий хуқуққа эга бўлган бошқа шахс мазкур даъво бўйича даъвогар деб ҳисобланади. Мол-мулкни қонунсиз инсофли (ФКнинг 229-моддаси) ёки инсофсиз эгалловчи (ФКнинг 230-моддаси) жавобгар бўлиб майдонга чиқади. Боз устига бунда даъво билан чиқиш чоғида мол-мулкни амалда эгаллаб турган шахс жавобгар бўлиши мумкин. Агар мулкдор ўз хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мол-мулкка эгалик хуқуқини йўқотган бўлса виндикация даъвоси билан чиқиласди. Виндикация даъвоси билан чиқиш учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

- талаб қилинаётган мулк амалда бошқа шахснинг эгалигида бўлиши керак;
- фақат бошқасига алмаштириб бўлмайдиган ашёлар ва турга хос аломатлари бўлган ашёлар даъво предмети бўлиши мумкин;
- мулкдор маҳрум бўлган мулк ўзининг асосий хусусиятларини ва сифат белгиларини йўқотмаган бўлиши лозим;
- мулкига эга бўлмаган мулкдор ва уни қонунсиз эгалловчи шахс даъво қилинаётган мол-мулк бўйича бир-бирлари билан шартнома ёки бошқа мажбуриятли хуқуқий муносабат билан боғланмаган бўлишлари керак.

Виндикация даъвосини қондиришда тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилиши керак. Даъвогар мол-мулкни асли ҳолида қайтариш билан бирга, агар жавобгар шу мол-мулкни инсофсиз эгаллаб турган бўлса, ундан мол-мулкка эгалик қилган бутун вақти давомида олган фойдалари (ҳосил - дарахтлар)ни қайтаришни ёки тўлашни талаб қилиши мумкин. Қонунсиз инсофли эгалловчи эса, мол-мулк эгасига бу шахс ё ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни (ҳосил-дарахтларни) қайтариши керак бўлади. Айни пайтда инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни

тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли ва шу кабилар. Бундан ташқари инсофли эгалловчи мол-мулк сифат белгиларининг яхши-лайдиган нарсаларни башарти мулкка зарар етказмай ажратиб олиш имкони бўлса, бу нарсаларни ўзида қолдириши мумкин ёки акс ҳолда шу мақсадга сарфланган харажатларни тўлашни талаб қилиши мумкин (ФКнинг 230-моддаси).

| Негатор даъво — 231-модда мазмунидан келиб чиқишича, ўз мулкига эгалик қилаётган мулкдорнинг шу мулкдан фойдаланиши ва уни тасаруф этишдаги қонуний хукуқларини амалга оширишдаги тўсқинликларни бартараф этиш талабидир. Мол-мулкнинг амалдаги ва қонуний эгаси бўлган, лекин ундан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган шахс ёки кўрсатиб ўтилган қонуний хукуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилинаётган шахс негатор даъвоси бўйича даъвогар ҳисобланади. Ўзининг ғайри хукуқий хатти-ҳаракатлари билан мулкдорнинг ўз қонуний асосда фойдаланиш хукуқини тўла амалга оширишига имкон бермаётган шахс негатор даъво бўйича жавобгар бўлади. |

Ер участкаси бўйича қўшнилардан бирининг ноқонуний кирдикорлари (ўтиш жойларини тўсиб қўядиган материаллар омборини ташкил қилиш, уйни қўшни участкасига зич қилиб куриш, ўз участкасини ҳаддан ташқари баланд қилиб ўраш ва ҳ. к.) бундай вазиятга типик мисол бўла олади. Жавобгарнинг ҳаракатлари ёки фаолиятсизлиги ноқонунийлигини исботлаш даъвогар мажбуриятига кирмайди. Агар жавобгар тескарисини исботлай олмаса, унинг ҳаракатлари ноқонуний ҳисобланади. Агар жавобгар ўз ҳаракатларининг қонунийлигини исботлайдиган бўлса, негатор даъво қондирилмайди.

| Мажбурият хукуқининг мазмуни ашёвий хукуқларнинг бир шахсдан бошқасига ўтиши билан боғлиқ фуқаролик хукуқий муносабатлардан иборат. | «Агар ашёвий хукуқ муайян шахсга бириктирилган мулкнинг аҳволини қайд этадиган бўлса, мажбурият хукуқи эса, мулкнинг ҳаракати ва қайта тақсимланиши жараёнини мувофиқлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, ашёвий хукуқ турғунлик ҳолатидаги мулкий муносабатларни, мажбурият хукуқи эса шу мулкий муносабатларнинг жўшқин ҳолатини ифодалайди». |

Мажбурият хукуқининг асосида мажбурият тушунчаси ётади. Мажбурият — фуқаролик-хукуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян

<sup>1</sup> Карап: Макаренко С.Н., Байлов А.В. Правоведенис. М., 1999., 115-бет.

ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мulkни топшириши, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса, қарздордан ўзини ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш хукуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФҚда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади (ФКнинг 234-моддаси).

Шу тариқа мажбуриятда икки тараф — қарздор ва кредитор қатнашади. Қарздор ва кредитор — мажбурият хукуқи субъектлари бўлиб, улар моддий бойликларни топшириш, товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ва шу каби мулкий муомала соҳасида қатнашаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг муайян доирасини аниқлашга хизмат қиласди. Қарздор томонида ҳам, худди шунингдек, кредитор томонидан ҳам бир вақтнинг ўзида бир неча шахс иштирок этиши мумкин.

Қонун субъектив хукуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишини боғлайдиган юридик фактлар мажбуриятларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларига асосан мажбуриятлар:

- шартномалардан;
- етказилган зарар оқибатида;
- суд қарори асосида;
- фуқаролик қонунчилиги фуқаролик-хукуқий оқибатларнинг вужудга келиши билан боғлайдиган бошқа ҳаракатлар ва ҳодисалар натижасида келиб чиқиши мумкин.

Шартнома мажбуриятларнинг вужудга келиши учун энг кенг тарқалган ва муҳим асослардан бири ҳисобланади. Мажбуриятлар кўпинча олди-сотди, ижара, айрибошлиш, пуррат ва шу кабилар бўйича шартномалардан иборат бўлади. Барча шартномалар охир-оқибатда ягона бир вазифага эга мулкий муомалани ташкил этиш шакли бўлиб хизмат қиласди.

Мажбуриятларнинг шартномасиз вужудга келиш шакллари ҳам анча кенг тарқалган. Масалан, етказилган зарар оқибатидаги мажбурият фуқаролар, ташкилотларнинг зарар етказилишига олиб келган онгли ёки ихтиёrsиз ҳаракатлари оқибатида пайдо бўлади. Жисмоний шахс саломатлиги, ҳаёти ёки мулкига зарар етказган шахс бундай зарарни тўла ҳажмда тўлаши керак. Маънавий зарар ҳам тўланиши керак бўлган зарарлар қаторига

киради. Унинг ҳажми суд томонидан заарар келтирилган конкрет шарт-шароитларни назарда тутган ҳолда аниқланади.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг маъмурий ҳужжатлари ҳам мажбуриятларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин. Мисол учун, маҳаллий маъмуриятнинг фуқарога турар-жой бериш ҳақидаги қарор муниципал ижараби фуқаро билан ижарага берувчи — муниципал уй эгаси ўртасидаги турар-жой мажбуриятларининг келиб чиқишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Мажбурият ҳуқуқининг муҳим қисмларидан бири мажбуриятларнинг ижросини талаб этишдан иборат бўлиб, у тегишли ва қатъий бажаришни талаб этишдан иборат бўлиши мумкин.

Бурчли шахс томонидан кредитор олдидаги мажбуриятни шартнома, қонун ёки иш муомаласи одатларидан келиб чиқувчи белгиланган муддатда ва белгиланган жойда бажарган ҳаракатлари лозим даражада бажариш деб эътироф этилади.

Мажбур шахснинг шартномада белгиланган шартларни бузган ҳолда бажариши лозим даражада бажарилмаган деб аталади (Тегишли равишда бажарилмаган мажбуриятни мажбур шахснинг қабул қилган мажбуриятлари бўйича амалдаги фаoliyatcizligini билдирувчи мажбуриятларни бажармасликдан фарқлаш лозим).

**Реал суратда бажариш** қарздорнинг айнан мажбурият мазмани ташкил этувчи ҳаракатни ушбу мажбуриятни етказилган зарарни қоплаш ёки жаримани тўлаш кўринишида пул билан алмаштирган ҳолда амалга оширишни назарда тутади. Умуман, мажбуриятларнинг қатъий ва тегишли равишда бажаришларга бўлиниши кўп жиҳатдан шартли тавсифга эга. Чунки мажбуриятни реал амалга оширмай туриб, уни тегишли равишда ижро этиб бўлмайди.

Мажбуриятларнинг бажарилиши кредиторларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган ҳоллар ҳам маълум. Бундай вазиятда мажбуриятларни муқобил тарзда бажариш ҳақида сўз кетади (ФКнинг 256-моддаси). Масалан, олди-сотди шартномасига кўра, сотувчининг ашёни харидорга мулк сифатида топшириш мажбуриятини бажариши харидорнинг ҳам бунинг учун муайян миқдордаги пулни тўлаши билан боғлиқ.

Мажбуриятларнинг барқарорлиги, агар қонунда ёки мазкур шартноманинг ўзида бошқача тартибни кўзда тутмаган бўлмаса, бирон-бир тарафнинг ўзича бир томонлама тартибда шартнома шартларини ўзgartiriшга ҳақли эмаслиги билан таъминланади.

Шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қуидаги ҳоллардагина рухсат этилган: мажбуриятларнинг муқобил тарафдан бажарилишининг кечиктирилиши; мажбуриятларни бажариш муддати ўтиб кетганда; тарафлардан бири томонидан шартнома шартлари жиддий бузилган тақдирда.

Қарздор ўз мажбуриятларини турлича йўл билан, бир йўла (бутунича) ёки бўлиб-бўлиб бажариши мумкин. Агар тарафлар мажбуриятни бажариш усулини олдиндан келишиб олмаган бўлсалар, кредитор мажбуриятни бўлиб-бўлиб бажарилишини қабул қиласлик ҳамда қарздордан уни тўла ҳажмда бажаришни талаб қилишга ҳақлидир. Айрим ҳолларда қарздор мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахсга топшириши мумкин (ФКнинг 240-моддаси). Масалан, етказиб бериш шартномаси бўйича мажбуриятини қарздор юкни ташиб берувчи зиммасига юклайди. Бундай ҳолатда шартнома икки томонлама тузилганича қолаверади. Зоро, юк ташувчи мажбуриятдаги тарафлардан бири бўлолмайди. Шунинг учун агар мажбуриятнинг бажарилиш шарти юк ташувчи айби билан бузиладиган бўлса, кредитор ўз эътирозини юк ташувчига эмас, қарздорга йўналтиради.

Мабодо, кредитор юзага келган вазият тақозоси билан мажбуриятнинг бажарилишини шахсан қабул қилиб ола олмаса, мажбурият кимнинг олдида бажарилиши шарт бўлса - ўша шахсни белгилаб беришга ҳақлидир. Буни ижро манзилини ўзгартириш дейилади. Ушбу ҳолатда қарздор ўз мажбуриятларини ижросини ё кредитор томонидан ёки бунга қонуний вакил қилинган шахс томонидан қабул қилинишини исботлов-далилни талаб қилиш хуқуқига эга. Зоро, агар қарздор бунга ишонч ҳосил қилмай туриб, ўз мажбуриятини қабул қилишга қонуний вакил қилинмаган шахс олдида ижро этадиган бўлса, мажбурият бажарилмаган ҳисобланади, мажбуриятни қабул қилган шахсга нисбатан суд даъвоси қондирилмайди.

**Мажбуриятнинг бажарилиш муддати** шартномада кўзда тутилган бўлиши керак. Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб кўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса, ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти қунлик муддат ичида бажариши шарт (ФКнинг 242-моддаси).

Мажбуриятнинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги уни кечиктириш деб аталади. Мажбуриятни муқобил тарзда бажаришда қарзлор ҳам, кредитор ҳам бажарин муддатини кечиктиришга йўл қўйишлари мумкин.

Фақат муддатни ўтказиб юборишига эмас, балки мажбуриятни муддатидан илгари бажариш ҳам мажбуриятни бажариш муддатини бузишга киради. Мажбуриятни муддатидан олдин бажариш мумкинлиги шартномада белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 243-моддаси).

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда туттилган бўлмаса, мажбуриятни бажарини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажарига йўл қўйилмайди.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд қарздорга мажбуриятни бажарини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб бажарига имконини беришга ҳақли (ФКнинг 244-моддаси).

Мажбуриятни бажарига жойи, одатда, мажбуриятнинг ўзида ифодаланган бўлади. Агар мажбуриятни бажарига жойи қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёинки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилмаса, ижро қўйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

1) кўчмас мол-мulkни топшириш мажбуриятлари бўйича, мол-мulk турган жойда;

2) ташибни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мulkни топшириш мажбуриятлари бўйича, товарни кредиторга етказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида;

3) қарздорнинг товарни ёки бошқа мол-мulkни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича - мол-мulkни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиши пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса;

4) пул мажбурияти бўйича, мажбурият вужудга келган пайтида кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса, унинг мажбурият вужудга келган пайтида жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажарига вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган срини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса, ижро этиш жойи ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган срида;

5) бошқа барча мажбуриятлар бўйича, қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида (ФКнинг 246-моддаси).

## 6. ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

**Фуқаролик-хуқуқий шартнома** — бу икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик хуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгариши ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувиdir (ФКнинг 353-моддаси).

Мажбуриятларнинг кўпчилиги шартнома асосида вужудга келади. Шартномага нисбатан битим турдош тушунча ҳисобланади. Кенгроқ маънода олганда умуман ҳар қандай шартнома битим бўла олади. Лекин ҳар қандай битим ҳам шартнома бўлавермайди. Шунга мувофиқ равишда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ ФКнинг 9-бобида кўзда тутилган икки ва кўптомонлама битимлар ҳақидаги қоида шартномаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Шу тариқа битимлар, уларнинг бекор бўлиши, уларнинг ҳақиқийлик шартлари ва ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини тартибга солувчи фуқаролик-хуқуқий меъёрлари шартномаларга ҳам тегишли ҳисобланади. Бундан ташқари, битимларнинг турлари ва шакллари шартномаларнинг тур ва шаклларига мос келади. Бироқ, шуларга қарамай, фуқаролик-хуқуқий шартномалар ўзининг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларига ҳам эга.

**Фуқаролик-хуқуқий шартномалар** турлари битимлар турларига мос келади, лекин бундан ташқари, таснифи бўйича бошқа асосларга ҳам эга. Юридик йўналтирилганлигига қараб шартномалар асосий ва дастлабки шартномаларга бўлинади. Шартномаларнинг мутлақ кўпчилиги асосий шартномалар ҳисобланали. Улар бевосита тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради.

**Дастлабки шартнома** — тарафларнинг келажакда асосий шартномани тузиш бўйича келишувидан иборат. Дастлабки шартномани тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 361-моддасида белгиланган. Дастлабки шартномани тузар экан, тарафлар асосий шартнома предмети ва муҳим шартларини, шунингдек, унинг тузилиш муддатини белгилаб оладилар. Агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайтдан бошлаб тузилиши керак бўлади.

Тарафларнинг келишувини дастлабки шартномадан фарқлай билиш керак. Мақсадлар ҳақидаги келишув тарафларнинг бирон-бир ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқармайди ва демакки, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Учинчи шахслар фойдасига тузиладиган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 362-моддасида назарда тутилган. Тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб кўйган шартнома шундай шартнома деб эътироф этилади.

Шартномаларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 27-бобида белгилаб берилган. Шартнома тузиш учун тарафлардан бири бошқа томонга оферта деб аталацаган ёзма таклифни жўнатиши керак (ФКнинг 364, 367-моддалари). Офертани жўнатган тараф оферент деб аталади. Оферта шартноманинг муҳим шартларини акс эттириши ҳамда бир ёки бир неча муроян шахслар билан шартнома тузиш мақсадини ифодалаши лозим. Шартноманинг муҳим шартлари акс этмаган ва аниқ шахслар доирасига йўлланган таклифлар (масалан, реклама) ни оферта қилиш бўйича таклиф деб қараш керак.

Агар таклиф шартноманинг муҳим шартларини акс эттириб, розилик билдирувчи ҳар қандай шахс билан шартнома тузиш мақсадини ифодаласа, бундай таклиф оммавий оферта деб тан олинади (ФКнинг 369-моддаси). Масалан, дўкон пештахталарида нархлари кўрсатилиб жойлаштирилган буюмлар, бекатда тўхтаб турган жамоат транспорти ва ҳ.к.

Оферта (яъни, таклиф, шартнома лойиҳаси) бошқа тарафга икки нусхада жўнатилади. Агар офертани олган тараф шартнома шартларига рози бўлса, олинган нусхаларга имзо қўйиб, муҳир босади ва бир нусхани ўзига қолдириб, бошқасини оферентга жўнатади. Ушбу ҳаракат тўла ва писандасиз келишувни билдиради ва акцепт деб аталади (ФКнинг 364, 370-моддалари). Шартнома тузилишига розилик билдирган тараф акцептга дейилади. Офертани писандисиз қабул қилишдан ташқари ҳар қандай бошқа хатти-ҳаракат (масалан, шартномани фақат айрим аниқлашлар ва ўзгартиришлар билан тузишга розилик) акцепт бўлолмайди. Бундай жавоб рад этиш ва айни пайтда янги оферта деб эътироф этилади.

Агар офертада унга жавоб бериш муддати кўрсатилган бўлса-ю, шу муддатда жавоб олинмаса, битим тузилмаган ҳисобланади.

Жавоб бериш муддати белгилаб қўйилмаган офертага энг оқилюна вақт мобайнида розилик билдирилиши керак. Мабодо, акцепт ке-чикиб олинган тақдирда оферентда бу ҳодисани эътиборсиз қолдириб, шартноманинг тузилишига рози бўлиш ёки шартномани тузишдан бош тортишга ҳақи бор (ФКнинг 368-моддаси).

Қонунга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисидаги ёки акцептдан бош тортиши тўғрисидаги ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак (ФКнинг 377-моддаси). Келишмовчиликлар баённомаси шартнома лойиҳаси (оферта) билан бирга оферентга жўнатилади. Оферент 30 кун мобайнида ё акцептант таклиф этган ўзгартиришларни қабул қилиши ёки шартномани тузишдан бош тортиши ёхуд акцептант 30 кун мобайнида жавоб беришга мажбур бўлган ўз келишмовчиликлар баённомасини жўнатиши даркор. Келишмовчиликлар баённомаси рад этилган тақдирда барча низоли масалаларни қараб чиқиш учун судга оширилади (ФКнинг 377-моддаси).

Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаган тараф шу тифили етказилган заарларни бошқа тарафга тўлаши керак (ФКнинг 377-моддаси).

**Мажбуриятлар ижросини таъминлаш усуllibарига қўйидагилар** киради: неустойка, гаров, қарздор мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ва қонун ёки шартномада кўзда тутилган бошқа усуllibар (ФКнинг 259-моддаси).

**Неустойка** — қонун хужжатлари ёки шартнома билан белгилантган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир (ФКнинг 260-моддаси). Неустойка миқдори тўғридан-тўғри қонунда ёки шартномада кўрсатилади. Ҳатто асосий мажбурият оғзаки тузилган тақдирда ҳам неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши шарт (ФКнинг 262-моддаси).

Неустойка қўйидаги шаклларда бўлади:

1) **жарима** — қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тариқасида,

қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади (ФКнинг 261-моддаси).

2) пеня — қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади (ФКнинг 261-моддаси).

3) қонуний неустойка — кредитор шартномада кўзда тутилгани ёки тутилмаганидан қатъий назар талаб қилишга ҳақли бўлган неустойкалардир.

Неустойканни талабнома билдириш ва ёхуд даъво қилиш, яъни судга мурожаат этиш орқали, қарздор ҳисобидаги маблағларни ҳисобдан чиқариш орқали ундириб олиш мумкин.

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган хукуқни мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади (ФКнинг 264-моддаси). Мулк эгаси ёки мулк эгасининг розилиги билан мулкка нисбатан хўжалик юритиш хукуқига эга бўлган шахс гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаров билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси меъёrlари билан тартибга солинади (ФКнинг 264-289-моддалари).

Гаровнинг икки асосий тури мавжуд:

1) закалат, бунда гаровга қўйилган мулк гаровга оловчи ихтиёрига ўтади;

2) гаровга қўйилган нарсасини гаровга оловчига топширилмайдиган гаров (ФКнинг 269-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 265-моддасига мувофиқ гаров закалат, ипотека, шунингдек, хукуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга оловчига ўтказилганда гаров закалат деб ҳисобланади.

Қўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

Закалатда, агар шартномада кўзда тутилган бўлса, гаровга оловчи гаров нарсасидан фойдаланиши мумкин. Нарсаларни гаровга қўйиб, ломбарддан олинадиган қарзлар закалатнинг энг кенг тарқалган туридир. Мулкни гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга оловчи қолдирилган мулкни назорат қилиш хукуқига эга

бўлади ва гаровга қўйилган мулкни асрар чораларини кўришни гаровга қўювчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Гаровга қўйилиши мумкин бўлган мулкни қуидаги турларга бўлиш мумкин: қўчмас мулк гарови (ипотека); транспорт воситаарини гаровга қўйиш; муомаладаги товарлар гарови; қимматли қоғозларни гаровга қўйиш; мулкий хуқуқларни гаровга қўйиш; пул маблағларини гаровга қўйиш. Бунда қўчмас мулк ва муомаладаги маблағлар гаровга топширилмайди.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисида шартнома, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган хуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт (ФКнинг 271-моддаси).

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мулкларга тааллуқли битимларни рўйхатга олиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Гаров тўғрисидаги шартномага гаров предмети ва унинг қиймати, шунингдек, гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг ҳажми ва бажариш муддати кўрсатилган бўлиши керак.

Мажбуриятни бажаришни таъминлаш усули сифатида ушлаб қолиш «қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишига ҳақли» лигидан иборат (ФКнинг 290-моддаси).

Қабул қилиб олувчи юкни ташиб берганлик учун тўланиши керак бўлган ҳақни тўлашдан бош тортган ёки ўзини олиб қочганда юк тащувчи юкни бермай қўйиши ушлаб қолишга мисол бўла олади. Мулкни ушлаб қолиш гаров билан кўпгина умумий хусусиятларга эга. Қатор ҳолларда ушлаб қолиш гаровга айланниб кетади. Ушлаб қолишнинг фарқи шундаки, мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмагани амалдаги факт сифатида кўриниб қолгандан кейингина уни қўлланилади, гаров ҳақидаги шартнома эса мажбурият бажарилишидан олдин тузилади. Мажбурият бажарилмаган ҳолларда мулкни ушлаб турган кредитор

манфаатлари гаровга қўйилган мулк учун кўзда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Кафиллик бу шундай келишув бўлиб, унга кўра, кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қиласлика кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади (ФКнинг 292-моддаси).

Кафил ва у кафил бўлган қарздор кредитор олдида солидар жавобгарлик ҳисобланишади. Кредитор томонидан кафил олдига талаблар қўйилганда кафиллик берувчи бунга қарздорни аралаштирумagan ҳолда ўз ихтиёрича ҳаракат қилишга ҳақлидир.

Мажбуриятнинг ўзига тегишли қисмини бажарган кафил бажарилган қисм бўйича чиқимларни қоплашни талаб этиши мумкин. Мажбуриятни тўлиқ бажарган кафилга кредитор ҳукуқлари ўтади. Бу ҳукуқ унга мажбуриятларни бажариш учун сарф бўлган харажатларни тўлиқ қоплашни қарздордан талаб қилиш имконини беради. Бундан ташқари, қарздорга мажбуриятни бажаришда кўмаклашар экан, кафил шу жараёнда сарфланган харажатларнига эмас, балки қарздордан мажбуриятни бажариш билан боғлиқ бошқа зарарларни ҳам тўлашни талаб қилишга ҳақли. У шунингдек, кредиторга тўланган сумма бўйича фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳам ҳақлидир (ФКнинг 295-моддаси).

Қарздор кафиллик билан таъминланганида мажбуриятни ўзи бажариши лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 296-моддасига мувофиқ кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилни дарҳол хабардор қилиш шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинганни кредитордан ундириб олишга ёки қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли. Регресс талаб қўйилган тақдирда қарздор асоссиз олинганинига кредитордан ундириб олишга ҳақли.

**Кафолат.** Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки сугурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал) нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул

суммасини тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (ФКнинг 292-моддаси).

Кафолат шартномаси сувурта шартномасига ўхшаб кетади. Уларнинг фарқи шундаки, кафолат мажбуриятни бажаришни таъминлаш усули бўлиб хизмат қилади. Чунки, мажбурият ба-жарилмаган тақдирда қарздор-принципал бенефициарга тўланган суммани кафилга тўлашга мажбур бўлади. Ўзбекистон Рес-публикаси Фуқаролик кодексининг 299-310-моддалари кафо-латга бағищланган.

Шартнома тузатётган тарафлардан бири шартнома тузилганлиги-ни исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган тулумумни тузилганлигидан саломланаши (ФКнинг 311-моддаси).

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида закалат фақат жисмоний шахслар ўртасидаги битимларда қўл-ланилади. Закалат суммасидан қатъий назар, закалат ҳақидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя этилмаган ҳолатларда закалат берувчи топширган сумма аванс (ширинкома, бўнак) сифатда қаралади ва бинобарин, закалат ҳақидаги келишув билан боғлиқ ҳеч қандай юридик оқибатларга олиб келмайди.

Закалат учта вазифани бажаради - тўлов вазифасини (мулк қийматининг бир қисми бўлади); тасдиқовчи вазифасини, (яъни, у шартнома тузилганлиги фактини тасдиқлади) ва таъминловчи вазифасини бажаради. Ҳар қалай, энг сўнгиси энг муҳими ҳисобланади. Чунки, шартноманинг бажарилмагани учун жавобгар бўлган закалат берган тараф пулидан айрилади, мажбуриятнинг бажарилмаслигига айбор бўлған закалат олган тараф шу закалатни иккиси баравар қилиб қайтаришга мажбур бўлади.

**Умумий хуносалар.** Фуқаролик ҳукуқ тизимида ва умуман ҳар қандай ҳукуқий давлат ёки уни қуришни амалга ошираётган давлат ҳукуқ тизимида фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Инсоният ўзининг ҳарбий ғалабалари ва буюк жангларини тез орада унугтиши, лекин одамлар у муаллифи бўлган фуқаролик кодексини абадий унутмасликлари ҳақидаги Наполеон айтган гапларни эслайлик. Орадан кўп йиллар ўтиб кетди, лекин бу гапларнинг долзарблиги ҳамон ўз қучини йўқотгани йўқ.

Ўз ҳукуқларининг бузилмаслигини истаган ҳар бир фуқаро фуқаролик ҳукуқини билиши шарт.

Хозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида фуқаролик хуқуқининг аҳамияти янада ошади. Зеро, айнан фуқаролик хуқуқи меъёрлари асосида цивилизациялашган бозор муносабатлари барпо этилади. Фуқаролик хуқуқи алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишга лойиқдир, унинг меъёрларини билиш республикамиз ҳар бир фуқаросига қўйиладиган асосий талаб бўлиб, унинг хуқуқий маданияти кўрсаткичидир, чунки, «*бизниңг бош стратегик мақсадимиз — бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллиати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш, давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди*».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Миллӣ истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоийллар. Т., «Ўзбекистон», 2001., 28-бет.

## IV БҮЛІМ

### МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

1. *Меҳнат ҳуқуқи түшүнчаси, предмети, усули, манбалари, тамойиллари ва функциялари.*
2. *Жамоа шартномалари ва келишувлари.*
3. *Меҳнат шартномаси (контракти). Уни түзиш ва бекор қилиш тартиби.*
4. *Меҳнатнинг муҳим шартларини ҳуқуқий тартибга солиш.*
5. *Меҳнат интизоми ва меҳнат низоларини ҳал этиши.*

#### 1. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ТҮШҮНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, УСУЛИ, МАНБАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Меҳнат ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг энг муҳим, кенг ҳажмли ва мураккаб тармоқларидан бири. У (корхона қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда бўлишидан қатъи назар) ходимлар ва иш берувчилар меҳнат муносабатларини тартибга солишда асосий рол ўйнайди. Меҳнат ҳуқуқи меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, амал қилиши ва бекор қилинишини тартибга солади, ходимларнинг биргаликдаги меҳнатлари режимини белгилайди, меҳнат мезони, меҳнатни муҳофаза этиш қоидалари ва меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат ҳуқуқи нормалари технологик жараёнларни эмас, балки меҳнат муносабатлари субъектларининг ижтимоий алоқаларини, яъни меҳнатнинг ижтимоий шаклларини тартибга солади. Бу меҳнат ҳуқуқи боғ-полиз участкасидаги меҳнатни, уй бекасининг меҳнатини, билимларни ўзлаштириш бўйича талаба меҳнатини тартибга солмайди деган маънони билдиради. Меҳнат ҳуқуқи меҳнатни ижтимоий-иқтисодий ташкил этишдаги меҳнат бўйича муносабатларни тартибга солади, яъни жамиятда мавжуд бўлган биргаликдаги меҳнат жараёнидаги кишилар ўртасидаги алоқани тартибга солади.

Меҳнат фаолияти жараёнида ўз меҳнат лаёқати қўлланишида келиб чиқадиган меҳнат муносабатлари **меҳнат ҳуқуқи предмети** бўлиб майдонга чиқади. Унга қуйидагилар киради:

- ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатлар;
- меҳнат жамоаси манфаатларини ифодаловчи касаба уюшмаси органи ходимларнинг меҳнат шароитлари, турмуши ва дам

олишини яхшилаш борасидан корхонада юзага келадиган ташкилий-бошқарув муносабатлари;

- ишчи кучларини қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар;
- аҳолини ишга жойлаштириш бўйича муносабатлар;
- моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар;
- меҳнат низоларини ҳал этишда вужудга келадиган процессузал муносабатлар.

**Меҳнат хукуқининг усуслари.** Меҳнатнинг бошқа ҳар қандай тармоғи сингари меҳнат хукуқи ҳам фақат ўзигагина хос бўлган ўзининг тартибга солиш усулига эга. Маълумки, усульнинг мазмуні — муносабатлар қандай усуслар билан тартибга солинади ёки бошқарилади, деган саволга жавобда ўз ифодасини топади. Ушбу усульнинг асосий хусусиятлари куйидагича намоён бўлиши мумкин:

1. *Фуқароларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш директив кўрсатма ёрдамида эмас, балки эркин манфаатдорлик асосида, яъни меҳнат муносабатлари иштирокчиларига шартномавий эркинликни бериш орқали амалга оширилади. Меҳнат муносабатларининг ихтиёрий ва шартномавий моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида мустаҳкамланган.*

2. *Тарафларнинг юридик тенглиги* фуқаролик-хукуқий муносабатлар каби меҳнат муносабатларига ҳам хосдир.

3. *Меҳнат хукуқи марказлашган ва локал бошқарувнинг қўшиб олиб борилиши билан ажralиб туради. Локал ҳужжатларда тарафлар келишувига биноан иш куни тартиби, дам олиш (танаффус) вақти белгиланган, таътиллар графиги ҳамда ходимлар меҳнат шароитини батафсил тартибга солувчи бошқа масалалар келишилади. Бунда локал ҳужжатлар нормалари республика қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги мухимdir.*

4. *Меҳнат шартномалари тарафларининг мажбуриятларни баражиш воситаси сифатида қўлланадиган санкциялар моҳияти. Санкцияларнинг қўлланиши ва ходимлар хукуқларини ҳимоя қилиш суддан ташқари ҳолларда ҳам амалга ошириши мумкин. Ходимни ишга қайта тиклаш билан боғлиқ масалалар бундан мустасно. Меҳнат хукуқи бўйича жавобгарлик чоралари моддий, интизомий характерга эга бўлади.*

**Меҳнат хукуқи манбалари.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг I-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шўнингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади”.

Меҳнат ҳуқуқи манбалари республика миқёсидаги ва ло-  
кал манбаларга бўлинади.

**Республика миқёсидаги манбаларга қўйидагилар киради:**

1). Меҳнатга доир қонун ҳужжатларининг юридик базаси  
ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

2). Меҳнат ҳуқуқи нормаларини акс эттирувчи қонунлар.

3). Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

4). Ўзбекистон Республикаси Президентининг меҳнат муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган Фармонлари.

5). Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ва Қорақалпогистон  
Республикаси ҳукуматининг меҳнат ҳуқуқи предметини ташкил  
этувчи муносабатларни тартибга солишга қаратилган қарорлари.

6). Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Олий  
Мажлис қарорлари.

7). Қорақалпогистон Республикаси қонунлари ва Жўқорги  
Кенес қарорлари.

8). Давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органлари ўз вако-  
латлари доирасида қабул қиласиган қарорлар.

**Меҳнат ҳуқуқининг локал манбаларига қўйидагилар киради:**

1) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш оғланларининг ҳуқуқий  
ижодкорлиги;

2) корхонада ўрнатилган ички меҳнат тартиби қоидалари;

3) жамоа шартномалари ва келишувлари;

4) меҳнат шартномалари (контрактлари);

5) корхона ва муассасаларнинг бўйруқ ва фармойишлари.

Меҳнат ҳуқуқий манбалари орасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг ҳужжатлари алоҳида ўрин тутади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-моддасида шундай далолат берилади:

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

**Меҳнат ҳуқуқи тамоийллари қўйидагилардан иборат:**

- 1) фуқароларнинг ўз меҳнат лаёқатларини ўзлари эркин тасарруф этишлари тамойили;
- 2) ҳеч қандай камситиш-таҳқирларсиз баравар меҳнатни баравар рағбатлантириш тамойили;
- 3) ходимлар аҳволининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан пасайиб кетишига йўл қўйиб бўлмаслиги тамойили.

**Меҳнат ҳуқуқи функциялари** меҳнат қонунчилиги олдида турган вазифалар билан белгиланади. Ушбу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 2-моддасида баён этилган. Кўрсатиб ўтилган модда мазмунига назар ташланар экан, унда келтирилган вазифалар кўпроқ декларатив характеристрга эга эканлигини сезиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қўйган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда меҳнат ҳуқуқининг иккита функцияси — тартибга солувчи ва кўмаклашувчи функцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Тартибга солувчи функцияниң таъсир кучи** меҳнат ва у билан боғлиқ муносабатларга ёйлади.

Кўмаклашувчи функция шундан иборатки, меҳнат ҳуқуқи бу функцияни бевосита ўзи бажармай (ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган бошқа ижтимоий) тузилмалар билан ҳамкорликда адо этади. Меҳнат ҳуқуқи: меҳнат унумдорлигининг ошишига; иш сифатининг яхшиланишига; моддий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга; аҳоли моддий ва маданий ҳаёт даражасини кўтаришга; меҳнат интизомини мустаҳкамлашга кўмаклашишга даъват этилган. Бундан ташқари, ҳуқуқ ишлаб чиқариш эҳтиёжларини таъминлаб бориш мақсадида ишчи кучлари бозорини яратишга ёрдам бериши керак.

Меҳнат ҳуқуқининг асосий мазмунини меҳнатта оид муносабатлар ташкил этади. Еошқача қилиб айтганда, булар — меҳнат ҳуқуқи нермалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир.

Меҳнатта оид муносабатлар субъектлари асосий ва қўшимча субъектларга бўлиниади. Бундай бўлиниш у ёки бу субъект меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, амал қилиши ва бекор қилинишига таъсир этиш даражасига асосланган. Ходим ва иш берувчи меҳнат муносабатларининг асосий субъектлари бўлиб майдонга чиқадилар (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 14 -ва 15-моддаларига қаранг). Меҳнат жамоаси кенгаши; меҳнат низолари бўйича комиссиялар; касаба уюшмалари; меҳнат органлари, корхонадаги юридик хизматлар ва ишлаб чи-

қаришнинг нормал ишлашини таъминловчи бошқа таркиботлар кўшимча субъектлардир.

Бироқ, фуқаролик-хукуқий муносабатлар доирасида ижрочи шартномадан келиб чиқадиган меҳнат натижасини тақдим этиши, яъни тегишли мажбуриятни лозим даражада бажариши керак. Меҳнат характери ва мезонига таалуқли масалалар, иш куни режими ва тартиби, қабул қилинган мажбуриятларни бажариш усуллари, меҳнат жараёни натижасининг ўзигина эмас, балки унинг ўзи ҳам меҳнат хукуқий муносабатлари доирасига киради ва бу уни фуқаролик хукуқий муносабатларидан ажратиб туради.

Субъектларнинг хукуқ ва мажбуриятлари меҳнат муносабатларининг таркибий қисмларидан ҳисобланади. **Ходимларнинг асосий хукуқлари қўйидагилардан иборат:**

1) ўз меҳнати учун қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда иш ҳақи олиш;

2) муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

3) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шаротларда меҳнат қилиш;

4) касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

5) иш билан боғлиқ ҳолда соғлифига ёки мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш;

6) касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

7) қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

8) ўзининг меҳнат хукуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

9) жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини кувватлаш (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-моддаси):

**Ходимларнинг мажбуриятлари умумий тарзда Меҳнат кодексининг 1-моддасида белгилаб қўйилган ҳамда ички тартиб қоидалари ва кўшимча йўриқномалар билан батафсил тартибга солинган. Ходим:**

1) меҳнат вазифаларини вижданан бажариш;

- 2) меҳнат интизомига риоя қилиш;
- 3) корхона, муассаса, ташкилот мулкига тежаб-тергаш муносабатида бўлиш;
- 4) белгиланган меҳнат нормаларини бажаришга мажбур.

## 2. ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ

**Жамоа шартномаси** — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иктисодий ва қасбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир (МКнинг 29-моддаси).

МКнинг 31-моддасига мувофиқ ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишига ҳақлидир.

Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувининг лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг хукуқлилик асосида тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузадилар.

Комиссиянинг таркиби, музокараларнинг муддати, ўтказиладиган жойи ва кун тартиби тарафлар қарори билан белгиланади (МКнинг 32-моддаси).

Тарафлар ўртасида ихтилофлар келиб чиқсан тақдирда, улар ўртасида жамоа музокаралари олиб борилади. Жамоа шартномаси мазмуни тўғрисидаги баҳсли масалалар суддан ташқари тартибда ва меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилган ҳолда ҳал этилади. Бу жамоа шартномаларини якка тартибдаги меҳнат шартномаларидан ажратиб турувчи хусусиятлардан биридир.

Чунки, «Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Агар тарафлар муросага келмаса, ихтилофлар далолатномаси тузилади. Кейин уч кун ичida келиштириш комиссияси тузилади ёки тарафлар ўзаро келишув асосида танланган воситачига мурожаат қиласидилар.

Ихтилофлар далолатномаси етти кун ичida қараб чиқилиши керак.

<sup>1</sup> Миллий истиқдол гояси: асосий тушунча ва тамойинлар. Т., «Ўзбекистон», 2001., 67-бет.

Ваколатли орган тимсолида касаба уюшмаси, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи бевосита меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) ва иш берувчи билан шартнома тузиш зарурлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамоа шартномалари корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади (МКнинг 351-моддаси). /

Шундай қилиб, жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари срқали, иккинчи тарафдан, бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади (МКнинг 36-моддаси). /

Меҳнат кодексининг 37-моддаси жамоа шартномаси мазмуни ва таркибини батафсил таҳлил қиласди.

Жамоа шартномаси лойиҳаси ходимлар томонидан корхона бўлинмаларида муҳокама этилади ҳамда тушган мулоҳаза ва таклифлар асосида қиёмига етказилади. /

Қиёмига етказилган лойиҳа меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокамасига олиб чиқилади. Агар унда ходимларнинг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Меҳнат жамоасининг конференцияси, башарти унда делегатларнинг камидан учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади (МКнинг 39-моддаси). /

Агар жамоа шартномаси учун умумий йиғилиш (конференция)да иштирок этгандарнинг эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса маъқулланган ҳисобланади. /

Агар жамоа шартномасининг лойиҳа маъқулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда (конференцияда) билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб такомилига етказадилар ҳамда ўн беш кун ичida умумий йиғилиш (конференция) муҳокамасига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилиш (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини уч кун ичida имзолайдилар (МКнинг 40-моддаси). /

Жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгилаган муддат давомида амал қиласди.

Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунича, тўлдиргунча амала бўлади (МКнинг 41-моддаси). ,

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларниң бажарилишини тарафларниң вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар.

‘Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида маҳсус кўрсатилган муддатда мажбуриятларниң бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар (Меҳнат кодексининг 46-моддаси). ,

‘Жамоа шартномасидан ташқари қонунда келишувлар тузиш ҳам назарда тутилган.

**Келишувлар** — тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларниң хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин (Меҳнат кодексининг 47-моддаси).

Бош келишув Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi (ходимларниң бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларниң республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларниң таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси хукумати билан ҳам тузилади.

Бош келишув ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб беради (Меҳнат кодексининг 48-моддаси).

**Тармоқ келишувлари** тегишли касаба уюшмалари (ходимларниң бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларниң бирлашмалари) ўртасида, тарафларниң таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан ҳам тузилади.

Тармоқ келишувлари тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимларининг (касбдошлар гурӯхларининг) ижтимоий кафолатларини белгилаб беради (Меҳнат кодексининг 49-моддаси).

**Ҳудудий (минтақавий) келишувлар** тегишли касаба уюшмалари (ходимларниң бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларниң бирлашмалари) ўртасида, тарафларниң таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади. ,

Худудий келишувлар худудларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муайян иктиномий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш шартларини белгилайди (Меҳнат кодексининг 50-моддаси).

### 3. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТИ). УНИ ТУЗИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар (Меҳнат кодексининг 72-моддаси).

Меҳнат шартномалари фақат тарафларнинг ўзаро розиликлиги билангина тузилади. Дастлабки ҳоҳиш-ирода ишга кирмоқчи бўлган шахсдан келиб чиқиши керак. Бу ҳоҳиш-ирода ёзма ариза беришда ўз ифодасини топади. Муқобил ҳоҳиш-ирода иш берувчидан келиб чиқиши керак. Меҳнат шартномасини тузишга иш берувчи розилик билдирган тақдирда ходим корхона кадрлар бўлимига шахсий варақа ва меҳнат дафтарчасини тақдим этади. Агар ходим муайян малака ва зарур мутахассисликни талаб қиласиган ишга қабул қилинаётган бўлса, у мазкур мутахассислик ва малакани тасдиқловчи ҳужжат (диплом, гувоҳнома ва ҳ.к.) ни тақдим этиши керак.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади (Меҳнат кодексининг 80-моддаси).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилганида меҳнат шартномаси тузилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддаси ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этишни таъқиқлади. Ишга қабул қилиш корхона маъмуриятининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Лекин ишга кириш, лозим даражада расмийлаштирилганидан қатъий назар меҳнат шартномасининг тузилганлиги амалда ишга тушишни билдиради.

Ишга қабул қилиш ходимнинг топширилаётган ишга лаё-қатлилигини текшириб кўриш мақсадидаги синов билан шартлашилган бўлиши мумкин. Синов муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда

ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади (Меҳнат кодексининг 84-моддаси).

Дастлабки синов муддати тугагунига қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Агар дастлабки синов муддати тугагунига қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйлади (Меҳнат кодексининг 87-моддаси).

Мазкур кодексга мувофиқ ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди (Меҳнат кодексининг 84-модда).

**Меҳнат дафтарчаси** корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимлар учун тутилади. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Иш беруечи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлиқ асосида ишлаган ва вактинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди (Меҳнат кодексининг 81-моддаси).

Ўзининг меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида ходим бошқа ишга ўтказилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси зарур шартларидан бирининг ўзгартирилиши бошқа ишга ўтказиш деб ҳисобланади. Меҳнат қонунчилиги бошқа ишга ўтказишнинг бир қанча турларини ажратиб кўрсатади:

1) агэр ходимга доимий асосда бошқа касб, мутахассислик, вазифа бўйича иш топшириладиган бўлса, ўша корхонанинг ўзида бошқа ишга ўтказиш ҳолати рўй беради;

2) бошқа жойга ишга ўтказиш.

Юқоридагилар доимий ишга ўтказиш турлари бўлиб, улар фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Доимий бошқа ишга ўтказишлардан ташқари, корхона маъмурияти ходимни вактинча бошқа ишга ўтказиб туришга ҳақли. Бирок, бошқа ишга ўтказиш муддати тугаши билан иш берувчи аввалги ишини ходимга тақдим этишга мажбур.

Вақтингча бошқа ишга ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси 94-моддасига мувофиқ ходим ташаббуси асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Соғлиги ҳолатига кўра тиббий хулоса кўрсатмалари асосида ходим вақтингчалик енгилроқ ишга ўтказишни талаб қилишига ҳақли. Ҳомиладор аёллар, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар вақтингча ана шундай тараблар билан чиқишига ҳақли. Вақтингча шундай ишларга ўтказиш ушбу Кодекснинг тегишинча 218, 226 - ва 227-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**Мехнат шартномасини бекор қилишининг умумий асослари** 97-моддада баён этилган. Унга кўра меҳнат шартномаси қуидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- 1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;
- 2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- 3) муддатнинг тугаши билан;
- 4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- 5) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишда рад этганлиги муносабати билан;
- 6) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра. Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шартлар қонунда йўл қўйиладиган ҳоллардагина тарафлар томонидан меҳнат шартномасида кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, тарафлар келишувига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинишидан кўп ҳам фарқ қilmайди. Зоро, ҳар иккала ҳолатда ҳам тарафлар у ёки бу тарзда муросага келадилар.

**Мехнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишга** Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 99-моддасига биноангина йўл қўйилади.

Мабодо, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи бўлса, у корхона маъмуриятини икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши керак. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини иш берувчи ташабbusига кўра бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Қўйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятларининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарғанлиги ёки корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг мәлакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишида бузганлиги (ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши кўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножоя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиқсан ёки келиб чиқиши мумкин бўлған оқибатларга қараб ҳал этилади);

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ғана қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўгрисидаги қонунилар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлған даврда меҳнат шартномасини иш

берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат кодексининг 106-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат шартномаси тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича ҳам бекор қилинади.

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши масаласига Меҳнат кодексида фавқулодда катта эътибор берилган. Ушбу масалага 9 моддадан 113-моддагача бўлган кўп микдордаги моддалар бағишланганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди.

#### **4. МЕҲНАТНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

Меҳнатнинг муҳим шартларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ташкил этади. Иш вақтини белгилаш, яъни ходим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариши керак бўлган вақтни белгилаш энг муҳим меҳнат шартшароитларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида иш вақтининг уч тuri белгиланган:

- иш вақтининг нормал муддати;
- иш вақтининг қисқартирилган муддати;
- тўлиқсиз иш вақти.

**Иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.**

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим (Меҳнат кодексининг 115-моддаси). Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати камида бир соатга қисқартирилади (Меҳнат кодексининг 121-моддаси).

Тунги вақтда ишлаётганда иш вақтининг муддати бир соатга қисқартирилади. Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек, бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланадиган жойларда тунги иш муддати кунлузги иш муддатига тенглаштирилади.

Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш ушбу МКнинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228 -, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади (Меҳнат кодексининг 122-моддаси).

Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тұланади.

Ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда иш шароитларига кўра иш вақтининг кундалик ва ҳафталик муддатига риоя этиб бўлмайдиган ҳолларда ҳисобга олинадиган иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган тарзда иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир йылдан, кундалик иш вақтининг муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим (Меҳнат кодексининг 123-моддасига қаранг).

**МКнинг 116-моддасига мувофиқ иш вақтининг қисқартирилган муддати** куйидагича белгиланади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (242-модда);
- I ва II гурӯҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун (220-модданинг учинчи қисми);
- нокулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун (117-модда);
- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун (118-модда);
- уч ёшга тўлмаган болалари бор ва бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар учун (228-модда).

Иш вақтининг қисқартирилган муддати назарда тутилган ходимларнинг меҳнат ҳақи ўша корхонада тўлиқ иш вақти асосида ишлайдиган ходимлар меҳнат ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Тўлиқсиз иш вақти ходим билан иш берувчи ўргасидаги келишувга биноан белгиланади. 119-моддага мувофиқ иш берувчи МКда (229-модда), шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб кўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳукуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Ходимларни қонуи билан белгиланган нормал муддатдан ташқари ишларга, яъни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишга, одатда йўл қўйилмайди. 124-моддага мувофиқ ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан кўлланиши мумкин.

Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта заарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш МКнинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади. Уларга кўра ҳомиладор аёлларнинг, шунингдек, 14 ёшга етмаган боласи бор аёллар тунги ва ишдан ташқари ишларга улар розилигисиз жалб этилишига йўл қўйилмайди.

18 ёшга етмаган шахсларни ҳам тунги ва ишдан ташқари ишларга жалб этилиши тақиқланади.

**Дам олиш вақти** — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир (Меҳнат кодексининг 126-моддаси).

Қонун ҳужжатлари дам олиш вақтининг қуидаги турларини белгилайди:

- иш куни давомидаги танаффуслар;
- ҳафталик дам олиш (дам олиш ва байрам кунлари);
- ҳар йилги навбатдаги меҳнат таътиллари;
- иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар.

МКнинг 127-моддасига мувофиқ ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди.

**Танаффус бериш вақти** ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда иш куни (смена) давомида бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

**Ҳар ҳафталик дам олиш.** МКнинг 129-моддасига мувофиқ барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади.

Якшанба умумий дам олиш куни ҳисобланади.

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан кеслишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш МКнинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228-, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Дам олиш кунларида бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш МКнинг 157-моддасига биноан амалга оширилади. Унга кўра, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишга икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Ходимнинг хоҳишига кўра, байрам ёки дам олиш кунларидаги иш бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Бунда шу кун учун бир ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланниши керак (Меҳнат кодексининг 157-моддасига қаранг).

Йиллик навбатдаги меҳнат таътиллари иш жойидан қатъи назар, барча ходимларга берилади. Йиллик меҳнат таътиллари йиллик ҳақ тўланадиган таътил, йиллик қўшимча таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътилларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 134-моддасига биноан ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Қуйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

- ўн сакиз ёшга тўлмаган шахсларга — ўттиз календар кун;
- ишлаётган I ва II гурӯҳ ногиронларига — ўттиз календар кун.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун хужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллар белгиланади.

Шунингдек, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик асосий таътиллар берилиши назарда тутилиши мумкин (Меҳнат кодексининг 135-моддаси).

Йиллик қўшимча таътиллар йиллик ҳақ тўланадиган асосий таътилга қўшимча равишда ва 136-моддага мувофиқ қуйидаги ходимларга берилади:

- меҳнат шароити нокулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишлар учун банд бўлган ходимларга (137-модда);
- оғир ва нокулай табиий-икълим шароитларида иш бажараётган ходимларга (138-модда). (Табиий-икълим шароити оғир ва нокулай жойлар рўйхати ҳамда йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати Ўзбекистон Республикаси хуқумати томонидан белгилаб қўйилади);

- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

**Иш ҳақи сақланмаган таътил** ходим аризасига биноан маъмурият розилиги билан берилади. Аризада у иш ҳақи тўланмайдиган қисқа муддатли таътилга чиқишига ундовчи сабабларни баён этиши керак. Булар оиласвий аҳвол, бошқа тусдаги узрли сабаблар бўлиши мумкин. Тарафларнинг келишувига биноан кейинчалик шу давр учун ходим ишлаб бериши ҳам мумкин.

Корхона маъмурияти ходимнинг розилиги билан уни асосий ёки қўшимча таътилдан чақириб олиши мумкин. Бунда ходим сабабларини изоҳламаган ҳолда ўз таътилининг узилишига рад жавобини беришга ҳақли. Бундай рад жавобига меҳнат интизомини бузиш деб қарашлари мумкин эмас.

## **5. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ ВА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ**

**Меҳнат интизоми** — ишлаб чиқариш жараёнида ходимлар ҳатти-ҳаракатларининг муайян тартиби. Улар ишонтириш, ходимни моддий қизиқтириш, ҳалол меҳнати учун уни рағбатлантириш усуллари билан шакллантирилади. Меҳнат кодексининг 176-моддасига мувофиқ, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижданан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талбларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асрashi шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб-қоидаларда, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоат шартномаларида, йўриқномаларда ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Меҳнат вазифаларини намунали бажарганлик учун ходимларга рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланган. Улар маънавий характерда (ташаккур билдириш, фахрий ёрлиқ билан мукофотлаш ва ҳ. к.) ва моддий тусда (мукофотлар бериш, қимматли совгалар билан тақдирлаш ва шу кабилар) рағбатлантиришлар бўлиши мумкин. Алоҳида меҳнат хизматлари учун ходимни орденлар, медаллар билан мукофотлашга, фахрий унвонларга тақдим этилади (Меҳнат кодексининг 180-моддаси).

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- 1) хайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ходимга жарима солиш кўзда тутилган бўлиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани ушлаб қолиш МКнинг 164-моддаси талабларига риоя этган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

- 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 -ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади (Меҳнат кодексининг 181-моддаси).

Интизомий жазо чорасини қўллаш учун маъмурият меҳнат вазифаларининг бузилишига йўл қўйиш сабаблари тўғрисида ходимдан ёзма равишдаги тушунтириш хатини талаб қилиши керак. Ҳар бир ножӯя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо у аниқланганидан кейин бир ойдан ортиқ вақт ўтмаган муддатда қўлланиши мумкин (бу муддатга ходим касал бўлган вақт ҳамда унинг таътилдаги вақти кирмайди). Интизомий жазо чораси амал қилаётган вақт ичida ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Ножӯя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олиниади (Меҳнат кодексининг 182-моддаси).

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташабbusи билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин олиб ташлашга ҳақли.

**Меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби.** Якка меҳнат низолари деганда, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонуларини қўлланиш, меҳнат шартларини белгилаш ёки ўзгартириш бўйича келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилиши керак (Меҳнат кодексининг 259-моддасига қаранг).

Куидагилар якка меҳнат низолари сабаблари бўлиши мумкин:

- маъмурият ва ходимларнинг меҳнат қонунларини яхши билмасликлари, бунинг натижасида улар нотўғри қўлланиши;
- тез ўзгарувчан ташқи ҳолатларда қонунларнинг ўзининг по-мукаммалиги;
- янги меҳнат шартларини белгилаш ёки амалдагиларини ўз-гартириш, масалан, янги ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш масалалари юзасидан ходимлар билан маъмурият ўртасидаги келишмовчиликлар;
- маъмурият билан касаба уюшмалари ўртасидаги келишмовчиликлар.

**МКнинг 260-моддасига мувофиқ якка меҳнат низолари:**

- меҳнат низолари комиссиялари томонидан, ушбу Кодекснинг 260-моддасида кўрсатилган низолар бундан мустасно;
- туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссияларига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

**Меҳнат низолари бўйича комиссия.** Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан ажратилган аъзолар тегишли органинг қарори билан, иш берувчининг вакили эса, унинг буйруғи билан тасдиқланадилар.

Башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилади.

Меҳнат низолари комиссияси якка меҳнат низоларини кўради, кўриб чиқишининг ўзгача тартиби белгиланган меҳнат низолари (МКнинг 269 -, 276-моддалари) бундан мустасно.

Меҳнат низолари бўйича комиссия ариза берилганидан кейин ўн кун мобайнida меҳнат низосини кўриб чиқиши керак. Низо ариза берган ходим ва маъмурият вакили иштирокида қараб чиқилади. Меҳнат низосини ходимнинг иштирокисиз кўриб

чиқишига фақат унинг ёзма равишдаги аризаси асосидагина йўл кўйилади. Башарти ходим узрсиз сабаблар билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқиши кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳукуқидан маҳрум қилмайди (Меҳнат кодексининг 264-моддаси).

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба ўюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўргасидаги келишувга биноан қабул қилинади.

Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак (Меҳнат кодексининг 265-моддаси).

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ичida иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичida комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варакаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади.

Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпи билан уч ой ичida туман (шаҳар) судига тақдим этилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради (Меҳнат кодексининг 266-моддаси).

**Бевосита туман (шаҳар) судларида қўйидаги меҳнат низолари кўрилади:**

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган заарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифалари бажараётганда ходимнинг соғлигига шикаст етказилгани оқибатидаги заарни (шу жумладан, маънавий заарни) ёки унинг мол-мulkига етказилган заарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар МК 78-молдасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиқсан бўлса.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари меҳнат низолари ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилади.

Меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этишга йўл кўйилмайди.

Ишга тикланиш бўйича даъво аризасига биноан ходим қуийдагиларни талаб қилишга ҳақли:

- бевосита ўзининг ишга тикланишини;
- мажбурий прогул учун ҳақ тўлашни;
- мазкур маънавий зарарни қоплашни.

273-моддага мувофиқ, холим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги иш жойига тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орған чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим.

Ишга тиклаш бўйича суд қарорини бажаришни иш берувчи томонидан кечиктирилган тақдирда суд ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ҳақида ажрим чиқаради.

**Жамоаларга доир меҳнат низолари (зиддиятлари)** ишлаб чиқариш нормалари, ишбай меҳнат нархларини ўзгартириш, иш ҳақи тизими, иш вақти тартиби, таътиллар, меҳнат муҳофазаси тизимини белгилаш ва мавжуд шартларни ўзгартириш, жамоа шартномасини тузиш ва бажариш масалалари бўйича келишмовчиликлар асосида юзага келади.

Меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартириш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби қонун билан белгилаб кўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинган жамоа шартномалари, келишувлари, лоақал ҳужжатларни қўлланиш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низолари суд тартибида кўриб чиқилиши лозим.

Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан қабул

қилинган жамоа шартномалари, келишувлари ва бошқа локал ҳужжатларни қўлланиш хусусидаги жамоаларга доир меҳнат низоларини судлар тарафлардан бирининг аризаси асосида кўриб чиқадилар (Меҳнат кодексининг 281-моддаси).

**Умумий хуносалар.** Меҳнат ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутади. Иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтиши, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида меҳнатнинг ва меҳнат кишиси ролининг ошиши билан унинг аҳамияти янада ошиб кетди. Ўйлаймизки, инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири — унинг эркин ва ижодий меҳнатга бўлган ҳуқуқи, жамият томонидан эҳтиёжли бўлиш ҳуқуқи эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Иш берувчи деб аталадиганлар томонидан меҳнат қонунларининг бузилиш ҳоллари ҳали ҳам оз эмаслиги ҳаммага маълум. Лекин ҳар бир фуқаро инсон фаолиятининг ушбу муҳим соҳасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши биладиган бўлса, меҳнат қонунларини бузиш тобора камайиб бораверади.

# V БЎЛИМ

## ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

1. *Оила ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва манбалари. Никоҳни тузиш ва тутатилиш тартиби.*
2. *Эр-хотинларинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.*
3. *Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.*
4. *Оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари.*
5. *Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлашириш.*

### 1. ОИЛА ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА МАНБАЛАРИ. НИКОҲНИ ТУЗИШ ВА ТУТАТИЛИШ ТАРТИБИ

Маълумки, «оила — мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила — жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади»<sup>1</sup>. Шундай экан, оиласда соғлом муҳит — соғлом мафкурани шакллантириш лозим. Бунда оила ҳуқуқи асосий ўринни эгаллайди.

«Оила ҳуқуқи — эр-хотинлар, қариндошлар, ота-оналар (фарзандликка олувчилик) ва болалар ўртасидаги шахсий номулкий ва улар билан боғлиқ мулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғидир». Ушбу таърифдан оила ҳуқуқи ўзининг бошқалардан фарқ қилувчи хусусиятларига қарамай, фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқлигини сезиш ҳам мумкин. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат: 1) оиласидаги муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига хос бўлмаган юридик фактлардан (никоҳ, қариндошлиқ, оналик, оталик, фарзандликка олиш ва ҳоказолар)дан вужудга келади; 2) оиласидаги муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, кўпроқ шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга; 3) оиласидаги ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқаларга топшириб бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

Оила ҳуқуқи предмети — оиласидаги ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан иборат. Оила ҳуқуқи

<sup>1</sup> Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2001., 66-бет.

нормалари: никоҳдан ўтиши тартибини ва шартларини белгилайди; эр-хотинлар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни тартибга солади, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади; фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади; никоҳнинг тугатилишининг тартиби ва шартларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1998 йил 30 апрауда қабул қилиниб, 1998 йил 1 сентябрдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси — оила ҳуқуқининг асосий манбай ҳисобланади.<sup>1</sup> Оила ҳуқуқи манбаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қатор моддалари ҳам киради. Бундан ташқари, Оила кодексининг б-моддасига биноан «Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган оила аъзолари ўртасидаги мулкий ва шахсий номулкий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари оиласидаги муносабатларнинг моҳиятига зид келмаган тақдирдагина қўлланилади»<sup>2</sup>.

Никоҳ тушунчаси оила ҳуқуқининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, юридик адабиётда никоҳнинг хилма-хил тавсифларини учратиш мумкин. Биз Ф.Отахўжаев томонидан ўз диссертациясида таклиф этилган таърифни келтиришни ўринили деб топдик: «Никоҳ — бир-бирини севган ва никоҳ ёшига стган эркак ва аёлнинг умуминсоний қадриятлар ва Шарқ анъаналарига асосланган оиласида болаларни тарбиялашга йўналтирилган ўзаро шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган қонун асосидаги оиласи яратиш мақсадидаги ўзаро келишилган бутун умрга мўлжалланган иттифоқидир»<sup>2</sup>.

Мазкур таъриф нафақат юридик маънодаги, балки ижтимоий-фалсафий маънодаги «оила» тушунчасини ўзида акс эттирган. Оила тарихи ўнлаб, ҳатто юзлаб минг йилликлар билан ўлчанади.<sup>3</sup> Оила — энг аввало жамият асосини ташкил этувчи, болаларни тарбиялаш ва уларни шахс сифатида шакллантириш мухити бўлган бирламчи ячейкадир.

Республикамизда оиласи алоҳида аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (63-модда)да қуйидаги инсонпарвар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т.: «Адолатъ», 1998.

<sup>2</sup> Атаходжаев Ф.М. «Развитие законодательства о браке Республики Узбекистан и проблемы дальнейшего совершенствования». Автореф. д-ра юридических наук. Т., 2000. 24-25-бетлар.

ва ахлоқий норманинг мустаҳкамлаб қўйилгани бунинг ёрқин далили дейиш мумкин: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»<sup>1</sup>.

Жамият ва давлатнинг оиласига ғамхўрлиги бизнинг ижтимоий сиёсатимизнинг муҳим йўналишига айланган. Оила масалаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов алоҳида эътибор бериб келмоқда. Айнан унинг ташабbusи билан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинганди. Юртбошимиз ташабbusи билан 1999 йил «Аёллар йили» деб, 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил эса «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди ҳамда уларнинг мазмунини ташкил этувчи тадбирларни амалга ошириш бўйича Давлат дастурлари қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, оиласинг муқаддас тушунчаси қўплаб муаммолари билан ҳамиша тадқиқотчilar ақлу заковатини тўлқинлантириб келган. Чунончи, социологлар оиласи яратиш учун эр ва хотиннинг бўлиши кифоя қиласими ёки эркак ва аёл иттифоқи оила деб номланиши учун фарзандларнинг ҳам бўлиши шартми, деган муаммо устида баҳслашиб келадилар. Юридик жиҳатдан бунинг учча аҳамияти йўқ. Юристлар эса, бошқа масала хусусида, яъни «эр ва хотиннинг қонунга назарда тутилган тартиб ва шартларга риоя этмай тузган иттифоқларини оила деб ҳисоблаш мумкинми?» деган маънода баҳс юритадилар. Бунда гаг, ҳатто улар биргаликда рўзгор юритиб, ўз фарзандларини тарбиялаётган бўлсалар ҳам қонуний асосдаги никоҳда рўйхатдан ўтмасдан узоқ вақт давомида эркак ва аёлнинг биргаликда ошкора равишда яшаб келишлари ҳақида кета-ялти. Жиддий гапирадиган бўлсан, бундай иттифоқ никоҳ бўлолмайди ҳамда ота-оналарнинг болаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини истисно этганда, ҳеч қандай юридик оқибатларни келтириб чиқармайди. Шунинг учун ҳам диний расм-русларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятта эга эмас. У фақат оналик ва оталик муносабатларини, яъни ҳуқуқларнинг муайян ҳажми (масалан, отонанинг исталган ҳар бири мулкининг мерос бўлиб қолиши бўйича болалар ҳуқуқи)ни вужудга келтирадиган қон-қариндошлиқ алоқаларинигина юзага келтиради. Бирга яшовчи ҳамхоналар (юридик нуқтаи назардан уларни эр-хотинлар деб атаб бўлмайди) бир-биirlарининг мўлкини мерос қилиб ололмайдилар.

### 1 Никоҳ тузиш шартлари:

- 1) ўзаро никоҳ тузишни истаган шахсларнинг никоҳ ёшга етиши;
- 2) никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розиликлари. \

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Адолат», 1999.

Бошқа барча шартлар (муҳаббат, бир-бирига боғланиб қолиш, ёқтириши ва ҳ.к.) кўпчилик юристлар томонидан тан олинмайди. Зоро, уларнинг фикрига кўра, бундай шартлар юридик эмас, балки ахлоқий моҳиятга эга бўлиб, оилани яратишни қонуний мустаҳкамлашда уларнинг мавжудлиги шарт эмас. Ҳозирги вақтда бундай қарашлар айрим юристлар томонидан рад этилмоқда<sup>1</sup>.

«Никоҳ ёши» Оила кодексининг 15-моддасига биноан эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда бу ёш қамайтирилиши, шунда ҳам бу камайиш бир йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

#### Никоҳ тузишга монелик қиласидаги ҳолатлар:

1) лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасидаги;

2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги;

3) лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасидаги никоҳлардир (Оила кодексининг 16-моддаси).

Оила кодексининг 17-моддасини никоҳдан ўтишнинг янги шарти дейиш мумкин, у «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш» деб номланган. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш никоҳланувчи шахслар розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими мусассасалари томонидан амалга оширилади.

«Никоҳ тузиш тартиби» Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берган кундан бошлаб бир ой ўтганидан кейин уларнинг шахсан ўzlари иштирокида амалга оширилади.

<sup>1</sup> Баттағисироқ қаранг: Атакоджаяев Ф.М. «Развитие законодательства о браке РУ и проблемы его дальнейшего совершенствования» Автореф. дис. д-ра юр. наук. Т., 2000.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари бир ой ўтгунга қадар ҳам никоҳ тузишга рухсат этиши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган кунидан ҳам тузилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳнинг тугатилиши Оила кодексининг 37-моддасига кўра:

эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бирини вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида амалга оширилади;

Шунингдек, никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр-хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.

Никоҳни ажратиш икки хил йўл билан амалга оширилади:

- 1) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида;
- 2) суд тартибида.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳни ажратиш балоғатга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республиksi Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида балоғатга етмаган болаларининг борлигидан қатъи назар эр-хотиндан бирининг аризасига кўра куйидаги ҳолларда никоҳдан ажратилади, агар эр-хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- содир этган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлса.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ташаббус муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси томонидан келиб чиқиши мумкин.

Никоҳни ажратиш фақат эр-хотинларнинг иштирокидагина рўй бериши керак. Агар эр-хотин никоҳни ажратишни расмийлаштириш учун Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига узрли сабабларсиз вақтида келмаса, уларнинг аризалари

ўз кучини йўқотади<sup>1</sup>. Мабодо эр-хотиннинг бир-бирларига мулкий даъволари бўлса, улар мулкни бўлиб бериш бўйича бахсни ажрим қилиш судига мурожаат этишга ҳақлидир.

Суд тартибида никоҳни ажратишга қуйидаги ҳолларда йўл кўйилади:

- 1) никоҳдан ажратишда эр-хотиндан бирининг йўқлиги;
- 2) умумий балоғатга етмаган болалари бўлган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда. |

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасига биноан, «никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида процессуал кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибида кўриб чиқилади.

Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли». Ушбу муддат ўтгандан кейин, агар эр-хотин ўртасида ярашишга эришилмаса ҳамда эр-хотиннинг бундан кейинги биргаликдаги ҳаёти ва оиласи сақлаб қолиш мумкин эмаслиги аниқланса, суд никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилиши мумкин.

Вояга етмаган болалари бўлган эр-хотин ўзаро келишув асосида болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақидаги келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим этишлари мумкин. Агар шу масалалар бўйича эр-хотин ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда ҳамда агар келишув болалар манфаатлигига зид бўлса, суд вояга етмаган болалар ким билан яшанини, болаларга алимент кимдан ва қанча миқдорда ундирилиши кераклигини аниқлаши шарт. Суд тартибида никоҳдан ажратиш жавобгар яшайдиган жой бўйича амалга оширилади. Мабодо даъвогар узрли сабабларга кўра жавобгарнинг яшаёт жойига бора олмаса, суд иши даъвогар яшайдиган жойда ўтказилади.

Мол-мulkни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мulkни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди (Оила кодексининг 44-моддаси).

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қондлари» Т., «Адолат», 1999.

Никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан, никоҳдан судда ажратилганда эса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб никоҳ тутатилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида суд никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига ушбу қарордан кўчирма юбориши шарт (Оила кодексининг 47-моддаси).

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш никоҳдан ажратишдан фарқли ўлароқ, фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари:

1) никоҳни тузиш шартлари (14-16-моддалар ва 17-модданинг учинчи қисми) бузилганда;

2) никоҳни тузишга ҳалақит берувчи бирон-бир ҳолатнинг мавжудлиги;

3) соҳта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ;

4) башарти никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса,

Никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган эр-хотиндан бирининг аризасига биноан, шунингдек, агар никоҳ тегишли рухсатни олмай никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган бўлса, отоналар ёки васийлик ва хомийлик органлари аризаси асосида никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Айрим ҳолларда суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни прокурор аризасига биноан қабул қиласи. Лекин никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар бўлгани ҳолда, агар ишни кўриш пайтига келиб, қонундан келиб чиқсан ҳолда никоҳни тузишга монелик қилувчи ҳолатлар йўқолган бўлса, суд ушбу никоҳни ҳақиқий деб топиши мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органини хабардор қилиш тартиби никоҳни суд тартибида ажратишдаги тартиб билан бир хилдир. Лекин, агар никоҳни ажратишда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугаган деб ҳисобланса, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда никоҳланган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳ тузилган пайтданоқ вужудга келмаган деб эътироф этилади. Фақат болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шу

никоҳдан ёки улар никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганидан кейинги уч юз кун мобайнида туғилган болаларнинг хукуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолади. Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳда туриб сотиб олинган мулк улушли мулк билан боғлиқ масалалар тартибга солинадиган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

Агар шахс никоҳдан ўтиш вақтида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар борлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган бўлса, у инсофли эр (хотин) деб эътироф этилади ва унга нисбатан эр-хотиннинг биргаликдаги мулкини бўлишининг хукуқий тартиби қўлланади. Бундан ташқари, инсофли эр (хотин) фуқаролик қонун хужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича унга етказилган маънавий ва моддий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (Оила кодексининг 49-54-моддаларига қаранг).

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш орғанларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади (Оила кодексининг 18-моддаси).

Эр ва хотин оиласида тенг хукуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятга эгадирлар (Оила кодексининг 19-моддаси).

Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади (Оила кодексининг 20-моддаси).

Бола тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар (Оила кодексининг 21-моддаси).

Эр ва хотиннинг ҳар бири машгулот тури, касб ва турish ҳамда яшаш жойини танлашда эрклидир (Оила кодексининг 22-моддаси).

## 2. ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Эр-хотиннинг мулкий хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Оила кодеслари нормалари билан тартибга солинади. Эр-хотиннинг мулкий муносабатлари ни тартибга солишнинг икки хил ўсули мавжуд:

- 1) эр-хотин мулкининг қонуний тартиби;
- 2) эр-хотин мулкининг шартномавий тартиби.

Эр-хотин мулкининг қонуний тартиби шундаки, эр-хотин никоҳ давомида биргаликда ортирган мол-мулкларига эгалик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва бу мулкни тасарруф этадилар.

Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ эр хотин никоҳ давомида орттирган мол-мулқлари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр хотиннинг умумий маблағлари умумий мулки ҳисобланади.

### *1. Эр хотин никоҳ давомида орттирган мулк.*

Бундай мулкка қўйидагилар киради:

- эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари;

- пенсиялар, нафақалар, шунингдек, маҳсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиягини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар);

- кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қофозлар, кредит муассасалари га киритилган маблағлар, шунингдек, эр ва хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулқлари.

### *2. Эр хотин ҳар бирининг никоҳга киришдан олдин орттирган мол-мулклари.*

Оила кодексининг 25-моддасига биноан мазкур мол-мулк, агар никоҳ давомида эр хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, шу мол-мулк эр хотиннинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдириган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин

(эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим (Оила кодексининг 24-моддаси).

**Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки.** Бу эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулкидир (Оила кодексининг 25-моддаси). Оила кодексининг 26-моддасига биноан, қимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

Никоҳдан ажралишда фақат биргаликдаги мол-мулкни бўлиш масаласи қўйилади. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки ўзаро бўлинмайди. Шунингдек, балоғатга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун сотиб олинган ашёлар ҳам бўлинмайди. Бу мол-мулк болалар бирга яшайдиган эр ёки хотинга берилиши керак.

Агар эр ва хотин ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, никоҳдан ажралишда биргаликдаги мулк тенг улушларда бўлинади. Эр ва хотиннинг умумий қарзлари ҳам уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади. Вояга етмаган болалар манфаатларини кўзлаган ҳолда суд эр ва хотиннинг биргаликдаги мол-мулкини бўлишда улушлар тенглиги тамойилидан воз кечиб, болалар бирга яшайдиган эр ёки хотин фойдасига мол-мулкининг кўпроқ қисмини тақсимлаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли. Эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, бундай вазиятларда ҳам суд юқоридагига ўхшаш қарор қабул қилиши мумкин.

**Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби** никоҳ шартномасини тузиш орқали расмийлаштирилади. **Никоҳ шартномаси** — «никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳукуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви»дир (Оила кодексининг 29-моддаси).

Оила кодексининг 30-моддасига мувофиқ, никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ давомида тарафларнинг келишувига биноан никоҳ шартномаси ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (бу ҳам нотариал тарзда тасдиқланиши шарт). Эр ва хотиндан фақат бирининг талабига кўра никоҳ шартномаси фақат суд тартибида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Суд, шунингдек, шартнома шартлари эр ва хотиндан бирини жуда ноқулай аҳволга солиб қўядиган бўлса, унинг муомала лаёқатини, болаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини чекласа, никоҳдаги тенгхукуқлилик тамойилини бузадиган бўлса ва шу кабиларда эр ва хотиндан бирининг талабига кўра никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Никоҳга киришда никоҳ шартномаси эр-хотиннинг иккала-ларининг ўзаро розилиги билангина тузилиши мумкин. Чунки никоҳ шартномасининг мавжудлиги никоҳнинг мажбурий шартларига кирмайди. Никоҳ шартномасининг бекор қилиниши никоҳни ажратишга олиб келмайди, лекин никоҳнинг ажратилиши никоҳ шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

**Никоҳ шартномасининг мазмуни.** Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонуғда белгиланган (ОКнинг 23-моддаси) тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидаларни киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шартшароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга

мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни на-зарда тута олмайди (Оила кодексининг 31-моддасига қаранг).

Агар эр-хотиндан бирни тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланса, у ҳолда никоҳ шартномасида конкрет корхона ночор (банкрот) бўлиб қолганда мажбуриятлар бўйича кредиторлар та-лабларини қондириш тартиби белгилаб қўйилиши керак. Никоҳ шартномасини ўзгартираётгани ёки бекор қилаётгани тўғрисида эр (хотин) ўзининг барча кредиторларини хабардор қилиши шарт.

Никоҳ шартномаси бўлмаган ҳолатларда қарздор эр (хотин) кре-диторлар олдидағи мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-мулки билан ёки умумий мулқдаги ўз улуши билан жавоб бериши мумкин.

Агар суд эр-хотиннинг мажбуриятлари бўйича орттирилган барча ашёлар оила эҳтиёжлари учун ишлатилганилигини аниқласа, эр-хотиннинг умумий мажбуриятлари бўйича, шунингдек, эр (хотин)нинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш эр-хотиннинг умумий мол-мулкига қаратилади. Бу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда эр-хотин кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар юзасидан уларнинг ҳар бирига қарашли мол-мулк билан шерик жавобгар бўладилар.

Агар эр-хотиннинг умумий мол-мулки уларнинг бирин томонидан жиноий йўл билан топилган маблағ ҳисобига орттирилгани ёки кўпайгани суд ҳукми билан аниқланган бўлса, ҳақни ундириш тегишли равишда эр-хотиннинг умумий мол-мулкига ёки унинг бир қисмига қаратилиши мумкин (Оила кодексининг 35-моддаси).

Қарздор эр (хотин)нинг кредитор (кредиторлари) шароит жиддий ўзгарғани туфайли никоҳ шартномасининг шартларини қонунда белгиланган тартибда ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб қилишга ҳақли (Оила кодексининг 35-моддаси).

### 3. ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Халқимиз учун муқаддас қўргон, маънавият бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларни изчил давом

эттириш<sup>1</sup> ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Уни оилани мустаҳкамлашда ҳам ота, ҳам она, ва ҳам боланинг мавқеи бирдек. Бунда ота-оналар ва болаларнинг оиласидаги хукуқ ва мажбуриятлари алоҳида ўрин тутади.

Ота-оналар ва болаларнинг хукуқ ва мажбуриятлари болаларнинг конкрет ота-оналар (ота ва она)дан дунёга келганлиги ҳодисаси қонуний тартибда тасдиқланган ва аниқланган ҳодиса асосида вужудга келади. Она тиббиёт муассасасида боланинг шу онадан туғилганлигини тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади. Гўдак тиббиёт муассасасидан ташқарида туғилган тақдирда эса, гувоҳлик кўрсатмалари ва бошқа далиллар асосида аниқланади.

Ота эркакнинг боланинг онаси билан никоҳда турганлиги далили билан аниқланади. Боланинг онаси билан никоҳда турмаган отанинг оталик хукуқи ота ва онанинг биргаликда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига аризалари билан ёхуд эр ва хотиндан бирининг аризасига биноан суд тартибida белгиланади.

Оталиги ва оналиги қонуний тартибда белгиланган шахслар туғилганликни қайд этиш дафтарида ота-она сифатида ёзib кўйилади. Ота-оналарнинг ёзма қайди ота ёки она сифатида ёзib кўйилган шахс ёхуд боланинг ҳақиқий отаси ёки онасининг талаби билан фақат суд тартибida рад этилиши мумкин.

ОКнинг 69-моддасига биноан бола исм, ота исми ва фамилия олиш хукуқига эга.

Болага исм, ота-онанинг ўзаро ота исми отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. От-онаси турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. От-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий аънаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин.

Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмагандан, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

### Боланинг асосий хукуқлари:

1.Ҳар бир бола оиласида яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш хукуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир (Оила кодексининг 65-моддаси.)

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2001., 33-бет.

2. Ҳатто ота-онасининг никоҳдан ажралган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган, шунингдек, ота-оналар бошқабошқа яшаган ҳолларда ҳам бола ўз ота-онаси билан кўришиш хукуқига эга (ота-оналилк хукуқидан маҳрум этилган ота-оналар бундан мустасно) (Оила кодексининг 66-моддасига қаранг).

3. Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш хукуқига эга (Оила кодексининг 77-моддаси).

4. Ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармагандан ёхуд ота-оналилк хукуқларини сунистеймом қилганда бола ўз хукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш хукуқига эга (Оила кодексининг 67-моддаси).

5. Оиласада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир (Оила кодексининг 68-моддаси).

6. Оила кодексининг 70-моддасига кўра бола исми ва фамилиясини ўзгартириш хукуқига эга. Боланинг манфаатларини ҳисобга олиб васийлик ва ҳомийлик органи унинг исмини, шунингдек, унга берилган фамилияни отаси ёки онасининг фамилиясига ўзгартиришга ҳақли. Бунда ота ёки онанинг фикри шу ота ёки она ота-оналилк хукуқидан маҳрум этилган ҳолларни мустасно этган ҳолда эътиборга олинади.

**Вояга етмаган болаларнинг мулкий хукуқлари** фуқаролик қонун хужжатлари ҳамда Оила кодексининг 90-моддаси билан белгиланади. Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкиға нисбатан мулкдор бўлиш хукуқига эга эмас.

Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш хукуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблаг, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун хужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Оила кодексининг 91-моддасига мувофиқ ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Ота-она ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болаларнинг умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (Оила кодексининг 92-моддаси).

Оила кодексининг 93-моддасига биноан вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳадя, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаган болаларнинг тадбиркорлик фаолиятига кўшган маблағи ва ундан орттирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиласиңг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгиловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаган болаларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, пойабзal, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади (Оила кодексининг 93-моддаси).

Ота-она, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкини фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар (Оила кодексининг 94-моддаси).

Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиқсан мулкий низолар суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади. Бундай ҳолларда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади (Оила кодексининг 95-моддаси).

Ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ота-оналик ҳуқуқлари) никоҳдаги эр-хотиннинг тенглик тамойилига асосланади. Унга кўра, ота-она фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва тенг мажбуриятларга эгадирлар.

Ота-она ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари, шунингдек, болаларнинг асосий умумий маълумот олишларини таъминлашлари

керак. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун хуқуққа эга.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан, судда алоҳида ваколатсиз уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласидилар.

Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт (Оила кодексининг 74-моддаси).

Ота-оналик хуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ҳолларда ота-она суд хукмига кўра ота-оналик хуқуқидан маҳрум этилиши ёхуд уларнинг ота-оналик хуқуқлари чекланиши мумкин.

**Ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилишга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:**

1) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа;

2) узрсиз сабабларга кўра ўз боласини түгруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан ёки бошқа тарбиялаш ёки даволаш муассасасидан ва бошқа шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

3) ота-оналик хуқуқини сунистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

4) муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;

5) ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишлар ота (она) нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-она болаларга нисбатан барча ҳуқуқлардан, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Бироқ, бу ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан халос этмайди. Ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ҳақида қарор қабул қилас экан, суд ота-онадан алимент ундириш ҳақидаги масалани ҳал этади. Суд, шунингдек, ота-оналиқ ҳуқуқидан олдин бола ота-онаси билан бирга яшаган бўлса, у энди қаерда яшаши кераклиги масаласини ҳам ҳал қиласди.

Ота-онаси ўзига нисбатан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган бола, қаерда яшашидан қатби назар, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек, ота (она)си билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкий ҳуқуқларни, жумладан, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади (Оила кодексининг 79-81-моддаларига қаранг).

**Ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклаш.** Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ота-онани ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари ёки бошқа умумтаълим муассасалари, шунингдек, прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин. Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда вазийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.

Ота-оналиқ ҳуқуқларининг чекланишига куйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

1) болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлганда;

2) болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса, етарли асослар аниқланмаган тақдирда.

Ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклаш ота-оналиқ мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун фақат жазо ролини ўйнабгина қолмай, огоҳлантириш вазифасини ҳам бажаради. Суд ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган ота-она (улардан бири) олти ой давомида ҳам ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, унда вазийлик ва ҳомийлик органи

бундай ота-онани (улардан бирини) ота-оналиқ ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этишга ҳақли.

Суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқлари чекланган ота-она (улардан бири) болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек, болалар учун имтиёзлар ва давлат нафакаларига бўлган ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар. Бироқ, бу ҳолат бундай ота-оналарни (улардан бирини) болаларни таъминлаш мажбуриятларидан холос этмайди. Суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқлари чекланган ота-онанинг боласи билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, бола билан кўришишга рухсат берилиши мумкин. Ота-онанинг бола билан кўришишига васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёхуд васий (ҳомий)нинг боланинг тутинган ота-онаси ёки бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл кўйилади (Оила кодексининг 85-моддаси).

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шунингдек, ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклаш ҳам доимий амал қилувчи жазо чораси эмас, агар ота-она ўз хулқ-авторини, ҳаёт тарзини, боланинг тарбиясига муносабатини ўзгартирса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан ота-оналиқ ҳуқуқларини тиклаш ёки ота-оналиқ ҳуқуқларидаги чеклашларни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Ота-оналиқ ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар прокурор, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида кўриб чиқилади. Агар бола ўн ўшга етган бўлса, ота-оналиқ ҳуқуқларини тиклаш масаласида ҳам, ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклашларни бекор қилиш масаласида ҳам унинг розилиги албатта керак бўлади.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғи бевосита хавф остида қоладиган бўлса, ота-оналиқ ҳуқуқларидан маҳрум этиш ёки уларни чеклашдан олдин болани ота-онадан олиб қўйиш чораси қўлланиши мумкин.

Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли хужжати асосида васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади. Бунда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорни болани ота-онасидан олиш ҳақидаги фактдан хабардор қилиши, шунингдек, болани вақтинча яшаш жойи билан таъминлаши ва етти кун ичida ота-онани ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг (улардан бирининг) ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт. Тегишли ҳал қилув қарорини чиқаргандан кейин суд уч кун ичida ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани бола давлат рўйхатидан ўтган жойдаги

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига жұннатиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, никоғдан ажратиш ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклаш ёки маҳрум қилишга олиб келмайди. Никоғни бескор қилишда бола бирга яшамайдиган ота (она) боласи яшаётган ота (она) билан бир хилда тенг ҳуқуқини сақлаб қолади. Лекин бола бирга яшамайдиган ажрашган эр (хотин) зымасига болани таъминлаш мажбурияти юкландади.

#### 4. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Алимент мажбуриятлари оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг ишлаб топган маблағларининг бир қисмини оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларини таъминлашга ажратиш мажбуриятларидан иборат. Ажратма миқдори оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларини таъминлашга мажбур бўлган шахс ойлик жами даромадларига нисбатан улуши ҳисобларда ёки қатъий пул суммасида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси V бўлимига мувофиқ оиланинг барча аъзолари ва энг яқин қариндошлар алимент мажбуриятларига эга бўлишлари мумкин. Бинобарин, таъминот бўйича мажбуриятларга қўйидагилар эга бўла оладилар:

1. Вояга етмаган болаларига нисбатан, шунингдек, ёрдамга муҳтоҷ меҳнатга лаёқатсиз вояга етган болаларига нисбатан ота-оналар.

2. Ёрдамга муҳтоҷ меҳнатга лаёқатсиз ота-онасига нисбатан вояга етган фарзандлар (болалар олдидағи мажбуриятларини баҗаришдан ота-она бош тортганлиги, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, улар қайта тикланмагани суд томонидан аниқланган ҳоллар бундан мустасно).

3. Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтоҷ эри (хотини)га нисбатан хотин (эр). Оила кодексининг 118-моддасига мувофиқ етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан:

а) собиқ хотин - ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида;

б) ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан I гурӯҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтоҷ собиқ хотин (эр);

в) никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтоҷ собиқ хотин (эр);

г) никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичida пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтоҷ хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир;

д) никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин.

4. Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтоҷ ака-укалари ва опа-сингилларига нисбатан ака-укалар ва опа-сингиллар. Мазкур алимент мажбуриятлари, агар таъминотга муҳтоҷ шахслар ўз ота-оналари, эри (хотини)дан ёки

ўзларининг балоғатга етган болаларидан таъминот ололмаган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори асосида юклатилади (Оила кодексининг 125-моддасига қаранг).

5. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ оломаса, уларга нисбатан бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

6. Узларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки (хотинидан) (собиқ эри хотинидан) таъминот олмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли набиралар зиммасига юклатилиши мумкин (Оила кодексининг 124-моддаси).

7. Агар ўгай ота ва ўгай она ўзларининг меҳнатга лаёқатли болаларидан таъминот ололмаган ҳолларда меҳнатга лаёқатсиз ўгай ота ва ўгай онага нисбатан суднинг ҳал қилув қарори асосида таъминлаш мажбурияти ўгай ўғил ё қизга юклатилиши мумкин. Ўгай ота ва ўгай она ўз ўгай фарзандларини беш йилдан кам вақт давомида тарбиялаган ва таъминлаган ҳамда ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаргандарни тақдирдагина ўша ўгай фарзандларидан таъминот олишни талаб қилишга ҳақли бўладилар. Алимент мажбуриятлари (миқдори, шартлари, тўлаш шартлари ва ҳ. к.) масалалари тарафларнинг келишуви асосида белгиланиши мумкин. Меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож қариндошлар ёки бошқа шахсларни таъминлаш учун маблағлар фақат суд тартибида ундириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

Агар тарафлар келишувни тузмасалар ёки муросага кела олмасалар ёхуд бир тараф алимент тўлашдан бош тортса, иккинчи тараф алимент ундиришни, унинг миқдори ва тўланиши тартибини белгилашни сўраб, судга мурожаат қилиши мумкин. Оила кодексининг 99-моддасига биноан, вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун - тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун - ярмиси миқдорида ундирилади.

Ушбу тўловлар миқдори тарафларнинг моддий ва оиласий аҳволини ёки бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки оширилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун хужжатларида белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Алиментни ушлаб қолиш алимент тўлашга мажбур бўлган шахснинг иш жойида ойма-ої корхона маъмурияти томонидан суд тақдим этган ижро варақаси асосида амалга ошириб борилиши керак. Корхона маъмурияти иш ҳақи тўланганидан кейин уч кун мобайнида алимент тўлашга мажбур бўлган шахс ҳисобидан алиментни олувчига ўтказиши шарт (Оила кодексининг 136-, 137-моддаларига қаранг).

Алиментни ушлаб қолувчи корхона маъмурияти алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги, шунингдек, унинг янги иш жойи ёки яшаш жойи ҳақида уч кун ичида хабар бериши керак. Ўз навбатида алимент тўлаши шарт бўлган шахс худди шу муддат ичида ўз иш ёки турар жойи тўғрисида, кўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромад тўғрисида алимент олувчи шахсга хабар қилиши лозим (Оила кодексининг 138-моддасига қаранг).

Алиментларни тўлаш бўйича қарзлар тўпланиб қолганда, айбор шахс суднинг ҳал қилув қарори асосида алимент олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алиментлар суммасининг 0.1, фоизи миқдорида неустойка (жарима) тўлайди. Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганилигида айбор алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча заарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини унлиришга ҳам ҳақли.

Судга мурожаат этмай, алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга келган эр-хотин ушбу келишувни нотариал тасдиқлаб олишлари керак. Бу – келишув ижро варақаси қучини беради.

#### **Алимент мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда тутатилади:**

- 1) алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг вафоти ёки алимент олиб келган шахснинг вафоти муносабати билан;
- 2) алиментлар тўлаш тўғрисидаги келишув амал қиласиган муддатнинг ўтиши ёхуд ушбу келишувда назарда тутилган шартлар асосида;
- 3) бола вояга етиши ёки вояга етмаган болалар шу ёшга етгунча тўла муомала лаёқатига эришишлари муносабати билан;
- 4) таъминоти учун алимент ундириб келинаётган бола фарзанд қилиб олинганида;
- 5) алимент олувчининг меҳнат лаёқати тикланганилиги ёки ёрдамга муҳтоҷлилиги қолмагани суд томонидан эътироф этилганда;
- 6) меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтоҷ алимент олувчи собиқ эр (хотин) янги никоҳга кирганида (Оила кодексининг 147-моддасига қаранг).

## 5. ОТА-ОНА ҚАРАМОГИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ

Бу масалани Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 148-, 150-моддаларига асосан васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юқланади. Васийлик ва ҳомийлик органлари маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш таркиби (ҳокимликлар)га киради. Шунинг учун уларнинг фаолияти ҳокимликлар тўғрисидаги Қонунда ёки низомларда белгилаб кўйилиши лозим.

Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар борлигидан хабардор бўлган фуқаролар, шунингдек, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим ва бошқа тарбия муассасаларининг мансабдор шахслари бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олгандан кейин уч кун мобайнида боланинг яаш шароитларини текшириб чиқиши керак. Унда бола ота-она ёки қариндош-уруглари қарамогидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, васийлик ва ҳомийлик органи бир ой ичидан бундан кейин таъминлаш ва тарбиялаш учун болани жойлаштиришни таъминлаши шарт (Оила кодексининг 148-149-моддаларига қаранг).

Оила кодексининг 150-моддасига мувофиқ, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёки ота-оналар қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

Фарзандликка олишга васийлик (ҳомийлик) ва таъминот ҳамда тарбиянинг бошқа шаклларига фақат вояга етмаган болаларга нисбатан йўл кўйилади. Болани жойлаштиришда унинг этник келиб чиқиши, муайян дин, эътиқод ва тилга мансублиги ҳисобга олиниши керак. Шунингдек, бунда тарбиялаш ва таълим беришда ворисликка эришиш, боз устига болаларнинг тўлақонли жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолотини таъминлаш имкониятлари эътиборга олиниши лозим.

Социологлар ва руҳшунослар ҳақли равишда бола шахсининг шаклланишида фақат оила энг қулай муҳит бўлиши мумкин, деб таъкидлашади. Шунинг учун энг яхиси — оилани сақлаб қолган маъқул. Фарзандликка олиш бола руҳиятига энг кам зарба берадиган шакл сифатида дикқатга сазовор.

Болани фарзандликка олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 20-бобида белгилаб берилган. Унинг 152-моддасига биноан, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл кўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Вояга етган эркак ва аёл фуқаролар фарзандликка оловчилар бўлиши мумкин. Фарзандликка оловчи билан фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт. Ўгай ота ёки ўгай она болани фарзандликка олишганда, ёшдаги бундай фарқ талаб қилинмайди. Ўн ёшга етган болани фарзандликка олиш фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

*Кўйидагилар фарзандликка оловчилар бўлиши мумкин эмас:*

1) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки чекланган тарзда лаёқатли деб топилганлар;

2) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки чекланган тарзда лаёқатли деб топилган эр-хотин;

3) суд ҳукми билан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган шахслар;

4) ўзларига юкланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик вазифаларидан четлатилган шахслар;

5) фарзандликка оловчилар айби билан фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка оловчилар;

6) саломатликлари ҳолатига кўра ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларини адо этишга қурби етмайдиган шахслар;

7) руҳий касалликлар ёки наркология муассасаларида ҳисобда турадиган шахслар;

8) қасдлан қилинган жиноят учун муқаддам судланганлар.

Айнан бир болани фарзандликка олишни хоҳловчилар бир неча шахсадан иборат бўлиб қолганда, юқорида санаб ўтилган шартларга риоя этган ҳолда боланинг қариндошларига устунлик ҳуқуқи берилади.

Болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилади. Ушбу розилик ёзма равиша баён этилиши керак (Оила кодексининг 159-моддаси).

*Фарзандликка олишда унинг ота-онасининг розилиги қўйидаги ҳолларда талаб этилмайди:*

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса ёки суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

- ота-она ота-оналиқ ҳуқуқидан судда маҳрум қилинган бўлса;

- агар ота-она муомалага лаёқатсиз ёки вафот этган деб топилган бўлса;

- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки тиббиёт муассасаларида болаларидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Агар фарзандликка олувчи боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш истагини билдиримаса, фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми ва ота исми сақланиб қолиши мумкин. Оила кодексининг 164-моддасига биноан, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Боланинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олиш қонун билан ҳимояланган ҳолда сир сақланиши мумкин. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилганилик учун қонунда белгиланган жавобгарлик кўзда тутилган (Оила кодексининг 153-моддасига қаранг).

Оила кодексининг 169-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, фарзандликка олиш бекор қилиниши керак. Куйидаги ҳолларда фарзандликка олиш бекор қилинади, агар фарзандликка олувчилар:

- ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортсалар ёки уларни лозим даражада бажармасалар;
- ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилсалар;
- фарзандликка олинганларга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлсалар;
- сурункали ичкиликбозликка ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлсалар.

Суд боланинг манфаатидан келиб чиққан ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда бошқа сабабларга кўра ҳам фарзандликка олишни бекор қилиши мумкин.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчи ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўз кучини йўқотади, агар бола манфаатларига зид келмаса, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар боланинг ўз ота-онасига топширилиши мумкин. Бунда ота-она ва бола ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади. Ота-онаси йўқ бўлса ёки бу бола манфаатларига тўғри келмаса, бола васийлик ва ҳомийлик органига топширилади.

Болаларга васийлик ва ҳомийлик Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 173-, 188-моддаларига мувофиқ равишда белгиланади ва бекор қилинади. Оила кодексининг 179-моддасига мувофиқ васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин. Бунда уларнинг ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилмаганлиги ҳамда болани таъминлаш ва тарбиялаш мажбуриятларини бажа-

ришга лаёқатлилиги, шунингдек, унга маълумот олиш ва ҳар томонлама камолга етиш учун шароит яратиб бера олиш имкониятлари назарда тутилади. Ўз тарбиясидаги бола ўн олти ёшга тўлгунча васийлар ва ҳомийлар у билан бирга яашлари керак. Васий (ҳомий) боланинг ўз ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари билан кўришишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, бундан бола манфаатларига бундай кўришиш зид келган ҳоллар мустасно. Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятлари беғараз, яъни бепул бажарилади (Оила кодексининг 181-моддасига қаранг).

Васийлик ва ҳомийлик алоҳида қарорларсиз бола ўн саккиз ёшга тўлганида ёки у ўн саккиз ёшга тўлмасдан никоҳга кирганида тугайди. Васийлик ва ҳомийликнинг тугаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 189-, 190- моддаларида баён қилинган.

**Болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат).** Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ихтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оиласа тарбияга берилади (Оила кодексининг 194-моддаси).

Болани тарбиялашга бериш тўғрисидаги шартнома васийлик ва ҳомийлик органи билан тутинган ота-она ўртасида тузилади. Тутинган ота-оналарни танлаш фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга риоя этган ҳолда васийлар ва ҳомийлар органи томонидан амалга оширилади.

**Болаларни оиласа тарбияга олиш тўғрисидаги келишув мазмуни** болани таъминлаш, тарбиялаш ва унга маълумот бериш шартлари рўйхатини, бола тарбияга берилган оиласа нисбатан васийлик ва ҳомийлик органининг мажбуриятлари, келишувнинг амал қилиш муддати, келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатларини ўз ичига олиши керак.

Мазкур келишув тутинган ота-она ташаббуси билан муддатидан олдин (касаллиги, оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши, тарбиясидаги болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар), шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи ташаббуси билан ёки болаларни ота-онасига қайтариш ёхуд уларнинг фарзандликка олиниши муносабати билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин (Оила кодексининг 196-моддаси). Тутинган ота-оналар оиласа тарбияга олинган болага нисбатан васий (ҳомий)нинг хукуқ ва мажбуриятларига эга бўладилар. Тутинган ота-она меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда тарбияга олган оиласа бериладиган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида тарбияга олинган болалар сонига қараб белгиланади.

**Умумий хуносалар.** Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ва фуқаролик жамияти ҳамда ҳукуқий давлат асосларини шакллантириш шароитларида оиласвий муносабатларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солишнинг аҳамияти ғоят ошиб кетмоқда. Бу ҳолат оиласвий муносабатларни қонун билан бошқариш чегаралари муаммосини ҳал этиш, оиласдаги муносабатларни қонун йўли билан тартибга солишда маънавийлик ва ахлоқ нормалари ролини аниқлаш заруратини тақозо этмоқда. Юқорида ишонч ҳосил қылганимиздек, оила муаммоларига бизнинг республикамиизда катта эътибор бериб келиняпти. Оиласнинг жамиятнинг асосий ячейкаси сифатидаги роли алоҳида таъкидланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Оила» деб номланган махсус XIV боби бунга ёрқин далил бўла олади. Бу ғоят табиийдир, чунки Президентимиз таъкидлаганидек, «пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-т., Т., «Ўзбекистон», 1996., 278-бет.

## VI БЎЛИМ

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, усули, вазифалари ва тамойиллари.
2. Жиноятнинг белгилари ва жиноят таркиби элементларининг тавсифи. Жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодап озод қилиш асослари.
3. Жиноядда иштирокчилик тушунчаси ва шакллари. Жиноят иштирокчиларининг турлари.
4. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиласиган ҳолатлар тавсифи.

#### 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, УСУЛИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Жиноят ҳуқуқи — қилмишнинг жиноийлиги ва жазоланишини белгиловчи нормаларни, жиноий жавобгарлик асосларини, жазоллар тизимини, уларни тайинлаш тартиби ва шартларини, шунингдек, жиноий жавобгарликдан ва жазоланишдан озод қилиш асосларини акс эттирувчи ҳуқуқининг асосий тармоқларидан биридир.

Ҳуқуқнинг мазкур тармоғи жуда узоқ тарихга эга. Зеро, жуда Қадимда, Қадимги Римда давлат фуқаролар ҳаётига, шахсий мулкка ва давлат тузумига қасд қилганлик учун то ўлим жазосигача қаттиқ чоралар кўринишидаги санкцияларни ифодаловчи нормаларни кўзда тутарди. Бундай ҳуқуқ пенал ҳуқуқ деб аталарди (лотинча Penal - жазоловчи).

Қадимда рус тилида лотинча номнинг ўхшаши сифатида «уголовъе» сўзи ишлатиларди. Ҳозирги замон тушунчасида бу айлаш, жзолаш, оғир жазо, жиноят учун боши билан жавоб беришни англатади. Шу тариқа жиноят ҳуқуқи деганда ҳозирги вақтда жамиятда қабул қилинган нормаларни кўпол равишда бузганлик учун фуқароларни жазоловчи (кораловчи) ҳуқуқ тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи жиноят-ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келадиган ижтимоий алоқаларни тартибга солади. Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос ҳусусиятлари шундан иборатки, улар фақат жиноят қонунни бузган фуқаролар билан давлат ўртасида юзага келади. Жиноят ҳуқуқи соҳасининг қарийб барча олимлари, жиноят ҳуқуқий муносабатлар жиноят содир

этилган вақтдан пайдо бўлиб, судланганликни олиб ташлаш ёки тутатилиши билан ниҳоясига стади, деб қайд этишади.

Ана шу хусусият жиноят ҳукуқи предметини белгилаб беради.

Жиноят аломатларини акс эттирувчи ижтимосий ҳавфли қилмишлар жиноят ҳукуқининг предметини ташкил этади. Уларга куйидагилар киради:

- 1) шахсга қарши жиноятлар;
- 2) жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар;
- 3) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;
- 4) жиноят қонуни билан тақиқланган ҳукуққа хилоф ижтимоий ҳавфли қилмишлар.

Жиноят ҳукуқи усули қилмишнинг жинойлиги ва жазоланишини белгилаш, шахс, жамият, давлат учун ҳавфли хатти-ҳаракатларни жиноят қонуни билан тақиқлашдан иборат. Тақиқларни бузиш жиноий жавобгарлик ва жазони келтириб чиқарди.

Жиноят ҳукуқи нормалари кўпчилик ҳолларда тақиқловчи характеристерга эга бўлади. Уларда қандай мазмун ифодаланганига қараб жиноят ҳукуқи нормалари турли хил функцияларни бажаради. Уларнинг бир хиллари жиноят ҳукуқининг умумий қоидаларини, тамойиллари ва институтларини мустаҳкамлаб, жиноят ҳукуқининг умумий қисмини ташкил этади. Бешка нормалар жиноят деб топиладиган конкрет жиноий аломатларини эниқлайди ва улар учун жазо турлари ва чегараларини кўрсатиб беради. Булар жиноят ҳукуқининг маҳсус қисмини ташкил этади. Жиноят ҳукуқи ҳукуқнинг ушбу тармоги олдига қўйилган вазифалар ва функциялар билан белгиланувчи умумий ва маҳсус қисмлар бирлиги сифатида майдонга чиқади.

Жиноят ҳукуқининг вазифалари:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини сақлаш ва ҳимоя қилиш;
- 2) шахс, унинг ҳукуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва ижтимоий ҳавфсизликни муҳофаза этиш;
- 3) жиноий тажовузлардан фуқаролар ҳаёти ва соглигини сақлаш;
- 4) инсониятнинг тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш;
- 5) жиноятларнинг олдини олиш;
- 6) фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш (ЖКнинг 2-моддаси).

Жиноят ҳукуқининг функциялари:

- 1) ҳимояловчи функция — жиноят ҳукуқи предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш;

2) олдини олувчи (превентив) функция — умумий ва маҳсус огоҳлантиришлар бўлиб, улар натижасида шахс жазоланишдан кўркиб жиноятлардан ўзини тияди;

3) тарбиявий (аҳлоқ тузатиш) функция шахснинг ижтимоий-руҳий фазилатларини қонунларни, инсониятнинг жамиятда яшаш нормаларига ҳурмат билан қарашга йўналтиришни кўзда тутади;

4) рағбатлантирувчи функция жиноят содир этишдан воз кечиши, жиноят қуроли бўлиб қолиши мумкин бўлган насраларни ихтиёрий равища топширишга йўналтирилган ҳаракатларни давлат томонидан маъқулланишидан иборат, бу ҳолатлар жазони енгиллаштиришга ва ҳатто ундан озод қилишга олиб келади.

Ҳозирги босқичда давлатнинг жиноятларга қарши сиёсатида ривожланишининг икки тенденцияси мавжуд:

1) энг оғир жиноятларга қарши курашни кучайтириш;

2) ижтимоий хавф унча катта бўлмаган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик доирасини қисқартириш (масалан, меҳнат фаолиятидан бош тортганлик (текинхўрлик) учун, чайқовчилик учун жазолашни кўзда тутубучи Жиноят кодексининг моддалари бекор қилинган ва ҳ. к.). Жиноят ҳукуқи тамойиллари 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўз ифодасини топган.

**1. Қонунийлик тамойили (ЖК 4-моддаси)** шуни билдиради, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳукуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равища жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳукуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

**2. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили (ЖК 5-моддаси),** жиноят содир этган шахс жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортилишини билдиради.

**3. Демократизм тамойили (ЖК 6-моддаси).** Унга кўра жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар аҳлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

**4. Инсонларварлик тамойили.** Аввало шуни қайд этиш жоизки, бу тамойил биринчи навбатда жиноий тажсовузлардан шахсни

муҳофаза этишга, унинг саломатлиги ва ҳаётини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Инсонпарварлик тамойили шунингдек, қонунни бузган шахсларга ҳам қаратилган. Худди шунинг учун ҳам ушбу тамойил биноан жиноий жазо жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзлаши мумкин эмас.

Инсонпарварлик тамойилининг амал қилиши, шунингдек, амнистия бўйича муддатидан олдин озод қилишда, шартли равишда жазолашда ва шу кабиларда ҳам намоён бўлади (ЖКнинг 7-моддасига қаранг).

**5. Одиллик тамойили (ЖК 8-моддаси)** шуни англатадики, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилилк даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

**6. Айб учун жавобгарлик тамойили (ЖК 9-моддаси)** шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишини билдиради.

**7. Жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили (ЖК 10-моддаси)** «қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт»лигига ифодаланади.

Жиноят ҳуқуқини тамойиллари ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Қонун чиқарувчига, ҳуқуқни қўлловчи органларга ва фуқароларга қаратилган конкрет талаблар шу тизимнинг таркибий элементларидир. Қонунийлик ва одиллик мазкур тизимнинг етакчи принциплари сифатида майдонга чиқади. Жиноят ҳуқуқ принциплари ҳам умумий, ҳам маҳсус қисмлар учун муҳим асослар бўлиб ҳисобланади. Умумий қисмда акс этган туб моҳиятли тушунчаларнинг мағзини чақмай туриб, маҳсус қисм нормаларини фаҳмлаб олиш қўйин ва ҳатто мумкин ҳам эмас. Яна бир гап: Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқни бошқа тармоқлари билан, яъни жиноят процесси ва жиноят-ижроия ҳуқуқи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Жиноят тушунчаси давлатнинг вужудга келиши билан пайдо бўлган. Ибтидой тузум даврларида урф-одатларни бузиш жиноий жазо, яъни давлатнинг мажбурлов чорасини келтириб чиқармасди. Жиноят сўзининг келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсак, у давлатда қабул қилинган «қонун»ни бузган одам маъносини англатади. Жиноятнинг юридик маънодаги таърифи

илк бор 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари Декларациясида берилганди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 14-моддасида жиноятта күйидагича таъриф берилади: «Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбили ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлик) жазо күллаш таҳди迪 билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган обьектларга зарар етка-задиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади».

## 2. ЖИНОЯТНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ВА ЖИНОЙ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

### Жиноят белгилари:

Жиноятнинг биринчи белгиси — ижтимоий хавфлилик. Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланиб, айнан шу билан у маъмурний хатти-харакатдан фарқланади. Жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига қараб күйидагиларга бўлинади:

а) ижтимоий хавф катта бўлмаган жиноятлар, улар учун қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазо назарда тутилган;

б) уйча оғир бўлмаган жиноятлар — улар учун қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида-ги жазо, шунингдек, эҳтиёtsизлик орқали содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзидағи жазо назарда тутилган;

в) оғир, қасдан содир этилган жиноятлар, улар учун қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидағи жазо назарда тутилган;

г) ўта оғир, қасдан содир этилган жиноятлар, улар учун қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган.

Жиноятнинг иккинчи белгиси унинг ҳукуқда хилофлигидадир. Ушбу белгига мувофиқ у ёки бу қилмиш, агар жиноят қонунида уни содир этиш тақиқланган бўлсангина, жиноий қилмиш деб топилиши мумкин. Парадоксга қарангки, ҳатто қилмиш очиқ ижтимоий хавфли характерга эга бўла туриб, айни пайтда Жиноят колексида тегишли модда бўлмаса, мазкур қилмиш жиноят деб топилиши мумкин эмас. Ҳақиқатан ҳам ўзи йўқ бўлган «Қонунни бузиш» мумкинми? Масалан, худди шу сабабдан аёлларга ҳамла қилиб, бойлик ортириш мақсадида уларнинг ўрим

соchlарини қырқиб кетувчи шахслар узоқ вақтгача жазодан күтулиб юрішганди.

Айб мавжудлиги жиноятнинг учичи белгисидир. Уният мөхияти шундан иборатки, ижтимоий хавфли, жиноят қонун билан тақиғланган қылмиш фақат уни содир этган шахснинг айби исботланганидан кейингина жиноят деб ҳисобланади.

Санаб ўтілган белгилар жиноятларнинг мөхиятини очиб берувчи муҳим тасвифлардир. Ижтимоий хавфлилик мөхиятини, ноқонуний қылмишни содир этган шахснинг айблилик даражасини аниқлашда, жазо ҳажмини белгилаш учун жиноят қылмиш бүйича бир қатор құшимча маълумотларни аниқлаш керак бўлади. Бу маълумотлар жиноят таркибини ташкил этади.

**Жиноят таркиби** — бу ижтимоий хавфли қылмишнинг объектив ега субъектив элементлари йигиндицидан иборат. Жиноят таркибини аниқлаш уни тўғри баҳолаш учун керак бўлади.

Жиноятларни баҳолаш содир этилган жиноят қылмиш билан содир этилган тақиғланган қылмиш баёни ифодаланган ва жазо ҳажми белгиланадиган Жиноят кодекси моддаси ўртасидаги мувофиқликни топишдан иборат. Масалан, Бирорвнинг мулкини ўтираш жинояти содир этилган. Ушбу ноқонуний қылмиш баёни ва шу бўйича жазо ҳажми Жиноят кодексининг 169-моддасида келтирилган. Унга кўра ушбу қылмиш «ўрилилк» деб баҳоланади. Мулкни очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш Жиноят кодексининг 166-моддасига бинсан «талончилик» деб баҳоланади.

**Жиноят таркибининг элементлари:**

- жиноят объекти;
- объектив томон;
- жиноят субъекти;
- субъектив томон.

Жиноят обьекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардан иборат.

Жиноятлар обьектларининг уч тури мавжуд:

1) **умумий обьект** — жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар йигиндиси.

2) **махсус обьект** — жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган ўз мөхияти бўйича бир хилдаги ижтимоий муносабатлар (Жиноят кодексининг Махсус қисмида қанча боб бўлса, шунча махсус обьектлари бор);

3) **жиноятнинг бевосита обьектлари** жиноятларнинг аниқ турига бевосита қаратилган ижтимоий муносабатлардан иборат (Жиноят кодекси махсус қисмининг ҳар бир моддаси бевосита обьектни кўрсатади).

Жиноят объектидан жиноий тажовуз предметини фарқлай билиш керак. Жиноий тажовуз предмети жиноятчи тажовуз қиласынан битта айрим предметдан иборат. Масалан, жиноятчи ўзганинг квартирасига яширинча кириб, телевизорини ўғирлади. Телевизор — жиноят предметидир, ушбу ҳолатда Жиноят кодексининг 169-моддасига мувофиқ мулк жиноят объектти ҳисобланади.

Жиноят объектини аниқлаш жиноят таркибини аниқлашнинг бошланғич (тайёргарлик) босқичи бўлиб хизмат қиласи.

Объектив томон — бу «объектив воқеликда қилмишни амалга оширувчи шахснинг онгли иродали ҳаракати бўлиб, атроф дунёда муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради»<sup>1</sup>.

Объектив томоннинг белгиларига қуйидагилар киради:

- 1) ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- 2) жиноий оқибат;
- 3) ижтимоий хавфли ҳаракат билан рўй берган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 4) жиноят содир этилган вақт;
- 5) жиноят содир этилган жой;
- 6) жиноят содир этилган муҳит;
- 7) жиноятни содир этиш усули;
- 8) жиноятни содир этиш қуроли;
- 9) жиноят содир этиш воситаси.

Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) — бу жиноят объектив томонининг ташқи ҳолатини белгилайди. Қилмиш фақат хоҳиш ирова билан амалга оширилган ва қонун билан тақиқлангандагина ижтимоий хавфли моҳиятга эга бўлади.

Зарарли оқибатлар жиноий тажовуз объектларида жамиятга қарши ўзгаришлар, яъни ҳам мулкий, ҳам маънавий зарар, жисмоний ва руҳий зарар, жамоат тартибига қарши, меҳнат хукуқларига қарши жиноятлар ва ҳоказолар.

Сабабий боғланиш деганда бир ҳодиса муайян шароитларда муқаррар равишда иккинчисини келтириб чиқарадиган ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги тушунилади. Бошқача айтганда, сабабий злоқа ҳодисалар ҳолати ва хусусиятларини ўзгаришишга олиб борувчи ёхуд янги ҳодисаларни келтириб чиқарувчи ҳодисаларнинг бир-бираига ўзаро таъсиридир. Сабабий боғланиш жиноят объектив томонининг зарурий белгиларидан ҳисобланади. Чунончи, агар жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиб, унинг зарарли оқибатлари мавжуд бўлгани ҳолда уларнинг биринчиси билан иккинчиси ўртасида сабабий боғланиш бўлмас экан, жиноятнинг объектив томони ҳам бўлмайди.

<sup>1</sup> Жиноят кодексига шарҳлар. Т., «Адолат», 1996.

Қилмиш билан унинг заарли оқибатлари ўртасидаги сабабий боғлиқликни аниқлаш жиноят бўйича суриштирув ишларини олиб бориш жараёнида тергов органларининг энг муҳим вазифаларидандир.

Жиноятни содир этиш усули шахс ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишда фойдаланадиган усул, метод, муайян ҳаракат ёки уларнинг йифиндисидан иборат.

Жиноятни содир этиш вазияти дейилганда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир ўтказган ва шу билан боғлиқ равишда жиноий-хуқуқий аҳамият касб этган инсон, моддий предметлар, табиий оғатлар ва бошқа омиллар ўзаро таъсирининг содир этилган жиноятнинг вақт билан чегараланган маконидир.

Жиноят қонунида тақиқланган қилмиш рўй берган макон жиноят содир этилган жой деб тушунилади.

Жиноят содир этилган вақт жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда аҳамиятга эга. Масалан, тунги вақтда содир этилган жиноятлар кундузги вақтдагиларига қараганда кўпроқ ижтимоий хавф туғдиради. Вақт, шунингдек, жиноятнинг давомийлигини ҳам кўрсатиб беради.

Жиноятни содир этиш **воситалари** — нарсалар ва мосламалар. Жиноятчи улар воситасида жиноят объектига зарар етказади.

Жиноят қуроллари — булар жиноят содир этишга ёрдам берадиган ҳамда ижтимоий муносабатлар элементларига таъсир ўтказадиган нарсалардан иборат. Баъзан биргина нарсанинг ўзи турли сифатларга эга бўлиши мумкин (чунончи, тўппонча — қасдан одам ўлдиришда жиноят қуроли вазифасини ўтайди, айни пайтда унинг ўзи ноқонуний сақланганда жиноят воситаси ҳисобланади).

Жиноят қонуни билан белгиланган муайян ёшга етган ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг конкрет нормаларида мустаҳкамланган аломатларга эга бўлган ўз қилмишига ўзи жавоб берса оладиган жисмоний шахс **жиноят субъекти** деб топилади.

**Жиноят субъектининг белгилари:**

- 1) жисмоний шахс;
- 2) ақли расолик (ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик моҳиятини идрок этиш қобилияти ва ўз хатти-ҳаркатларини бошқара олиш лаёқати);
- 3) жиноий жавобгарлик ёшига етганлик (барча жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёши 16 ёшдан, ўта оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарлик — 14 ёшдан бошланади, айни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш — 13 ёш).

Булар умумий белгилар бўлиб, улардан ташқари яна жиноят хукуқининг маҳсус қисми нормаларининг диспозициясида кўрсатилган кўшимча белгилар ҳам мавжуд.

Жиноятнинг субъектив томонини ташкил этувчи белгиларга куйидагилар киради:

Айб — бу шахснинг содир этилган жиноятга бўлган руҳий муносабатдир.

Айб шакллари — жиноят қонуний аниқланган жиноий қилмишни содир этаётган шахснинг шу қилмишга муносабатини характерловчи онг ва ирода элементларининг муайян тарздағи қўшилишидир. Айб қасдан ва эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин.

Сабаб — шахсни жиноий қилмишни содир этишга қатний киришишга даъват этган онгли хоҳиш-истак. Сабаб ҳамиша жиноядан олдин пайдо бўлади ва унинг мақсадини тақозо этади. Сабаблар йигиндиси жиноий ҳаракат сабабларини ташкил этади.

Мақсад — шахс жиноий қилмишни содир этар экан, у ҳаёлида интиладиган натижадир. Сабаб ва мақсад биргаликда айни шакллантиради.

Сабаб ва мақсад жазони юмшатувчи ҳолатлар (масалан, оғир ҳаётий аҳвол) бўлиши ҳам, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи (масалан, миллий, ирқни, диний нафрат ёки душманлик сабабларига кўра, шунингдек, бошқа жиноятни яшириши ёки унинг содир этилишини енгиллаштириши мақсадида жиноят содир этиш) ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

**Жиноятлар таркибларининг турлари.** Жиноят хукуки назариясида жиноятлар таркибларининг бир нечта таснифлари қабул қилинган. Улар алоҳида таркиблар ва уларнинг хусусиятларини батафсилроқ аниқлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида содир этилган жиноятни таснифлашинг асосланганлиги ва тўғрилигини белгилаб беради.

Ихтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ равишда жиноят таркиблари қуйидаги турларга бўлинади: 1) жиноятнинг аёсий таркиби; 2) енгиллаштирувчи ҳолатлари бўлган жиноят таркиби (имтиёзли); 3) оғирлаштирувчи ҳолатлари бўлган (квалификациялаштирилган) жиноят таркиби; 4) алоҳида квалификациялаштирилган жиноят таркиби.

Баён этиши усулига кўра жиноят таркиблари оддий, мураккаб ва муқобил таркибларга бўлинади:

а) **жиноятнинг оддий таркиби** бир объектга тажовуз этган бир қилмиш баёнини акс эттиради. Масалан, ёлгон хабар бериш жиноятининг таркиби «жиноят тўғрисида била туриб, ёлгон хабар бериш» деб белгиланади (Жиноят кодексининг 237-моддаси).

**б) жинояттинг мураккаб таркиби** ёхуд қатор оддий таркиблар жиноятни ташкил этувчи ягона таркибни қамраб олувчи ёки айбнинг икки шаклини қамраб олувчи бир йўла икки ёки ундан ортиқ обьектлар ёхуд икки ёки ундан ортиқ қилмишлар ёки бир неча муқобил аломатлар.

**в) муқобил таркиблар** фақат биттаси ҳам жиноят таркибини эътироф этиш учун етарли бўлган бир қатор жиноий оқибатлар баёни ифодасидан иборат. Жумладан, монополияга қарши қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодексининг 183-моддасига кўра, бу жиноят таркиби монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб тақдим қилиш шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлик тушунилади.

Тузилишига кўра жиноят таркиблари қуидагиларга бўлинади:

**а) моддий таркиб жинояттинг** обьектив томони ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхатини акс эттируви ва шу қилмишлар сабабли вужудга келадиган заарли оқибатларни кўрсатиб берувчи жиноят таркиблари;

**б) формал таркиб жинояттинг** обьектив томони одатда битта ижтимоий хавфли қилмишни баён қилиб, жиноят тамом бўлган пайтни аниқлаб берса-да, унинг заарли оқибатларини албатта, кўрсатиб беравермайдиган жиноят таркиблариdir. (Масалан, «Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш» тўғрисидаги Жиноят кодексининг 264-моддаси).

**в) кесик таркибли жиноятлар** — обьектив томони тамом бўлмаган ижтимоий хавфли қилмишни тасвирлайди ва у кетидан заарли оқибатларни келтириб чиқармаса-да, уни тугалланган жиноят сифатида баҳолайди.

Жиноят таркибининг барча элементлари муҳим аҳамиятга эга бўлади ва, агар улардан бирортаси бўлмаса, жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Жиноят таркиби элементларининг мавжудлигини тасдиқловчи далилларни тўплаш ва исботлаш суриштирув органларининг бош вазифасидир. Жиноят таркибининг аҳамияти шундан иборатки, у қилмишнинг ижтимоий хавфлилик моҳиятини, ушбу қилмишни содир этган шахс айбининг даражасини, жиноий жавобгарлик турини ва жазони тўғри белгилашга хизмат қиласди.

**Жиноий жавобгарлик** — жамиятда қабул қилинган хукуқ нормаларига зид ҳаракатлар қилган айбордor шахс учун судланганлик оқибатлардан иборат. Жиноят таркиби барча аломатларини ўзида акс эттирган қилмишни содир этиш жиноий

жавобгарлик учун асос бўлади. Фақат жиноят қонунларига зид қилмишлар учунгина жиноий жавобгарлик юзага келади.

**Жиноий жазо** — жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳукуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир (Жиноят кодексининг 42-моддаси).

Жиноий жазо маҳсус қисм нормаларидағи санкцияларни қўллашдан иборат.

**Жиноий жавобгарлик тушунчаси** жиноий жазо тушунчаси билан бир хил маънони англатмайди:

1) вақт бўйича жиноий жавобгарлик ҳамиша жиноий жазодан олдинда юради;

2) жиноий жавобгарлик жазосиз ҳам бўлиши мумкин (масалан, шартли ҳукм қилинганда);

3) жиноий жавобгарлик жиноий қилмишнинг объектив ҳукуқий оқибатидир ва, бинобарин, бирор-бир кимсанинг ҳоҳиш-иродасисиз, автоматик суратда, жиноий қонун билан зиддиятга борган заҳоти вужудга келади. Жиноий жазо субъектив характерга эга бўлиб, унинг вужудга келиши ва ҳажми маҳсус ваколатли органлар иродасига боғлиқ;

4) жиноий жавобгарлик ҳукуққа зид қилмишни содир этишда айбдор бўлган шахсни давлат номидан қоралашдан иборат. Бундан фарқли ўлароқ, жиноий жазо санкция қўрсатилган жазоларни қўллаш билан суд ҳукми бўйича тайинланадиган давлат таъсири (мажбурлови) чорасидир.

### **Жиноят ҳукуқидаги санкциялар:**

1) жазонинг фақат юқори чегарасини қўрсатувчи санкциялар (масалан, Жиноят кодексининг «Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш» деб номланган 222-моддаси беш йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутади).

2) жазонинг пастки ва юқоридаги чегараларини қўрсатувчи санкциялар (чунончи, «Қасддан одам ўлдириш» тўғрисидаги Жиноят кодексининг 97-моддаси ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этишни назарда тутади);

3) муқобил санкциялар (масалан, 166-моддада «талончилик, яъни ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» дейилади).

Ҳозир амалда бўлган Жиноят кодексида мутлақ санкциялар акс этмаган.

Жазо турлари Жиноят кодексининг 43-моддасида кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддада жиноий жазоларнинг (жаримадан то ўлим жазосигача) ўнта тури санаб ўтилган. Конун чиқарувчи уларни асосий ва қўшимча жазо турларига ажратган. Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш ва мол-мулкни мусодара қилиш — қўшимча жазо чоралари қаторига киритилган.

**Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари:**

1) Шахс жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун — уч йил; унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик муддати — беш йил; оғир жиноятлар учун — ўн йил; ўта оғир жиноятлар учун жавобгарлик муддати — ўн беш йил. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик озод қилиш муддати кўлланилмайди (Жиноят кодексининг 64-моддаси).

2) Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг хавфлиигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин (Жиноят кодексининг 65-моддаси).

3) Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилингандан кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айнини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин (Жиноят кодексининг 66-моддаси).

4) Жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади (Жиноят кодексининг 67-моддаси).

5) Жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин (Жиноят кодексининг 68-моддаси).

**Жиноий жазодан озод қилиш асослари:**

1. Жиноят содир этган шахсга нисбатан суд айлов ҳукмини ижроси ўтиб кетганлиги муносабати билан жазони ўтгашдан озод қилиши мумкин. Суд айлов ҳукми муддатининг ўтиб кетиши жазодан озод қилиш учун асос бўлувчи муддатларининг ўтиб кетишига ўхшайди (Жиноят кодексининг 69-моддасига қаранг).

2. Озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаётган шахслар суд хукми бўйича муддатидан илгари — шартли озод қилинишлари мумкин (Жиноят кодексининг 73-моддасига қаранг).

3. Жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгариб ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин (Жиноят кодексининг 70-моддаси).

4. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этганидан кейин етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қўлган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин (Жиноят кодексининг 71-моддаси).

5. Агар шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган бўлса, суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин. Бундай алмаштириш ҳукм қилинган шахс жазонинг камида учдан бир қисмини ўтагандан кейин рўй беради (Жиноят кодексининг 74-моддаси III-қисм, «а» бандига қаранг).

### **3. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ШАКЛЛАРИ. ЖИНОЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

**Жиноятда иштирокчилик.** Жиноят кодексининг 27-моддасига мувофиқ «икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этишда биргаллашиб қасдан жиноят содир этиш иштирокчилик деб топилади».

**Иштирокчилик шакллари.** Оддий иштирокчилик, мураккаб иширокчилик, уюшган гурӯҳ, жиноий уюшма — жиноятда иштирокчилик шакллари деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириттириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши **мураккаб иштирокчилик** деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гурӯҳга бирлашиши **уюшган гурӯҳ** деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гурӯхнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши **жиноий уюшма** деб топилади (Жиноят кодексининг 29-моддаси).

**Жиноят иштирокчиларининг турлари:**

**Бажарувчи (бажарувчилар)** — жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчидир. Бажарувчи бош ролни йўнайди. У энг фаол бўлгани учун ҳам жиноятнинг энг хавфли иштирокчиси ҳисобланади.

**Ташкилотчи** — жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахсдир. Ташкилотчи баъзи ҳолларда айни пайтда бажарувчи ҳам бўлади. Жиноят ташкилотчисининг ҳаракатлари ҳамиша тўғридан-тўғри қасд қилиш деб баҳоланади.

**Далолатчи** — қизиқтирувчи ёки бошқа усул билан жиноятга ундовчи шахсдир. Фақат пухта ўйланган фаол ҳаракатлар билан гина шахсни жиноятга оғдириш мумкин, шунинг учун айрим ҳолларда (масалан, «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш» деб номланган 159-моддада кўзда тутилгани каби) далолатчилик алоҳида тамомланган жиноят сифатида ажратилиши мумкин.

**Ёрдамчи** — жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек, жиноятчини, жиноят содир этиш куроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек, бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахсдир (Жиноят кодексининг 28-моддасига қаранг).

Баъзан ёрдамчиликнинг яна бир тури ажратилади — у ҳам бўлса жиноятга йўл қўйишдир. Бу ҳолат хизмат вазифаси бўйича жиноятнинг олдини олишга мажбур бўлган шахс бу ишни қилмагани билан боғлиқ. Одатда йўл қўйиб берганлик учун жиноий жавобгарликка фақат мансабдор шахслар тортилади (масалан, «Мансабга совуққонлик билан қараш» деб номланган 207-модда).

Жиноят ҳуқуқида жиноятга даҳлдорлик тушунчалиси ҳам мавжуд. Жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимиyат органларига хабар қилмаслик, ЖКнинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади. Бироқ олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди (Жиноят кодексининг 31-моддасига қаранг).

#### 4. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ТАВСИФИ

Жинсият ҳукуқида бир шахснинг ўзини ҳимоя қилиш ёки ижтимоий хавфли қилмишнинг олдини олиш мақсадида жиноят содир этгаётган шахсга жисмоний, маънавий ёки бошқа зарар етказиши ҳосдисалари ҳам назарда тутилади. Бундай ҳаракатларда расмий жиҳатдан жиноят аломатлари содир бўлса-да, агар улар жиноятнинг асосий аломати — ижтимоий хавфлиликни ифодаламаса, муроҷаатнинг вазиятларда улар жиноят деб топилмаслиги мумкин.

Қонун чиқарувчи бундай ҳолатларнинг рўйхатини беради. Унга қуйидагилар киради:

- Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги;
- зарурий мудофаа;
- охирги зарурат;
- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш;
- буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш;
- касб ёки хўжалик фаолиятига оид асосли таваккалчилик (Жиноят кодексининг 35-моддасига қаранг).

Жиноят кодексининг 36-моддасига биноан гарчи ЖКда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди.

Ижтимоий хавфли тажовуздан шахсни ва мудофааланувчи ёки бошқа шахслар ҳукуқларини ҳимоя қилиш (ЖКнинг 37-моддаси) зарурий мудофаа ҳисобланади. Бунда, агар ҳужум мудофааланувчи ёки бошқа шахс ҳаёти учун хавфли зўравонлик билан боғланиб кетган бўлса ёки бундай зўравонликни қўлланишининг бевосита таҳди迪 билан қўшилиб кетган бўлса, тажовуз қилувчига ҳар қандай зарар келтиришга йўл қўйилади.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегара санч четта чиқиши деб топилади.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутилиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, зарурий мудофаа ҳукуқи шахсга тегишилдири.

Зарар етказиш мақсадида қасдан ҳужум қилиш истагини кўзғатиш зарур мудофаа деб топилмайди (ЖКнинг 37-моддаси).

Охирги зарурат (Жиноят кодексининг 38-моддаси) — бу шундай ҳолатки, унда хавфни бартараф этиш жараёнида яна ҳам катта зарар қўрилишидан қочиш мақсадида зарар келтириш зарурати вужудга келади. Масалан, ёнгин пайтида оловнинг ёйилишининг олдини олиш мақсадида ўт ўчирувчилар ёнмаётган биноларни бузишади. Охирги зарурат, шунингдек, ички ишлар органилари ходимлари ўз хизмат вазифаларини адо этаётган пайларида ҳам юзага келади. Чунончи, ходим жиноятчини ушлаш вақтида энг сўнгги заруратдагина табел қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Охирги зарурат чегараларидан четга чиқиш зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетишнинг шунга ўхашаш шароитларида рўй беради.

Жиноят кодексининг 39-моддасида «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди», деб кўрсатилади.

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (Жиноят кодексининг 40-моддаси). Ушбу моддага мувофиқ, гайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 41-моддасига биноан **касл** ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, шахс ва давлат манбаатларига зарар келтирилган бўлса, бундай қилмиш, гарчи жиноят аломатлари мавжуд бўлсада, у жавобгарликка тортилмайди. Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун бошқа воситаларни қўлланишнинг иложи бўлмаган ҳолларда таваккалчилик асосли деб топилади.

Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинligини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди.

**Умумий хulosалар.** Ҳукуқ тизимида жиноят ҳукуки муҳим рол ўйнайди. Унинг бундай роли ўз олдида турган алоҳида муҳим вазифалар билан боғлиқ. Бу вазифаларнинг энг муҳимлари инсон ва фуқаро ҳақ-ҳукуқлари ва эркинликларини, мулкни, ижтимоий хавфсизлик ва жамоат тартибини, конституциявий тузумни, атроф-муҳитни жиноий тажовузлардан асррабавайлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олишдан иборат.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БЎЛИМ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ.....	5
ДАВЛАТ НАЗАРИЯСИ.....	5
1. Давлатнинг келиб чиқиш назариялари.....	5
2. Давлатнинг моҳияти, унинг белгилари ва вазифалари.....	10
3. Ўзбекистон давлат механизми, унинг таркибий тузилиши.....	19
4. Давлат шакллари.....	26
ҲУҚУҚ – ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБА СОЛИБ ТУРУВЧИ АСОСИЙ ВОСИТА.....	42
1. Ҳукуқнинг моҳияти, унинг белгилари ва функциялари.....	42
2. Ҳукуқ ва ахлоқнинг ўзаро нисбати.....	49
3. Ҳукуқ тамойиллари.....	58
ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ҲУҚУҚНИНГ АМАЛ КИЛИШИ.....	66
1. Ҳукуқ нормалари, уларнинг таркиби, турлари ва ифода услублари.....	66
2. Меърий-ҳукукий хужжатлар, уларнинг турлари ва улар олдига қўйиладиган талаблар.....	73
3. Меърий-ҳукукий хужжатларнинг вақтда, ҳудудда ва шахслараро ҳаракати.....	82
ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР МАЗМУНИ.....	86
1. Ҳукуқий муносабат тушунчаси, унинг асослари ва таркиби.....	86
2. Ҳукуқ тизими ва уни тизимлаш шакллари.....	95
3. Ҳукуқбузарлик ва юридик жавобгарлик.....	99
II БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.....	104
1. Маъмурний ҳукуқ тушунчаси, унинг предмети, манбалари, субъектлари ва тамойиллари. Маъмурний ҳукуқ тизими.....	104
2. Маъмурий-ҳукуқий муносабатлар тасвифи. Маъмурий-ҳукуқий нормалар турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	107
3. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва маъмурий жазо турлари.....	111
III БЎЛИМ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.....	117
1. Фуқаролик ҳукуқининг предмети ва усуллари.....	117
2. Фуқаролик-ҳукуқий муносабатлар тушунчаси ва таснифи.....	122
3. Юридик шахслар — фуқаролик-ҳукуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида.....	129

4. Фуқаролик ҳуқуқида битимлар тушунчаси, уларнинг турлари, шакллари ва ҳақиқийлик шартлари.....	144
5. Мулк ҳуқуқининг мазмуни, вужудга келиш ва бисор бўлиш асослари.....	150
6. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар турлари ва уларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари.....	163
<b>IV БЎЛИМ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>171</b>
1. Меҳнат ҳуқуки тушунчаси, предмети, усули, манбалари, тамойиллари ва функциялари.....	171
2. Жамоа шартномалари ва келишувлари.....	176
3. Меҳнат шартномаси (контракти). Уни тузиш ва бекор қилиш тартиби.....	179
4. Меҳнатнинг муҳим шартларини ҳуқуқий тартибга солиши.....	183
5. Меҳнат интизоми ва меҳнат низоларини ҳал этиши.....	187
<b>V БЎЛИМ. ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>193</b>
1. Оила ҳуқуки тушунчаси, предмети ва манбалари. Никоҳни тузиш ва тутатилиш тартиби.....	193
2. Эр-хотинларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	200
3. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	204
4. Оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари.....	213
5. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш.....	216
<b>VI БЎЛИМ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>219</b>
1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, усули, вазифалари ва тамойиллари.....	219
2. Жиноятнинг белгилари ва жиноят таркиби элементларининг тавсифи. Жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиш асослари.....	223
3. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва шакллари. Жиноят иштирокчиларининг турлари.....	231
4. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиласиган ҳолатлар тавсифи....	233

**З.Исломов, М.Мирҳамидов**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК**

**Тошкент – 2002**

*Нашр учун масъул Н. Халилов  
Таҳририят мудири М. Миркомилов  
Бадиий муҳаррир М. Ҳайдарова  
Тех. муҳаррир Р. Агееев  
Мусаҳхиха Т. Усмонова*

Босишга руҳсат этилди: 8.04.2002 й. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Офсет қофози. Шартли босма табоги 15,0 Нашр табоги 15,25.  
Адади 4000 .Буюртма 29

Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти,  
Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30 уй.

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент,  
Мустақиллик майдони, 5.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги «ЎАЖБНТ»  
Марказининг компьютер бўлимида тайёрланди.

«Хега-принт» босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Буюк Ипак Йули, 235-а.